

Абдимажид ПЎЛАТОВ

ИНГЛИЗ ТИЛИ

Мустақил ўрганувчилар учун

(тўлдирилган қайта нашр)

Грамматика билан икки босқичли танишув:

- 1) *асослар* – инглиз тили кафтингизда
- 2) *нозик жиҳатлар* – инглиз тили қўйнингизда


Луғат бойлигини шакллантириш:

- 1) байналминал сўзлар,
- 2) сўз яшаш формулалари,
- 3) предлогли сўзлар рўйхати,
- 4) суффикс (префикс)ли сўзлар рўйхати

Сўзларга тайёрланиш:

- 1) сўзлашув иборалари,
- 2) идиома ва сленглар,
- 3) мақол ва маталлар

Тошкент
«Академнашр»
2013 йил



УДК: 811.111

ББК 81.2 Ингл

П99

П99 Пўлатов, Абдимажид Қаюмович.

Инглиз тили: илк ўрганувчига ва давом эттирувчига, ҳаммабоплик ва жиддийлик, асослар ва нозик жиҳатлар, ўзбекча ва инглизча сўз эслаб қолиш ҳамда сўзлашув кўникмалари / А.Қ.Пўлатов; ўзбекча талқин И.Қ.Наримонованики. Тўлдирилган қайта нашр. – Тошкент.: Akadernashr, 2013. – 276 б.

ISBN 978-9943-4119-2-0

УДК: 811.111
ББК 81.2 Ингл я7

*Мазкур китобимни отам Абдуқайом Пўлатов ва
онам Сабура Фазилваларнинг
ёрқин хотираларига бағишлайман.*

Пўлатов Абдимажид Қаюмович математик, Новосибирск давлат университети битирувчиси, физика-математика фанлари доктори, профессор, дискрет математика ва математик логика ҳамда компьютер лингвистикаси соҳалари бўйича мутахассис.

Муаллифнинг ушбу китоби инглиз тилига ташқи бир назар, инглиз тилининг барча мураккабликлари билан ўзи танишган, унинг қонуниятларини ўзи ўрганиб, ўзи қандайдир кашфиётлар қилган одамнинг назаридир. Шу сабабли китоб фойдаланувчи, яъни инглиз тилини ўргатувчи эмас, балки ўрганувчисига қулайлик яратиш нуқтаи назаридан ёзилган.

Китоб ўз ўқувчисини топиб, кенг омма орасида машҳур ва керакли бўлишига шубҳамиз йўқ. Тил ўрганишга илк қадам қўяётган бошловчилар ҳам, тил соҳасини касб қилганлар ҳам ундан катта наф олишига ишонамиз.

Муҳаррир:

Тайметов Қ.С. – филология фанлари доктори, ЎзМУ инглиз тили кафедраси профессори, турли тиллар қиёсий лингвистикаси мутахассиси

Тақризчилар:


Ҳамдамов Т.Б. – профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети хорижий тиллар кафедраси мудири

Ҳошимов У.Х. – доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Тил ўқитиш методикаси» кафедраси мудири

Муаллиф ҳуқуқлари ҳимояланган.

Мазкур нашрнинг бутунлигича ёки қисман қайта босиш, турли кўринишдаги кўпайтирувчи техника воситасида оммавий нусха кўчириш фақат муаллифнинг ёзма шаклдаги рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

ISBN 978-9943-4119-2-0



© Абдимажид Пўлатов «Инглиз тили».
© «Akadernashr» нашриёти, 2013 йил.

МУҲАРРИР СЎЗИ

А.Қ.Пўлатовнинг китоби инглиз тили бўйича ўзига хос дарслик ва маълумотномадир. Китоб кўргазмали-тавсифий хусусиятга эга, унда материал тизимли тартибда талқин этилади.

Муаллиф мавзу баёнида урф бўлган аниқ бир қонун-қоидага риоя қилса-да, экспанатор материал тақдимида ҳар доим ҳам анъанавий усуллардан фойдаланмайди. Бу китоб инглиз тилига ташқи бир назар, инглиз тилининг барча мураккабликлари билан ўзи танишган, унинг қонуниятларини ўзи ўрганиб, ўзи қандайдир кашфиётлар қилган одамнинг назаридир. Муаллиф мазкур кашфиётлари ила ўз ўқувчилари – китобдан фойдаланувчилар билан ўртоқлашади. Шу сабабли китоб фойдаланувчи, яъни инглиз тилини ўргатувчи эмас, балки ўрганувчига қулайлик яратиш нуқтаи назаридан ёзилган. Муаллиф ўқувчисини энг оддий маълумотлар билан таништириб, мураккаброқ ҳодисаларга рўбарў қилиб, ахийри нутқ уммониға шўнғигунича етаклаб боради.

А.Қ.Пўлатов тилшунос эмас, математика профессори эканлиги меҳнатининг яна бир устун жиҳатини изоҳлайди: «сўз ясаш» бобида турли хил қўшимча, предлог ва сўздаги бошқа сўз ясаш воситаларининг мазмуни шаклда берилади, яъни бунда сўз ёки ибора мазмунини (математик) таҳлил орқали англаш мумкинлиги кўрсатилади. Дарслик материали семантика қонуниятларини, уни ифода қилишнинг шаклий воситаларини билиш асосида тушуниш имконини ҳам беради.

Назаримизда, қўлланманинг ҳажми анча катта, лекин у ахборот қисми ҳисобига кўпайтирилгани камчилик эмас. Кўргазмали, намунавий материалнинг кўплиги тил ўрганишда юзага келадиган асосий қийинчилик, у ёки бу нутқ ҳолати учун танланган вариант тўғрилиги хусусида иккиланиш эҳтимолини бартараф этади. Китоб танлаш имкониятини беради. Демак, у ёки бу грамматик категория ёхуд муқим иборанинг тўғрилиги ҳақида шубҳаланмаслик мумкин. Кўргазмали мисоллар тақдимида частоталилик тамойили ҳамда қўлланилаётган лексиканинг коммуникатив аҳамияти назарда тутилгани муҳим жиҳатлардан эканини таъкидлаймиз.

Муаллиф анъаналарни ҳам қадрлашини кўрсатган: китобда ахборот материали жадвал ва схемаларда берилган. Грамматик ҳодисаларни янада чуқурроқ англаш учун бу ҳодисаларни кўргазмали ҳамда батафсил кўрсатиш керак. Шу боис тил ўрганиш даражасини кўтариш учун бошқа анъанавий дарсликларда берилганидек ахборот жадваллари ҳам тақдим этилган.

Китоб ўз ўқувчисини топиб, кенг омма орасида машҳур ва керакли бўлишига шубҳамиз йўқ. Тил ўрганишга илк қадам қўяётган бошловчилар ҳам, тил соҳасини касб қилганлар ҳам ундан катта наф олишига ишонамиз.

СЎЗБОШИ

Хуш келибсиз!

Китобни инглиз тилини ўрганувчи кенг оммага тавсия этиш мумкин. I ва IV қисмлар бошловчилар ҳамда инглиз тилида мулоқот қилиш учун элементар билим олиш ниятида бўлганлар учун қўлланмадир.

Китоб инглиз тилида тўғри гапириш, айниқса, тўғри ёзишни ўзлаштирмақчи бўлганлар учун мўлжалланган.

Билим савиясининг бундай даражаси қуйидаги ҳолларда зарур:

- TOEFL тестларини ҳам назарда тутган ҳолда, маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини ёки тестларини топширишда, шунингдек, чет эл фирмаларининг ишга қабул қилишда уюштирадиган танловларида;

- турли кўринишдаги ҳужжатларни (ариза, маъруза, реферат, ҳисоботлар ва б.ни) имло қоидалари асосида ёза олиш маҳоратини талаб этувчи хорижий фирмаларда иш юритувчи (менежер) лавозимида ишлаш учун;

- хорижий мамлакатларнинг ўқув муассасаларида инглиз тилида таълим олиш учун.

Авалло, мазкур китобга инглиз тилининг грамматик қоидалари, сўз ясаш формуллари; сўзлашув услубидаги ибора ва ифодаларни ўз ичига олган маълумотнома сифатида қараш мумкин. Бироқ китоб фақат маълумот олиш учун мурожаат этиладиган манба эмас, унда инглиз тилининг асосий қирраларини атрофлича, узвий равишда таҳлил қилишга уринилган. Грамматик ҳодисаларнинг барчаси инглизча матндан олинган мисоллар ва уларнинг ўзбекча таржимасини илова қилган ҳолда кўрсатилган. Ўқувчининг луғат бойлигини шакллантириб, уни оғзаки нутққа тайёрлашга асос бўладиган сўз ва ибораларнинг кўп сонли рўйхати берилган.

Китобда инглиз тили кўп қатламли тамойил асосида талқин этилган:

асослар (I қисм), *қоида* белгиси билан берилган тасдиқлар;

нозик жиҳатлар (II қисм, ● белгиси билан берилган ҳолатлар);

иқир-чиқирлар (II қисм, ● белгиси билан берилган ҳолатлар).

Алоҳида эътибор инглиз тилининг турли ҳолатлари ва бўлимларининг ўзаро алоқасини таърифлашга қаратилган.

Китобнинг асоси қилиб олинган иккинчи тамойил муаллиф учун эмас, балки ўқувчи учун яратилган қулайликдир. Шундан келиб чиқиб китобда илмий-оммабоп терминология ҳамда услуб жиҳатдан нейтрал лексика қўлланилган.

Ва ниҳоят, америкалик ёки инглиз муаллифлардан фарқли ўлароқ, инглиз тили грамматикаси бу ерда ўқувчининг ўзбек тилини билиши нуқтаи назаридан ва у билан қиёсланган ҳолда берилган. Бу эса, ўз навбатида, материални тушунишни енгиллаштиради.

Шундай қилиб, китобда инглиз тили билан танишиш учун аниқ методик ёндашув кўрсатилганки, у ўзига хос дарслик вазифасини ўтайди (китобдан дарслик сифатида фойдаланилганда унинг II, III, IV қисмларини параллел равишда ўрганиш мумкин). Шубҳасиз, материални мустаҳкамлаш учун ўқувчига инглизча матнли тўпламлар, машқ ва тестлардан фойдаланиш, инглиз тилидаги фильмларни кўриш ва, албатта, инглиз-забонлар билан мулоқот қилиш тавсия этилади.

Умид қиламан ва ишонаманки, мазкур китоб ўқувчининг инглиз тили билан танишишига, бу борадаги билимларини ривожлантиришига имкон яратади.

Муаллиф китобни тайёрлаш ва нашр этиш жараёнида иштирок этганларнинг барчасига чуқур миннатдорчилик билдиришни ўз бурчи деб билади:

✿ қизим Пўлатова Шаҳинага китобнинг кўпсонли рўйхат ва жадвалларини тайёрлашдаги ёрдами учун.

✿ Номонова Юлдузга китобнинг компьютер дизайни бўйича бажарган меҳнатлари учун;

✿ китоб муҳаррири профессор Қ.С.Тайметовга материал баёни сифатини яхшилашда берган маслаҳат ва кўрсатмалари учун;

✿ тақризчилар проф. Т.Б.Ҳамдамов, доц. У.Х.Ҳошимовга кўлёзмани ўқиб, қатор фойдали фикрлар билдиришгани учун;

✿ И.Қ.Наримоновага китобни ўзбекча талқин этишдаги улкан ёрдами учун.

Омад тилайман.

Муаллиф

«ТИЛГА ЮРИШ»

Абдимажид Пўлатов жаҳондаги энг оммавий инглиз тили қонуниятларини рус тили орқали баён қилса-да, икки жиҳат «Инглиз тили» қўлланмасининг яратилиш жараёни шарқона анъаналар асосида кечганини кўрсатади.

Математик олимнинг тил соҳасига кириб келиши ва ўз сўзига эга бўлиши, дунё миқёсида соҳа мутахассислари эътиборини қозониши Шарқ олимлари азалдан қомусий билим соҳиби сифатида эътироф этилишини беихтиёр ёдга солади ва назарда тутилган биринчи жиҳатни изоҳлайди.

Шарқона тарбия усулларида бири – фарзандга нома ёзиш орқали унга сабоқ бериш анъанаси – иккинчи жиҳат. Унсур ал-Маолий – Кайковус ўғли Гилоншоҳ учун битган «Насиҳатномаи Кайковус» («Қобуснома»), Бобур ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон мирзоларга дастуриламал сифатида мўлжаллаган «Мубаййин» асарларига муштарак А.Пўлатов фарзандлари Шаҳина, Фарзона ва Фирдавслар учун хорижий тил сабоғини «ўз кесимида» тушунтирди, натижада «Инглиз тили» китобини яратди. Олимнинг чин оталик меҳри «тилга юриш»ига сабаб бўлди... Назаримда, рус олими Д.С.Лихачевнинг адабиётшунос Тимошевский ҳақидаги: «Яхши муҳандис бўлмаганда, яхши адабиётчи ҳам бўла олмасди», – деган фикри математик ва тилшунос Пўлатов домла ҳақида ҳам айтилгандек.

Олимнинг ақлий салоҳияти, кенг кўламли илмий фаолияти, тилга математик аниқлик билан ёндашуви самараси бўлган «Инглиз тили»ни саҳифама-саҳифа мутолаа қилиш, шубҳасиз, билим пухталаниб, тафаккурнинг шодланишига чин сабабдир.

«Инглиз тили» нафақат соҳамни «қайта» эгаллашим, балки онажоним Мавжуда Шоҳназарова-Наримоновани олима-мутахассис сифатида кашф қилишимга ҳам сабаб бўлди. Устоз онамга иш жараёнида ўзбек тилшунослигига оид назарий-амалий билимлари билан энг яқин маслаҳатгўй, таянч бўлганлари учун таъзим қиламан.

«Инглиз тили» китобини ўзбек тилига ўгириш – тилшунос учун катта рағбат. Менга берилган имконият учун миннатдорчилик билдираман.

*Иродахон Наримонова,
Ўзбекистон Миллий университети
инглиз тили ўқитувчиси*

КИРИШ

Тил билиш тўрт нарса асосида шаклланади:

1. Грамматикани – сўз ва гапларнинг функционал вазифалари билан боғлиқ қоидаларни билиш;
2. Етарли сўз бойлигига эга бўлиш;
3. Оғзаки нутқ кўникмаси бўлиши, яъни мазкур тилга хос ибора, идиома ва сленгларнинг маълум қисмини ўзлаштириш;
4. Фонетикадан, яъни ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг товуш хусусиятларидан хабардор бўлиш (ўқиш, талаффуз).

1. Инглиз тили ҳам узоқ ривожланиш жараёни маҳсулидир. Унда мазкур тилда сўзлашувчиларнинг тарихи, маданияти ва ўзаро ҳамкорлиги натижалари ўз аксини топган. Шу боис инглиз тили ўзининг асосий қоидалари билан бир қаторда истисно қоидалар, бу қоидаларнинг қўлланилиш хусусиятлари, уларнинг номуносиб ҳосилалари ва кўп маъноли ясалишларидан иборат.

Шундай қилиб, тил билан тўлиқ танишув астойдил меҳнатни талаб этади. Ўқувчи нотаниш мамлакат билан яқиндан танишиш истагида бўлган сайёҳга айланади. Сайёҳнинг мушқулини харита осон қилади. Китобда ҳам айнан шундай ёндашув асос қилиб олинди.

Инглиз тили грамматикасини икки босқичли усул орқали баён қилиш маъқул топилди:

- ◆ биринчи босқич инглиз тили грамматикасининг схемалаштирилган харитаси тарзида берилган (I қисм). Бу ерда имкон қадар соддалаштирилган ва инглиз тили грамматикасининг барча асосий бўлимларини ўз ичига оладиган асос келтирилади. Инглиз тили билан тўла танишиш зарурати йўқ спортчилар, туристлар, ишбилармонлар грамматикани ўрганишда китобнинг биринчи қисмини ўзлаштириш билан кифояланишлари мумкин.

- ◆ иккинчи босқич инглиз тили грамматикасининг батафсил баёни (II қисм) бўлиб, унда истисно қоидалар, уларнинг қўлланилишидаги ўзига хос хусусиятлар, қоидаларга бўйсунмайдиган қурилмалар (рўйхати билан) берилади.

2. Инглиз тилидаги барча сўзларни 3 та асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- соф инглизча содда сўзлар;
- сўз ясаш қоидалари асосида ҳосил бўлган ясама сўзлар;
- байналмилал сўзлар.

Инглиз тили бўйича етарли даражадаги яхши билим 10 000 та оммавий ишлатиладиган сўзни ўзлаштириш кўрсаткичи билан ўлчанади. Уларнинг учдан бир қисмини ўзбекзабон ўқувчи байналмилал сўзлар ҳисобидан (синонимликни қўллаш орқали) ўзлаштириши мумкин. Учдан икки қисмини, яъни инглизча содда сўзларни ўқувчи ўзи ўрганиб олади ва қолган бир улуш камомадни китобнинг III қисмида берилган сўз ясаш қоидалари асосида «тўлатиб» олиш мумкин.

Айтиш керакки, сўз ясаш қоидалари бирдек эмас, яъни турли қўшимчалар сўзнинг хилига қараб унга кўшилади. Масалан, феълдан сифат ясаш учун 10 дан ортиқ қўшимча ишлатилади:

drink + able – ичимли

use + full – фойдали

logic + al – мантиқий ва бошқалар.

Уларни қўллашда маълум бир қонуниятга ҳам бўйсунилмайди. Мазкур китобда мавжуд барча префикс ва суффикс қўшимчалар қўлланилишига доир мисоллар рўйхат шаклида келтирилган. Шунингдек, сўз яшаш формулалари ва улар асосида ясалган сўзлар рўйхати ҳам берилган (III қисм). Ўйлаймизки, III қисмда келтирилган рўйхатлар ўқувчиларга сўз яшаш формулаларини қўллаш ва сўз бойлигини сезиларли бойитиш имконини беради.

Байналмилал сўзлар ва сўз яшаш формулаларини эпчиллик билан қўллаш, сўзларни тўғри ва кўчма маъноларда моҳирона ишлатиш эвазига сўз бойлигини кенгайтириш (масалан, 10 мингли босқичга чиқиш) имконияти биз ўйлаганимиздан ҳам анча кўпроқдир.

3. Ҳар бир тилда сўзма-сўз таржима ва грамматик таҳлил қилиш мушкул бўлган бетакрор ва кўпсонли иборалар (идиома, сленглар) мавжуд:

How do you do – *Ассалому алайкум.*

An apple of my eyes – *Кўзимнинг нури.*

See red – *Ҳазабга келмоқ.*

Ҳақиқатан, инглизча ибора ва бирикмаларни билмай туриб оғзаки нутққа ўтиш мумкин эмас. Уларни билиш шарт. Китобда (IV қисмда) ана шундай ибора ва бирикмаларнинг тахминан 500 таси келтирилган.

Демак, оқ йўл! Кўп нарса ўзингизга боғлиқ. Сизга ўз кучингизга ишонч, ишга меҳр билан қараш ва астойдил меҳнат қилишни тилайман.

4. Ва охиригиси: мундарижада кўргангиздек, китобимизда инглиз тили фонетикаси – товушлар тизимига доир маълумот берилмаган. Ўқувчи бу камчиликни мавзу ёритилган бошқа дарслик, луғатлар ва компьютер ёрдамида ҳал қилиш имконига эга.

ИНГЛИЗЧА АЛФАВИТ

A a	<i>A a</i>	эй	N n	<i>N n</i>	ЭН
B b	<i>B b</i>	би:	O o	<i>O o</i>	оу
C c	<i>C c</i>	си:	P p	<i>P p</i>	пи:
D d	<i>D d</i>	ди:	Q q	<i>Q q</i>	кью
E e	<i>E e</i>	и:	R r	<i>R r</i>	а:
F f	<i>F f</i>	эф	S s	<i>S s</i>	эс
G g	<i>G g</i>	джи:	T t	<i>T t</i>	ти:
H h	<i>H h</i>	эйч	U u	<i>U u</i>	ю:
I i	<i>I i</i>	ай	V v	<i>V v</i>	ви:
J j	<i>J j</i>	джей	W w	<i>W w</i>	дабл ю
K k	<i>K k</i>	кей	X x	<i>X x</i>	экс
L l	<i>L l</i>	эл	Y y	<i>Y y</i>	вай
M m	<i>M m</i>	эм	Z z	<i>Z z</i>	зед

Бошланғич маълумотлар – грамматиканинг асосий тушунчаларини аниқлаш


Инглиз тилининг батафсил баёни унинг икки муҳим қисми: морфология ва синтаксис асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.


Морфология – сўз таркиби ва сўз миқёсида грамматик маънолар ифодаланишини ўрганувчи бўлим.


Синтаксис – гап қурилиши ва гапдаги сўз бирикмаларини ўрганувчи бўлим.


Сўз туркумлари (Part of speech)


Тилда гап бўлаклари сўз туркумлари орқали ифодаланади. Инглиз тилида сўз туркумларига от, сифат, сон, феъл, равиш, олмош ва ёрдамчи сўзлар (артиклъ, предлог, боғловчи) киритилади.


 **От (The Noun)** – шахс ёки предметнинг номини билдирувчи сўз туркуми (бундан кейин китобда предмет термини шахс термини учун ҳам қўлланади ва предмет деб бу ким? бу нима? булар кимлар? булар нималар? саволларига жавоб берувчи сўзларга айтилади).

 **Сифат (The Adjective)** – предмет ёки шахснинг белгисини билдирувчи сўз туркуми (белги деганда қандай? сўроғини талаб этувчи сўзлар назарда тутилади).


 **Сон (The Numeral)** – предметнинг саноғи ва ҳисобдаги тартибини билдирувчи сўз туркуми. Сон нечта? қанча? нечанчи? саволларига жавоб беради.


 **Феъл (The Verb)** – предметнинг ҳаракати ёки ҳолатини билдирувчи сўз туркуми. Феъл нима қилмоқ? саволига жавоб беради.

 **Равиш (The Adverb)** – ҳаракатнинг белгиси ёки ҳолатини билдирувчи сўз туркуми. Равиш феъл, сифат ёки бошқа равиш сўзлар билан боғланиб, қандай қилиб? қанақа? қачон? қаерда? (ва ҳоказо) саволларига жавоб бўлади.

 **Олмош (The Pronoun)** – от, сифат, сон ёки равиш билан ифодаланган сўз, сўз бирикмаси, гап ўрнида қўлланувчи сўз туркуми.

 **Артиклъ (The Article)** – отнинг махсус аниқлаштирувчиси бўлган ёрдамчи сўз.

 **Предлог (The Preposition)** – отнинг гапдаги бошқа сўзларга нисбатан (ўрин, вақт, сабаб ва ҳаракат йўналиши) муносабатларини ифодаловчи ёрдамчи сўз.

 **Боғловчи (The Conjunction)** – уюшиқ бўлақларини ёки гапларни боғлаш учун қўлланувчи сўз.

Гап бўлаклари (Parts of the sentence)

Ҳар бир тилнинг оғзаки ёки ёзма шакли гап бўлаклари деб аталувчи алоҳида қисмлардан иборат. Шунингдек, гаплар содда гаплар ва содда гаплардан ташкил топган қўшма гап турларига таснифланади.

Бирор тил грамматикаси билан танишув содда гаплардан бошланади. Инглиз тилида содда гапнинг таркиби эга, кесим (гапнинг бош бўлаклари), аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол (гапнинг иккинчи даражали бўлаклари)дан ташкил топиши мумкин.

Эга (The Subject) – гапнинг бош бўлаги, грамматик жиҳатдан бошқа гап бўлакларига тобе эмас, предмет ёки шахсни билдиради. Эга: *ким? нима? сўроқларига жавоб беради.*


Кесим (The Predicate) – гапнинг бош бўлаги, грамматик жиҳатдан эгага тобе ва эга орқали ифодаланган предмет ёки шахснинг ҳаракатини (ёки ҳолатини) билдиради. Кесим феъл замонига мос равишда *нима қилмоқ? нима қилиняпти?* саволларига жавоб беради.

Аниқловчи (The Attribute) – гапдаги отни изоҳловчи, сифатловчи гап бўлаги. Аниқловчи *қандай? қанақа? қайси? нечанчи? кимнинг? ниманинг?* сўроқларига жавоб бўлади.

Тўлдирувчи (The Compliment, The Object) – предмет ёки шахсни билдирувчи гап бўлаги, кесимни мазмун жиҳатидан тўлдиради. Тўлдирувчининг воситали ва воситасиз турлари мавжуд. Воситасиз тўлдирувчи белгили ёки белгисиз тушум келишиги билан ифодаланиб, *кимни? нимани?*, воситали тўлдирувчи эса жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари ва кўмакчилар билан ифодаланиб, *кимга? нимага? кимдан? нимадан? ким ҳақида? нима ҳақида?* ва ҳоказо саволларга жавоб бўлади.

Ҳол (The Adverbial modifier) – гапдаги кесим орқали ифодаланган ҳаракатнинг пайти, ўрни, мақсади, сабаби ва бажарилиш тарзини билдирувчи гап бўлаги. Ҳол *қачон? қаерга? қаерда? қаердан? нима учун? қанақа? қандай қилиб?* каби саволларга жавоб беради.

Инглиз тили грамматикаси дарахти



I ҚИСМ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН
МОДЕЛИ (СХЕМАЛАШТИРИЛГАН ХАРИТАСИ)**Эътибор беринг!**

Ўқувчи бу бўлимдаги маълумотни пухта ўзлаштириб олиши муҳимлигини таъкидлаймиз. Ушбу шарт бажарилгандагина II бўлим сабоги самарали бўлади.

Ҳар бир тугалланган фикр *гап* орқали ифода этилади. Гаплар *содда* ва *қўшма* гапларга бўлинади.

1. СОДДА ГАП

Гап (бино каби) ўзаро боғлиқ қисмлар – *гап бўлақлари*дан иборат. Улар:

- ◆ эга;
- ◆ кесим;
- ◆ тўлдирувчи;
- ◆ аниқловчи;
- ◆ ҳол.

Гап «қурилиш материаллари»и – *сўз туркумлари* асосида барпо бўлади. Улар:

- ◆ от;
- ◆ сон;
- ◆ сифат;
- ◆ олмош;
- ◆ феъл;
- ◆ равиш;
- ◆ предлог;
- ◆ артикль;
- ◆ боғловчи;
- ◆ ундов сўзлар.

Инглиз тили грамматикаси мазкур тушунчалар асосида баён қилинади.

Шу ерда гап тузиш билан иморат қуриш орасидаги ўхшашликни кўрсатиб ўтиш ўринли. Гап бўлақлардан ташкил топади: эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол. Иморат қуйидаги бўлақлардан қурилади: фундамент, девор, шифт, эшик ва дераза, том.

Гап бўлаклари қуйидаги материаллардан (сўз туркумларидан) ясалади:
от, сон, сифат, олмош, феъл, равиш, предлог, артикль, боғловчи.

Иморат бўлаклари қуйидаги материаллардан ясалади:
ғишт, бетон, тахта, фанера, тунука, тош, пластмасса.

Гап тузишда ҳам, иморат қуришда ҳам, бир бўлакни ҳар хил материаллардан барпо қилиш мумкин. Масалан, бетон фундамент, тош фундамент, ғишт фундамент. Худди шундай отдан ясалган эга, олмошдан ясалган эга, сондан ясалган эга бўлади.

Петр университетда ўқийди.

У университетда ўқийди.

Етти туб сон.

Эътибор беринг!

Умид қиламизки, ўқувчи ушбу тушунчалар билан «бошланғич маълумот» қисмидан таниш. Акс ҳолда унга такрор қайтишингизга тўғри келади.

1.1. Дарак гап. Сўзлар тартиби

Дарак гапда сўз тартиби қуйидагича:

1-қоида.

Эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол.

Аниқловчининг аниқ ўрни йўқ. У гапдаги ихтиёрий гап бўлагидан олдин ёки кейин келиши мумкин. Ҳол эгадан олдин нолинчи ўринда келиши ҳам мумкин.

Now we are reading an English text in the classroom.

пайт ҳоли эга кесим аниқловчи тўлдирувчи ўрин ҳоли

Биз ҳозир синфда инглизча матн ўқиямиз.

My brother bought a house last year.

аниқловчи эга кесим тўлдирувчи пайт ҳоли

Менинг акам ўтган йили уй сотиб олди.

 **Батафсил баён: II қисм, 170-бет.**

Энди «Инглиз тили» деб аталмиш биномизнинг таркибий қисмлари билан яқиндан танишиш фурсати етди.

1.2. Гап бўлаклари ва сўз туркумлари

Эга, у нимадан ясалади?

2-қоида.

Инглиз тилида бир сўз ҳам отни, ҳам феълни ифодалаши мумкин.

work – иш
walk – сайр

work – ишламоқ
walk – сайр қилмоқ

 Батафсил баён: II қисм, 63-бет.

3-қоида.

Эга от, сон, олмош, инфинитив (қаранг: 33-бет) ва герунд орқали (қаранг: 34-бет) ифодаланади.

Акром (от) *is a clever boy.*
Акром ақлли бола.

Seven (сон) *is a prime number.*
Етти – оддий сон.

He (олмош) *is a student.*
У талаба(дир).

To read (инфинитив) *is pleasant.*
Ўқимоқ ҳузурбахшдир.

Reading (герунд) *is pleasant.*
Ўқиш ҳузурбахшдир.

 Батафсил баён: II қисм, 160-бет.

ОТ

От бирликда ва кўпликда қўлланилади.
Кўплик шаклини яшаш:

4-қоида.Отнинг кўплик шакли = отнинг бирлик шакли + **s** (кўшимча)

boy – ўғил бола, *boys* – ўғил болалар

Отлар икки хил: (доналаб) саналадиган ва (доналаб) саналмайдиган бўлади.

Саналадиган отларга битталаб санаш мумкин предмет номлари киради.

Саналмайдиган отларга битталаб санаш иложсиз предмет номлари киради (моддалар, мавҳум тушунчалар номи).

5-қоида.

Саналмайдиган отлар фақат бирликда қўлланади.

 Батафсил баён: II қисм, 49-бет.

АРТИКЛЬ

Инглиз тилида отлар олдидан махсус аниқловчи ёрдамчи сўзлар – артиклар қўйилади:

a (an) – ноаниқ артикль;

the – аниқ артикль.

От ноаниқ артикль билан қўлланганда биз предметни номлаган ҳолда уни турдош предметлар намунаси сифатида тасаввур этамиз.

От аниқ артикль билан қўлланганда тингловчига аввалдан маълум, таниш ёки ўз ҳолича ягона нусхада бўлган предмет ҳақида сўз юритилаётган бўлади.

6-қоида.

1) **a(an)** артикли бирликдаги саналадиган отлардан олдин ишлатилади ва «бирорта» маъносини билдиради;

2) **the** артикли ҳам саналадиган, ҳам саналмайдиган отларнинг бирлик ва кўпликдаги шаклларида олдин ишлатилади ва «ўша» маъносини билдиради;

3) саналмайдиган отлар, яъни модда ва мавҳум тушунча номлари сўзнинг умумий маъносида қўлланганда ва саналадиган отлар умумий маънода кўпликда келганда ҳеч қандай артикль қўйилмайди.

Ўзбек тилида артикль йўқ.

I have a sister. – Менинг (бумма) опам бор.

The apples are red. – (айнан шу) Олмалар қизил.

Milk is white – сут (умуман) оқдир.

Dog is friend of man. – Ит инсон дўстидир.

 Батафсил баён: II қисм, 131-бет.

Инглиз тилида отнинг иккита келишиги бор:

а) бош келишик (унинг махсус қўшимчалари йўқ);

б) қаратқич келишик.

7-қоида.

Қаратқич келишигидаги от = бош келишикдаги от + **'s** (қўшимча)

The boy's ball. – Боланинг коптоғи.

 **Батафсил баён: II қисм, 46-бет.**

Инглиз тилида отларнинг роди уларнинг маъносига қараб аниқланади:

8-қоида.

Инглиз тилида махсус род қўшимчалари йўқ.

– «мужской род»га шу жинсдаги шахс номлари тааллуқли бўлиб, улар «**he**» – у олмоши билан алмаштирилади;

– «женский род»га шу жинсдаги шахс номлари тааллуқли бўлиб, улар «**she**» – у олмоши билан алмаштирилади.

– «средний род»га жонсиз предметлар (жинси кўрсатилмаган ҳолда), жонивор номлари тааллуқли бўлиб, улар «**it**» – у олмоши билан алмаштирилади.

The princess (she) was in white. – Малика (у) оқ либосда эди.

The prince (he) was in black. – Шаҳзода (у) қора либосда эди.

He (brother) went home. – У (акам) уйга кетди.

She (sister) went home. – У (онам) уйга кетди.

It (dog) is running. – У (кучук) югураяпти.

It (sky) is blue. – У (осмон) ҳаворанг.

 **Батафсил баён: II қисм, 49-бет.**

ОЛМОШ

Қуйидагилар инглиз тилидаги асосий олмошлар ҳисобланади: кишилик, кўрсатиш, гумон олмошлари.

1) Кишилик олмошлари ва уларнинг ҳосилалари.

ким?	кимни? кимга?	кимнинг?	кимники?	ким?
I мен	me мени, менга	my менинг (ўзимнинг)	mine меники	myself ўзим
You сен	you сени, сенга	you сенинг (ўзингнинг)	yours сеники	yoursself ўзинг
He у	him уни, унга	his унинг (ўзининг)	his уники	himself ўзи

2014/16
А
1283
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

She у	her уни, унга	Her унинг (ўзининг)	hers уники	herself ўзи
It у	it уни, унга	its унинг (ўзининг)	its уники	itself ўзи
We биз	us бизни, бизга	our Бизнинг (ўзимизнинг)	ours бизники	ourselves ўзимиз
They улар	them уларни, уларга	their уларнинг (ўзларининг)	theirs уларники	themselves ўзлари
You сиз	you сизни, сизга	your сизнинг (ўзингизнинг)	yours сизники	yourselves ўзингиз

I am an engineer.

Мен муҳандисман.

Give me this book, please.

Менга бу китобни беринг, илтимос.

John invited me to his birthday party.

Жон мени ўзининг туғилган кунига таклиф этди.

This is my textbook.

Бу **менинг** дарслигим.

This textbook is mine.

Бу дарслик **меники**.

I must solve the problem myself.

Мен муаммони **ўзим** ҳал қилишим керак.

 **Батафсил баён: II қисм, 120-бет.**

2) Кўрсатиш олмошлари

this – бу


these – булар

that – у (анави)

those – улар (анавилар)

This is my car.

Бу **менинг** машинам.



These are my toys.

Булар менинг ўйинчоқларим.

That is his car.

Анави унинг машинаси.

Those are stars.

Анавилар юлдузлар.

 **Батафсил баён: II қисм, 121-бет.**

3) Ноаниқ / Гумон олмошлар

some – қандайдир, баъзи (бир)

any – қандайдир, бирон (бир) / бирорта

somebody (someone) – кимдир, биров

anybody (anyone) – кимдир, биров, ҳеч ким

something – нимадир, бир(он) нарса

anything – нимадир, бир(он) нарса, ҳеч нарса

no – ҳеч қандай, битта ҳам, ҳеч

nobody / no one – ҳеч ким

nothing – ҳеч нима, ҳеч нарса

one – «**somebody**» ва «**something**»нинг ўринбосари

other, others (кўпликдаги отни алмаштиришда), **another** (бирликдаги саналадиган от олдида ёки бирликдаги саналадиган отни алмаштиришда) – бошқа

all – ҳамма, барча

many (саналадиган от учун) – кўп

much (саналмайдиган от учун) – кўп

few (саналадиган от учун) – кам, бир нечта

little (саналмайдиган от учун) – кам, озгина

both – иккала, икковлон

either – униси ёки буниси, иккисидан бири

neither – на униси, на буниси

each (чегараланган сондаги шахс, предметлар учун)

every (чегараланмаган сондаги шахс, предметлар учун) – ҳар, ҳар бир

Some ва унинг ҳосилалари дарак гапларда, **any** эса сўроқ ва инкор гапларда ишлатилади. **Any** дарак гапларда ҳар қандай / хоҳлаган маъноларида ҳам ишлатилиши мумкин.

*I have **some** questions.* – Менинг **бир неча** саволим бор.

*Have you **any** questions?* – (**қандайдир**) саволларингиз борми?

***Somebody** is ringing.* – **Кимдир** қўнғироқ қиляпти.

*I have **no** problem.* – Менинг (**ҳеч қандай**) муаммоим йўқ.

***One** can do it.* – **Ҳар қандай одам** буни эплайди (қила олади).

*Give me **another** book.* – Менга **бошқа** китобни бер.

*Give me **other** milk.* – Менга бошқа сутни беринг.

*Give me **another** (book).* – Менга **бошқасини** беринг (китоб).

*Give me **others** (books).* – Менга бошқаларини беринг (китоблар).

***All** plants require water.* – **Ҳамма** ўсимликларга сув керак.

*I go to school **every** day.* – Мен мактабга **ҳар кун** бораман.

*I go to school **each** day of july. – Мен мактабга июлнинг ҳар кунда бораман.*

*I have **much** time. – Менинг **вақтим** кўп.*

***Both** my brothers live in Tashkent. – Менинг **иккала** акам (ҳам) Тошкентда яшашади.*

*You must read **either** books. – Сиз бу китоблардан **бирини** ўқиб чиқишингиз лозим.*



Батафсил баён: II қисм, 122-бет.

ПРЕДЛОГ

Инглиз тилида предлог жуда муҳим вазифани бажаради. Улар от ёки олмошнинг гапдаги бошқа сўзларга нисбатан муносабатини билдирувчи восита бўлиб хизмат қиладди. Предлоглар предметнинг **ўрин, пайт, ҳаракат йўналиши** ва бошқа муносабатларини ифодалайди.

Асосий предлоглар:

on (-да, устида)

*The pen is **on** the desk.*

*Ручка **столда** / Ручка **стол устида**.*

in (-да, ичида)

*The pupils are **in** the classroom.*

*Ўқувчилар **синфда**.*

to (-га)

*I go **to** school.*

*Мен **мактабга** бораман.*

from (-дан)

*Firdavs is **from** Uzbekistan.*

*Фирдавс **Ўзбекистондан**.*

with (билан)

*He came **with** his sister.*

*У **опаси билан** келди.*

till (-гача)

*I am busy **till** 5 o'clock.*

*Мен **соат бешгача** бандман.*

of (-нинг,-дан, ҳақида)

*The cover **of** he book is white.*

*Китоб**нинг** муқоваси оқ.*

at (-да, ёнида / атропофида)

*We are sitting **at** the table.*

*Биз **стол атропофида** ўтирибмиз.*

by (ёнида,-га, томонидан)

*The bookcase stood **by** the window.*

*Китоб **жавони дераза ёнида** турган эди.*

Under (тагида)

*The pen is **under** the newspaper.*

*Ручка газетанинг **тагида**.*

Of, to, by, with предлоглари ўзбек тилида келишиклар орқали ифодаланадиган грамматик вазифаларни ҳам бажаради:

1. **Of** предлогининг от ёки олмош билан бирикуви ўзбек тилида қаратқич келишигига мос келади.

*The garden **of** the house is large. – Уйнинг боғи катта.*

2. **To** предлогининг от ёки олмош билан бирикуви ўзбек тилида жўналиш келишигига мос келади.

*I gave the book **to** my friend. – Мен китобни дўстимга бердим.*

3. **From** ўзбек тилидаги чиқиш келишигига мос келади.

*I took the book **from** my friend. – Мен китобни дўстимдан олдим.*

4. **In, at, on** предлогларининг от ёки олмош билан бирикуви ўзбек тилида ўрин-пайт келишигига мос келади.

*The book is **on** the table. – Китоб столнинг устида.*

*I will come **at** 7 (seven) o'clock. – Мен соат 7 да келаман.*

*The pen is **in** my pocket. – Ручка менинг чўнтагимда.*

5. **By, with**, предлогларининг от ёки олмош билан бирикуви рус тилидаги «творительный» падежга мос келади.

*This book is written **by** Tolstoy. – Китоб Толстой томонидан ёзилган.*

*He cut the paper **with** a knife. – У қовозни пичоқ билан кесди.*

6. **About** предлогининг от ёки олмош билан бирикуви рус тилидаги «предложный» падежга мос келади.

*They are speaking **about** me. – Улар мен ҳақимда гаплашишди.*

*I like to read books **about** history. – Мен тарих ҳақидаги китобларни ўқишни ёқтираман.*

 Батафсил баён: II қисм, 138-бет.

Аниқловчи, у нимадан ясаллади?

Аниқловчи, одатда, отга тегишли бўлади ва уни аниқлаб келади.

9-қоида.

Аниқловчи қуйидагилар орқали ифодаланеди:

- 1) сифат;
- 2) қаратқич келишигидаги от;
- 3) сон (санок);
- 4) бош келишиқдаги (предлогли) от;
- 5) сифатдош (қаранг: 35-бет);
- 6) предлогли герунд (қаранг: 35-бет).

Масалан:

1) *It is very **important** information.*

*Бу жуда **муҳим** хабар.*

2) *The teacher corrected the **pupil's** mistakes.*

Ўқитувчи **ўқувчининг** хатоларини тузатди.

3) *My **first** lesson will begin at 9 o'clock.*

Менинг **биринчи** дарсим соат 9 да бошланади.

4) *She looked for the key **to the door**.*

У **эшикнинг** калитини қидирди.

*I work **at the town** museum.*

Мен **шаҳар** музейида ишлайман.

5) ***Illustrated** instructions are easy to understand.*

Суратли кўрсатмаларни тушуниш осон.

6) *I know several ways **of solving** this task.*

Мен бу масалани **ечишнинг** бир неча йўлини биламан.

10-қоида.

Отнинг аниқловчиси от бирликдан кўппликка ўзгарганда ҳам ўз шаклини ўзгартирмайди.

*This is a **good thing**. – Бу **яхши нарса**.*

*These are **good things**. – Бу(лар) **яхши нарсалар**.*

 **Батафсил баён: II қисм, 163-бет.**

СИФАТ

Инглиз тилида сифат 3 шаклда даражаланади: **оддий, қиёсий** ва **орттирма** даражалар.

Сифат даражаларини яшаш:

11-қоида.

а) бир бўғинли сифатлар учун:

сифат. қиёсий даражаси = сифат. оддий даражаси + **er** (кўшимча)

сифат. орттирма даражаси = **(the)** сифат. оддий даражаси + **est** (кўшимча)

б) икки ва ундан ортиқ бўғинли сўзлар учун:

сифат. қиёсий даражаси = **more** + сифат. оддий даражаси

сифат. орттирма даражаси = **(the) most** + сифат. оддий даражаси

cold – совуқ

colder – совуқроқ

the coldest – **энг** совуқ

intresting – қизиқарли

more intresting – қизиқарлироқ

(the) most interesting – **энг** қизиқарли

Сифатнинг орттирма даражаси олдида унинг аниқловчиси бўлмаса, **the** артикли қўйилади, аниқловчиси бўлса, **the** артикли қўйилмайди.

 **Батафсил баён: II қисм, 56-бет.**

СОН

Сонлар икки хил бўлади:

- 1) саноқ сон (предметнинг сонини билдиради);
- 2) тартиб сон (предметнинг кетма-кетлигини билдиради).

Тартиб сонларни яшаш:

12-қоида.

1-чи (биринчи) the	1st (the first)
2-чи (иккинчи) the	2nd (the second)
3-чи (учинчи) the	3rd (the third)
4 сонидан бошлаб эса тартиб сон = the + саноқ сон + th <small>(қўшимча)</small>	

Шундай қилиб, тартиб сон билан аниқланган от **the** артиклига эга бўлади.

*I have **three** books.*

*Менинг **учта** китобим бор.*

*January is **the first** month of the year.*

*Январь йилнинг **биринчи** ойи.*

*Today is **the twentieth** of December.*

*Бугун **йигирманчи** декабрь.*

Саноқ ва тартиб сонлар жадвали

1	one	1-чи	the 1 st first
2	two	2-чи	the 2 nd second
3	three	3-чи	the 3 rd third
4	four	4-чи	the 4 th fourth
5	five	5-чи	the 5 th fifth
6	six	6-чи	the 6 th sixth
7	seven	7-чи	the 7 th seventh
8	eight	8-чи	the 8 th eighth
9	nine	9-чи	the 9 th ninth
10	ten	10-чи	the 10 th tenth
11	eleven	11-чи	the 11 th eleventh
12	twelve	12-чи	the 12 th twelfth
13	thirteen	13-чи	the 13 th thirteenth
14	fourteen	14-чи	the 14 th fourteenth
20	twenty	20-чи	the 20 th twentieth
21	twenty-one	21-чи	the 21 st twenty-first
22	twenty-two	22-чи	the 22 nd twenty-second
30	thirty	30-чи	the 30 th thirtieth
40	fourty	40-чи	the 40 th fortieth
50	fifty	50-чи	the 50 th fiftieth
100	a (one) hundred	100-чи	the 100 th hundredth
1000	a (one) thousand	1000-чи	the 1000 th thousandth
1000000	a (one) million	1000000-чи	the 1000000 th millionth

Тўлдирувчи, у нимадан ясалади?

Тўлдирувчи кесимни тўлдиради, унинг ҳаракати кўчган предметни ёки шахсни билдиради.

Тўлдирувчи предлогли ва предлогсиз бўлади.

13-қоида.

Тўлдирувчи қуйидагилар орқали ифодаланади:

- 1) от;
- 2) олмош;
- 3) инфинитив (қаранг: 90-бет);
- 4) герунд (қаранг: 93-бет).

1. *I brought **books**.* – Мен **китобларни** олиб келдим.

2. *I see **you** every day.* – Мен **сизни** ҳар кунни кўраман.

*We spoke **to them**.* – Биз **улар билан** гаплашдик.

*He showed the letter **to us**.* – У **хатни бизга** кўрсатди.

*He showed **us** the letter.* – У **бизга** хатни кўрсатди.

3. *They asked me **to do** it.* – Улар мендан буни **қилишимни** сўрашди.

4. *I am fond **of reading**.* – Мен **ўқишни** яхши кўраман.



Батафсил баён: II қисм, 165-бет.

Ҳол, у нимадан ясалади?

Ҳол пайт, ўрин, миқдор, сабаб, мақсад ва феълнинг ҳаракат даражасини билдиради.

14-қоида.

Ҳол қуйидагилар орқали ифодаланади:

- 1) равиш;
- 2) предлогли от.

1. *She is coming **tomorrow**.* – У **эртага** келаяпти.

*You must speak **slowly**.* – Сиз **секин** гапуришингиз керак.

2. *We live **in Uzbekistan**.* – Биз **Ўзбекистонда** яшаймиз.

*They moved **to a new house**.* – Улар **янги уйга** кўчиб ўтишган.



Батафсил баён: II қисм, 168-бет.

РАВИШ

Равиш феълга тегишли бўлиб, ҳаракат ёки феъл ифодалайдиган ҳаракат ҳолатининг белгисини билдиради.

Равиш феълни аниқлаш билан бирга (сўроқ гапларда) сўроқ сўз ва (қўшма гапларда) боғловчи вазифасини ҳам бажариши мумкин.

1. Пайт равишлари: **now, when, then, sometimes, today** ва бошқ.
2. Ўрин равишлари: **here, where, below, anywhere** ва бошқ.
3. Тарз равишлари: **well, slowly, quickly** ва бошқ.
4. Миқдор-даража равишлари: **much, very, too, hardly, enough** ва бошқ.
5. Равиш сўроқ сўзлари: **who, what, how, why** ва бошқ.
6. Равиш боғловчилари: **so, therefore, when, where** ва бошқ.

 Батафсил баён: II қисм, 113-бет.

Сифатдан равиш ясаш

15-қоида.

Равиш = сифат + **ly** (қўшимча)

quick – тез (скорый)

quickly – тез (скоро)

 Батафсил баён: II қисм, 114-бет.

16-қоида.

Равиш даражалари ҳам худди сифат даражалари каби ясалади.

fast – тез

faster – тезроқ (more)

(the) fastest – энг тез

clearly – тушунарли

more clearly – тушунарлироқ

(the) most clearly – энг тушунарли

 Батафсил баён: II қисм, 115-бет.

Кесим, у нимадан ясалади?

17-қоида.

[Кесим, одатда, феъл орқали ифодаланади.]

They work at school.

Улар мактабда **ишлашади**.

 **Батафсил баён: II қисм, 161-бет.**

Кесимнинг инглиз тилидаги умумий кўриниши

18-қоида.

Кесим = {
 ёрдамчи феъл ёки модал феъл + етакчи феъл + қўшимча
 боғловчи феъл + от ёки сифат, равиш ёки сон, олмош

 **Батафсил баён: II қисм, 161-бет.**

1.3. Инглиз тилида феъл ва унинг шакллари

Феъл гапдаги ҳаракатнинг турли кўринишларини ифодалайди ва гапда ўта муҳим вазифани бажаради.

«Феъл» атамаси орқали луғатларда бериладиган феъл шакли тушунилади. Феъл **дарак** (ишлайман), **сўроқ** (ишлайманми?), **инкор** (ишламайман) шаклларида намоён бўлади.

♦ Ёрдамчи, модал, боғловчи ва етакчи феъллар

Инглиз тилида етакчи, ёрдамчи, модал ва боғловчи феъллар бўлади.

Ёрдамчи, модал ва боғловчи феъллар грамматика яшашда ишлатилади. Шунинг учун уларни *грамматик феъллар* деб аташ мумкин.

1. Етакчи феъллар мустақил маънога эга, гапда содда ёки мураккаб (содда феъл + предлог) кесим сифатида келади.

They speak English. – Улар инглизча **гапирдилар**.

I look for my book. – Мен китобимни **қидираман**.

 **Батафсил баён: II қисм, 63-бет.**

2. Ёрдамчи феъллар феълнинг мураккаб шаклларини яшашда ишлатилади.

Қуйидагилар ёрдамчи феъллар ҳисобланади:

to be, to have, to do, shall, will

Инглиз тилида кесимнинг шахс-сон ва замон бўйича тусланиши ёрдамчи феъл ўзгариши орқали амалга оширилади.

19-қоида.**1. to do**

	Ҳозирги замон	Утган замон	Келаси замон
I	do	did	shall do (shall ўрнига will ҳам ишлатилиши мумкин)
he	does	did	will do
she	does	did	will do
it	does	did	will do
we	do	did	shall do
you	do	did	will do
they	do	did	will do

2. to be

	Ҳозирги замон	Утган замон	Келаси замон
I	am	was	shall be
he	is	was	will be
she	is	was	will be
it	is	was	will be
we	are	were	shall be
you	are	were	will be
they	are	were	will be

3. to have

	Ҳозирги замон	Утган замон	Келаси замон
I	have	had	shall have
he	has	had	will have
she	has	had	will have
it	has	had	will have
we	have	had	shall have
you	have	had	will have
they	have	had	will have

Shall, will ёрдамчи феъллари етакчи феълнинг келаси замон шаклини ясашда ишлатилади.

Ёрдамчи феълларнинг ишлатилиши 21-, 22-қоидаларда берилган.

♦ **to do, to be, to have, will, shall** ларнинг етакчи феъл сифатида қўлланилиши

To do, to be, to have, will, shall етакчи феъл сифатида ҳам ишлатилади:

to do – қилмоқ, бажармоқ

to be – (бор) бўлмоқ

to have – (эга) бўлмоқ

will – хохламоқ, тиламоқ

shall – шарт (II, III шахсларда келганда)

My book is on the table.

Менинг китобим (бор) столда(дир).

They do physical exercises every day.

Улар ҳар куну жисмоний машқлар бажаришади.

I have a question.

Менинг саволим бор (мен эгаман саволга).

We will you successes.

Сизга муваффақият тилаймиз.

You shall come.

Сен келишинг керак.

 **Батафсил баён: II қисм, 64-бет.**

3. Модал феъллар бошқа феъллардан фарқли равишда ҳаракат ёки ҳолатни билдирмай, етакчи феъл ифодалаган ҳаракатнинг бажарилиши мумкинлигини, эҳтимоллигини, зарурлигини ва хоҳланганлигини англатади. Модал феълларга **can, may, must** киради.

Can (ўтган замонда – **could**, унинг келаси замони йўқ) модал феъли орқали иш-ҳаракатни бажара олиш қобилияти, имконияти ва кўникмаси ифодаланади.

I can help you. – Мен сенга ёрдам бера оламан (Сенга ёрдам бериш имкониятим бор).

Must феъли (унинг ўтган замон шакли йўқ) орқали иш-ҳаракат бажарилишининг зарурияти, мажбурияти ва шартлиги ифодаланади.

He must study the problem. – У бу муаммони ўрганиб чиқиши керак.

May феъли (ўтган замонда – **might**, унинг келаси замони йўқ) орқали иш-ҳаракат бажарилиши мумкинлиги, унга рухсат борлиги ифодаланади.

You may take my book. – Сиз китобимни олишингиз мумкин.

20-қоида.

Can, must, may модал феъллари шахс-сон бўйича тусланмайди.
Бу феъллар тусланмаган (шахссиз) шаклга эга эмаслар.

I can draw. – Мен расм чиза оламан.

He can draw. – У расм чиза олади.

They can draw. – Улар расм чиза оладилар.

 **Батафсил баён: II қисм, 104-бет.**

4. Боғловчи феъллар от, сифат, равиш, сон, олмошлардан кесим яшашда ишлатилади. Боғловчи феълларнинг энг асосийси **to be** феъллидир.

I am a student. – Мен талабаман.

I am good. – Мен яхшиман.

I am seventh. – Мен еттинчимаан.

It is me, your father. – Бу менман, сенинг отанг.

◆ Майл, нисбат, замон

Гапдаги воқеликка муносабат феълнинг майл шакллари орқали ифодаланиши мумкин.

Инглиз тилида учта феъл майли бор:

1) реал воқеликда юз берган иш-ҳаракат тўғрисида сўз борганда феъл ижро (ҳабар) майлида қўлланилади;

2) буйруқ-истак майлидаги феъл ҳаракатга ундаб, илтимосни, буйруқни ва маслаҳатни ифодалайди.

3) шарт майлидаги феъл ҳаракатнинг реал фактлигини эмас, балки бу ҳаракатга нисбатан тахмин ёки истакнинг нореалликлгини ифодалайди.

Инглиз тилидаги гапларда феъл икки хил шаклда иштирок этиши мумкин:

Шахсли феъл – иш-ҳаракатни шахс-сон, замон кўрсаткичи билан ифодалайди; феълнинг шахсли шаклини ҳосил қилиш учун тусланмаган шакл гуруҳига кирувчи инфинитивнинг **to** кўрсаткичи тушириб қолдирилади ва феъл ўзагига шахс-сон, замон қўшимчалари қўшилади.

(to ask – сўрамоқ; I ask. – Мен сўрайман. I am asked. – Мендан сўрашади).

Шахссиз феъл иш-ҳаракатни шахс-сон, замон кўрсаткичисиз ифодалайди.

Феълнинг шахссиз шакли 3 хил:

Инфинитив (ноаниқ шакл)

Герунд (ҳаракат номи)

Сифатдош

Рашишдош

Феълнинг нисбат шакли иш-ҳаракатнинг эга томонидан бажарилишини (аниқ нисбат) ёки эганинг устидан бажарилган (мажҳул нисбат) иш-ҳаракатни кўрсатади.

Инглиз тилида иккита нисбат бор: аниқ ва мажҳул нисбат.

1) эга иш-ҳаракатни бажарувчи шахс (ёки предмет) бўлганда феъл аниқ нисбатда қўлланилади.

2) эга тўлдирувчи билан ифодаланган шахс (ёки предмет) томонидан иш-ҳаракатга келтирилганда феъл мажҳул нисбатда берилади.

Инглизча гапда **ҳаракатни** тасвирлаш учун феъл турларининг ўзига хос тизими қўлланилади (бу феъл турлари қуйида 4-пунктда берилган).

Энди нималар феълнинг тусланишига (шаклини ўзгартиришига) сабаб бўлади деган саволга тўхталиб ўтайлик:

A. Шахсли феъл шакллари:

1. Шахс (3 та – I, II, III шахслар);

2. Сон (2 та – бирлик, кўплик);

3. Замон (3 та – ҳозирги, келаси, ўтган);

4. Ҳаракат тури (4 та – Simple, Continuous, Perfect, Perfect-Continuous);

5. Гап тури (4 та – дарак (хусусан, буйруқ ва ҳис-ҳаяжон), сўроқ, инкор гаплар);

6. Нисбат (2 та – аниқ, мажҳул);

7. Майл (3 та – ижро, буйруқ-истак, шарт);

Б. Шахссиз феъл шакллари:

8. Инфинитив; 10. Сифатдош;
9. Герунд; 11. Равишдош.

Демак, инглиз тилининг соддалаштирилган кўринишидаёқ бир феълнинг мазмун жиҳатдан 137 та шакли мавжуд: 120 та (ижро майли) + 5 та (буйруқ-истак майли) + 4 та (шарт майли) + 5 та (модал феъллар) + 3 та (шахссиз феъл). Бунинг исботи ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола.

Феълнинг **ҳаракат тури** тўрт гуруҳга бўлинади:

1) **Simple** (ёки **Indefinite**) – (оддий ёки ноаниқлик) одатий, такрорланадиган ҳаракатни ёки аниқ **фактни** ифодалайди.

2) **Continuous (Progressive)** – (давомлилик) иш-ҳаракатнинг давомийлигини (**жараённи**) ифодалайди. Яъни жараёнга урғу беради.

3) **Perfect** – (тугаллик) иш-ҳаракатнинг маълум пайтга қадар тугалланганини (**натижани**) ифодалайди. Яъни натижага урғу беради.

4) **Perfect Continuous (Perfect Progressive)** – (тугаллик – давомлилик) давом этган иш-ҳаракатнинг маълум пайтда тугалланганини ифодалайди. Яъни ҳам жараён, ҳам натижага урғу беради.

Феълнинг 3 та **вақт** тури мавжуд: ўтган (**Past**), ҳозирги (**Present**) ва келаси (**Future**) замонларда ифодалайди.



Батафсил баён: II қисм, 63-бет.

1.4. Ижро (хабар) майли

1.4.1. Шахсли феъл шакллари (тусланиши).

♦ Аниқ нисбат. Феълларнинг тур-замон тизими.

Дарак гап

21-қоида.

1. Simple Present:

Феъл шакли = to do (present назарда тутилади) + етакчи феъл + (кўшимча)

I usually ask about it. – Мен, одатда, бу ҳақида сўрайман.

2. Simple Past

Феъл шакли = to do (past назарда тутилади) + етакчи феъл + ed (кўшимча)

I asked about it yesterday. – Мен бу ҳақида кеча сўрадим.

а) Simple Future:

Феъл шакли = to do (future назарда тутилади) + етакчи феъл + (кўшимча)

I will ask about it tomorrow. – Мен бу ҳақида эртага сўрайман.

б) Continuous Present:

Феъл шакли = to be (present) + етак.ф. + ing (кўшимча)

I am asking about it now. – Мен бу ҳақида ҳозир сўраяпман.

5. Continuous Past:

Феъл шакли = **to be (past) + етак.ф. + ing** қўшимча

I was asking about it at noon. – Мен бу ҳақида пешинда сўраётган эдим.

6. Continuous Future

Феъл шакли = **to be (future) + етак.ф. + ing** қўшимча

I shall be asking about it at noon. – Мен бу ҳақида пешинда сўраётган бўламан.

7. Perfect Present

Феъл шакли = **to have (present) + етак.ф. + ed** қўшимча

I have asked about it just now. – Мен бу ҳақида ҳозиргина сўрадим / сўраб бўлдим.

8. Perfect Past

Феъл шакли = **to have (past) + етак.ф. + ed** қўшимча

I had asked about it by 5 o'clock. – Мен бу ҳақида соат 5 ларда сўраб бўлган эдим.

9. Perfect Future

Феъл шакли = **to have (future) + етак.ф. + ed** қўшимча

I shall have asked about it by the lessons. – Мен бу ҳақида дарсгача сўраб бўламан.

10. Perfect Continuous Present

Феъл шакли = **to have (present) + been + етак.ф. + ing** қўшимча

I have been asking about it for 5 minut. – Мен бу ҳақида 5 дақиқадан бери сўраяпман.

11. Perfect Continuous Past

Феъл шакли = **to have (past) + been + етак.ф. + ing** қўшимча

I had been asking about it for a long time by the lessons.

Мен бу ҳақида дарсдан олдин узоқ вақт сўраётган эдим.

12. Perfect Continuous Future

Феъл шакли = **to have (future) + been + етак.ф. + ing** қўшимча

I shall have been asking about it for an hour by 5 o'clock.

Соат 5 ларда мен бу ҳақида бир соатдан бери сўраётган бўламан.

♦ Мажҳул нисбат. Феълларнинг тур-замон тизими.

Дарак гап

22-қоида.

1. Simple Present

Феъл шакли = **to be (present) + етак.ф. + ed** қўшимча

I am asked about it every day.
(Мен ҳар кун бу ҳақида сўраламан)
Мендан ҳар кун бу ҳақида **сўрашади**.

2. Simple Past

Феъл шакли = **to be (past) + етак.ф. + ed** қўшимча

I was asked about it last year. – Мендан бу ҳақида ўтган йили **сўрашган эди**.

3. Simple Future

Феъл шакли = **to be (future) + етак.ф. + ed** қўшимча

I shall be asked about it tomorrow. – Мендан бу ҳақида эртага **сўрашади**.

4. Present Continuous

Феъл шакли = **to be (present) + being + етак.ф. + ed** қўшимча

I am being asked about it now. – Мендан бу ҳақида ҳозир **сўрашяпти**.

5. Past Continuous

Феъл шакли = **to be (past) + being + етак.ф. + ed** қўшимча

I was being asked about it at noon. – Мендан бу ҳақида пешинда **сўрашаётган эди**.

6. Future Continuous

Феъл шакли = **to be (future) + being + етак.ф. + ed** қўшимча

I shall be being asked about it tomorrow.
Мендан бу ҳақида эртага **сўрашаётган бўлишади**.

7. Present Perfect

Феъл шакли = **to have (present) + been + етак.ф. + ed** қўшимча

I have been asked about it now. – Мендан бу ҳақида ҳозир(гина) **сўраб бўлишди**.

8. Past Perfect

Феъл шакли = **to have (past) + been + етак.ф. + ed** қўшимча

I had been asked about it by 5 o'clock.
Мендан бу ҳақида соат 5 ларда **сўраб бўлишган эди**.

9. Future Perfect

Феъл шакли = **to have (future) + been + етак.ф. + ed** қўшимча

I shall have been asked about it by the lessons.

Мендан бу ҳақида дарсдан олдин сўраб бўлишади.

[Perfect Continuous ишлатилмайди.]

21 – 22-қоидалар асосида инглиз тилидаги содда дарак гапларда ёрдамчи феълларнинг қўлланилиши ҳақидаги тубандаги қоидали келтириб чиқариш мумкин:

23-қоида.

Ёрдамчи феъллар дарак гапларда қуйидаги тартибда қўлланилади:

1. *Simple* да замонни кўрсатувчи ёрдамчи феъл:

- ҳозирги замоннинг ёрдамчи феъли йўқ (**do** назарда тутилади);
- ўтган замоннинг ёрдамчи феъли йўқ (**did** назарда тутилади);
- келаси замонда **shall** ёки **will** ишлатилади.

2. Ҳаракат турини кўрсатувчи ёрдамчи феъл:

- *Simple* нинг ёрдамчи феъли йўқ (аниқроғи, **to do** ёрдамчи феъли назарда тутилади);
- *Continuous* да **to be** феъли (*am, is, are* – ҳозирги замон; *was, were* – ўтган замон; *shall be, will be* – келаси замон);
- *Perfect* да **to have** феъли (*have, has* – ҳозирги замон; *had* – ўтган замон; *shall have, will have* – келаси замон);
- *Perfect Continuous* да **to have been** (*have been, has been* – ҳозирги замон; *had been* – ўтган замон; *shall have been, will have been* – келаси замон) феъли ишлатилади.

3. Нисбатни кўрсатувчи ёрдамчи феъл:

- аниқ нисбатни ифодалаш учун алоҳида ёрдамчи феъл ишлатилмайди;
- мажҳул нисбатда **to be** (*am, is, are* – ҳозирги замон; *was, were* – ўтган замон; *shall be, will be* – келаси замон) феъли ишлатилади.

 **Батафсил баён: II қисм, 85-бет.**

1.4.2. Шахссиз феъл шакллари

Шахссиз феъл шакллари шахсли феъл шаклларида куйидаги жиҳатларига кўра фарқ қилади:

1. Уларнинг шахс-сон, замон ва нисбат кўрсаткичлари йўқ.
2. Улар кесим сифатида алоҳида қўлланилмайди.

Инглиз тилида шахссиз феъл шакллари 3 та:

инфинитив; герунд; сифатдош ва равишдош.

◆ Инфинитив

Инфинитив (феълнинг ноаниқ шакли) қуйидаги кўринишга эга:

24-қоида

инфинитив = to + феъл
кўрсаткич

to read – ўқимоқ *to see* – кўрмоқ

25-қоида.

Can, must, may модал феълларидан кейин инфинитив **to** кўрсаткичисиз ишлатилади.

I can read English books. – Мен инглизча китобларни ўқий оламан.

26-қоида.

Инглизча гапда инфинитив қуйидагиларни ифодалайди:

- 1) мураккаб кесимнинг бўлагини;
- 2) аниқловчини;
- 3) тўлдирувчини (мураккаб тўлдирувчи таркибида, қаранг: 45-бет);
- 4) ҳолни.

1. *I want to see you.*

Мен сизни кўришни истайман.

2. *I have no desire to go there.*

Менинг у ерга боришга хоҳишим / хушим йўқ.

(Менинг у ерга боргим келмаяпти.)

3. *He asked us to wait for him.*

У биздан уни кутишимизни сўради.

4. *I go to library to read.*

Мен кутубхонага ўқишга бораман.

 **Батафсил баён: II қисм, 90-бет.**

◆ Герунд

Герунд от ҳамда феъл хусусиятларига эга феълнинг шахссиз шаклидир. Рус тилидан фарқли ўлароқ ўзбек тилидаги иш оти инглизча герундга муқобил бўла олади: **reading** – ўқиш.

Герунд қуйидагича ясалади:

27-қоида.

(оддий) герунд = етакчи феъл + **ing** қўшимча

28-қоида.

Инглиз тилида герунд эга, тўлдирувчи ёки ҳолни ифодалайди.

1. **Reading** (эга) *is pleasure*. – Ўқиш (мутолаа қилиш) ҳузурбахшдир.
2. *I like reading* (тўлдирувчи). – Мен ўқишни яхши кўраман.
3. *I go to library for reading* (ҳол). – Мен кутубхонага ўқиш учун бораман.

 **Батафсил баён: II қисм, 93-бет.**

◆ Сифатдош

Инглиз тилида сифатдош сифат, равиш ҳамда феъл хусусиятларига эга феълнинг шахссиз шаклидир.

Сифатдош ҳаракатни предмет ёки бошқа ҳаракат белгиси сифатида ифодалайди.

Инглиз тилида иккита сифатдош бор: сифатдош I ва сифатдош II.

Сифатдош I герунд каби ясалади.

Сифатдошнинг ясалиши:

29-қоида.

Сифатдош I = феъл (бирламчи шаклда) + **ing** (қўшимча)
 Сифатдош II = феъл (бирламчи шаклда) + **ed** (қўшимча)

Сифатдош I ифодалаган ҳаракат гапнинг кесими бўлган феъл ҳаракати билан бир пайтда юз беради.

Сифатдош II ифодалаган ҳаракат гапнинг кесими бўлган феъл ҳаракатидан олдин юз беради.

30-қоида.

Сифатдошлар гапда аниқловчини ифодалайди:

Сифатдош I аниқловчи бўлиб келганда:

*The boy **standing** there is my friend.*
 У ерда турган бола менинг дўстим.

Сифатдош II аниқловчи бўлиб келганда:

*The man **invited** by me is my colleague.*
 Мен таклиф этган киши – ҳамкасбим (бўлади).

◆ Равишдош

Равишдошнинг ясалиши:

31-қоида.

Равишдош I = феъл (бирламчи шаклда) + **ing** қўшимча
 Равишдош II = феъл (бирламчи шаклда) + **ed** қўшимча

Рашидош I ҳол бўлиб келганда:

Reading this book I laughed a lot.

Бу китобни ўқий туриб кўп кулгандим.

Рашидош II ҳол бўлиб келганда:

Worked much he stopped it .

Кўп ишлаб у тўхтади .

 **Батафсил баён: II қисм, 98-бет.**

1.5. Формал эгали гаплар: *it, there*

Ўзбек тилида бундай эгали гаплар йўқ.

Инглиз тилида формал эгали гаплар икки тоифага бўлинади:

а) эгаси **it** бўлган вақт, масофа, ҳолат, табиий ҳодисаларни ифодаловчи шахссиз гаплар:

It is summer. – Ёз.

It is raining. – Ёмаиш ёғяпти.

It is 7 o'clock. – Соат 7 (бўлди).

It is easy. – (Бу) осон.

б) эгаси **there** бўлган шахс ёки предметнинг маълум жойда бор ёки йўқлигини ифодаловчи формал эгали гаплар:

There is a book on the table. – Столда китоб бор.

There were five students in the class. – Синфда бешта талаба бор эди.

Инглиз тилида бундай формал эгаларнинг қўйилиш зарурияти бу тилда сўроқ ва инкор гапларнинг ясалиш қонунидан келиб чиқади.

Soam emmi. – *It is 7 o'clock.*

Soam emtими? – *Is It 7 o'clock?*

Soam emtimас. – *It is not 7 o'clock.*

 **Батафсил баён: II қисм, 180-бет.**

1.6. Сўроқ ва инкор гаплар

◆ Сўроқ гаплар

Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Умумий савол (Ҳа/Йўқ саволи).

Умумий сўроқда сўз тартиби қуйидагича:

32-қоида.

Ёрдамчи феъл

Умумий сўроқ гап сўз тартиби қуйидагича:

- 1-ёрдамчи феъл ёки модал феъл + эга + бошқа ёрдамчи феъл + етакчи феъл + иккинчи даражали бўлак
 боғловчи феъл + эга + от ёки сифат, равиш ёки сон, олмош

Умумий сўроққа бериладиган жавоб **Yes** (ҳа) ёки **No** (йўқ) сўзларидан бошланади ва вергул билан ажратилади. Сўнг кишилик олмоши билан ифодаланган эга ва сўроқ гапни бошловчи ёрдамчи, модал ёки боғловчи феъл такрорланади. Савол жавоби **No** (йўқ) бўлса, ёрдамчи, модал ёки боғловчи феъл инкор шаклида ишлатилади.

Are you sleeping? – Сен ухляяпсанми?

Yes, I am. (No, I am not). – Ҳа. (Йўқ).

Do you work at school? – Сиз мактабда ишлайсизми?

Yes, I do. (No, I do not.) – Ҳа. (Йўқ.)

Can you play chess? – Шахмат ўйнай оласанми?

Yes, I can. (No, I can not.) – Ҳа. (Йўқ.)

Are you a student? – Сен талабамисан?

Yes, I am. (No, I am not) – Ҳа. (Йўқ.)

Агар дарак гапда **to have** (эга бўлмоқ), **to be** (бўлмоқ) феъллари етакчи феъл сифатида келса, умумий сўроқда улар эгадан олдин қўйилади.

Have you any time? – (Сенинг) вақтинг борми?

Yes, I have. – Ҳа.

Are you at home? – (Сен) уйдаманми?

No, I am not. – Йўқ.

Агар дарак гапда **to do** (қилмоқ) феъли етакчи феъл сифатида келса, ёрдамчи **to do** феъли эгадан олдин қўйилади.

I do my homework every day. – Мен ҳар куни уй вазифамни бажараман.

Do you do your homework every day? – Сен ҳар куни уй вазифангни бажарасанми?

Yes, I do. – Ҳа.

2. Махсус саволлар (**ким, қачон, қаерда** ва бошқа сўроқ олмошлари билан бошланади).

33-қоида.

Махсус саволда сўз тартиби қуйидагича:

а) савол эгага берилмаганда:

сўроқ олмоши + ёрдамчи ёки модал феъл + эга + бошқа ёрдамчи феъллар + етакчи феъл + иккинчи даражали бўлақлар

б) савол эгага берилганда:

1. сўроқ олмоши + кесим + иккинчи даражали бўлақлар

Who worked here? – Бу ерда ким ишлади?

I worked here. – Бу ерда мен ишладим.

2. сўроқ олмоши + боғловчи феъл + кесимнинг отлашган қисми + иккинчи даражали бўлақлар

Who is a student? – Ким талаба?

I am a student. – Мен талабаман.

Қуйидагилар асосий сўроқ олмошлари ҳисобланади:

Who – ким
What – нима
Where – қаерда / қаерга
When – қачон
Which – қайси бири
Whose – кимнинг / кимники
Whom – кимни / кимга
How – қандай қилиб / қанақа
How many – нечта (доналаб саналадиган отлар учун)
How much – қанча (доналаб саналмайдиган отлар учун)
Why – нима учун

 **Батафсил баён: II қисм, 172-бет.**

◆ Инкор гаплар

Инкор гап қуйидагича тузилади:

34-қоида

Эга + 1-ёрдамчи феъл ёки модал феъл + **not** + бошқа ёрдамчи феъл + етакчи феъл

I do not know English. – Мен англиз тилини билмайман.

He must not do it. – У бунни қилмаслиги керак.

Alisher will not come to work. – Алишер ишга келмайди.

Агар **to be**, **to have** дарак гапда етакчи феъл сифатида келса, **not** улардан кейин қўйилиб, инкор гап тузилади:

I am not a student. – Мен талаба эмасман.

Инглизча гапда инкор маъноси инкор сўзларидан бирини (**no** – ҳеч қандай, **nobody** – ҳеч ким, **nothing** – ҳеч нарса ва бошқ.) қўллаш орқали ифодаланиши мумкин. Бу ҳолда гапдаги феъл дарак шаклида қўлланилади, чунки инглизча гапда фақат битта инкор бўлиши мумкин:

I have no problem. – Менинг муаммоим йўқ.

Nobody worked here. – Бу ерда ҳеч ким ишламайди.

 **Батафсил баён: II қисм, 179-бет.**

2. Буйруқ-истак майли

35-қоида.

Буйруқ-истак майли ундашни, буйруқ, илтимос ёки истакни ифодалайди.
 Буйруқ-истак майлидаги феъл фақат 2-шахс шакли орқали ифодаланади. Бу шакл бирламчи феъл шакли билан мос тушади.
 Буйруқ-истак майлида феълнинг инкор шаклини яшаш учун етакчи феълдан олдин **do** кўмакчи феъли ва **not** инкор кўрсаткичи қўйилади:

Read! – Ўқи! Ўқинг!

Go home. – Уйга бор. Уйга боринг.

Do not write. – Ёзма. Ёзманг.

Буйруқ-истак майлидаги феъл буйруқни эмас, **илтимосни** ифодаласа, гапта **please** сўзини қўллаш лозим.

Open the window, please. – Илтимос, деразани оч(инг).

Биринчи ва учинчи шахсларни иш-ҳаракатга истак билдириши учун **let** феъли қўлланилади.

Let us go home. – (келинглар) Уйга кетайлик.

Let Umida read it. – (келинглар) Буни Умида ўқисин.

Do not let them come here. – (келинглар) Улар бу ерга келишмасин.

 **Батафсил баён: II қисм, 103-бет.**

3. Шарт майли

Шарт майли тасавур этилаётган, исталаётган нореал ҳаракатни тасвирлаш учун қўлланилади.

Инглиз тилида шарт майлидаги феъл шакли икки усулда аниқланади:

36-қоида.

Шарт майлидаги феъл = $\begin{cases} \text{Simple Past даги феъл (а)} \\ \text{should (would) + Simple Present даги феъл (б)} \end{cases}$

Шарт майли эргаш гапли қўшма гапларда қўлланилади.

Шарт майли асосан шарт гапларнинг нореал вазиятни билдирувчи иккала қисмида қўлланилади (бунда қўшма гапнинг эргаш гап қисмида феъл (а) ва бош қисмида (б) шакли бўйича бўлади).

*If I had time, I **should** go there.*

Агар вақтим бўлганида, мен у ерга борган бўлардим.

*If you **were** here, you **would** help us.*

Сен бу ерда бўлганигда, бизга ёрдам берган бўлардинг.

 **Батафсил баён: II қисм, 101-бет.**

4. Қўшма гаплар

Қўшма гаплар боғланган қўшма гаплар ва эргашган қўшма гапларга бўлинади. Инглиз тилида синтаксисли комплекслар деб номланадиган шакли бўйича содда, маъноси бўйича қўшма гапни билдирадиган конструкция ҳам мавжуд.

4.1. Боғланган қўшма гаплар

Боғланган қўшма гаплар бир-бирига боғлиқ бўлмаган, тенг ҳуқуқли гаплардан тузилади. Бунда содда гаплар **and** (ва, эса), **or** (ёки), **but** (аммо, лекин, бироқ) боғловчилари ва **therefore** (шунинг учун), **so** (шундай қилиб), **besides** (бундан ташқари) каби равишлар ёрдамида бирикади.

*I shall go to school **and** my sister will stay at home.*

Мен мактабга бораман, синглим эса уйда қолади.

*It is raining **but** it is not cold.*

Ёмағир ёғяпти, лекин (ҳаво) совуқ эмас.

*I have many lessons, **therefore** I don't watch TV.*

Менинг дарсларим кўп, шунинг учун телевизор кўрмайман.

 **Батафсил баён: II қисм, 183-бет.**

4.2. Эргаш гапли қўшма гаплар

Эргаш гапли қўшма гапда битта содда гап (эргаш гап) иккинчи содда гап (бош гап)га тобе бўлиб, уни изоҳлайди.

Эргаш гапли қўшма гапнинг содда гаплари **that** (-ни), **if** (-иш ёки -маслик), **as** (-ган, учун), **because** (чунки), **after** (-гандан кейин), **so that** (учун), **though** (-са, ҳам) боғловчилари ва **who** (ким, қайси), **whose** (кимнинг, кимники), **what** (нима), **when** (қачон), **where** (қаерда), **how** (қандай қилиб), **why** (нима учун) каби боғловчи сўзлар ёрдамида бирикади.

Боғловчи сўзлар соф боғловчилардан фарқли равишда эргаш гапли қўшма гап қисмларини бириктирибгина қолмай, балки эргаш гапнинг бир бўлагини ташкил этади.

Эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гапи бош гапнинг эга, тўлдирувчи, аниқловчи ёки ҳол бўлаги вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, эргаш гап содда (яъни бош) гапнинг ёйиқ бўлагига айланади.

♦ Эргаш гапли қўшма гап турлари

Эргаш гапли қўшма гапнинг асосий турлари қуйидагилар:

1) эга эргаш гапли қўшма гап:

That he knows English is true.

Унинг инглиз тилини билиши рост.

Эга эргаш гап кесимдан кейин келган бош гап **it** олмоши билан бошланади.

It is said that she is ill.

Уни касал дейишяпти.

2) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап:

I know that you have returned.

Мен сенинг қайтиб келганингни биламан.

Бундай гапларда **that** боғловчиси кўпинча тушириб қолдирилади.

3) аниқловчи эргаш гапли қўшма гап:

The boy who is sitting there is my son. – У ерда ўтирган бола менинг ўғлим.

He didn't forget the time when he studied in Moscow.

У Москвада ўқиган пайтини унутмади.

4) ҳол эргаш гапли қўшма гап:

I watched TV after I had finished my homework.

Уй вазифамни бажариб бўлиб, мен телевизор кўрдим.

If you come, we shall do our homework together.

Агар (сен) келсанг, уй вазифамизни бирга бажарамиз.

 **Батафсил баён: II қисм, 183-бет.**

♦ Замонлар мослашуви

Инглиз тилида тўлдирувчи эргаш гапнинг феъл замони бош гап феъл замониغا боғлиқ. Эргаш гапда феъл замонларининг қўлланиши замонлар мослашуви қондасига бўйсунди:

37-қоида.

1) агар бош гапнинг кесими бўлган феъл ҳозирги ёки келаси замонда бўлса, эргаш гапнинг кесими мазмунан талаб этилган, хоҳлаган замонда келади:

***I think you are right.** – Ўйлайманки (Ўйлашимча), сен ҳақсан.*

***I think you were right.** – Ўйлашимча, сен ҳақ эдинг.*

***I think you will be right.** – Ўйлайманки, сен ҳақ бўласан (бўлиб чиқасан).*

I shall ask him where he lives.
 Мөн ундан қаерда яшашини сўрайман.

I shall ask him where he lived.
 Мөн ундан қаерда яшаганини сўрайман.

I shall ask him where he will live.
 Мөн ундан қаерда яшамоқчилигини сўрайман.

2) бош гапнинг кесими ўтган замонда бўлганда:
 а) эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракат билан бир вақтдаги ҳаракатни тасвирласа, у **Simple Past** шаклида қўлланилади.

I asked him where he lived. – Мөн ундан қаерда яшашини сўрадим.

б) эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатдан олдинги вақтдаги ҳаракатни тасвирласа, у **Perfect Past** шаклида қўлланилади.

I asked him where he had lived. – Мөн ундан қаерда яшаганини сўрадим.

в) эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатдан кейин содир бўлса, у **Future in the Past** шаклида қўлланилади. Бунда **shall should** билан, **will** эса **would** билан алмаштирилади:

I asked him where you would live.
 Мөн ундан сизнинг қаерда яшамоқчилигингизни сўрадим.

 **Батафсил баён: II қисм, 187-бет.**

• Шартли гаплар

Инглиз тилида шартли гапларнинг уч тури кузатилади. Биринчи турдаги шартли гаплар амалга ошириш мумкин бўлган, реал тахминларни ифодалайди.

38-қоида.

1) Биринчи турдаги шартли гапларда шартли (эргаш) гапдаги феъл **Simple Present** шаклида бўлиб, бош гапнинг феъли **Simple Future** шаклида қўлланилади.

If my son comes in time, we shall go to the market.
 Агар ўғлим вақтида келса, биз бозорга борамиз.

2) Иккинчи турдаги шартли гаплар воқеликка тўғри келмайдиган, юз бериш эҳтимоли кам, ҳозирги ёки келаси замонга тегишли тахминларни ифодалайди.

Иккинчи турдаги шартли гапларда эргаш гапдаги феъл **Simple Past**, яъни шарт майли шаклида бўлиб, бош гапнинг феъли **should (would) + Simple Present** шарт майли шаклида қўлланилади.

*If she entered the university next year she would study English. –
Агар у университетга келаси йил кирганда, у инглиз тилини ўрганарди.*

3) Учинчи турдаги шартли гаплар ўтган замонга тегишлилиги учун бажариб бўлмайдиган тахминларни ифодалайди.

Учинчи турдаги шартли гапларда эргаш гапдаги феъл **Past Perfect** ва бош гапнинг феъли **should (would) + Present Perfect** шарт майли шаклида қўлланилади.

*If I had seen him the day before he would have told me about it. –
Мен уни бир кун олдин кўрганымда (эди), у менга бу ҳақида айтарди.*

 **Батафсил баён: II қисм, 188-бет.**

◆ Кўчирма ва ўзлаштира гаплар

Ўзгаларнинг ҳеч ўзгаришсиз айнан берилган гапи кўчирма гап дейилади. Кўчирма гап муаллиф фикрини сўзма-сўз келтирса, ўзлаштира гапда унинг мазмуни бошқа шахс томонидан берилади. Ўзлаштира гап тўлдирувчи эргаш гапли гап ҳисобланади.

Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:

39-қоида.

1) кишилик ва қаратқич (**my, your, his** ва бошқа) олмошлар мазмунга қараб ўзгаради.

Кўчирма гап:

Ann says: «I shall give you my bag».

Анна айтяпти: «Мен сизга ўзимнинг сумкамни бераман».

Ўзлаштира гап:

Ann says that she will give me her bag.

Анна менга ўз сумкасини беришини айтяпти.

2) агар бош гапнинг феъл-кесими ўтган замонда бўлса, равиш ва кўрсаткич олмошларини алмаштириш керак:

this – бу ...ни

that – анави / улар ...га

these – булар ...ни

those – анави / улар ...га

here – бу / шу ерда ...ни

there – у ерда ...га

now – энди / ҳозир ...ни

then – ўшанда ...га

today – бугун ...ни

that day – ўша куни ...га

tomorrow – эртага ...ни

the next day – эртаси куни ...га

yesterday – кеча ...ни

the day before – бир кун олдин ...га

Кўчирма гап:

She said: «I saw them here yesterday».

У айтди: «Мен уларни кеча шу ерда кўрдим».

Ўзлаштира гап:

She said (that) she had seen them there the day before.

У уларни бир кун олдин у ерда кўрганини айтди.

3) агар муаллиф гапи ўтган замонда бўлса, ўзлаштира гапда замонлар мослашуви қоидасига риоя қилинади:

Кўчирма гап:

He said: «They were here yesterday».

У деди: «Улар кеча бу ерда эдилар».

Ўзлаштира гап:

He said that they had been there the day before.

У уларнинг бир кун олдин у ерда бўлишганини айтди.

4) агар кўчирма гап таркибида савол бўлса, ўзлаштира гапда куйидаги ўзгаришлар юз беради:

- а) муаллифнинг гапи **ask** феъли орқали берилади;
- б) сўз тартиби ижро майлида ифодаланади;
- в) кўчирма гапнинг умумий турдаги саволи **if** (ёки **whether**) боғловчилари орқали берилади.

Кўчирма гап:

He says to me: «Do you know Arabic?».

У мендан сўради: «Арабчани биласанми?».

Ўзлаштира гап:

He asks me if I know Arabic.

У мендан арабчани биласанми деб сўради.

Кўчирма гап:

He asked us: «Where shall we go tomorrow?»

У биздан сўради: «Эртага қаерга борамиз?»

Ўзлаштира гап:

He asked us where we should go the next day.

У биздан эртага қаерга боришимизни сўради.

4.3. Махсус гап қурилмалари: синтактик комплекслар

Мазкур синтактик комплекслар инглиз тилининг хусусиятларидан биридир.

Энг кўп қўлланиладиган синтактик комплекс мураккаб тўлдирувчи ҳисобланади. Оддий тўлдирувчининг ўрнида мураккаб тўлдирувчини қўллаганимизда шаклан содда гап чегарасида мураккаблашган қурилмага эга бўламиз. Маъно жиҳатдан мураккаб тўлдирувчи тўлдирувчи эргаш гапга тенгдир.

Мураккаб тўлдирувчи қуйидаги шаклга эга:

40-қоида.

мураккаб тўлдирувчи =	{	умумий келиш. от ёки объект келиш. олмош	+ инфинитив
-----------------------	---	--	-------------

brother to study; him to study

Мураккаб тўлдирувчи маълум мазмундаги феъллардан кейин қўлланилади:

1) истак феъллари **to want, to wish, to like** дан кейин

We want him to have a rest. – Биз у(нинг) дам олишини хоҳлаймиз.

2) сезги феъллари **to see, to hear, to feel**дан кейин. Бу феъллар қўлланилганда мураккаб тўлдирувчи инфинитивининг **to** кўрсаткичи тушириб қолдирилади ёки инфинитив ўрнига сифатдош I ишлатилиши мумкин:

I saw him enter the school.

Мен унинг мактаб биносига кирганини кўрдим.

I saw him entering the school.

Мен унинг мактаб биносига кираётганини кўрдим.

3) идрок феъллари **to expect, to think, to know, to understand**дан кейин:

I know children to learn English now.

Мен болалар ҳозир инглиз тилини ўрганишаётганини биламан.

4) мажбурият феъллари **to make, to have, to let, to force** дан кейин. Бу феъллардан кейин ҳам инфинитивнинг **to** кўрсаткичи ишлатилмайди.

We made them do it.


Биз уларни бунга қилишга мажбур этдик.

II ҚИСМ

ИНГЛИЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИНИНГ БАТАФСИЛ БАЁНИ

1. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ (Part of Speech) (МОРФОЛОГИЯ)

1.1. От (the Noun)

 **От** – шахс ёки предметнинг номини билдирувчи сўз туркуми (предмет деб *ким? кимлар? нима? нималар?* саволларига жавоб берувчи сўзларга айтилади. Бунда шахс предметнинг алоҳида бир кўриниши сифатида қабул қилинади).

• От умумий ва қаратқич келишикларда

● Инглиз тилида отнинг иккита келишиги бор: бош келишик ва қаратқич келишиги. Отнинг луғатларда бериладиган шакли бош келишиқдир;

● Рус ва ўзбек тилидаги келишиклар отнинг предлогли ёки предлогсиз шакллари орқали ифодаланади:

(a, the) boy – бола (бош келишик, «именительный» келишиги)
the boy's / of the table – боланинг / столнинг (қаратқич келишиги, «родительный» келишик)

the boy – болани (тушум келишиги, «винительный» келишик)
to the boy onto the table – болага / столга (жўналиш келишиги, «дательный» к-к)
the boy on the table in the institute – болада / столда, институтда (ўрин-пайт келишиги)

from the boy – боладан (чиқиш келишиги)

by the boy – бола орқали (рус тилидаги «творительный» келишиги)

about the boy – бола ҳақида (рус тилидаги «предложный» келишиги)

● Инглиз тилида жонли предметларнинг қаратқич келишиги отга **'s** қўшимчаси қўшиш орқали ясалади. Қаратқич келишиги бошқа отга аниқловчи вазифасида келади:

the girl's hat – қизнинг шляпаси

Jonh's friend – Жоннинг дўсти

the cat's leg – мушукнинг оёғи

● Ёзувда от кўплигининг қаратқич келишиги апострофнинг ўзи қўшилиши орқали ясалади. Талаффузи эса бирлик шакли каби бўлади:

the boys' book – ўғил болаларнинг китоби

the girls' kerchiefs – қизларнинг рўмоллари

● Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

- а) *man's happiness* – кишининг бахти
men's happiness – кишиларнинг бахти
 б) *Ann's car* (*the Ann's car, Ann's the car эмас*).

● Қаратқич келишиги қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) тегишлиликни ифодалаш учун. Бунда бирикманинг биринчи қисми жонли предметни билдирувчи сўзлардан иборат бўлади:

- the student's pen* – талабанинг ручкаси
the children's mother – болаларнинг онаси
Kate's fish – Кейтнинг балиғи

2) предметнинг сифат белгисини ифодалаш учун:

- a children's room* – болалар(нинг) хонаси
men's clothes – эркаклар(нинг) кийими

● Қаратқич конструкцияси **of** предлогли конструкция билан алмаштирилиши мумкин (қаранг: 140-бет):

- the girl's room = the room of the girl*

● Юқорида айтилганидек, қаратқич келишигининг **'s** қўшимчаси фақат нарса, сифат ёки белгининг ўзига тегишлилигини билдирувчи жонли предметларни ифодаловчи сўзларга қўшилади:

- the girl's voice* – қизнинг овози

● Айрим ҳолларда қаратқич келишигининг **'s** қўшимчаси аниқ предмет маъносидаги жонсиз отлар билан қўлланиши мумкин:

- the car's roof* – машинанинг томи (аниқ, сўз юритилаётган машинанинг томи).

● Бу конструкция мавҳум отлар билан ишлатилиши мумкин эмас. Шу боис **his action's result** бирикмаси нотўғри.

● Жонли предметлардан ташқари қаратқич келишигининг апострофли шакли қуйидаги отлар билан ишлатилади:

1. Вақт ва масофани билдирувчи отлар:

- I shall have a week's holiday next month* – Кейинги ой мен бир ҳафталик таътилга чиқаман.

2. Мамлакат (**country**), шаҳар (**city**) ва кемаларни (**ship**) билдирувчи отлар:

- Tashkent is Uzbekistan's capital* – Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти.

3. Баъзи бир пайт равишлари:

- today's program* – бугуннинг дастури
yesterday's concert – кечаги концерт

● Қаратқич келишигидаги от аниқланмишдан олдин туриши шарт эмас:

а) аниқланмиш тушириб қолдирилиши мумкин:

- It was not my idea but it was Tom's.* – Бу менинг фикрим эмасди, балки Томники эди.

б) аниқланмишдан олдин бошқа аниқловчилар – ноаниқ артикль ёки кўрсатиш олмоши келиши мумкин:

an idea of Tom's – Томнинг фикри
this idea of Tom's – бу фикр Томники

● Кўплик шаклида **-s** қўшимчаси бўлмаган отлар қаратқич келишиги шаклини апострофли **-s** ёрдамида ясаيدилар:

the children's books – болаларнинг китоблари

● Отлар уюшиб келганда **-'s** қўшимчаси қуйидаги тартибда қўшилади:

а) бош сўзи от бўлган сўз бирикмаларида:

John and Tom's room – Том ва Жоннинг хонаси

The Prime Minister of England's speech – Англия бош вазирининг нутқи

б) бош сўзи от бўлмаган сўз бирикмаларида:

somebody else's car – яна кимнингдир машинаси

● Қаратқич келишигидаги от фақат бир (аниқланмиш сўзга тавсиф берувчи) аниқловчи вазифасида келади:

Shakespeare's sonnets – Шекспир(нинг) сонетлари

● Аниқловчи вазифасида (аниқланмиш сўзнинг умумий хусусияти бош сўзга тобе бўлмаган ҳолда) бош келишикдаги от ҳам қўлланиши мумкин:

The Shakespeare National Theatre – Шекспир номидаги Миллий театр

The Ibsen manner – Ибсен услуби

● Қаратқич келишигидаги от, одатда, аниқловчи вазифасини бажариб, аниқланмиш сўздан олдин ёзилади. Лекин баъзан қаратқич келишиги шаклидаги от мустақил ҳам қўлланиши мумкин:

а) ишлатилган сўзни такрорламаслик учун:

Her voice was as gentle as a child's – Унинг овози боланики каби майин эди.

б) кимнингдир манзилини айтиш учун:

at the doctor's – врач қабулида

at the baker's – нон дўконида

● **-'s** сўз ясовчи сифатида ҳам қўлланади:

a baker's – нон дўкони

a chemist's – дорихона

a hairdresser's – сартарошхона

● Иккита от қаратқич келишигида бўлса, **of** предлогидан фойдаланилади:

She is the friend of my brother's wife – У акам(нинг) рафиқасининг дугонаси.

◆ Отнинг роди

● Инглиз тилида отларнинг роди уларнинг маъносига қараб ажратилади. Инглиз тилида род қўшимчаларга эга эмас. Маълум отларгагина женский роднинг **-ess** қўшимчаси қўшилади: *actor* (мужской род), *actress* (женский род).

Бошқа ҳолларда:

1) мужской родга шу жинсдаги шахс номлари тааллуқли, улар «**he**» – у олмоши билан алмаштирилади;

2) женский родга шу жинсдаги шахс номлари тааллуқли, улар «**she**» – у олмоши билан алмаштирилади;

3) средний родга жонсиз предметлар, (жинси кўрсатилмаган ҳолда) жонивор номлари тааллуқли, улар «**it**» – у олмоши билан алмаштирилади.

The princess (she) was in white – Малика (у) оқ (либос)да эди.

The prince (he) was in black – Шаҳзода (у) қора (либос)да эди.

He (brother) went home – У (ака) уйга кетди.

She (sister) went home – У (опам) уйга кетди.

It (dog) is running – У (кучук) югураяпти.

It (sky) is blue – У (осмон) ҳаворанг.

● Мамлакатлар сиёсий бирлик сифатида олинганда кўпинча уларнинг номи женский род олмоши **she** билан алмаштирилади.

● **Ship** (кема) сўзи, одатда, женский родга мансуб, **she** олмоши билан алмаштирилади.

● Саналадиган ва саналмайдиган отлар

● Отлар саналадиган ва саналмайдиган бўлади:

– саналадиган отларга санаш мумкин бўлган отлар киради;

– саналмайдиган сонларга санаш имконсиз отлар киради;

– саналмайдиган отлар фақат бирликда қўлланилади;

– бир от маъносига қараб ҳам саналадиган, ҳам саналмайдиган бўлиши мумкин:

beauty (гўзаллик (саналмайдиган) – а *beauty* (соҳибжамол (қиз) (саналадиган)

water (сув (саналмайдиган) – *waters* (сувлар (шўр, чучук) (саналадиган)

● Саналмайдиган отнинг тури кўрсатилганда у саналадиган отга айланиши мумкин:
the coffes of Brasil – Бразилия кофе навлари

● Инглиз тилида қуйидагилар саналмайдиган отлар ҳисобланади:

– нарсаларни билдирувчи аниқ отлар (**milk, bread**);

– мавҳум отларнинг аксарияти (**news, information, courage**);

– нарсани билдирувчи жуфт қисмдан иборат отлар (**trousers, scissors**).

● Отларнинг бирлиги ва кўплиги

● От кўплигининг ясалиши:

1. Отларнинг кўплиги «**-s**» қўшимчаси қўшилиши орқали ясалади:

bed – beds, pen – pens, tie – ties

Бунинг ўзига хос хусусиятлари бор:

1) **-s, -ss, -x, -sh, -ch** ларга тугайдиган отлар, кўпликда **-es** қўшимчасини олади:

match – matches, box – boxes, dish – dishes

2) агар сўз **-y** ҳарфи билан тугаса ва ундан олдинги ҳарф ундош бўлса, **-es** қўшилганда **-y** ҳарфи **-i** га айланади, яъни **-y + (-es) = -ies**:

city – cities, baby – babies

Лекин агар охириги **-y** ҳарфидан олдин унли ҳарф келса, **-y** ҳарфи ўзгармайди:

day – days

3) **-f, -fe** билан тугайдиган отларнинг кўплик шакллари қуйидаги ўзгаришлар ҳисобига ясалади:

а) **-f + (-es) = -ves** ва **-fe + (-s) = ves**

wolf – wolves, wife – wives

life – lives, knife – knives

loof – looves, myself – ourselves

б) **-f** ва **-fe** ўзгармаганда:

roof – roofs, proof – proofs

safe – safes, chief – chiefs

cliff – cliffs, staff – staffs

kerchief – kerchiefs, handkerchief – handkerchiefs

в) баъзи отларда иккала усул қўлланилади:

hoof – hoofs / hooves, wharf – wharfs / wharves

turf – turfs / turves, scarf – scarfs / scarves

4) **-o** билан тугайдиган отлар **-es** қўшимчасини олади:

tomato – tomatoes, potato – potatoes

Negro – Negroes, cargo – cargoes

hero – heroes, echo – echoes

manifesto – manifestoes, volcano – volcanoes

Лекин бу қоида қатъий эмас:

photo – photos, studio – studios

piano – pianos, trio – trios

cuckoo – cuckoos, zoo – zoos

portfolio – portfolios, oratorio – oratorios

● **-o** ҳарфи билан тугаган сўзларга **-es** қўшилиши инглиз тилининг американча вариантыга хос.

5) ҳарф ва сонларнинг кўплиги **-s** ёрдамида ясалади:

three 1's – учта бир

two 5's – иккита беш

ten a's – ўнта а

2. Инглиз тилида кўпликни қадимий шаклда, яъни ўзак унлини ўзгартириш орқали ҳосил қиладиган қатор отлар мавжуд:

1. **a man** – эркак, киши; **men** – эркаклар, кишилар

2. **a woman** – аёл; **women** – аёллар

3. **a tooth** – тиш; **teeth** – тишлар

4. **a foot** – оёқ; **feet** – оёқлар

5. **a goose** – гоз; **geese** – гозлар

6. **a mouse** – сичқон; **mice** – сичқонлар

7. **a louse** – бит; **lice** – битлар

8. **an ox** – ҳўкиз; **oxen** – ҳўкизлар
 9. **a child** – бола; **children** – болалар
 10. **a person** – шахс, одам; **people** – одамлар

● **a goose** – тикувчи дазмоли сўзи кўпликда **geese**, **a person** – шахс, одам сўзи кўпликда **persons** шаклида ҳам қўлланиши мумкинлигини ёдда тутмоқ лозим.

3. Инглиз тилида фақат бирликда қўлланиладиган отлар ҳам мавжуд:

а) маълум предмет номлари: одамлар, шаҳарлар, дарёлар ва б.:

Navoi, Khiva, The Thames

б) саналмайдиган ва мавҳум отлар:

cotton, milk, youth, strength

в) куйидаги сўзлар:

news – янгилик, **luggage** – юк

information – ахборот, **knowledge** – билим

advice – маслаҳат, **progress** – тараққиёт

furniture – мебель, **money** – пул

hair – соч, **fruit** – мева

● Бироқ предметнинг турини, хилини, навини англатиш учун кўплик шакл ишлатилади:

*Children like to eat **fruits**.* – Болалар (турли) **мевалар** ейишни яхши кўришади.

*There are apples, oranges and other **fruits** on the plate.* – Лептада олма, апельсин ва бошқа **мевалар** бор.

● От сифат ўрнида бирлик шаклда қўлланади:

*They have **two-week** vacation* – Уларнинг икки ҳафталик таътиллари бор.

4. Фақат кўпликда қўлланиладиган отлар ҳам мавжуд:

archives – архив

belongs – нарсалар

billiards – бильярд

clothes – кийим-кечак

contents – мундарижа

earnings – мояна

entrails – ичак

glasses (spectacles) – кўзойнак

goods – моллар, товарлар

jeans – жинси

pants – шим

people – одамлар

pliers – омбур

proceeds – фойда

riches – бойлик

savings – йиғилган мол-мулк, пул

scales – тарози

scissors – қайчи

shorts – калта шим

tongs – қисқич

trousers – шим

tweezers – пинцет, мўйчинак

wages – иш ҳақи, мояна

- Қуйидаги ҳолга эътибор беринг:

*The **trousers** are in the drawer.* – Шимлар шкафта.

*A pair of **trousers** is in the drawer.* – Бир жуфт шим шкафта.

5. Шундай сўзлар борки, улар шаклан кўпликда бўлиб, феъл-кесим билан бирликда қўлланилади:

а) **news** – янгилик, янгиликлар

б) **-ics** билан тугайдиган фан номлари:

mathematics – математика, **physics** – физика ва б.

Mathematics is my favorite subject. – Математика – менинг севимли фаним.

What is the news? – Нима (қандай) янгилик бор?

в) касаллик номлари:

measles – қизамиқ

tumps – тепки

herpes – темиратки

6. Маълум муддат, пул ёки ўлчовларни англатувчи жамловчи отлар:

***Three months** is enough time to finish the contract.* – Уч ой шартномани тугатишга етарли вақтдир.

***Fifty dollars** was all he had.* – Унинг бор пули эллик доллар эди.

7. Ҳам бирликда, ҳам кўпликда қўлланиладиган отлар ҳам мавжуд:

barracks – барак, бараклар

deer – кийик, кийиклар

fish – балиқ, балиқлар

headquarters – штаб, штаблар

means – усул, усуллар

series – серия, сериялар

sheep – қўй, қўйлар

species – тур, турлар

works – завод, заводлар

- **Dozen** (ўн иккита), **score** (йигирмата) сўзлари ҳам сондан кейин келса, шундай хусусиятга эга:

*two **dozen** (of) eggs* – йигирма тўртта тухум

*three **score** (of) years* – олтмиш ёш

- Кўпгина балиқларнинг номлари ҳам кўпликда ўз шаклини ўзгартирмайди:

plaice – қалқонбалиқ

salmon – лосось (гўшти қизил балиқ)

pike – чўртанбалиқ

trout – гулмоҳи

carp – зоворабалиқ

8. Асли (келиб чиқиши) латинча бўлган сўзлар кўплигининг ясалиши:

Бирликда	Кўпликда
а) -um га тугайди <i>datum</i> (факт, маълумот) <i>bacterium</i> (бактерия) <i>dictum</i> (афоризм) <i>sanatorium</i> (дам олиш маскани) <i>auditorium</i> (аудитория) <i>memorandum</i> (меморандум)	-a га тугайди <i>data</i> <i>bacteria</i> <i>dicta</i> <i>sanatoria, sanatoriums</i> <i>auditoria, auditoriums</i> <i>memoranda, memorandums</i>
б) -a га тугайди <i>antenna</i> (антенна) <i>fauna</i> (фауна, ҳайвонот дунёси) <i>formula</i> (формула)	-ae га тугайди <i>antennae</i> <i>faunae</i> <i>formulae, formulas</i>
в) -us га тугайди <i>cactus</i> (кактус) <i>radius</i> (радиус) <i>stratus</i> (қатламли булут)	-i га тугайди <i>cacti</i> <i>radii</i> <i>strati</i>
г) -is га тугайди <i>basis</i> (базис, асос) <i>diagnosis</i> (ташхис)	-es га тугайди <i>bases</i> <i>diagnoses</i>
д) -on га тугайди <i>criterion</i> (жиҳат) <i>phenomenon</i> (ҳодиса)	-a га тугайди <i>criteria</i> <i>phenomena</i>

9. Саналмайдиган предметларни (**air, silver** ва б.), мавҳум тушунчаларни (**love, strength** ва б.) англатувчи отларнинг кўплиги йўқ.

10. Кўшма отлар кўплигининг ясалиши:

а) биринчи сўз кўплик шаклини олади:

notaries-public, passers-by,
mothers-in-law, men-of-war,
coats-of-mail, courts-martial,
commanders-in-chief

б) сўнги сўз кўплик шаклини олади:

boy-friends, break-downs,
overalls, sin-ins,
fountain-pens, stand-byes,
grown-ups, forget-me-nots,
assistant-directors, merry-go-rounds,
attorney generals, postmen,
mouthfuls, writing-tables,
spoonfuls, gentlemen,
room-mates

Лекин:

Musulmans, Ottomans, Talismans, Turkmans, Germans, Normans

11. Кўпгина бирликларнинг йиғиндисини англатувчи жамловчи отларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) кўплик шакли бор бирлаштирувчи отлар:

a crowd – crowds, an army – armies

б) фақат бирликда қўлланилиб, кўпликдаги феъл-кесим билан мослашувчи (алоҳида бирликлардан ташкил топган) ажраладиган отлар:

the peasantry, the cavalry, the gentry

в) кўпликни ташкил этувчи бирликларнинг ҳам бирлашувини, ҳам ажралишини ифодалайдиган жамловчи отлар бор.

● Агар от бир бутун деб тақдим этилган жамоани, одамлар гуруҳини англатса, феъл билан бирликда мослашади:

My family is large. – Менинг оилам катта.

● Агар от жамоанинг алоҳида аъзоларини англатса, у феъл билан кўпликда мослашади:

My family are early risers. – Оиламизда ҳамма эрта туради.

● Вақт, пул, ўлчовни англатувчи жамловчи отлар бирликда қўлланилади:

Twenty dollars is much to pay for this dress.

Fifty kilometers is not little to run in one day.

● **Отларнинг қўлланилиши**

● Гапда от эга, аниқловчи, тўлдирувчи, предикатив, ҳол бўлиб келиши мумкин:

***The man** (эга) *is sitting in the hall.* – Киши залда ўтирибди.*

*I saw **the girl** (тўлдирувчи) *at the theatre.* – Мен бу қизни театрда кўрганман.*

*Where is **town** (аниқловчи) *library?* – Шаҳар кутубхонаси қаерда?*

***Tom's** (аниқловчи) *brother is a student.* – Томнинг акаси талаба.*

*He is **a worker** (предикатив). – У ишчи.*

*I put my watch **into the box** (ҳол). – Мен соатимни қутига солиб қўйдим.*

● **От ясалиш усуллари**

● 1. Кўпгина инглизча отлар содда шаклга эга, яъни суффикс ёки префикслардан холи сўзлардан ташкил топган: **pen, apple, sky** ва ҳ.к.

● От ясалиш усуллари қуйидагилардан иборат:

1) префикслар ёрдамида (қаранг: 235-бет);

2) суффикслар ёрдамида (қаранг: 211-бет);

3) сўзларни қўшиш натижасида (қўшма сўз);

4) **-s (-es)** қўшимчалари ёрдамида;

5) конверсия – бошқа сўз туркумларининг отга ўтиш усули ёрдамида.

2. Қўшма сўз:

а) от + от:

headache – бош оғриқ

б) сифат + от:

blackboard – синф доскаси

в) равиш + от:

afternoon – пешиндан кейин

г) феъл + от:

knitwear – трикотаж

д) от + феъл:

handshake – қўл бериб кўришиш

Қўшма сўзлар қуйидагича ёзилиши мумкин:

а) қўшилган ҳолда:

dressmaker – тикувчи аёл (чевар)

б) дефис орқали:

record-player – овоз ёзиш ускунаси

в) алоҳида:

fountain pen – сиёҳ ручка3. **-s (-es)** қўшимчалари ёрдамида баъзи бир (от, камроқ сифат) сўзлардан янги отлар ҳосил қилиш мумкин:**force** – куч, **forces** – армия**colour** – ранг, **colours** – байроқ**compass** – компас, **compasses** – циркуль**pain** – оғриқ, **pains** – ташвиш**good** – яхши, **goods** – товар, буюм**new** – янги, **news** – янгиликлар**bearing** – ўзини тутуш, **bearings** – азимут (аниқланган бурчак)

4. Конверсия.

а) феълнинг отга ўтиши (аксарият феъллар бу рўйхатга киради):

to love – севмоқ, **love** – севги, муҳаббат**to work** – ишламоқ, **work** – иш

б) сифатнинг отга ўтиши:

от = артикль + сифат**comic** – комик, кулгили, **a comic** – кинокомедия**daily** – кундалик, ҳар кунги, **a daily** – кундалик газета**poor** – камбағал, **the poor** – камбағаллар**rich** – бой, **the rich** – бойваччалар**young** – ёш, **the young** – ёшлар**old** – кекса, **the old** – кексалар**wild** – ёввойи, **the wild** – ёввойилар**destitute** – жуда муҳтож, **the destitute** – камбағаллар

om = сифат + s

rich – бой, **riches** – бойлик

new – янги, **news** – янгилик

billiard – бильярдга оид, **billiards** – бильярд

green – яшил, **greens** – кўкат

sweet – ширин, **sweets** – ширинлик, конфет


● Аниқ артикль билан қўлланилган сифат бир гуруҳга мансуб кишиларни англатади ва кўпликдаги отнинг маъносини билдиради.

● Гуруҳнинг бир вакилини англатиш учун **man (men), woman (women)** ёки маъно жиҳатдан мос бошқа отни қўллаш мумкин:

an old man – чол, кекса одам

a rich man – бой киши, бойвачча

1.2. Сифат (the Adjective)

 **Сифат** – предметнинг белгисини билдирувчи сўз туркумидир. Предмет белгиси бўлган сўз қандай? қанақа? саволларига жавоб беради.

● Сифатларнинг қўлланилиши

● 1. Сифат асосан аниқловчи ва кесимнинг от қисми тарзида қўлланилади.

● Сифат аниқловчи вазифасида келганда ўзи тегишли отдан олдин туради, кесимнинг от қисми вазифасида эса боғловчи феълдан кейин туради:

*It is a **red pencil**.* – Бу қизил қалам.

*The pencil is **red**.* – Қалам қизил.

● Отни икки ёки ундан ортиқ сифат аниқлаб келганда отдан олдин унга мантиқан яқин сифат қўйилади:

*It was a **cold autumn day**.* – Совуқ куз кунни эди.

*He is a **clever young man**.* – У ақлли ёш йигит.

● **-able, -ible** билан тугайдиган баъзи сифатлар отдан олдин ҳам, кейин ҳам туриши мумкин:

*the first **available ship** = the first **ship available*** – Биринчи келаётган кема.

● **Enough** сифати отдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам туриши мумкин:

*We have **enough time** = We have **time enough*** – Вақтимиз етарли.

● Инглиз тилида сифат род, сон, келишик бўйича ўзгармайди:

*a **nice boy*** – ёқимтой бола

*a **nice girl*** – ёқимтой қиз

nice girls – ёқимтой қизлар

*from a **nice girl*** – ёқимтой қиздан

● 2. Сифатлар эга ёки тўлдирувчи вазифасида ҳам келиши мумкин:

*He has not done **useful** (тўлдирувчи).* – У фойдали ҳеч нарса қилмади.

«**Bad**» (эга) is antonym of «good». – «Ёмон» сўзи «яхши» сўзининг антонимидир.

● 3. Санок, миқдорни ифодалайдиган **much, many, little, few** сифатлари ҳам сон, ҳам олмош ҳисобланиши мумкин.

◆ **Сифат даражалари**

● Инглиз тилида аслий сифатлар худди ўзбек тилидаги каби уч хил даражаланади: *оддий, қиёсий, орттирма*. Даражаланиш ё содда шаклда, ёки таркибли шаклда бўлади. Рус тилида эса битта сифат икки хил усул билан даражаланиши мумкин:

интереснее (содда шакл) ёки *более интересный* (таркибли шакл)
интереснейший (содда шакл) ёки *самый интересный* (таркибли шакл)

● 1. Сифат даражалари ясалиши:

1) бир бўғинли сифатлар.

Бир бўғинли сифатларда қиёсий даражани ҳосил қилиш учун сифатнинг оддий даражадаги шаклига **-er**, орттирма даражадаги шаклини яратиш учун **-est** қўшимчаси қўшилади. Сифатнинг орттирма даражаси олдидан а) унинг аниқловчиси бўлмаса, **the** артикли қўйилади; б) унинг аниқловчиси бўлса, **the** артикли қўйилмайди. Бунда:

а) бир бўғинли сифатнинг охириги ҳарфи ундош, ундан олдингиси унли бўлса, ундош ҳарф иккиланади:

big – bigger – (the) biggest = камта – камтароқ – энг камта

б) сўзнинг охиридаги **-y** ҳарфидан олдингиси ундош бўлса, **y -i** га ўзгаради, **-y + (-er/-est)+ -ier/-iest**:

easy – easier – (the) easiest = осон – осонроқ – энг осон

в) охириги ҳарф **-y** дан олдин унли келса, **y** ўзгармайди:

gray – grayer – (the) grayest = кулранг – кулрангроқ – энг (ўта) кулранг

г) сўз **-e** ҳарфи билан тугаса, **y** тушириб қолдирилади:

simple – simpler – (the) simplest = оддий – оддийроқ – энг оддий

2) кўп бўғинли сифатлар.

Кўп (икки ва ундан ортиқ) бўғинли сифатлар ўз даражаларини **more** (кўпроқ), **less** (камроқ / нисбатан кам), **the most** (энг / ўта / жудаям кўп) ва **the least** (энг / ўта / жудаям кам, энг / ўта ...сиз) сўзлари ёрдамида ҳосил қилади. Бу сўзлар сифатнинг оддий даражадаги шаклидан олдин қўйилади, натижада сифат таркибли шаклга келади:

active – more active – (the) most active = фаол – фаолроқ – энг фаол

interesting – less interesting – (the) least interesting =

= қизиқарли – камроқ (нисбатан) қизиқарли – энг қизиқарсиз (энг кам қизиқарли)

● **more** ва **most** равишлари баъзи ибораларда ўз лексик маъноларини ҳам сақлашни ёдда тутмоқ зарур:

a most important point – жуда аҳамиятли фикр

a most brave action – ниҳоятда мардона ҳаракат

Бу ерда предметнинг сифати бошқа нарса билан қиёсланмаган ҳолда ифодаланяпти.

3) истиснолар:

а) агар икки бўғинли сифат **-y, -e, -er, -ow** ҳарфлари билан тугалланса, у бир бўғинли сифатдек даражаланади.

narrow – narrower – (the) narrowest = тор – торроқ – энг тор

polite – politer – (the) politest = хушмуомала – хушмуомалароқ – энг хушмуомала

simple – simpler – (the) simplest = содда – соддароқ – энг содда

б) инглизча **good** (яхши), **bad** (ёмон), **little** (кичкина), **many** ва **much** (кўп) сифатлари ўз даражаларини қўшимчалар ёрдамида эмас, балки бошқа ўзак шаклидан ҳосил қиладилар:

good / well – better – (the) best

bad / badly – worse – (the) worst

little / less – (the) least – lesser (камроқ)

much / many – more – (the) most

● 2. Иккитали сифат даражалари

far (узоқ)	farther (узоқроқ) further (кейинги (кейинроқ))	(the) farthest (энг узоқ) (the) furthest (энг кейинги, энг кейин)
old (эски, кекса)	older (эскироқ, кексароқ) elder (камта (оилада))	(the) oldest (энг эски/кекса) (the) eldest (энг камта)
near (яқин)	nearer (яқинроқ) nearer (яқинроқ)	(the) nearest (энг яқин) next (келаси, кейинги)
late (кеч, кечки)	later (кечроқ, кейинроқ) latter (бир нечтанинг кейингиси)	(the) latest (сўнги (вақтга нисбатан)) last (охирги (тартиб бўйича))

● Мутлақ белгини билдирган аслий сифатлар даражаланмайди (масалан: **blind** – кўр, **dead** – ўлган).

● Баъзи икки бўғинли сифат ва равишлар икки усулда ҳам даражаланиши мумкин: **lovelier, more lovely, the loveliest, the most lovely.**

● Кўпинча қиёсий даражадан кейин **than** боғловчиси қўлланилади, у ўзбек тилидаги *кўра, нисбатан, қараганда* сўзларига мос келади:

My book is more interesting than yours. – Менинг китобим сеникига нисбатан қизиқарлироқ.

● Лотинчадан ўзлаштирилган қиёсий даражадаги **superior** (юқори, энг юқори, яхшироқ, энг яхши), **inferior** (ёмонроқ, энг ёмон) ва бошқа сифатлар **-er** нинг ўрнига **-or** қўшимчасини оладилар. Бу сўзлардан кейин **than** боғловчиси ўрнига **to** қўлланилади. Бу сифатлар оддий ва орттирма даражаларда ишлатилмайди.

*This computer is **inferior to** that. – Бу компьютер сифати бўйича унисидан ёмонроқ.*

● Сифат даражаларини кучайтириш ва пасайтириш

● Сифат даражаларини кучайтириш учун **much, far, by, far, still, even** сўзлари қўлланилади.

Қиёсий даражада:

much longer – анча узунроқ

much more difficult – анча қийинроқ

far cleverer – анча ақллироқ

far more difficult – анча қийинроқ
still better – анча яхшироқ
still more difficult – анча қийинроқ
even bigger – анча каттароқ
even more difficult – анча қийинроқ

Орттирма даражада:

by far the biggest – сўзсиз катта
by far the most difficult – сўзсиз қийин

- Рангни кучайтириш учун **dark** қўлланилади: **dark green** – тўқ яшил
- Белги даражасининг камроқ ёки энг паст даражасини ифодалаш учун **less** (камроқ, нисбатан кам) ва **least** (энг кам / энг ...сиз) сўзлари қўлланилади:

less pleasant – нисбатан ёқимли
(the) least pleasant – энг ёқимсиз

- Рангни пасайтириш учун **light, pale, white** сўзлари ва **-ish** қўшимчаси қўлланилади:

light blue – оч ҳаворанг
pale green – оч яшил
reddish – қизғиш, сал қизил
white brown – оч жигаранг

- Бир хил сифатли предметларни қиёслаш учун оддий даражадаги сифат **as ... as** нинг ёки **so ... as** нинг ўртасига қўйилади:

*He is **as old as** your friend.* – У ҳам сенинг дўстинг каби кекса.
*My car is not **so new as** yours.* – Менинг машинам сеникидек янги эмас.

- **Икки барабар / ҳисса, уч барабар / ҳисса** ва ҳ. сўзлар ёрдамида сифат даражалари ҳосил қилинишига эътибор беринг:

*Your suite is **twice as expensive as** mine.* – Сенинг костюминг меникидан икки барабар қиммат.

*Today we have worked **four times as much as** yesterday.* – Биз бугун кечагидан (/га қараганда) тўрт ҳисса кўп ишладик.

- Иккиланган қиёслаш ҳам учраб туради:

*It is getting **warmer and warmer**.* – Кун борган сари исияпти.
*They go **more and more** slowly.* – Уларнинг юриши секинлашиб кетяпти.

● Сифат ясалиш усуллари

- Сифатлар қуйидагича ҳосил қилинади:

- 1) туб сифатлар ўз ҳолича мавжуд;
- 2) префикслар ёрдамида (қаранг: 235-бет);
- 3) суффикслар ёрдамида (қаранг: 211-бет);
- 4) сўзларни кўшиш ёрдамида.

- 1) туб сифатлар: **good, nice, big...**

4) қўшма сўз:

а) от + сифатдош I:

breath – taking - мароқли

б) сифат + сифатдош I:

good-looking – хушбичим, кўркем, чиройли


в) от + сифатдош II:

hand-made – қўл меҳнати, қўлда қилинган

г) от + сифат:

brick-red – гиштдек қизил

1.3. Сон (the Numeral)

 Сон предметларнинг саноғини ёки ҳисобдаги тартибини билдирувчи сўз туркумидир. Сон *нечта? қанча? нечанчи?* саволларига жавоб бўлади.

● Саноқ (*нечта? қанча?* саволларига жавоб беради) ва тартиб (*нечанчи?* саволига жавоб беради) сонлар мавжуд.

● Саноқ сонлар

one	бир	eleven	ўн бир	twenty-one	йигирма бир
two	икки	twelve	ўн икки	twenty-two	йигирма икки
three	уч	thirteen	ўн уч	twenty-three	йигирма уч
four	тўрт	fourteen	ўн тўрт	thirty	ўттиз
five	беш	fifteen	ўн беш	fourty	қирқ
six	олти	sixteen	ўн олти	fifty	эллик
seven	етти	seventeen	ўн етти	sixty	олтмиш
eight	саккиз	eighteen	ўн саккиз	seventy	етмиш
nine	тўққиз	nineteen	ўн тўққиз	eighty	саксон
ten	ўн	twenty	йигирма	ninety	тўқсон

a hundred	(бир) юз
a hundred and one	(бир) юз бир
a hundred and two	(бир) юз икки
two hundred	икки юз
a thousand	(бир) минг
a thousand and one	(бир) минг бир
a thousand two hundred and twenty-five	(бир) минг икки юз йигирма беш
a million	(бир) миллион
a milliard (billion)	(бир) миллиард

2,035,325 – *two million, thirty five thousand, three hundred and twenty five.*

◆ Тартиб сонлар

● Биринчи учтасини ҳисобга олмаганда (**first, second, third**) тартиб сонлар санок сонларга **-th** қўшимчаси қўшилиши натижасида ҳосил қилинади:

1 st	first	биринчи	20 th	twentieth	йигирманчи
2 nd	second	иккинчи	21 st	twenty-first	йигирма биринчи
3 rd	third	учинчи	22 nd	twenty-second	йигирма иккинчи
4 th	fourth	тўртинчи	23 rd	twenty-third	йигирма учинчи
5 th	fifth	бешинчи	24 th	twenty-fourth	йигирма тўртинчи

100 th	hundredth	юзинчи
101 st	hundred and first	юз биринчи
102 nd	hundred and second	юз иккинчи
1000 th	thousandth	мингинчи
1001 st	thousand and first	минг биринчи
1 000 000 th	millionth	миллионинчи

2,035,325th – *two million, thirty five thousand, three hundred and twenty fifth.*

● От тартиб сон билан аниқланиб келганда тартиб сонидан олдин аниқ артикль қўлланади. От тушириб қолдирилган тақдирда ҳам, аниқ артикль тартиб сонидан олдин сақланади:

*January is **the first month** of the year.* – Январь йилнинг биринчи ойи.

*I was **the fourth (man)** to come in.* – Мен ичкарига кирганлар ичида тўртинчи эдим.

● Агар тартиб сон олдида бошқа аниқловчи ишлатилса, **the** артикли тушириб қолдирилади.

*Maya is my **first student**.* – Мая менинг биринчи талабам.

● Тартиб сондан олдин ноаниқ артикль ҳам туриши мумкин. Бунда сон бошқа, яна *битта* маънога эга бўлади:

*I have bought **a second** book.* – Мен иккинчи (яна битта) китобни сотиб олдим.

● Қуйидагиларнинг ўқилишига эътибор бериш зарур:

а) хронологик саналарнинг:

*December 25, 1997 – December the **twenty fifth**, nineteen ninety seven.*

б) телефон рақамларининг:

246-85-29 – two four six eight five two nine

◆ (Оддий ва ўнли) каср сонлар

а) оддий каср сонлар:

Оддий каср номларида каср сурати санок сон, маҳражи тартиб сон билан ифодаланади (агар сурат бирдан катта бўлса, маҳражни ифодалаган сонга **-s** қўшилади):

1/3 – one third

3/3 – three thirds

- Қуйидаги каср сонлар ўзига хос ясалади:
 - $1/2$ – *one (a) half* – ярим
 - $1/4$ – *one (a) quarter (one fourth)* – чорак
 - $1/100$ – *per cent* – фоуз
- Аралаш касрларни номлашда бутун сон ва каср қисми орасига **and** боғловчиси қўйилади:
 - $2\frac{1}{3}$ – *two and a third (one third)*
 - б) ўнли касрлар.
- Одатда, ўнли касрларда ҳар бир сон алоҳида санок сон билан ифодаланади. Бутун сон каср қисмдан **point** деб ўқиладиган нуқта орқали ажратилади.
 - $0,5$ – *nought point five (ёки point five)*
 - $1,15$ – *one point fifteen (ёки one and fifteen)*
 - $12,305$ – *one two (twelve) point three nought five*
- 0 рақамининг ўқилиш хусусиятлари:
 - а) телефон рақамидаги 0 – **ou** тарзида ўқилади:
 - $3-0-7$ – *three ou seven*
 - б) спорт мусобақаларида 0 рақами **nil** деб ўқилади:
 - $5:0$ – *five nil*
 - в) ҳарорат назарда тутилган 0 рақами **zero** деб ўқилади:
 - $+27$ – *twenty seven above zero*
 - -10 – *ten below zero*
 - г) ўнли касрларда 0 рақами **nought** деб ўқилади:
 - $3,205$ – *three point two nought five*
- Сондан ясалган баъзи равишлар:
 - firstly* (бирма-бир санаганда) – биринчидан
 - at first, firstly* – биринчи, аввал
 - secondly* – иккинчидан
 - twice* – икки марта
 - thirdly* – учинчидан
 - thrice* – уч марта
 - secondary* – иккиламчи, иккинчи даражали, ўрта (маълумот ҳақида)
- Сонларнинг қўлланилиши
- Гапда сон қуйидагиларни ифодалаши мумкин:
 1. Эгани:
 - Seven is a prime number.* – *Етти* – оддий сон.
 2. Аниқловчини:
 - Give me the **second** book.* – *Менга иккинчи китобни бер.*
 3. Тўлдирувчини:
 - What number do you like? I like **seven**.* – *Сенга қайси сон ёқади? Менга етти маъқул.*


4. Ҳолни:

*What floor do you live on? I live on the **fifth**. – Сиз қайси (нечанчи) қаватда яшайсиз? Мен бешинчида яшайман.*

5. Таркибли кесимнинг от қисмини:

*Nine from fifteen is **six**. – Ўн беш минус тўққиз – олти.*

1.4. Феъл (The Verb)

 **Феъл** предметнинг ҳаракати ёки ҳолатини билдирувчи сўз туркумидир. Феълнинг замони, шахс-сонига қараб савол берилади. Масалан, ҳозирги замонда феъл *нима қилади? нима қиляпти?* саволларига жавоб беради.

● Луғатларда келтириладиган феъл шакли феълнинг бирламчи шакли деб аталади: **do, work, see** ва ҳоказо.

● Феълнинг бирламчи шаклидан олдин **to** кўрсаткичи келса, инфинитив дейилади: **to do, to work, to see** ва ҳоказо.

● Феъл предмет (шахс)нинг ҳаракатини, ҳолатини ёки жойлашган жойини, предмет нимага (кимга) ўхшашини ёки нима (ким) бўлишини белгилайди.

*He is **intelligent**. – У зиёли(дир).*

*Nick is **at home**. – Ник уйда.*

*She seems **frightened**. – У қўрққанга ўхшайди.*

*He became **a doctor**. – У врач бўлди.*

*They will **finish in time**. – Улар вақтида тугатишади.*

● Феъллар гапда бажарадиган вазифасига кўра етакчи, ёрдамчи, боғловчи ва модал феълларга бўлинади. Етакчи феъллар мустақил маънога эга, гапда содда кесим вазифасида қўлланади (қаранг: 161-бет).

Етакчи феъл тузилиш жиҳатидан содда ёки мураккаб бўлиши мумкин:

*They **speak English**. – Улар инглизча гапиришади.*

*I **want to help** you. – Мен сенга ёрдам беришни хоҳлайман.*

Ёрдамчи феъллар ҳақидаги маълумот 1.4.1-бандда, боғловчи феъллар ҳақида 1.4.2., модал феъллар ҳақида 1.4.8-бандда маълумот берилган.

● Феъл **шахсли** ва **шахссиз феълларга** ажратилади:

– **шахсли феъллар** иш-ҳаракатни шахс-сон, замон, майл, нисбат кўрсаткичлари билан ифодалайди;

– **шахссиз феъллар** иш-ҳаракатни шахс-сон, майл кўрсаткичларисиз ифодалайди.

● **Майл** феъл шакли сифатида сўзловчининг борлиққа нисбатан иш-ҳаракатига муносабатини ифодалайди. Инглиз тилида 3 хил **майл** бор:

– **ижро майли**: сўзловчи иш-ҳаракатни реал факт сифатида баҳолайди;

– **буйруқ-истак майли**: сўзловчи иш-ҳаракатга ундайди, буйруқ, истак, маслаҳатни ифодалайди.

– **шарт майли**: сўзловчи иш-ҳаракатга гумон ва умид қилинаётган ёки амалга ошмайдиган жараён сифатида қарайди.

● Феълнинг **нисбат** шакли орқали эга иш-ҳаракатни бажарувчи предмет (шахс) ёки иш-ҳаракат предмет (шахс) устидан олиб борилаётган эканлиги кўрсатилади.

● Инглиз тилида иккита нисбат бор – **аниқ ва мажҳул**:

– эга иш-ҳаракатни бажарувчи шахс (ёки предмет) бўлганда феъл аниқ нисбатда қўлланилади;

– эга тўлдирувчи билан ифодаланган шахс (ёки предмет) томонидан иш-ҳаракатга келтирилганда феъл мажҳул нисбатда берилади.

● Инглиз тилида ҳамма феъллар (Past Simple, Perfect) замон шаклларини ҳосил қилиш бўйича икки гуруҳга: **тўғри ва нотўғри** феълларга бўлинади. Нотўғри феъллар алоҳида рўйхат қилиб берилган (қаранг: 77-бет). Қолган феъллар тўғри феълларни ташкил этишади.

1.4.1. *to do, to be, to have, shall (should), will (would)* ёрдамчи феъллари

● Инглиз тилида 5 та ёрдамчи феъл мавжуд: **to be, to have, to do, shall, will**. Улар етакчи феъл сифатида ҳам қўлланади: **to be** (бор бўлмоқ), **to have** (эга бўлмоқ), **to do** (қилмоқ), **shall** (шарт), **will** (хоҳламоқ).

● Ёрдамчи феълларнинг қўлланилиши:

1) **shall** келаси замоннинг биринчи шахс бирлик ва кўплигини яратиш учун хизмат қилади (ҳозирги кунда барча шахслар учун **will** ишлатиш тенденцияси мавжуд);

2) **should** қуйидагиларда хизмат қилади:

а) ўтган замонда келаси замоннинг биринчи шахс бирлик ва кўплигини ифодалаш учун (қаранг: 90-бет);

б) эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапида шарт майлини ифодалаш учун (қаранг: 101-бет).

3) **will** келаси замоннинг иккинчи ва учинчи шахс бирлик ва кўплигини ҳосил қилиш учун.

4) **would** қуйидагиларда хизмат қилади:

а) ўтган замонда келаси замоннинг иккинчи, учинчи шахс бирлик ва кўплигини ифодалаш учун (қаранг: 90-бет);

б) эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапида шарт майлини ифодалаш учун (қаранг: 101-бет).

5) **to do** ёрдамчи феъли **Simple** феъл туси замонларида сўроқ ва инкор гапларни ҳосил қилиш учун (қаранг: 68-бет);

6) **to be** қуйидагиларда хизмат қилади:

а) *Continuous, Perfect Continuous* феъл туси замонларини ифодалаш учун (70-, 75-бетларга қаранг);

б) феълнинг мажҳул нисбатини ифодалаш учун (70, 75-бетларга қаранг).

7) **to have** ёрдамчи феъли *Perfect, Perfect Continuous* феъл туси замонларини ҳосил қилиш учун (73-, 75-бетларга қаранг).

● **to do, to be, to have** ёрдамчи феълларининг шахс-сон ва замон бўйича тусланиши:

1. **to do**

	Ҳозирги замон	Утган замон	Келаси замон
I	do	did	shall do
he	does	did	will do
she	does	did	will do
it	does	did	will do
we	do	did	shall do
you	do	did	will do
they	do	did	will do

2. **to be**

	Ҳозирги замон	Утган замон	Келаси замон
I	am	was	shall be
he	is	was	will be
she	is	was	will be
it	is	was	will be
we	are	were	shall be
you	are	were	will be
they	are	were	will be

3. **to have**

	Ҳозирги замон	Утган замон	Келаси замон
I	have	had	shall have
he	has	had	will have
she	has	had	will have
it	has	had	will have
we	have	had	shall have
you	have	had	will have
they	have	had	will have

1.4.2. Боғловчи феъллар

● Боғловчи феъллар от қисмли мураккаб кесимни яратишга хизмат қилади. Боғловчи феъл бошқа сўз (предикатив) билан боғланиб, бирламчи маъносини сусайтириб ёки бутунлай йўқотиб, янги феълни юзага келтиради. Бунда янги феълнинг грамматик маъноси (шахс-сон, замон бўйича тусланиши) боғловчи феълга қараб белгиланади.

● Асосий боғловчи феъл сифатида қўлланиладиган феъл **to be** ҳисобланади (мустақил етакчи феъл сифатида бўлмақ, мавжуд бўлмақ, жойлашмоқ маъноларига эга).

I am economist. – (Нима иш қиласан?) Мен иқтисодчиман.

He was ill. – (Унга нима қилди?) У касал эди.

● Боғловчи феъл вазифасида **to be** қуйидаги сўз туркумлари билан боғланиши мумкин:

1) **to be** + сифат:

*It **is** red.* – (У) қизил.

2) **to be** + от:

*She **was** a liar.* – У ёлгончи эди.

3) **to be** + олмош:

*Who **are** you?* – Сен кимсан?

4) **to be** + равиш:

*He **was** here.* – У бу ерда эди.

5) **to be** + сон:

*He **was** sixteen.* – У 16 да эди.

6) **to be** + феъл:

а) **to be** + инфинитив:

*The best idea **is** to go home.* – Энг зўр фикр уйга боришдир.

б) **to be** + сифатдош:

*I **am** surprised.* – Мен ҳайронман (ҳайратдаман).

в) **to be** + герунд:

*He **was** looking well.* – Унинг кўриниши яхши эди.

7) **to be** + предлоғли ибора:

*It **was** out of place.* – Бунинг ўрни (мавриди) эмасди.

*He **is** against it.* – У бунга қарши.

- Қуйидаги феъллар боғловчи феъл вазифасини бажариши мумкин:

<i>to fall</i> – йиқилмоқ	<i>to come</i> – келмоқ
<i>to feel</i> – ҳис қилмоқ	<i>to get</i> – олмоқ
<i>to grow</i> – ўсмоқ	<i>to become</i> – бўлмоқ, айланиб қолмоқ
<i>to lie</i> – ётмоқ	<i>to keep</i> – сақламоқ, ушламоқ
<i>to remain</i> – қолмоқ	<i>to look</i> – қарамоқ
<i>to seem</i> – туюлмоқ	<i>to go</i> – бормоқ
<i>to sit</i> – ўтирмақ	<i>to appear</i> – пайдо бўлмоқ
<i>to stand</i> – тик турмоқ	<i>to continue</i> – давом этмоқ

Мисоллар:

feel proud – мағрурланмоқ

get married – уйланмоқ (турмушга чиқмоқ)

keep shut – бекитмоқ

1.4.3. Етакчи феъл шакллари (тусланиши). Шахсли феълнинг аниқ нисбат шакллари

- Энди нималар феълнинг тусланишига (шаклини ўзгартиришига) сабаб бўлади деган саволга тўхталиб ўтайлик:

а) шахсли феъл шакллари:

1. Шахс (3 та – I, II, III шахслар);
2. Сон (2 та – бирлик ва кўплик);
3. Замон (3 та – ўтган, ҳозирги, келаси);
4. Ҳаракат тури (4 та – Simple, Continuous, Perfect, Perfect Continuous);
5. Гап тури (4 та – дарак (хусусан, буйруқ ва ҳис-ҳаяжон), сўроқ, инкор гаплар);
6. Нисбат (2 та – аниқ, мажҳул);
7. Майл (3 та – ижро, буйруқ-истак, шарт).

б) Шахссиз феъл шакллари:

8. Инфинитив;
9. Герундий;
10. Сифатдош;
11. Равишдош.

Айтиб ўтиш керакки, 1.4.3-, 1.4.4- ва 1.4.5-бандларда феълнинг ижро майлидаги шакллари кўрилади. Шарт ва буйруқ-истак майллари 1.4.6-бандда кўрилади.

● Аниқ нисбатдаги феълда ҳаракат эга томонидан бажарилади.

● Феълнинг **ҳаракат тури** (Simple, Continuous, Perfect, Perfect Continuous) ва **вақтини** (ўтган, ҳозирги, келаси замонларда) ифодалаш учун инглизча феълнинг ўзига хос тизими мавжуд. Кейинги бўлимларда мазкур тизимни ёритишда «тур-замонлар» атамасидан фойдаланамиз.

● Феъл тур-замонлари тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Ноаниқ ҳаракатлар тур-замон гуруҳи (*Indefinite* ёки бошқа номи – **Simple**):

- *ҳозирги замон (Present Simple)*;
- *ўтган замон (Past Simple)*;
- *келаси замон (Future Simple)*.

● **Simple** гуруҳи тур-замонлари иш-ҳаракати бажарилишини унинг давомлилиги, тугалланганига ишора қилмай, бошқа бир ҳаракатга ёки пайтга алоқасизлигини тасдиқлайди.

2. Ҳаракатлар тур-замон гуруҳи (**Continuous**):

- *ҳозирги замон (Present Continuous)*;
- *ўтган замон (Past Continuous)*;
- *келаси замон (Future Continuous)*.

● **Continuous** гуруҳи тур-замонлари давомли, тугалланмаган иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади.

3. Тугалланган ҳаракатлар тур-замон гуруҳи (**Perfect**):

- *ҳозирги замон (Present Perfect)*;
- *ўтган замон (Past Perfect)*;
- *келаси замон (Future Perfect)*.

● **Perfect** гуруҳи тур-замонлари иш-ҳаракатнинг маълум бир вақтга қадар бажарилишини ифодалайди.

4. Тугалланган – давомли ҳаракатлар тур-замон гуруҳи (**Perfect Continuous**):

- *ҳозирги замон (Present Perfect Continuous)*;

- ўтган замон (*Past Perfect Continuous*);
- келаси замон (*Future Perfect Continuous*).

● **Perfect Continuous** гуруҳи тур-замонлари маълум бир вақтгача бошланиб, шу вақтни ҳам ўз ичига олган аниқ муддат мобайнида давом этган иш-ҳаракатни ифодалайди. Бу гуруҳ тур-замонлари аниқ муддат давом этиб, маълум вақтдан бевосита олдин тугалланган иш-ҳаракатни ҳам ифодалайди.

● Шундай қилиб, инглиз тилида аниқ нисбатнинг ижро майлида 12 та тур-замон мавжуд.

● Инглиз тилида ўтган замондаги келаси замоннинг тўрт хил шакли бор (**Future in the Past**):

- ўтган замондаги оддий келаси замон;
- ўтган замондаги давомли келаси замон;
- ўтган замондаги тугалланган келаси замон;
- ўтган замондаги тугалланган – давомли келаси замон.

● Бу шакллар (келаси замоннинг оддий шаклларидан фарқли равишда) бевосита нутқ жараёнига нисбатан келаси замонни эмас, балки ўтган замонда сўзланган нутқ пайтига нисбатан келаси замонни ифодалайди. Демак, келаси замонда юз беражак иш-ҳаракат ҳақида ўтган замонда гапирилган.

◆ Simple гуруҳи тур-замонлари

● **Simple** шакли асосан қуйидагиларда қўлланилади:

- а) такрорланувчи иш-ҳаракат ёки предметни доимий тавсифловчи белгини ифодалаш учун;
- б) умуммаълум фактни ифодалаш учун;
- в) бир марталик ҳаракатни ифодалаш учун.

1. Present Simple

● Ясашиши

Present Simpleда феъл шакли учинчи шахс бирликдаги кўринишидан ташқари барча шахс-сон учун феълнинг бирламчи шакли кабидир. Учинчи шахс бирлигини ҳосил қилиш учун феълнинг бирламчи шаклига **-s** ёки **-es** қўшимчалари қўшилади. **-es** қўшимчаси инфинитив қуйидаги ҳарф ва ҳарф бирикмаларига тугаганда қўлланади:

а) **-s, -ss, -ch, -sh, -tch, -x:**

He dresses. – У кийинадди / (У кийиниб юради).

She watches. – У кузатади / (У кузатиб юради).

б) **-y** ҳарфидан олдин ундош турганда, бунда **-y** ҳарфи **-i** га ўзгаради, **-y + (-es) + ies:**

I try. – Мен уринаяпман.

He tries. – У уринаяпти.

в) қолган ҳолларда **-s** қўшилади:

He writes. – У ёзади.

She works. – У ишлайди.

Gayrat plays. – Файрат ўйнайди.

● **To do, to be, to have** феъллари бундан мустасно. Учинчи шахс бирликда улар мос равишда **does, is, has** шаклларига эга.

● **Present Simple** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) воқеа-ҳодиса, фактни тасдиқлаш учун:

*He **lives** in Moscow.* – У Москвада яшайди.

б) одатий, такрорланувчи ҳаракатни ифодалаш учун:

*I **go** to school every day.* – Мен мактабга ҳар кунни бораман.

в) гапда эга сифатида келган предмет ёки шахсга хос иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

*Do you **read** English books?* – Сен инглизча китоблар ўқийсанми?

г) **Continuous** шаклларида қўлланилмайдиган феълларда ҳозирги замонни ифодалаш учун:

*I **feel** it now.* – Мен буни ҳозир ҳис қиляпман.

д) ҳозирги замонда, яъни нутқ сўзланётган айни пайтда юз бераётган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

*Excuse me, I **don't understand** you.* – Мени кечирасиз, сизни тушунмаяпман.

е) воқелигимизда юз берадиган, умуммаълум ҳақиқатларни ифодалаш учун:

*The sun **rises** in the East.* – Қуёш Шарқдан чиқади.

ж) шарт ва пайт эргаш гапли гапларда келаси замонни ифодалаш учун:

*I shall come if he **invites** me.* – Агар у мени таклиф этса, мен келаман.

з) **to leave, to start, to sail, to arrive, to return, to go, to come** феъллари билан яқин келажакдаги иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

*My sister **arrives** in a day.* – Менинг опам бир кундан кейин келади.

и) маршрут, йўл жадвалларини эълон қилишда келаси замонни ифодалаш учун:

*Next train **leaves** at 13:25.* – Кейинги поезд 13:25 да жўнайди.

к) илтимос ва кўрсатмаларни ифодалаш учун:

*How do I **get** to metro station?* – You **go** straight, then you **turn** left.

Metro бекатига қандай борсам бўлади? – (Сиз) тўғрига юрасиз, кейин чапга буриласиз.

2. Past Simple

● Ясалиши

Тўғри феълларнинг *Past Simple* шакли **-ed** қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинади, у феълнинг бирламчи феълга қўшилади. Нотўғри феълларнинг *Past Simple* шакли нотўғри феъллар рўйхатининг иккинчи устунидан олинади (қаранг: 77-бет):

*I **worked**.* – Мен ишладим.

*I **spoke**.* – Мен гапирдим.

-ed нинг қуйидаги қўшилиш хусусиятларини ёдда тутмоқ зарур:

а) агар феълнинг бирламчи шакли **-e** га тугаса, **-d** қўшилади: *live – lived*.

б) агар феълнинг бирламчи шакли ундош ҳарф билан тугаса ва ундан олдин қисқа унли келса, ундош ҳарф иккиланади: *stop – stopped, occur – occurred*.

в) агар феълнинг бирламчи шакли **-y** га тугаса, ундан олдинги ҳарф ундош бўлса, **-y** ҳарфи **-i** га ўзгаради. **-y + (-ed) + ied**: *marry – married, employ – employed*

● **Past Simple** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ўтган замондаги одатий такрорланувчи иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

Last year we often went to the cinema. – Ўтган йили биз кинога тез-тез борардик/ (бориб турардик).

б) ўтган замонда ҳам бошланиб, якунланган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

Father came early in the evening.

в) ўтган замонда юз берган қатор ҳаракатларни ифодалаш учун:

I entered the room, sat down on the arm-chair, and began to read the letter. – Мен хонага кирдим, креслога ўтирдим ва хатни ўқишни бошладим.

г) ўтган замондаги алоҳида фактларни ифодалаш учун:

It happened 4 years ago. – Бу 4 йил олдин юз берган эди.

д) оғзаки нутқда нутқ жараёнигача юз берган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

He was there when I left. – Мен кетаётганимда у ўша ерда эди.

● Такрорланувчи ҳаракат ёки белги ўтган замонда юз бериб, ҳозирги замонда ўрни бўлмаса, **used to** бирикмаси қўлланилади.

I used to go to school with him. – Мен (бир пайтлар) у билан мактабда бирга ўқигандим.

● Кўпроқ Simple шаклларида қўлланилувчи **often, seldom, always, never, usually** равишлари, одатда, феълдан олдин қўйилади:

I never see him. – Мен уни ҳеч кўрмайман.

● **To be** феъли қатнашган гапларда бу равишлар феълдан кейин қўйилади.

I am always well. – Мен ҳар доим яхшиман.

3. Future Simple

● Ясалиши

Future Simple тур-замони **shall** (1-шахсда), **will** (2 – 3-шахсларда) ёрдамчи феъллари ва етакчи феълнинг бирламчи шакли ёрдамида ҳосил қилинади.

We shall work. – Биз ишлаймиз.

He will work. – У ишлайди.

● **Future Simple** келаси замонда юз берадиган бир марталик ёки такрорланувчи иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади.

They will learn English twice a week. – Улар ҳафтада икки марта инглиз тилини ўрганишади.

● **Continuous** гуруҳи тур-замонлари

● **Continuous** гуруҳи тур-замонлари аниқ пайт ёки муддат ичида давом этувчи аниқ иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади. **Continuous** қўлланилган сўзловчи иш-ҳаракатни жараён сифатида тасвирлайди, **Simple**ни қўллаганда эса фақат иш-ҳаракат бажарилишини тасдиқлайди.

1. Present Continuous

● Ясалиши

Present Continuous тур-замони **to be** ёрдамчи феълнинг ҳозирги замон (**am, are, is**) шакллари ва етакчи феълнинг бирламчи шаклига **-ing** қўшимчаси қўшилиши орқали ҳосил қилинади:

She is working now. – У ҳозир ишляпти.

-ing қўшимчасининг ўзига хос хусусиятларини ёдда тутмоқ зарур:

а) агар инфинитив **-e** га тугаса, **-ing** қўшимчисидан олдин **-e** тушириб қолдирилади:
to write – writing

б) агар инфинитив охири ундош ҳарф бўлган қисқа урғули бўғинга тугаса, бу ундош ҳарф **-ing** олдин иккиланади: *to run – running, to forget – forgetting*

в) **to lie, to tie, to die** феъллари **Continuous** шаклини фарқли ҳосил қиладилар:
lying, tying, dying

● **Present Continuous** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) нутқ жараёнида юз бераётган давомли иш-ҳаракатни ифодалайди:

I am typing a text. – Мен матнни тераялман.

б) ҳозирги замонда юз бераётган иш-ҳаракатни ифодалаш учун (бунда иш-ҳаракат нутқ жараёнига тўғри келиши шарт эмас):

He is writing a book. – У китоб ёзаяпти.

в) тез такрорланувчи иш-ҳаракатни ҳам ифодалайди. Бу ҳолда иш-ҳаракат узлуксиз давом этиши шарт эмас:

He is taking course in English. – У инглиз тилидан сабоқ оляпти (кейинги пайтда, кўпроқ).

г) келаси замонни ифодалаш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бу шакл кўмагида юз бериш эҳтимоли юқори, аниқ режаланган келажак иш-ҳаракатлари ҳақида сўз юритилади:

She is coming this evening. – У бугун кечкурун келяпти (келади).

д) **if, when, while** ва бошқа боғловчи шарт ва пайт ҳол – эргаш гапларда (**Future Continuous**) келаси замондаги давомли иш-ҳаракатни ифодалаш учун (қаранг: 75-бет):

If he is sleeping when I phone, wake him up. – Мен кўнаироқ қилганимда, у ухлаётган бўлса, уни уйғотинг.

е) кун, ой, йил давомида (деярли тўхтовсиз) юз берадиган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

I know you are not smoking these days. – Шу кунларда чекмаётганингни биламан.

ж) вазият ўзгариши ва ривожланишини ифодалаш учун:

The climate is getting cooler. – Ҳаво совияпти.

● **Continuous** шакллари қўлланилишининг фарқли ҳоллари:

а) **to come, to go, to leave, to start** ва б. феъллар билан қўлланилади. **Present Continuous** кўпинча яқин келажакка алоқадор иш-ҳаракатни ифодалайди:

I am coming in a minute. – Мен бир дақиқадан сўнг келаман.

б) *Present Continuous* билан бир қаторда келаси замонда **to go** феълнинг *Present Continuous* шакли, яъни **to be going to** бирикмаси/обороти қўлланилади:

I am going to learn Uzbek language. – Мен ўзбек тилини ўрганмоқчиман.

● **to be going to** қурилмаси/обороти **to go** ва **to come** феъллари билан қўлланилмаслигини ёдда тутмоқ зарур. **He is going to go there** ўрнига **He is going there** дейилади.

2. Past Continuous

● Ясалиши

Past Continuous тус-замони **to be** феълнинг ўтган замон шакллари (**was, were**) ва етакчи феълнинг бирламчи шаклига **-ing** қўшилган кўриниши орқали ҳосил қилинади.

● *Past Continuous* қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ўтган замондаги давомли иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

It was snowing in the morning. – Эрталаб қор ёғаётган эди.

I was reading a newspaper. Suddenly I had headache. – Мен газета ўқиётган эдим.
Тўсатдан бошим оғриб қолди.

б) маълум давр ичида давом этган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

I was writing my book for 6 months. – Мен китобимни 6 ой давомида ёздим.

3. Future Continuous

● Ясалиши

Future Continuous тус-замони **to be** кўмакчи феълнинг келаси замон шакллари (**shall be, will be**) ва етакчи феълнинг бирламчи шаклига **-ing** қўшимчаси қўшилган кўриниши орқали ҳосил қилинади.

● *Future Continuous* қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) келаси замонда маълум муддат мобайнида бажариладиган давомли иш-ҳаракатни ифодалаш учун. Иш-ҳаракат бажарилиш вақти мазкур гапда ёки бошқа гапда кўрсатилиши мумкин:

I shall be playing when you come back. – Сен қайтиб келганигда мен ўйнаётган бўламан.

I shall be sleeping. You will come and wake me up. – Мен ухлаётган бўламан. Сен келсан ва мени уйғотасан / Сен келиб, мени уйғотасан.

б) маълум муддат мобайнида узлуксиз бажарилмайдиган давомли иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

Акmal will be repairing his car for a week. – Акмал машинасини ҳафта давомида тuzатади.

в) (*Future Simple* ўрнига) бажариладиган иш-ҳаракат тараддуди ёки унинг бажарилишига ишонч билдирилган қисқа давомли иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

He will be waiting us at home. – У бизни уйда кутиб олади.

● Иш-ҳаракатни эмас, балки ҳолатни билдирувчи қуйидаги феъллар билан *Continuous*, одатда, қўлланилмаслигини ёдда тутмоқ зарур:

to be, to feel, to hear, to see, to stay, to live, to know, to remember, to think, to want,

to smell, to love, to like, to believe, to wish, to understand, to hate, to seem, to have, to taste ва бошқалар.

● Сезги, ҳис-туйғу ва ақлий фаолиятни ифодаловчи феъллар баъзан **Continuous** гуруҳи тус-замонларида қўлланилиши мумкин. Бу феълларга иш жараёнининг айниқ-са муҳимлиги ва тезкорлиги тусини беради ҳамда маълум муддат давом этганини билдиради.

He was thinking much about that problem. – У бу муаммо ҳақида кўп ўйлади.

● Баъзан ҳолат феъллари вазият вақтинчалигини кўрсатиш учун **Continuous**да қўлланилади:

I know you are feeling badly yourself but it will go pass soon. – Биламан, сен ўзингни ёмон ҳис қилиясан, лекин бу тез ўтиб кетади.

● Perfect гуруҳи тур-замонлари

● **Perfect** гуруҳи тур-замонлари бирор иш-ҳаракатдан ёки вақтдан олдин бажарилган иш-ҳаракатларни ифодалаш учун қўлланилади.

● **Perfect** шакли кўпинча тугалланган иш-ҳаракатнинг аниқ натижаси ўтган, ҳозирги ёки келаси замонда мавжудлигини кўрсатади:

I have turned off all the lights. – Мен ҳамма чироқларни ўчириб қўйдим (бўлдим).

What have you done today? – Бугун нима қилдинг (қилиб битирдинг)?

1. Present Perfect

● Ясалиши

Present Perfect тус-замони **to have** кўмакчи феълнинг ҳозирги замон шакллари (**have, has**) ва етакчи тўғри феълнинг бирламчи шаклига **-ed** қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Нотўғри феълларнинг **Present Perfect** шакли жадвалнинг учинчи устунидан олинади (қаранг: 76-бет).

● Present Perfect қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ҳозирга қадар давом этган ва тугалланган иш-ҳаракатни ифодалаш учун. Иш-ҳаракат айнан қачон давом этгани айтилмайди. Фақат иш-ҳаракат ҳозирги замон билан боғлиқлиги аҳамиятли, бунда ҳозирги замон баъзан вақт тугаганлиги ишораси билан ифодаланади:

I have read this book. – Мен бу китобни ўқиб бўлдим / чиқдим.

I have read this book this week. – Мен бу китобни шу ҳафтада ўқиб чиқдим.

б) ўтмишда бошланиб, нутқ жараёнида ҳам давом этувчи иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаш учун. Бундай гапларда, одатда, иш-ҳаракат ёки ҳолат қачон бошлангани кўрсатилади:

We have known each other since last summer. – Биз бир-биримизни ўтган ёздан бери биламиз.

в) ўтмишда бир неча марта юз берган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

I have seen this movie 4 times. – Мен бу фильмни 4 марта кўрдим (кўрганман).

г) пайт ва шарт эргаш гапларда келажакда мазмунан тугалланган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

If I have read this book, I shall give it to you. – Агар мен бу китобни ўқиб бўлсам, уни сенга бераман.

д) *Present Perfect* шакли баъзи, хусусан, *Continuous* гуруҳи тур-замонларида қўлланилмайдиган феъллар билан *Present Perfect Continuous* ўрнига қўлланилади:

He has lived in Bukhara for 10 years (He has been living in Bukhara 10 years). – У Бухорода 10 йил(дан бери) яшайди.

They have known me since 1994. – Улар мени 1994 йилдан бери билишади.

е) узоқ давом этувчи ҳолат ҳақида гапирганимизда:

I have known him for ages. – Мен уни кўпдан бери биламан.

ж) янгиликлар хабар қилинганда:

The UN delegation has arrived in our country. – БМТ делегацияси мамлакатимизга келди / ташриф буюрди.

● *Present Perfect* ли гапларда кўпинча **already, ever, never, just, yet** ва б. сўзлар иш-тирок этади. Бу сўзлар **to have** ва етакчи феъл ўртасига қўйилади. Гапнинг охирига қўйиладиган **yet** бу қоидадан мустасно.

● *Present Perfect* қуйидаги ҳолларда қўлланилмаслигини ёдда тутмоқ зарур:

а) **just now** (ҳозиргина) равиши билан (бу ибора **Simple Past** ишлатилади);

б) **when** (қачон) билан бошланувчи сўроқ гапларда (бу ҳол **Simple Present** ёки **Simple Future** билан ишлатилади).

2. Past Perfect

● Ясаши

Past Perfect тур-замони **to have** кўмакчи феълнинг ўтган замон шакли (**had**) ва етакчи тўғри феълнинг бирламчи шаклига **-ed** қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Нотўғри феълларнинг *Past Perfect* шакли жадвалнинг учинчи устунидан олинади (қarang: 77-бет).

● *Past Perfect* қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ўтган замонда маълум пайтга қадар ёки бошқа бирор ҳаракатдан олдин бажарилган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

I had bought a new coat yesterday. – Мен кеча янги пальто сотиб олдим.

б) ўтган замонда маълум бир пайтгача бошланиб, ҳозирги замонда ҳам давом этаётган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

I had hoped to know about the job before now. – Ҳозирга қадар иш ҳақида хабар оламан деб умид қилган эдим.

в) ўтган замонда давом этган бирор ҳаракатдан олдин бажарилган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

She had done her homework when you were watching TV. – Сен телевизор кўраётганигда у уй вазифасини қилиб бўлганди.

● Гапда бир неча кетма-кет бажариладиган ҳаракатлар берилса, унда *Past Simple* қўлланилишини ёдда тутмоқ зарур:

She opened the window and sat down. – У ойнани очди ва ўтирди.

3. Future Perfect

● Ясалиши

Future Perfect тус-замони **to have** ёрдамчи феълнинг келаси замон шакллари (**shall have, will have**) ва етакчи тўғри феълнинг бирламчи шаклига **-ed** қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Нотўғри феълларнинг **Future Perfect** шакли жадвалнинг учинчи устунидан олинади (қаранг: 77-бет).

● **Future Perfect** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) келаси замонда маълум вақтгача давом этадиган ёки бирор-бир ҳаракатдан олдин тугалланадиган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

He will have done his lesson by five o'clock. – У соат бешгача дарсини қилиб бўлади.

б) ўтган замонга тегишли тахминий иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

You will have read my article in the newspaper by nine o'clock. – Сиз соат тўққизгача газетадаги менинг мақоламни ўқиб бўласиз.

● **Present Perfect** ва **Simple Past** қиёси

Present Perfect қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ўтган замонда бошланиб, ҳозирги замонда ҳам давом этувчи иш-ҳаракатни ифодалаш учун;

б) бу ҳаракатлар натижаси нутқ жараёнида ўз аксини топади.

Ҳозирги замон билан боғлиқ бўлмаган ўтмиш воқеалари ҳақида гапирганимизда **Simple Past** тур-замонини қўллаймиз.

● Пайт ёки шарт эргаш гапларда келаси замон иш-ҳаракатларини (**Future Simple, Future Continuous, Future Perfect**) ифодалаш учун **Present** тур-замони гуруҳи (**Present Simple, Present Continuous, Present Perfect**) қўлланилади.

When (if) he reads this book he will return it. – У бу китобни ўқиб бўлганида у уни қайтариб беради / Агар у бу китобни ўқиб бўлса, у уни қайтариб беради.

When (if) you are packing things I shall order taxi. – Сен нарсаларингни жойлай бошлаганигда мен таксига буюртма бераман / Агар сен нарсаларингни жойлай бошласанг, мен таксига буюртма бераман.

I shall ring you when (if) I have done my lessons. – Мен дарсларимни қилиб бўлганимда сенга қўнғироқ қиламан / Агар мен дарсларимни қилиб бўлсам, сенга қўнғироқ қиламан.

● **Perfect Continuous** гуруҳи тур-замонлари

● **Perfect Continuous** гуруҳи тур-замонлари бошқа ҳаракатдан ёки маълум пайдан олдин бошланган иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади.

а) **Perfect Continuous** тур-замони эътиборни иш-ҳаракатнинг натижасига эмас, унинг ўзига қаратади:

What have you been doing? – Сен нима қилаётгандинг (шу пайтгача)?

б) кўпинча **Perfect Continuous** ўтган замонда бошланиб, ўтган, ҳозирги ёки келаси замондаги давомли иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади:

He has been having a lot of trouble at home. – (Кейинги пайтларда) унинг уйда кўнғилсизликлар кўп бўлди.

1. Present Perfect Continuous

● Ясалиши

Present Perfect Continuous тур-замони **to be** кўмакчи феълнинг **Present Perfect** шакли (**have been, has been**) ва етакчи феълнинг бирламчи шаклига **-ing** қўшилган кўриниши орқали ҳосил қилинади.

● **Present Perfect Continuous** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ҳозирги пайтгача бошланиб, давом этиб ва ҳозир ҳам давом этаётган иш-ҳаракатни ифодалаш учун. Бу ҳолда гапда иш-ҳаракат бошланган пайт ёки унинг давом этиш муддати кўрсатилади:

*He **has been doing** his lessons since 2 o'clock (for 2 hours).* – У дарсларини соат иккидан бери қиляпти (икки соат давомида).

б) ҳозирги пайтгача давом этиб, эндигина тугалланган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:
*Show me the book you **have been reading**.* – Ўқиётган китобингни кўрсат.

Present Perfect Continuous қўлланганда тингловчининг эътиборини ўтган замонда бошланиб ҳозирги пайтгача давом этаётган ва балки яна давом этиши мумкин бўлган иш-ҳаракатга қаратмоқ керак.

2. Past Perfect Continuous

● Ясалиши

Past Perfect Continuous тур-замони **to be** кўмакчи феълнинг **Past Perfect** шакли (**had been**) ва етакчи феълнинг бирламчи шаклига **-ing** қўшилган кўриниши орқали ҳосил қилинади.

● **Past Perfect Continuous** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) ўтган замонда маълум пайтгача (ёки бошқа иш-ҳаракатгача) бошланиб, шу пайтда (ёки бошқа иш-ҳаракат билан бир вақтда) давом этган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

*He said he **had been working** since five o'clock.* – У соат бешдан бери ишлаётганини айтди.

б) ўтган замондаги бошқа иш-ҳаракатгача бошланиб, давом этган, лекин бу иш-ҳаракат билан бир вақтда бажарилмаган иш-ҳаракатни ифодалаш учун:

*He took the book which he **had been reading**.* – У ўқиётган китобини олди.

3. Future Perfect Continuous

● Ясалиши

Future Perfect Continuous тур-замони **to be** кўмакчи феълнинг **Future Perfect** шакли (**shall have been, will have been**) ва етакчи феълнинг бирламчи шаклига **-ing** қўшилган кўриниши орқали ҳосил қилинади.

● **Future Perfect Continuous** келаси замонда маълум пайтда бошқа иш-ҳаракатдан олдин бажарилиб, унинг бошланиш пайтида ҳам давом этувчи иш-ҳаракатни ифодалаш учун қўлланилади:

*He **will have been writing** an article for two hours when you come.* – Сен келганигда у мақолани икки соат ёзаётган бўлади.

● **Perfect Continuous**нинг **Continuous**дек ҳамма шакллари, одатда, ҳолат феъллари билан қўлланилмайди.

● **Perfect Continuous** шакллари инкор гапларда қўлланилмайди. Бу ҳолда **Perfect** шакллари ишлатилади.

● Аниқ нисбатнинг тур-замон шакллари жадвали:

	Present	Past	Future
Simple	I ask	I asked	I shall ask
Continuous	I am asking	I was asking	I shall be asking
Perfect	I have asked	I had asked	I shall have asked
Perfect Continuous	I have been asking	I had been asking	I shall have been asking

● Нотўғри феъллар рўйхати:

№	Infinitive	Past Simple	Past Participle	Russian translation	Uzbek translation
1	abide	abode, abided	abode, abided, abidden	терпеть; соблюдать (закон)	чидамоқ; (қонунга) риоя қилмоқ / бўйсунмоқ
2	arise	arose	arisen	вставать, возникать	кўтарилмоқ
3	awake	awoke, awaked	awaked, awoke	будить	уйғотмоқ
4	be	was, were	been	быть, существовать; находиться	(бор) бўлмоқ; жойлашмоқ
5	bear	bore	borne, born	носить, родить	кўтариб юрмоқ, туғмоқ
6	beat	beat	beaten, beat	бить, колотить	урмоқ
7	become	became	become	становиться	бўлиб қолмоқ
8	befall	befell	befallen	приключаться	содир бўлмоқ
9	beget	begot	begotten	порождать	келтириб чиқармоқ
10	begin	began	begun	начинать	бошламоқ
11	begird	begirt	begirt	опаясывать, окружать	белбоғ боғламоқ, қамраб олмоқ
12	behold	beheld	beheld	зреть, видеть	кўрмоқ
13	bend	bent, bended	bent, bended	гнуть, сгибаться	букмоқ, букилмоқ
14	bereave	bereft, bereaved	bereft, bereaved	лишать	айирмоқ, маҳрум қилмоқ
15	beseech	besought	besought	умолять, молить	ялинмоқ
16	beset	beset	beset	окружать, осаждать	ўраб/қамраб олмоқ
17	bespit	bespat	bespat	заплёвывать	тупуриб ташламоқ
18	bestride	bestrode	bestriden	сидеть верхом	миниб ўтирмоқ
19	bet	bet, betted	bet, betted	держать пари	гаров уинамоқ
20	betake	betook	betaken	приниматься, отправляться к.....	(бирон ишга) киришмоқ, бормоқ
21	bethink	bethought	bethought	вспоминать	эсламоқ
22	bid	bade, bid	bidden, bid	предлагать цену за ..., велеть	нарх бермоқ, буюрмоқ
23	bind	bond	bound	связывать	боғламоқ
24	bite	bit	bitten, bit	кусать	тишламоқ
25	bleed	bled	bled	истекать кровью	қонамоқ
26	blend	blended	blended, blent	смешивать, сочетать (цвет)	аралаштирмоқ (ранг), мосламоқ

27	bless	blessed, blest	blessed, blest	благословлять	оқ фотиҳа бермоқ
28	blow	blew	blown	дуть, дунуть	эсмоқ, пуфламоқ
29	break	broke	broken	ломать	синдирмоқ
30	breed	bred	bred	выращивать	ўстирмоқ
31	bring	brought	brought	приносить, приводить	олиб келмоқ
32	broadcast	broadcast, broadcasted	broadcast, broadcasted	вещать, распространять	хабар қилмоқ, эшиттириш/кўрсатув олиб бермоқ
33	build	built	built	строить	қурмоқ
34	burn	burnt, burned	burnt, burned	жечь, гореть	ёқмоқ, куймоқ, ёнмоқ
35	burst	burst	burst	разрывать, взрывать(ся)	(сув) тошмоқ, портламоқ
36	buy	bought	bought	покупать	сотиб олмоқ
37	can	could	-	мочь	қўлдан келмоқ
38	cast	cast	cast	бросать(взгляд), лить (металл)	(назар) ташламоқ, (металл) қуймоқ
39	catch	caught	caught	ловить	тутмоқ
40	chide	chid	chidden, chid	попрекать, бранить	таъна қилмоқ, уришмоқ
41	choose	chose	chosen	выбирать	танламоқ
42	cleave I	clove, cleft	cloven, cleft	рассекать(ся)	ажра(л)моқ
43	cleave II	clave, cleaved	cleaved	оставаться верным	содиқ қолмоқ
44	cling	clung	clung	цепляться за..., льнуть к...	ёпишмоқ
45	clothe	clothed, clad	clothed, clad	одевать	киймоқ
46	come	came	come	приходить	келмоқ
47	cost	cost	cost	стоить	нарх турмоқ
48	creep	crept	crept	ползать	ўрмаламоқ, эмакламоқ
49	crow	crowed, crew	crowed	кукарекать, издавать радостный крик	кичқирмоқ
50	cut	cut	cut	резать, пересекать	кесмоқ
51	dare	dared, durst	dared	сметь	ҳадди сиғмоқ
52	deal	dealt	dealt	иметь дело (с)	(билан) ишламоқ
53	dig	dug	dug	копать	кавламоқ
54	do	did	done	делать	қилмоқ
55	draw	drew	drawn	рисовать, таскать	чизмоқ, судрамоқ
56	dream	dreamt, dreamed	dreamt, dreamed	видеть сон, мечтать	туш кўрмоқ, орзу қилмоқ
57	drink	drank	drunk	пить	ичмоқ
58	drive	drove	driven	водить (транспорт)	(транспорт) ҳайдамоқ
59	dwell	dwelt	dwelt	жить, выдержать (ноту)	яшамоқ, (нотани) ушламоқ
60	eat	ate	eaten	есть	емоқ
61	fall	fell	fallen	падать	йиқилмоқ
62	feed	fed	fed	кормить	боқмоқ, овқатлантирмоқ

63	feel	felt	felt	чувствовать	ҳис қилмоқ
64	fight	fought	fought	бороться	курашмоқ
65	find	found	found	находить	топмоқ
66	flee	fled	fled	бежать, избегать	қочмоқ
67	fling	flung	flung	бросаться	ташла(н)моқ, киришиб кетмоқ
68	fly	flew	flown	летать	учмоқ
69	forbear	forbore	forborne	воздерживаться, быть терпеливым	тий(ил)моқ, чидамоқ
70	forbid	forbade, forbad	forbidden	запрещать	маън қилмоқ
71	forecast	forecast, forecasted	forecast, forecasted	предсказывать (прогноз погоды)	(об-ҳаво) ҳақида маълумот бермоқ, башорат қилмоқ
72	foreknow	foreknew	foreknown	знать заранее	олдиндан билмоқ
73	foresee	foresaw	foreseen	предвидеть	олдиндан кўрмоқ
74	foretell	foretold	foretold	предсказывать	башорат қилмоқ
75	forget	forgot	forgotten	забывать	унутмоқ
76	forgive	forgave	forgiven	прощать	кечирмоқ
77	forsake	forsook	forsaken	покидать, оставлять	ташлаб кетмоқ
78	forswear	forswore	forsworn	отрекаться	воз кечмоқ
79	freeze	froze	frozen	замораживать, замерзать	музла(т)моқ
80	gainsay	gainsaid	gainsaid	противоречить	зид бўлмоқ
81	get	got	got, gotten (U.S)	получать	олмоқ
82	gild	gilded, gilt	gilded, gilt	золотить	зарҳалламоқ
83	gird	girded, girt	girded, girt	опоясывать	белбоғ боғламоқ
84	give	gave	given	давать	бермоқ
85	go	went	gone	ходить, ехать, идти	бормоқ, кетмоқ, юрмоқ
86	grave	graved	graved, graven	гравировать	ўйиб нақш солмоқ
87	grind	ground	ground	молоть	янчмоқ, туймоқ
88	grow	grew	grown	растить, выращивать	ўстирмоқ
89	hamstring	hamstrung, humstranged	hustrung, humstringed	калечить, подрезать крылья (в перенос. смысле)	пайини қирқмоқ
90	hang	hung, hanged	hung, hanged	висеть, казнить	илмоқ, осмоқ
91	have	had	had	иметь	эга бўлмоқ
92	hear	heard	heard	слышать	эшитмоқ
93	heave	heaved, hove	heaved, hove	поднимать, бросать	кўтармоқ, ташламоқ
94	hew	hewed	hewn, hewed	рубить	чошиб ташламоқ, кесмоқ
95	hide	hid	hodden, hid	прятать	яширмоқ
96	hit	hit	hit	ударять, попадать	урмоқ, (мўлжалга) тегмоқ
97	hold	held	held	держать, проводить (мероприятие)	ушламоқ, (тадбир) ўтказмоқ
98	hurt	hurt	hurt	причинять вред, делать больно	лат емоқ, оғримоқ
99	inlay	inlaid	inlaid	покрывать мозаикой, инкрустировать	мозаика билан қопламоқ, қадама нақш билан безамоқ

100	interweave	interwove	interwoven	воткать, вплести	қўшиб тўқимоқ
101	keep	kept	kept	держать, хранить	ушламоқ, сақламоқ
102	ken	kent	kent	знать	билмоқ
103	kneel	knelt	knelt	становиться на колени	тиз чўкмоқ
104	knit*	knitted, knit	knitted, knit	вязать	тўқимоқ
105	know	knew	known	знать	билмоқ
106	lade	laded	laden, laded	грузить	ортмоқ
107	lay	laid	laid	класть	қўймоқ
108	lead	led	led	водить, вести	йўл бошламоқ
109	lean	leant, leaned	leant, leaned	опираться, прислоняться	суянмоқ
110	leap	leapt, leaped	leapt, leaped	прыгать	сакрамоқ
111	learn	learnt, learned	learnt, learned	учить, изучать	ўрганмоқ
112	leave	left	left	оставлять	тарк этмоқ, унутиб қолдирмоқ
113	lend	lent	leant	одалживать	қарз(га) бермоқ
114	let	let	let	разрешать	рухсат бермоқ
115	lie	lay	lain	лежать	ётмоқ
116	light	lighted, lit	lighted, lit	зажигать, освещать	ёритмоқ
117	lose	lost	lost	терять	йўқотмоқ
118	make	made	made	делать, заставлять	қилмоқ, мажбур қилмоқ
119	may	might	-	мочь, иметь разрешение	рухсат билан қилмоқ
120	mean	meant	meant	иметь в виду, значить	демоқчи бўлмоқ, англатмоқ
121	meet	met	met	встречать(ся), знакомиться	кутиб олмоқ, учрашмоқ, танишмоқ
122	melt	melted	melted, molten	растопливать, растворять	эри(т)моқ
123	misgive	misgave	misgiven	внушать опасение, предчувствовать дурное	қўнгил хижил бўлмоқ, қалбан нохушлиқни сезмоқ
124	mishear	misheard	misheard	ослышаться	нотўғри эшитмоқ
125	mislay	mislaid	mislaid	затерять, положить не на место	йўқотмоқ, бошқа жойга қўймоқ
126	mislead	misled	misled	вести по неправильному пути, вести в заблуждение	чалғитмоқ
127	misspell	misspelt	misspelt	писать с орфографическими ошибками	орфографик хатолар билан ёзмоқ
128	misspend	misspent	misspent	зря тратить	бекорга сарфламоқ
129	mistake	mistook	mistaken	ошибаться, неправильно понимать	нотўғри тушунмоқ
130	misunderstand	misunderstood	misunderstood	неправильно понимать	нотўғри тушунмоқ
131	mow	mowed	mown, mowed	косить	ўрмоқ
132	must	-	-	должен	мажбур/бурчли бўлмоқ
133	need	-	-	иметь надобность	керак қилмоқ, зарур бўлмоқ

134	ought	-	-	должен (бы), следует	лозим бўлмоқ
135	outbid	outbid	outbid	предлагать более высокую цену, превзойти	юқорироқ нарх бермоқ, ўтиб кетмоқ
136	outdo	outdid	outdone	превосходить, превзойти	ўтиб кетмоқ, устун бўлмоқ
137	outgrow	outgrew	outgrown	перерастать, вырастать	катта бўлиб қол- моқ, ўсиб кетмоқ
138	outrun	outran	outrun	опережать, перегонять	югуриб ўзмоқ, ривожланиб кетмоқ
139	outshine	outshone	outshone	затмевать	соясиди қолдир- моқ, устун бўлмоқ
140	overbear	overbore	overborne	одолевать, подавлять	бўйсундирмоқ
141	overcome	overcame	overcome	преодолевать, побеждать	енгмоқ
142	overdo	overdid	overdone	пережаривать, пересаливать, переусердствовать	ўта қовурмоқ, шўр қилмоқ, ошириб юбормоқ
143	overdraw	overdrew	overdrawn	превышать(кредит), преувеличивать	(кредитдан) ошмоқ, бўрттирмоқ
144	overdrive	overdrove	overdriven	переутомлять	ҳолдан тойдирмоқ
145	overfeed	overfed	overfed	перекармливать	ошиқча овқатлантирмоқ
146	overfly	overflew	overflown	перелетать (через)	(-дан) учиб ўтмоқ
147	overgrow	overgrew	overgrown	зарасти	ўт/ўсимлик босиб кетмоқ
148	overhang	overhung	overhung	выступать (над)	тепасиди туртиб чиқмоқ/осилиб турмоқ
149	overhear	overheard	overheard	подслушивать, нечаянно услышать	хуфиёна эшитиб турмоқ, бехосдан эшитиб қолмоқ
150	overlay	overlaid	overlaid	покрывать	қопламоқ, ёпмоқ
151	overleap	overleapt, overleaped	overleapt, overleaped	перепрыгивать через...	(-дан) сакраб ўтмоқ
152	override	overrode	overridden	быть важным, отвергать	муҳим бўлмоқ, рад этмоқ
153	overrun	overran	overrun	заливать, совершать набег	тошмоқ, босқинчи- лик қилмоқ
154	oversee	oversaw	overseen	надзирать, следить за...	кузатмоқ
155	overshoot	overshot	overshot	преувеличивать, пересаливать, переусердствовать	муболаға қилмоқ, шўр қилиб юбормоқ, ошириб юбормоқ
156	oversleep	overslept	overslept	заспать, проспать	ухлаб қолмоқ
157	overspend	overspent	overspent	тратить слишком много	жуда ҳам кўп сарфламоқ
158	overtake	overtook	overtaken	догонять, обгонять	етиб олмоқ, қувиб ўтмоқ
159	overthrow	overthrew	overthrown	ниспровергать, поражать	енгмоқ
160	overwind	overwound	overwound	перекрутить (пружину у часов)	(соат пружинасини) бураб юбормоқ

161	overwrite	overwrote	overwrote	записать (вместо другой записи)	(бошқа ёзув ўрнига) ёзмоқ
162	owe	owe, ought	owed	быть должным	қарз бўлмоқ
163	partake	partook	partaken	принимать участие	иштирок этмоқ
164	pay	paid	paid	платить	тўламоқ
165	prove	proved	proved, proven	доказывать	исботламоқ
166	put	put	put	класть, положить	қўймоқ
167	quit*	quitted, quit	quitted, quit	оставлять, прекращать, исключать	ташлаб кетмоқ, тўхтатмоқ, чиқармоқ
168	read	read	read	читать	ўқимоқ, мутолаа қилмоқ
169	rebind	rebound	rebound	заново переплетать	қайта ўрмоқ
170	rebuild	rebuilt	rebuilt	перестраивать	қайта қурмоқ
171	recast	recast	recast	перераспределять роли	ролларни қайта тақсимламоқ
172	redraw	redrew	redrawn	передвинуть границы, заново рисовать	чегараларни сурмоқ, қайта чизмоқ
173	redo	redid	redone	переделывать	қайтадан қилмоқ/бажармоқ
174	relay	relaid	relaid	ретранслировать	ретрансляция қилмоқ
175	remake	remade	remade	переделывать	қайтадан қилмоқ/бажармоқ
176	rend	rent	rent	разрывать, раздирать	нифоқ солмоқ, емирмоқ
177	repay	repaid	repaid	выплачивать, оплачивать	қайтадан тўламоқ
178	rerun	reran	rerun	повторно показывать	такроран кўрсатмоқ
179	reset	reset	reset	переустановить	қайта ўрнатмоқ
180	retell	retold	retold	пересказывать	қайтадан ҳикоя қилиб бермоқ
181	rewrite	rewrote	rewritten	переписывать	қайтадан ёзмоқ
182	rid	rid, rided	rid, rided	освободить, избавлять	бўшатмоқ, халос қилмоқ
183	ride	rode	ridden	ехать верхом	минмоқ
184	ring	rang	rung	звонить, звенеть, окружать	қўнғироқ қилмоқ, чалмоқ, ўраб олмоқ
185	rise	rose	risen	подниматься	кўтарилмоқ
186	rive	rived	riven, rived	разрывать, расколоть	ажратмоқ, ёрмоқ
187	rot	rotted	rotted, rotten	гнить	чиримоқ, иримоқ
188	run	ran	run	бегать	югурмоқ
189	saw	sawed	sawn, sawed	пилить	арраламоқ
190	say	said	said	говорить, сказать	айтмоқ, демоқ
191	see	saw	seen	видеть	кўрмоқ
192	seek	sought	sought	искать	қидирмоқ, изламоқ
193	seethe	seethed	seethed, sodden	кипеть	қайнамоқ
194	sell	sold	sold	продавать	сотмоқ
195	send	sent	sent	посылать, отправлять	юбормоқ, жўнатмоқ
196	set	set	set	расположить, установить	ўрнатмоқ

197	sew	sewed	sewn, sewed	шить	тикмоқ
198	shake	shook	shaken	трясти	силкитмоқ
199	shall	should	-	должен будет	мажбур бўлмоқ (келаси замонда)
200	shave	shaved	shaved, shaven	бриться	соч-соқол олдирмоқ
201	shear	sheared/ shore	shorn, sheared	резать, стричь (овец)	кесмоқ, (қўй) юнгини олмоқ
202	shed	shed	shed	сбрасывать, линять, пролить	тулламоқ, пўст ташламоқ, (барг, суюқлик) тўкмоқ
203	shine	shone	shone	светить, сиять	нур сочмоқ, чарақламоқ
204	shoe	shod	shod	подковывать	тақаламоқ
205	shoot	shot	shot	стрелять, выстрелить	ўқ узмоқ
206	show	showed	shown, showed	показывать	кўрсатмоқ
207	shred	shred(ded)	shred(ded)	разрезать, кромсать	тўғрамоқ, кесмоқ
208	shrink	shrank	shrunk, shrunken	садиться (об одеж- де), сокращаться	(кийим) киришмоқ, камаймоқ
209	shrive	shrove	shriven	исповедовать(ся)	тавбасини тингла- моқ, тавба қилмоқ
210	shut	shut	shut	закрывать	ёпмоқ
211	sing	sang	sung	петь	куйламоқ
212	sink	sank	sunk, sunken	тонуть, погружаться	чўкмоқ, ғарқ бўлмоқ
213	sit	sat	sat	сидеть, сажать	ўтирмоқ
214	slay	slew	slain	убивать, сражать	ўлдирмоқ, махв этмоқ
215	sleep	slept	slept	спать	ухламоқ
216	slide	slid	slid, slidden	скользить	сирпанмоқ
217	sling	slung	slung	швырять, бросать	отмоқ
218	slink	slunk	slunk	идти крадучись	яширинча/сездир- масдан ҳаракат қилмоқ
219	slit	slit	slit	разрезать	узунасига кесмоқ
220	smell	smelt, smelled	smelt, smelled	пахнуть, нюхать	ҳид таратмоқ, ҳидламоқ
221	smite	smote	smitten	ударять	урмоқ
222	sow	sowed	sown, sowed	сеять	экмоқ
223	speak	spoke	spoken	говорить	гапирмоқ
224	speed	sped	sped	ускорять	тезликни оширмоқ
225	spell	spelt, spelled	spelt, spelled	произносить по буквам	ҳарфлаб айтмоқ
226	spend	spent	spent	тратить, проводить (время)	сарфламоқ, (вақт) ўтказмоқ
227	spill	spilt, spilled	spilt, spilled	проливать, рассы- пать, брызгать	тўкмоқ, сочмоқ, сачратмоқ
228	spin	spun, span	spun	вертеться, кружиться	айланмоқ, чарх урмоқ
229	spit	spat	spat	насаживать на вертел, плевать	сихга тортмоқ, туфламоқ
230	split	split	split	колоть, расщеплять	ёр(ил)моқ, бўлмоқ
231	spoil	spoilt, spoiled	spoilt, spoiled	портить, губить	бузмоқ
232	spread	spread	spread	распространять(ся)	тарқатмоқ, тарқалмоқ

233	spring	sprang	sprung	вскакивать	сакраб кетмоқ
234	stand	stood	stood	стоять	тик турмоқ
235	stave	staved, stove	staved, stove	пробивать, предотвращать	олдини олмоқ, ёриб синдирмоқ
236	steal	stole	stolen	воровать	ўғирламоқ
237	stick	stuck	stuck	втыкать, наклеивать	санчмоқ, ёпиштирмоқ
238	sting	stung	stung	жалить	чақмоқ
239	stink	stank	stunk	вонять, смердеть	құланса хид чиқармоқ
240	strew	strewed	strewn, strewed	разбрасывать, расстилать	ёймоқ, сочмоқ
241	stride	strode, strided	stridden	шагать (большими шагами)	(катта қадам ташлаб) юрмоқ
242	strike	struck	struck, stricken	ударять(ся)	ур(ил)моқ
243	string	strung	strung	натягивать, нанизывать	тортмоқ
244	strive	strove	striven	стремиться	интилмоқ
245	sunburn	sunburnt, sunburned	sunburnt, sunburned	загарать	(қуёшда) тобланмоқ
246	swear	swore	sworn	клясться	онт ичмоқ, қасамёд қилмоқ
247	sweat*	sweat	sweat	потеть	терламоқ
248	sweep	swept	swept	мести	супурмоқ
249	swell	swelled	swollen, swelled	вздувать(ся)	шишмоқ
250	swim	swam	swum	плавать	сузмоқ, чўмилмоқ
251	swing	swung	swung	качать(ся)	тебранмоқ, тебратмоқ
252	take	took	taken	брать	олмоқ
253	teach	taught	taught	учить, обучать	ўқитмоқ, дарс бермоқ
254	tear	tore	torn	рвать	ийртмоқ
255	tell	told	told	рассказывать, сообщать	айтиб бермоқ, ҳикоя қилмоқ
256	think	thought	thought	думать, полагать	уйламоқ, ҳисобламоқ
257	thrive	throve, thrived	thriven, thrived	процветать, преуспевать	яшнамоқ, бойимоқ
258	throw	threw	thrown	бросать	ташламоқ, улоқтирмоқ
259	thrust*	thrust	thrust	колоть	санчмоқ, төшмоқ
260	tread	trod	trodden, trod	шагать, топтать, нажимать	одимламоқ, босиб юрмоқ, босим ўтказмоқ
261	unbend	unbent	unbent	разгибать(ся)	тўғрила(н)моқ
262	unbind	unbound	unbound	развязывать, распускать	ечмоқ, бўшатмоқ
263	underbid	underbid	underbidden, underbid	сбивать цену	нархини туширмоқ
264	undergo	underwent	undergone	испытывать, переносить	бошдан кечирмоқ
265	understand	understood	understood	понимать	тушунмоқ
266	undertake	undertook	underetaken	предпринимать	қилмоқ, чора кўрмоқ
267	undo	undid	undone	открывать, развязывать	очмоқ, ечмоқ

268	unwind	unwound	unwound	разматывать, развить (сюжет)	ечмоқ, (сюжетни) ривожлантирмоқ
269	uphold	upheld	upheld	поддерживать, отстаивать	қўллаб- қувватламоқ, ҳимоя қилмоқ
270	upset	upset	upset	опрокидывать, расстраивать	ағдариб юбормоқ, хафа қилмоқ
271	wake	woke, waked	woken, waked	будить	уйғотмоқ
272	waylay	waylaid	waylaid	подстергать	пойламоқ, пистирмада кутмоқ
273	wear	wore	worn	носить, надевать	киймоқ, кийиб/тақиб юрмоқ
274	weave	wove	woven	ткать	тўқимоқ
275	wed	wedded, wed	wedded, wed	жениться, выходить замуж	уйланмоқ, турмушга чиқмоқ
276	weep	wept	wept	плакать	йиғламоқ
277	wend	went	went	уходить	кетмоқ
278	wet	wet, wetted	wet, wetted	увлажнять, смачивать	сувламоқ, хўлламоқ
279	will	would	-	будет (захочит)	хоҳламоқ (келаси замон учун)
280	win	won	won	выиграть	ғолиб бўлмоқ
281	wind	wound	wound	крутить(ся), обвивать(ся)	айланмоқ, ўрамоқ
282	withdraw	withdrew	withdrawn	отодвигать, забирать	четга олмоқ, олиб кетмоқ
283	withhold	withheld	withheld	воздерживаться, отказывать	тий(ил)моқ, рад этмоқ
284	withstand	withstood	withstood	устоять, противостоять	қарши турмоқ
285	work	worked, wrought	worked, wrought	обрабатывать	ишлов бермоқ
286	wring	wrung	wrung	скручивать, жать	қайирмоқ; сиқмоқ
287	write	wrote	written	писать	ёзмоқ

«*» билан берилган феъллар кўпинча тўғри феъл шаклида қўлланилади.

1.4.4. Шахсли феълнинг мажҳул нисбат шакллари

Мажҳул нисбатдаги феълда ҳаракат эга устидан ўтади.

● Мажҳул нисбат **to be** ёрдамчи феълнинг талаб этилган замонда ва асосий / етакчи феълга **-ed** кўшилган кўриниши орқали ҳосил қилинади. Етакчи феъл нотўғри бўлса, нотўғри феъллар жадвалининг учинчи устунидан олинади (қаранг: 77-бет):

I am asked a question. – Мендан сўрашади.

This book was written by Babur. – Бу китоб Бобур томонидан ёзилган.

● Мажҳул нисбатда **Future Continuous** шакли ва **Perfect Continuous** гуруҳининг ҳеч бир тур-замони мавжуд эмас.

● Мажҳул нисбатда феъл тур-замонлари аниқ нисбат шакллари бўйсунган қоидалар асосида қўлланилади.

- Мажхул нисбатнинг тур-замон шакллари жадвали:

	Present	Past	Future
Simple	The question is asked by the teacher	The question was asked by the teacher	The question will be asked by the teacher
Continuous	The question is being asked by the teacher	The question was being asked by the teacher	–
Perfect	The question has been asked by the teacher	The question had been asked by the teacher	The question will have been asked by the teacher

- Мажхул нисбатнинг қўлланилиш хусусиятлари:

1. Мажхул нисбатли гапларда иш-ҳаракатни бажарувчи предмет, шахс ёки предмет ясалган материал айтилиши ёки айтилмаслиги мумкин. Шахс ёки предмет гапда қатнашган ҳолда, улар (жонли предметлар учун) **by**, (жонсиз предметлар учун) **with** предлогли от ёки олмош орқали ифодаланади:

*The book was written **by** me. – Бу китоб мен томонимдан ёзилган.*

*He was beaten **with** stone. – Уни тош билан уришган.*

- Қуйидаги гаплар қоидадан мустаснодир:

*He was come here **by** bus (tram, car, metro, plane, train). – Уни бу ерга автобусда (трамвай, машина, метро, самолёт, поездда) олиб келишган.*

- Предмет ясалган материал **of** предлоги ва от билан ифодаланади:

*This building was made **of** steel and glass. – Бу бино пўлат ва шишадан қурилган.*

2. Инглиз тилида мажхул нисбат кенг қўлланилади. Мажхул нисбатни ишлатувчи сўзловчи ўз фикрини ифодалашда камтарлигини кўрсатади:

*I wrote this book. This book **was written** by me. – Мен бу китобни ёздим. Бу китоб мен томонимдан ёзилган.*

3. Мажхул нисбатни қўллашда махсус конструкция мавжуд. У **say, consider, suppose, feel, believe** каби феъллар билан қўлланилади (қаранг: 183-бет):

*Tea **is said** to be a very good stimulant. – Айтишларича, чой жуда яхши қувват берувчи восита экан.*

*This **is supposed** to be an A road. – Ҳисоблашларича, бу А туридаги йўлдир / (Бу А туридаги йўл ҳисобланади).*

4. Мажхул нисбатда фақат ўтимли феълларгина бўлиши мумкин.

- Аниқ нисбатда ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчини олган феъл ўтимли феъл дейилади: **invite, believe, drink, give, hear** ва б.

*He **invited** me to the party. – У мени кечага таклиф этди.*

- Тўлдирувчи билан қўлланилмайдиган феъл ўтимсиз феъл дейилади: **come, fly, live, run, think** ва б.

*He **lives** in Samarkand. – У Самарқандда яшайди.*

- Ўтимсиз феъллар мажхул нисбатда қўлланилмайди, чунки улар кимдир ёки ни-

мадир томонидан бажарилган иш-ҳаракат туфайли юзага келган ҳодисани ифодаламайди.

● **Get, become, seem, remain** феъллари мажҳул нисбатда қўлланилиши имконсиз, чунки улар мазмунан кимдир ёки нимадир бажарган иш-ҳаракатни ифодалайди.

5. Қуйидаги конструкция ҳар доим ҳам мажҳул нисбатни ифодаламаслигини ёдда тутмоқ зарур:

to be + етакчи феъл + ed

У таркибли феъл-кесимни ҳам ифодалаши мумкин (қаранг: 161-бет):

I am pleased to hear of you. – Сен ҳақингда эшитганимдан хурсандман.

Бу конструкция мажҳул нисбат шаклида бўлганда иш-ҳаракатни, таркибли феъл-кесим шаклида бўлганда ҳолатни ифодалайди.

6. Мажҳул нисбатнинг **to be** ёрдамчи феъли ўрнига баъзан **to get, to become, to grow** феъллари қўлланилади:

He got looked for. – Уни қидиришяпти.

7. Мажҳул нисбатли гапларда предлогли феъл гапнинг охирида туриши мумкин:

Kate liked to be looked at. – Катяга унга қарашгани ёқади.

8. **to need, to want, to require** феълларидан кейин герунд мажҳул нисбат герунди маъносида аниқ нисбат шаклида қўлланилади:

Соатингизни тузатиш керак. – Your watch needs repairing (Your watch needs being repaired эмас).

● Инглизча мажҳул нисбатли гапларни ўзбек тилига турлича таржима қилиш мумкинлигига эътибор беринг:

We were invited to party. – Биз ўтиришга (кечага) таклиф қилинган эдик – Бизни ўтиришга (кечага) таклиф қилишди.

◆ Феълнинг инкор ва сўроқ шакллари

● Феълнинг инкор шакли қуйидаги формула асосида яратилади:

Феълнинг инкор шакли = грамматик феъл + not + етакчи феъл

● Феълнинг сўроқ шакли қуйидаги формула асосида яратилади:

Феълнинг сўроқ шакли = грамматик феъл + етакчи феъл

● Шундай қилиб, феъл шакллари яратишда ёрдамчи феълларнинг қўлланиши қуйидагичадир:

1. Замонни кўрсатувчи алоҳида ёрдамчи феъл:

- ҳозирги замон – ёрдамчи феъли йўқ;
- ўтган замон – ёрдамчи феъли йўқ;
- келаси замон – shall ёки will.

2. Ҳаракат турини кўрсатувчи алоҳида ёрдамчи феъл:

- Simple – ёрдамчи феъли йўқ;
- Continuous – **to be** (am, is, are – ҳозирги замон; was, were – ўтган замон; shall be, will be – келаси замон);

– Perfect – **to have** (have, has – ҳозирги замон; had – ўтган замон; shall have, will have – келаси замон);

– Perfect Continuous – **to have been** (have been, has been – ҳозирги замон; had been – ўтган замон; shall have been, will have been – келаси замон) феъли ишлатилади.

3. Нисбатни кўрсатувчи алоҳида ёрдамчи феъл:

– аниқ нисбат – ёрдамчи феъли йўқ;

– мажҳул нисбат – **to be** (am, is, are – ҳозирги замон; was, were – ўтган замон; shall be, will be – келаси замон) феъли ишлатилади.

◆ Шахсли феълнинг ижро майлидаги тур-замон шакллари (тусланиши)

● Active voice

Simple Present

*He **writes** her a letter everyday.*

***Does** he **write** her a letter everyday?*

*He **doesn't write** her a letter everyday.*

Simple Past

*He **wrote** her a letter everyday.*

***Did** he **write** her a letter everyday?*

*He **didn't write** her a letter everyday*

Simple Future

*He **will write** her a letter everyday.*

***Will** he **write** her a letter everyday?*

*He **will not write** her a letter everyday.*

Continuous Present

*He **is writing** her a letter now.*

***Is** he **writing** her a letter now?*

*He **is not writing** her a letter now.*

Continuous Past

*He **was writing** her a letter at noon.*

***Was** he **writing** her a letter at noon.*

*He **wasn't writing** her a letter at noon.*

Continuous Future

*He **will be writing** her a letter in the evening.*

***Will** he **be writing** her a letter at in the evening.*

*He **will not be writing** her a letter in the evening.*

Perfect Present

*He **has written** her a letter today.*

***Has** he **written** her a letter today?*

*He **has not written** her a letter today.*

Perfect Past

*He **had written** her a letter by 9 o'clock.*

Had he written her a letter by 9 o'clock?
He hadn't written her a letter by 9 o'clock.

Perfect Future

He will have written her a letter by Sunday.
Will he have written her a letter by Sunday?
He will not have written her a letter by Sunday.

Perfect Continuous Present

He has been writing her a letter for 2 hours.
Has he been writing her a letter for 2 hours?
He hasn't been writing her a letter for 2 hours.

Perfect Continuous Past

He had been writing her a letter for 2 hours when I came.
Had he been writing her a letter for 2 hours when I came?
He had not been writing her a letter for 2 hours when I came.

Perfect Continuous Future

He will have been writing her a letter for 2 hours when I come.
Will he have been writing her a letter for 2 hours when I come?
He will not have been writing her a letter for 2 hours when I come.

● Passive voice

Simple Tenses

The letter **is written** her by him everyday.
Is the letter written her by him everyday?
The letter **is not written** her by him everyday.

The letter **was written** her by him everyday.
Was the letter written her by him everyday?
The letter **was not written** her by him everyday.

The letter **will be written** her by him everyday.
Will the letter be written her by him everyday?
The letter **will not be written** her by him everyday.

Continuous Tenses

The letter **is being written** her by him now.
The letter **is being written** her by him now
The letter **is being written** her by him now

The letter **was being written** her by him at noon.
Was the letter being written her by him at noon?
The letter **was not being written** her by him at noon.

Perfect Tenses

The letter **has been written** her by him today.

Has the letter been written her by him today?
The letter has not been written her by him today.

The letter had been written her by him by 9 o'clock.
Had the letter been written her by him by 9 o'clock?
The letter had not been written her by him by 9 o'clock.

The letter will have been written her by him by Sunday.
Will the letter have been written her by him by Sunday?
The letter will not have been written her by him by Sunday.

1.4.5. Future in the Past

● *Future in the Past* шакллари *Future* шакллари каби ҳосил қилинади. Биргина фарқи – **shall, will** ўрнига **should, would** қўлланилади.

● Қўлланилиши:

Future in the Past шакллари ўтган замондаги воқеаларга нисбатан келаси замон иш-ҳаракатини ифодалашда қўлланилади:

He said he would post the letter himself. – У хатни ўзи юборишини айтди.

She thought that she would be working all day. – У кун бўйи ишлайман деб ўйлаганди.

I promised that I should have taken my exams at the end of June. – Мен июннинг охирида ҳамма имтиҳонларимни топшириб бўламан деб ваъда бердим.

He said that the house would be built in two months. – У уйнинг икки ойдан кейин қурилишини айтди.

1.4.6. Шахссиз феъл шакллари

● Шахссиз феъл шакллари: инфинитив, герунд, сифатдош, равишдош – шахсли феъл шаклларидан қуйидагилар билан фарқ қилади:

а) уларнинг шахс-сон, замон, нисбат, майли йўқ;

б) гапда содда феъл-кесим тарзида қўлланолмайди.

◆ Инфинитив – феълнинг ноаниқ шакли (Simple)

● Инфинитив феълнинг ноаниқ шакли бўлган ҳаракат номидир.

1. Ясалиши:

● Инфинитив қуйидаги формула асосида ясалади:

(оддий) инфинитив = **to** + феълнинг бирламчи шакли
кўрсаткич

М.: **to read** – ўқимоқ, **to see** – кўрмоқ

Can, may, must, should, need модал феълларидан кейин инфинитив **to** кўрсаткичи-ни тушириб қолдиради.

2. Инфинитив шакллари

● Инфинитив аниқ ва мажхул нисбат шаклларига эга. Инфинитив *Simple* (оддий инфинитив), *Continuous* (давомли инфинитив), *Perfect* (перфект инфинитив) ва *Perfect Continuous* (тугалланган – давомли инфинитив) шаклида бўлиши мумкин.

● Инфинитив шакллари ясалиши

Voice	Tense			
	Non Perfect		Perfect	
	Simple	Continuous	Perfect	Perfect Continuous
Active	to build	to be building	to have built	to have been building
Passive	to be built	–	to have been built	–

*I want **to invite** you* (оддий инфинитив). – Мен сизни таклиф қилишни хоҳлайман.

*I am glad **to be invited** by him* (мажхул инфинитив). – У мени таклиф қилганидан хурсандман / У томонидан таклиф қилинганимдан хурсандман.

*He seemed **to be looking** for words to express his idea* (давомли инфинитив). – У фикрини ифодалаш учун сўз қидираётгандек туюлди.

*I am glad **to have invited** him* (тугалланган инфинитиви). – Мен уни таклиф қилиб бўлганимдан хурсандман.

*The house appeared **to have been repaired** recently* (тугалланган мажхул инфинитив). – Уй яқинда таъмирланганга ўхшайди.

*They seem **to have been reading** this book for a long time* (тугалланган давом инфинитив). – Улар бу китобни анчадан бери ўқишаётганга ўхшайди.

3. Инфинитивнинг қўлланилиши

● Инфинитив гапда эга, предикатив, кесим қисми, тўлдирувчи, мақсад ҳоли, аниқловчи вазифаларини бажариши мумкин:

To read** (эга) a lot **is to know (предикатив) *a lot*. – Кўп ўқимоқ кўп билмоқдир.

*He **doesn't seem to be writing** (кесим қисми) anything now*. – У ҳозир ҳеч нарса ёзмаётганга ўхшайди.

*Do you want **to go** (воситасиз тўлдирувчи) to the lecture?* – Сиз маърузага боришни хоҳлайсизми?

*My brother went to London **to study** (мақсад ҳоли)*. – Менинг акам Лондонга ўқишга кетди.

*Who was the last **to come** (аниқловчи)?* – Охири келган ким?

I want him to deal (мураккаб тўлдирувчи) with it himself. – Мен у бу билан ўзи шуғулланишини хоҳлайман.

- Ұздан кейин инфинитив қўлланиши мумкин бўлган феъллар рўйхати:

afford	қурби етмоқ	forget	унутмоқ
agree	рози бўлмоқ	hesitate	иккиланмоқ
appear	пайдо бўлмоқ	hope	умид қилмоқ
arrange	тартибга солмоқ	intend	ният қилмоқ, режалаштирмоқ
ask	сўрамоқ	learn	ўрганмоқ
attempt	уринмоқ	manage	бошқармоқ
beg	(узр) сўрамоқ	mean	назарда тутмоқ
care	ғамхўрлик қилмоқ	need	эҳтиёж сезмоқ
claim	талаб қилмоқ	offer	таклиф этмоқ
consent	рози бўлмоқ	plan	режалаштирмоқ
decide	қарор қилмоқ	prepare	тайёрламоқ
demand	талаб қилмоқ	pretend	муғомбирлик қилмоқ
deserve	арзимоқ	promise	ваъда бермоқ
desire	истамоқ	refuse	рад этмоқ
expect	кутмоқ	regret	афсусланмоқ
fail	муваффақиятсизликка учрамоқ	seem	туюлмоқ, ўхшамоқ
struggle	курашмоқ	volunteer	(беғараз) таклиф қилмоқ
strive	интилмоқ	wait	кутмоқ
swear	қасам ичмоқ	want	хоҳламоқ
threaten	хавф солмоқ	wish	истамоқ
tend	қарашга эга бўлмоқ	try	уринмоқ, таътиб кўрмоқ

- Ұздан кейин инфинитив қўлланиши мумкин бўлган (отли мураккаб кесимнинг от қисми ҳисобланган) сифатлар рўйхати:

anxious	безовта	hard	қаттиқ
boring	зерикарли	pleased	мамнун
common	умумий	prepared	тайёрланган
dangerous	хавфли	ready	тайёр
difficult	қийин	strange	бегона, ғалати
easy	осон	usual	одатий
good	яхши	intresting	қизиқарли

- Инфинитивнинг қуйидаги қўлланиш хусусиятига эътибор бермоқ зарур. Сўзни так-орламаслик учун инфинитивнинг фақат **to** сини қўллаш мукин:

*Do you want **to dance**? I don't want **to**.* – Рақсга тушишни хоҳлайсанми? Хоҳламайман.

Аммо **if (when) you like (want)** ибораларида **to** тушириб қолдирилади:

May I ask you? If you want. – Сиздан сўрасам майлими? Хоҳласангиз / Хоҳишингиз.

- Агар гапда **and** ёки **or** билан боғланган иккита инфинитив келса, иккинчи инфинитивнинг **to** си тушириб қолдирилади:

*I want **to read and translate** this text.* – Мен бу матнни ўқимоқчи ва таржима қилмоқчиман.

◆ Герунд (the Gerund)

● Герунд ҳаракатни номловчи, шахссиз феъл шаклидир. Герунд ҳам от, ҳам феъл хусусиятларига эга. Ўзбек тилида герундга мос шакл мавжуд, у нима қилиш? сўроғига жавоб беради ва ҳаракат номи деб аталади.

Айтиш керакки, инфинитив ҳам от хусусиятларини ифодалайди, бироқ инфинитивга қараганда герундда бу жиҳат кучлироқдир.

1. Ясалиши

● Герунд шахсли феъл шаклига **-ing** қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Агар шахсли феъл шакли ёрдамчи ва етакчи феълдан ташкил топса, **-ing** ёрдамчи феълга қўшилади:

reading – ўқимоқ, ўқиш

having worked – ишлаб бўлиб

2. Герунд шакллари

● Герунд аниқ ва мажҳул нисбат шаклларига эга. Герунд *Simple* (оддий герунд) ва *Perfect* (тугалланган инфинитив) шаклларида бўлиши мумкин.

● Қуйидаги жадвалда герунд шаклларининг ясалиши **write** феъли мисолида келтирилган:

Voice	Tense	
	Simple	Perfect
Active	writing	having written
Passive	being written	having been written

● *Simple* герунди феъл-кесим билан бир вақтдаги иш-ҳаракатни ифодалайди;

● *Perfect* герунди феъл-кесимнинг ҳаракатидан олдинги иш-ҳаракатни ифодалайди.

He sat without speaking (оддий герунд). – У гапирмасдан ўтирганди.

I am sure of having read it once (тугалланган герунд). – Буни бир вақтлар ўқиганимга ишончим комил.

I like being invited to their house (мажҳул герунд). – Мени уйларига таклиф этишаётганидан мамнунман.

In the morning she was ashamed of herself for having been elated the night before (тугалланган мажҳул герунд). – Кеча оқшом кайфияти кўтаринки бўлганидан эрталаб ўзи уялиб кетди.

● Герунд билан ифодаланган ҳаракат шахсли феъл шакли бажарган иш-ҳаракатдан олдин юз берган бўлса-да, **on (upon)** ва **after** предлогларидан кейин, одатда, оддий герунд қўлланилади:

After reading the book I went to bed. – Китобни ўқиб бўлгач, ухлашга ётдим.

Герунд ҳаракати феълникидан олдин бажарилганини таъкидлаш зарурияти бўлмаганда ҳам оддий герунд қўлланилади:

We thank you for helping. – Ёрдам (берган)ингиз учун раҳмат.

3. Герунднинг қўлланилиши

● Герунд гапда эга, предикатив, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол вазифаларида келиши мумкин:

Reading (эга) means gaining (предикатив) **knowledge**. – Ўқиш билим олиш демакдир.

I don't understand your way of doing (аниқловчи) **it**. – Буни қандай қилаётганингни тушунмайман.

Do you like dancing (тўлдирувчи)? – Рақсга тушишни ёқтирасизми?

After training (ҳол) **for a long time, he decided to take part in the sport competition** (*After he trained for a long time, he decided to take part in the sport competition*). – Узоқ машғулотлардан сўнг у мусобақаларда қатнашишга қарор қилди.

You can start reading (кесим қисми). – Ўқишни бошлашингиз мумкин.

● Герунд кесим қисми сифатида қуйидаги феълларда кейин қўлланилади:

stop	тўхтатмоқ	finish	тугатмоқ
continue	давом этмоқ	begin	бошламоқ
start	бошламоқ	delay	кечиктирмоқ
postpone	қолдирмоқ, кўчирмоқ	need	зарурият сезмоқ
require	талаб қилмоқ	want	хоҳламоқ
avoid	ўзини олиб қочмоқ	enjoy	ҳузур қилмоқ
admit	қабул қилмоқ	mention	эслаб ўтмоқ
advise	маслаҳат қилмоқ	mind	қарши бўлмоқ
anticipate	кутмоқ	miss	соғинмоқ
appreciate	баҳоламоқ	practise	машқ қилмоқ
can't help	(ўзини) тия олмаслик	quit	ташлаб кетмоқ
consider	кўриб чиқмоқ	recall	қайта чақирмоқ
deny	инкор этмоқ	recommend	тавсия этмоқ
keep	сақламоқ	regret	афсусланмоқ
resent	хафа бўлмоқ	report	маълум қилмоқ
resist	қаршилиқ қилмоқ	resume	хулоса қилмоқ
risk	таваккал қилмоқ	tolerate	чидамоқ
suggest	таклиф киритмоқ	understand	тушунмоқ
try	уринмоқ, татиб кўрмоқ		

● 4. Герунд ўзбек тилига инфинитив (**reading** – ўқимоқ, ўқимоғимиз, ўқимоқнинг), отлашган феъл (**reading** – ўқиш, ўқишингиз, ўқишни), равишдош (**reading** – ўқиб), сифатдош (**reading** – ўқиган) каби таржима қилинади.

1. *There is much use of reading*. – Ўқимоқнинг / (Ўқишнинг) фойдаси катта.

2. *His reading is fluent*. – Унинг ўқиши бийрон.

3. *Reading the text, you answer some questions*. – Матнни ўқиб, бир неча саволимга жавоб берасиз.

4. *She denied her having read our letter*. – У хатимизни ўқиганини рад этди.

● 5. Герунд кўпинча предлоглардан кейин қўлланилади. Инглиз тилида предлогдан кейин феъл герунд, яъни отга энг яқин феъл шаклини олади.

- Ўзидан кейин, одатда, герунд қўлланиладиган предлогли феъллар рўйхати:

know of	ҳақида билмоқ
think of	ҳақида ўйламоқ
be capable of	-га қобилияти бўлмоқ
insist on	-да туриб олмоқ
object to	-га қарши бўлмоқ
result in	-га олиб келмоқ
worry about	ҳақида безовталанмоқ
give up	ташламоқ, воз кечмоқ
be interested in	билан қизиқмоқ
leave of	хайрлашмоқ
be proud of	билан мағрурланмоқ
be surprised at	ҳайрон бўлмоқ
speak of	ҳақида гапирмоқ
be afraid of	-дан қўрқмоқ
depend on	-га боғлиқ бўлмоқ
consist in	-дан иборат бўлмоқ
succeed in	-да муваффақиятга эришмоқ
keep on	-давом этмоқ
put on	киймоқ
prevent from	-дан огоҳ этмоқ
be fond of	-ни яхши кўрмоқ
hear of	ҳақида эшитмоқ
be disappointed at	-дан кўнгил қолмоқ
aid in	-да ёрдам бермоқ
approve of	-ни маъқулламоқ
be better off	-бойимоқ
call for	-ни талаб қилмоқ
confess to	-ни тан олмоқ
count on	-га суянмоқ
rely on	-га ишонмоқ
think about	ҳақида ўйламоқ

● Герунд **instead of** (ўрнига), **besides** (-дан ташқари), **owing to** (туфайли) ва б. иборалардан кейин ҳам қўлланилади.

● Ўзидан кейин герунд қўлланилиши мумкин бўлган предлогли сифатлар рўйхати:

accustomed to	-га ўрганган
afraid of	-дан қўрққан
capable of	-да қобилиятли
fond of	-ни яхши кўрувчи
intent on	-га мойил
interested in	билан қизиқувчи
successful in	-да муваффақиятли
tried of	-да текширилган

- Ұзидан кейин герунд қўлланилиши мумкин бўлган предлогли отлар рўйхати:

choice of	-ни танлаш
excuse for	учун узр
intention of	-га нияти
method of/for	учун услуб
possibility of	имконияти
reason for	-нинг сабаби

- 6. Герунд, одатда, аниқловчи вазифасида келганда кўпинча ундан олдин **of** предлоги қўлланилади:

I don't know way of solving this question. – Мен бу масalani ҳал қилиш йўлини билмайман.

- 7. Предлогли герунд ҳол вазифасида ҳам келади:

а) вақтни ифодалаш учун **on** (-да, -дан кейин), **after** (-дан кейин), **before** (-дан олдин), **in** (- да) предлоглари қўлланилади:

After sleeping for an hour he woke up. – Бир соат ухлаганидан кейин у уйвонди.

б) сабабни ифодалаш учун **for** (деб, учун), **through** (деб) предлоглари қўлланилади:
Excuse me for speaking so loudly. – Жуда қаттиқ гапирганим учун узр.

в) миқдор-даражани ифодалаш учун **by** (ёрдамида, орқали) предлоги қўлланилади:
I solved my task by changing the method. – Мен топшириқни услубни ўзгартириш орқали ечдим.

г) шартни ифодалаш учун **without** (-масдан), **in case of** (агарда, мабодо):
He can't speak without laughing. – У кулмасдан гапиролмайди.

- 8. Қаратқич олмош ёки қаратқич (ёки умумий) келишиқдаги от билан бирикканда герунд герундли конструкцияни ҳосил қилади.

I know of his having come. – Унинг келганини биламан.

I am sure of their having been asked to come. – Мен уларнинг келишларини сўрашганига аминман.

The student's being given a good mark was unexpected. – Бу талабага яхши баҳо қўйишгани кутилмаган ҳол эди.

She insists on your doing it. – У сенинг бунни бажаришингни талаб қилиб турибди.

- 9. Баъзи феъллардан кейин кесим қисми сифатида ҳам герунд, ҳам инфинитив қўлланилади:

start, begin	бошламоқ
continue	давом этмоқ
prefer	маъқул кўрмоқ
hate	нафратланмоқ
intend	ният қиламоқ
like (dislike)	ёқтирмоқ (ёмон кўрмоқ)
can't stand	кўтара олмаслик
dread	хавфсирамоқ
love	севмоқ

It began raining = It began to rain (Ёмағир ёғишни бошлади).

◆ Сифатдош (the Participle)

● Сифатдош феълнинг шахсиз шакли, у ҳаракатни асосан предметнинг белгиси сифатида кўрсатади. Сифатдош ҳам феъл, ҳам сифат хусусиятларига эга. Демак, сифатдош феълдан ясалган сифатдир.

Инглиз тилида сифатдош I ва сифатдош II лар мавжуд.

I. Сифатдош I.

1. Ясалиши

● Сифатдош I шахсли феъл шаклига **-ing** қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Агар шахсли феъл шакли ёрдамчи ва етакчи феъллардан таркиб топган бўлса, **-ing** ёрдамчи феълга қўшилади. Сифатдош I нинг инкор шаклини яшаш учун ундан олдин **not** кўрсаткичи қўйилади:

working (man) – ишлайдиган (одам)

not working (man) – ишламайдиган (одам)

2. Қўлланиши

● *Simple* Сифатдош I аниқловчи вазифасида ишлатилиши мумкин:

*The boy **reading** (аниқловчи) a magazine is a friend of mine. – Журнал ўқиётган бола – менинг дўстим.*

● Сифатдош I нинг *Perfect* шакли аниқловчи вазифасида келади:

*People **have worked** can go home. – Ишлаб бўлган одамлар уйига кетиши мумкин.*

II. Сифатдош II

1. Ясалиши:

● Сифатдош II шахсли феъл шаклига **-ed** қўшилиши орқали ҳосил қилинади. Нотўғри феъллар учун уларнинг учинчи устундаги шакли ишлатилади. Агар шахсли феъл шакли ёрдамчи ва етакчи феъллардан таркиб топган бўлса, ёрдамчи феъл нотўғри феълнинг учинчи устундан юзага келтирилади. Сифатдош II нинг инкор шаклини яшаш учун ундан олдин **not** кўрсаткичи қўйилади:

worked (man) – ишлаган (одам)

not worked (man) – ишламаган (одам)

2. Қўлланиши:

● Сифатдош II *Perfect* шаклидаги кесим ва мажҳул нисбатнинг барча шакллари таркибига киради.

● Сифатдош II, одатда, аниқловчи сифатида қўлланилади:

*Do this exercise in **written form** (аниқловчи отдан олдин). – Бу машқни ёзма равишда бажаринг.*

*The **composition written** by the student (аниқловчи отдан кейин). – Талаба томонидан ёзилган иш.*

● Сифатдош II шаклидаги баъзи феъллар отга ўтиши мумкин (қаранг: 54-бет):

wounded – яраланган; the wounded – яраланганлар

rewarded – тақдирланган; the rewarded – тақдирланганлар

● Сифатдош II таркибли феълнинг от қисми вазифасида қўлланилади:

*His pencil is **broken**. – Унинг қалами синган.*

◆ Равишдош (Adverbial Participle)

● Равишдош феълнинг шахссиз шакли, у иш-ҳаракатнинг қай ҳолатда бажарилишини ифодалайди. Равишдош ҳам феъл, ҳам равиш хусусиятларига эга. Демак, равишдош феълдан ясалган равишдир.

III. Равишдош

1. Ясалиши

● Равишдош шахсли феъл шаклига **-ing** кўшилиши орқали ҳосил қилинади. Агар шахсли феъл шакли ёрдамчи ва етакчи феъллардан таркиб топган бўлса, **-ing** ёрдамчи феълга кўшилади. Равишдошнинг инкор шаклини ясаш учун ундан олдин **not** кўрсаткичи қўйилади:

working – ишлай туриб, ишлаётганимда

not working – ишламай туриб, ишламаётганимда

2. Шакллари

● Равишдош аниқ ва мажҳул нисбат шакллариغا эга. Равишдошнинг *Simple* (содда равишдош) ва *Perfect* (тугалланган равишдош) шакллари мавжуд.

● Қуйидаги жадвалда равишдош шаклларининг ясалиши **do** феъли мисолида келтирилган:

Tense	Voice	
	Active	Passive
Simple	<i>doing</i> – қилаётганида (қилар экан)	<i>being done</i> – қилдиришар экан
Perfect	<i>having done</i> – қилиб бўлиб	<i>having been done</i> – қилдириб бўлиб

3. Қўлланилиши

● Равишдошнинг тўртта шакли орасида *Simple Active* кўпроқ, *Perfect Active* камроқ қўлланилади. Равишдошнинг мажҳул шакллари камдан-кам ишлатилади:

Равишдошнинг *Simple* шакли феъл-кесим билан бир вақтдаги иш-ҳаракатни ифодалайди.

Равишдошнинг *Perfect* шакли феъл-кесимнинг ҳаракатидан олдинги иш-ҳаракатни ифодалайди.

Равишдошнинг *Simple* шакли *Continuous* ва *Perfect Continuous* шаклларидаги кесим таркибига киради.

● *Simple* Равишдош ҳол вазифасида:

While watching (ҳол) *TV he laughed a lot.* – Телевизор кўраётганида (кўрар экан) у кўп кулди.

● *Perfect* Равишдош ҳол вазифасида:

Having read (ҳол) *this book, I gave it to Kate.* – Китобни ўқиб бўлиб, мен уни Катяга бердим.

● Равишдош феъл хусусиятларига эгаллиги учун ўзидан кейин тўлдирувчини олиб, равиш билан белгиланиши мумкин:

Reading the book he thought about you. – Китоб ўқиётганида (ўқир экан) у сени ўйлади.

Having dressed clothes quickly, he went out. – Кийимларини тез кийиб, у ташқарига чиқди.

● **To be** феълнинг равишдош шакли, яъни **being** пайт ҳоли сифатида қўлланилмайди:

У кичкина пайтлигидан шахмат ўйнашни ёқтиради. – *Being a boy (when he was a boy) he liked to play chess.*

● **Being** сабаб ҳоли вазифасида қўлланилиши мумкин:

Қорни оч бўла туриб у уйига кетди. – *Being hungry he went home.*

● Пайт ҳолини ифодалаганда равишдош феъл-кесим ҳаракатидан олдин бажарилган иш-ҳаракатни ифодалаши мумкин:

Arriving at the airport he saw us in. – Аэропортга келиб, у бизни кутиб олди.

● Равишдош, одатда, ҳол сифатида қўлланади:

Being invited (ҳол), *I should come.* – Таклиф қилишганда, келардим.

Being translated (ҳол) *from English into Uzbek the article became easier to understand.* – Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган, бу мақолани тушуниш осонлашди.

● Баъзи феълларнинг равишдош шакли мураккаб тўлдирувчини ҳосил қилишда қўлланилади:

а) ҳис-туйғу, сезгини ифодаловчи феъллардан кейин:

to see – кўрмоқ, **to watch** – кузатмоқ, **to hear** – эшитмоқ:

I saw the door being opened. – Мен эшик очилганини кўрдим.

б) хоҳиш-истакни ифодаловчи феъллардан кейин:

I want the work being stopped immediately (I want the work to be stopped immediately). – Мен иш ҳозирок тўхтатилишини хоҳлайман.

в) **to have** феълидан кейин:

I had my hair being cut yesterday. – Мен кеча сочимни кестирдим.

IV. Равишдошлар синтактик конструкцияларни ҳосил қилиши мумкин (қаранг: 193-бет):

1) мураккаб тўлдирувчи:

It is hard to get them thinking about you. – Уларни сиз ҳақингизда ўйлашга мажбур қилиш қийин.

2) мустақил равишдошли оборот:

● Оддий равишдошли оборотларда равишдош гапнинг эгасига тегишли иш-ҳаракатни ифодалайди:

Knowing Uzbek well, I was able to translate the article. – Ўзбек тилини яхши билганим учун мен бу мақолани таржима қила олдим.

● Инглиз тилида шундай конструкциялар борки, уларда равишдошнинг бевосита ўзига тегишли эга ҳам мавжуд:

My son knowing Uzbek well, the examination did not last long. – Ўғлим ўзбек тилини яхши билгани учун имтиҳон узоқ давом этмади.

● Шундай қилиб, инглиз тилида ҳол вазифасидаги равишдошли оборотлар икки хил:

а) равишдош гапнинг эгасига тегишли иш-ҳаракатни ифодалаган конструкциялар. Бундай конструкциялар ўзбек тилидаги равишдош оборотига мос келади:

Having done this work they went home. – Ишларини қилиб бўлиб улар уйига кетишди.

Skating he fell down. – Конькида уча туриб у йиқилиб тушди.

б) эгали оборотлар мустақил равишдошли оборотлар дейилади. Улар гапнинг эгаси билан боғлиқ эмас.

- Қуйидаги белгилар бўйича мустақил равишдошли оборотларни аниқлаш мумкин:
 - мустақил равишдошли оборотлар доим вергул билан ажратилади;
 - равишдошдан олдин ё предлогсиз от, ё бош келишиқдаги олмош келади.

*The teacher **having come**, we sat to work.* – Ўқитувчи келгач, биз ишга киришдик.

*The weather **being bad**, we stayed at home.* – Об-ҳаво ёмон бўлгани учун биз уйда қолдик.

● Мустақил равишдошли оборотнинг маъноси контекстга боғлиқ. Кўпинча бундай оборот қуйидагиларни ифодалайди:

а) пайтни. Пайт эргаш гапли қўшма гап тарзида таржима қилинади:

*All the questions **having been settled**, we went home (After all the questions **had been settled**, we went home).* – Барча саволлар ҳал қилинган, биз уйга кетдик.

б) сабабни. Сабаб эргаш гапли қўшма гап тарзида таржима қилинади:

*Nobody **being** there, I went away (As there was nobody there, I went away).* – У ерда ҳеч ким бўлмагани учун мен кетдим.

в) ҳамроҳ (эргашиб келувчи) ҳолни. У алоҳида гап тарзида гапнинг охирида келади ва таржима қилинади.

*The girl went into the garden, the dog **running** after her.* – Қиз боққа кирди, кучук эса унинг кетидан югурарди.

V. Герунд ва равишдошнинг фарқли белгилари

1) агар **-ing** қўшимчали феъл шаклидан олдин предлог, қаратқич олмош ёки қаратқич келишигидаги от келса, бу герунддир.

Он **coming** home... – Уйга келишда...

His **working** there... – Унинг иши у ерда...

The boy's **having gone** there... – Боланинг у ерга бориши...

2) равишдошдан фарқли равишда герунд аниқловчи, ҳол ва кесимнинг иккинчи қисми вазифаларини бажариши мумкин.

Герунддан олдин предлог келиши, унинг ҳол вазифасини бажараётганидан дарак беради...

in **solving**... – ҳал қила туриб (ҳал қилишда)...

by **finding**... – топиш орқали...

without **knowing** it... – буни билмасдан...

1.4.7. Майл (Mood)

- Майл феълнинг реалликка бўлган муносабатини кўрсатувчи шаклидир.
- Инглиз тилида феъл уч майлда қўлланилади ва улар қуйидагиларни ифодалайди:
 1. Реал иш-ҳаракатни (ижро майли);
 2. Реал бўлмаган иш-ҳаракатни (шарт майли);
 3. Иш-ҳаракатга ундашни (буйруқ-истак майли).

◆ Ижро (хабар) майли

- Ижро майли асосий ҳисобланади. У ўтган, ҳозирги ёки келаси замондаги реал иш-ҳаракатни ифодалашда қўлланилади.

I learn English at school. – Мен мактабда инглиз тилини ўрганаман.

- Ижро майлига тегишли батафсил маълумот 1.4.3- ва 1.4.4-бандларда берилган (қаранг: 68 – 85-бетлар).

◆ Шарт майли

- Шарт майли иш-ҳаракатнинг реал эмаслигини, гумонлигини, тахминлигини ифодалайди.

- Инглиз тилида шарт майлининг икки тури мавжуд: 1) содда гапларда ва эргаш гапли қўшма гапнинг бош гап қисмида қўлланилади; 2) одатда, эргаш гапда қўлланилади:

1) шарт майли I нинг ясаши:

- Агар фикр ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлса, шарт майли I *Future in the Past* шакли билан мос тушади.

*It's a pity you can't come tomorrow, Peter **would help** you. – Афсус, эртага келолмайсиз, Петр сизга ёрдам берарди.*

- Замонавий инглиз тилида биринчи шахс учун ҳам баъзан хоҳиш оттенкасида **would** қўлланилишини таъкидлаш керак.

- Агар фикр ўтган замонга тегишли бўлса, шарт майли I *Future Perfect in the Past* шакли билан мос тушади.

*It is a pity you couldn't come yesterday, Peter **would have helped** you. – Афсус, кеча келолмадингиз, Петр сизга ёрдам берган бўларди.*

2) шарт майли I нинг қўлланилиши:

- Шарт майли I қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) сўзловчининг нутқи бўйича содда гапларда ўтган, ҳозирги ёки келаси замонда маълум вазиятда рўй бериши мумкин, реал бўлмаган иш-ҳаракатни ифодалаш учун.

*I am sorry I had no money yesterday. I would have bought that book.
Афсус, кеча пулим йўқ эди. Мен ўша китобни сотиб олардим.*

Why didn't you phone him yesterday? He would have helped you.

Нима учун кеча унга қўнғироқ қилмадингиз? У сизга ёрдам берган бўларди.

б) эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гап қисмида, одатда, иш-ҳаракат бажарилиши зарурлигини ёки хавотирни ифодаловчи сўзлардан кейин:

*It is necessary that he **should go** there tomorrow. – У эртага у ерга бориши зарур. I fear lest he **should be** late. – Кечга қолмаса деб қўрқаман.*

в) шарт эргаш гапда юз бериш эҳтимоли кам келаси замондаги иш-ҳаракатни ифодалаш учун (муаммоли шароит):

*If the weather **should change** for the better he will go to the country. – Об-ҳаво яхши томонга ўзгарсагина у шаҳар ташқарисига чиқади.*

г) реал бўлмаган шароитни ифодаловчи гапнинг бош гап қисмида:

*If we had had more time we **should have considered** all the suggestion. – Агар бизнинг вақтимиз кўпроқ бўлганда, биз бу таклифларни кўриб чиққан бўлардик.*

3) шарт майли II ясалиши:

● Шарт майли II фикр ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлса, *Past Simple*, ўтган замонга тегишли бўлса, *Past Perfect* шакли билан мос тушади.

*If I **had** any free time now or tomorrow I **should** do the work myself. – Агар менинг ҳозир ёки эртага бўш вақтим бўлганда эди, мен бу ишни ўзим қилардим.*

*If I **had had** any free time yesterday, I **should have done** the work myself. – Агар менинг кеча бўш вақтим бўлганда эди, мен бу ишни ўзим қилган бўлардим.*

4) шарт майли II қўлланилиши:

● Шарт майли II қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) эргаш гапларда реал бўлмаган шароитни ифодалаш учун.

● Шарт майли II да фикр ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлса, **to be** феъли барча шахсларда **were** шаклини олади:

*If I **were** in Moscow now, I **would** go to see the new production. – Агар мен ҳозир Москвада бўлганимда, янги асарни кўришга борардим.*

*If he **were** in Washington next week, he **would** come to see us. – Агар у келаси ҳафта Вашингтонда бўлганда эди, у бизни кўргани келарди.*

● Замонавий инглиз тилида бу каби ҳолларда шарт эргаш гапларда **were** нинг ўрнига **was** шакли қўлланилиши кузатилади:

*If I **was** out of touch with my friends, I **should** be ashamed of myself. – Агар мен дўстларим билан боғланиб турмаганимда, ўзимни ноқулай сезган бўлардим.*

● Агар фикр ўтган замонга тегишли бўлса, **to be** феъли бошқа феъллар каби *Past Perfect* – **had been** шаклига эга.

*If I **had been** there too, I **could** have heard the story myself. – Агар мен ҳам у ерда бўлганимда, ўзим бу ҳикояни эшита олган бўлардим.*

б) **it is time** (айни пайти), **I wish** (афсус ...эмас), **as if** (худди) ибораларидан кейин:

*It is time you **visited** your parents. – Ота-онангизни кўриб келишнинг айна пайти.*

*I wish you **visited** your parents more often. – Афсуски, сен ота-онангдан тез-тез хабар олмайсан (Мен сен ота-онангдан тез-тез хабар олиб туришингни хоҳлардим).*

*I was still a child but behaved as if I **were grown** up. – Мен ҳали бола эдим, лекин ўзимни худди катталардек тутардим.*

5) шарт эргаш гапли қўшма гапда шарт майли:

● Бош гапда истак майли I, шарт эргаш гапда истак майли II қўлланилади:

*If we **had** more time we **should have** considered all the suggestions.* – Агар бизнинг вақтимиз кўпроқ бўлганда, барча таклифларни кўриб чиққан бўлардик.

*It **would be** a good thing if you **didn't** smoke.* – Яхши иш бўларди, чекмасангиз.

*If I **were** you I **would try** to persuade her not to do so.* – Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, уни бундай қилмасликка ишонтиришга уриниб кўрардим.

6) модал феъллар шарт майлида:

● *Can* модал феълнинг шарт майли шакли **could** дир. *May* модал феълнинг шарт майли шакли **might** дир. Агар фикр ўтган замонга тегишли бўлса, модал феълдан кейин перфект (тугаллик) инфинитиви қўлланилади. Модал феълларнинг шарт майлидаги бу шакллари ҳам бош, ҳам эргаш гапда қўлланилади:

*I **could do** it today if I had any free time.* – Агар бўш вақтим бўлганда, мен буни бугун қила олардим.

*I **could have done** it yesterday if I had known that the matter was urgent.* – Агар мен бу иш зарурлигини билганимда эди, уни кеча қила олган бўлардим.

7) шарт майлидаги феъл-кесимли эргаш гапнинг боғловчисиз боғланиши:

● Агар шарт майлидаги шарт эргаш гапларда кесим **were, had** феъллари билан бошланса, бундай шарт эргаш гаплар бош гап билан боғловчисиз боғланиши мумкин ва мазкур феъллар эгадан олдин қўйилади:

If he had had enough time, he would have attended the lectures. – Унинг етарли вақти бўлганда эди, бу маърузаларда қатнашган бўларди.

If he were in Moscow now, he would take part in the discussion. – У ҳозир Москвада бўлганда эди, бу муҳокамада иштирок этарди.

◆ Буйруқ-истак майли

1) Қўлланилиши:

● Буйруқ-истак майли иш-ҳаракатга ундайди, илтимос, буйруқ ва маслаҳатни ифодалайди.

2) Ясалиши:

● Буйруқ-истак майлидаги феъл шакли *to* кўрсаткичи тушириб қолдирилган инфинитивдан ҳосил қилинади. Инкор шаклни ясаш учун етакчи феълдан олдин *do* ва *not* инкор кўрсаткичи қўйилади:

Write – Ёз (Ёзинг)

Do not write – Ёзма (Ёзманг)

Write him a letter – Унга хат ёз (ёзинг)

● Инглиз тилида буйруқ-истак майли бирлик ва кўплик учун бир шаклга эга.

● Гапда **please** сўзи қўлланилиши орқали илтимос буйруқдан фарқланади.

*Write him a letter, **please**.* – **Илтимос**, унга хат ёзинг.

● Буйруқ-истак майли, одатда, иккинчи шахсга қаратилади. Агар иш-ҳаракатга ундаш биринчи ёки учинчи шахсга қаратилган бўлса, **let** феъли, умумий келишиқдаги мос кишилиқ олмоши (ёки умумий келишиқдаги от) ва **to** кўрсаткичи тушириб қолдирилган етакчи феълнинг инфинитиви қўлланилади.

Let us go for a walk! – Сайр қилишга борайлик! (Сайр қилайлик!)

Let him do it himself. – Буни ўзи қилсин (Буни ўзи қила қолсин).

1.4.8. Модал феъллар ва уларнинг эквивалентлари, модал феъл сифатида қўллаш мумкин бўлган сўзлар

1. *Can, must, may* модал феъллари:

● Модал феъллар иш-ҳаракат ёки ҳолатни ифодаламайди, балки маълум бир иш-ҳаракатнинг бажарилиш зарурияти, имконияти ва эҳтимоллигини билдиради. Асосий иш-ҳаракат эса бевосита модал феълдан кейин келувчи *to* кўрсаткичи бўлмаган етакчи феълнинг инфинитиви орқали ифодаланади.

● Модал феълларнинг шахсиз (инфинитив, герунд, сифатдош) шакллари мавжуд эмас, ҳозирги замон *Simple* шаклининг учинчи шахс бирлигига **-s** қўшилмайди.

1) иш-ҳаракатни бажара олиш (ақлий ёки жисмоний) қобилияти **can** (ўтган замонда **could**, келаси замон шакли мавжуд эмас) модал феъли орқали ифодаланади:

I can help him. – Мен унга ёрдам бера оламан.

Can (could) ҳайрат, ишончсизлик, иккиланишни ифодалаши мумкин. Бу маънода **can (could)** феъли фақат сўроқ ёки инкор гапда қўлланилиши мумкин:

Can (could) she speak English so well already? – Наҳотки у инглиз тилида шундай яхши гапир олади?

Could шарт гапларнинг бош гап қисмида (қаранг: 188-бет) ва ўзлаштирма гапда қўлланилади (қаранг: 190-бет).

2) иш-ҳаракат бажарилиш зарурияти, мажбурияти, шартлиги ёки эҳтимоли **must** феъли орқали ифодаланади (бу феълнинг ўтган ва келаси замон шакли мавжуд эмас):

He must study the problem. – У бу муаммони ўрганиб чиқиши керак.

3) иш-ҳаракатни бажаришга рухсат, имконият **may** (ўтган замонда **might**, келаси замон шакли мавжуд эмас) феъли орқали ифодаланади:

You may take our data. – Сиз бизнинг маълумотларни олишингиз мумкин.

He may come. – У келиши мумкин.

May (might) яна қуйидагиларни ифодалаши мумкин:

а) иш-ҳаракатнинг амалда юз бериши мумкинлигини:

He may (might) come back tomorrow. – Балки у эртага келади (У эртага келиб қолиши мумкин).

б) иш-ҳаракат бажарилиши мумкинлигини (бунда, одатда, **might** феъли қўлланилади):

We might visit parents on Saturday. – Биз ота-онамизни шанба куни кўриб келсак бўларди.

в) иш-ҳаракат бажарилмаётганига (бажарилмагани) таъна қилиш:

You might think about someone else. – Сен бошқа бировлар ҳақида ҳам ўйласанг бўларди.

Might шарт гапларнинг бош гап қисмида (қаранг: 188-бет) ва ўзлаштирма гапда қўлланилади (қаранг: 190-бет).

● Сўроқ ва инкор гапларда модал феъллар ёрдамчи феъллар каби қўлланилади, яъни (сўроқ гапда) эгадан олдин ёки (инкор гапда) **not** инкор кўрсаткичидан олдин қўйилади:

Can you read? Сен ўқий оласанми? Yes, I can (No, I can not). – Ўқий оламан (Ўқий олмайман).

She can not read. – У ўқий олмайди.

2. Модал феълларнинг муқобиллари:

● **Can, may, must** модал феъллари эквивалентлари қуйидагилар:
be able to, have to (have got to), be to, ought to, should, be allowed to.

● Модал феъллар ва уларнинг эквивалентлари жадвали

	Present	Past	Future
Can қила олмақ	<i>I can go</i>	<i>I could go</i>	-
be able to қодир бўлмақ	<i>I am able to go</i>	<i>I was able to go</i>	<i>I shall be able to go</i>
must шарт, керак	<i>I must go</i>	-	-
have to мажбур бўлмақ	<i>I have to go</i>	<i>I had to go</i>	<i>I shall have to go</i>
be to лозим, керак	<i>I am to go</i>	<i>I was to go</i>	-
ought to лозим, керак	<i>I ought to go</i>	-	-
should лозим, керак	<i>I should go</i>	-	-
may рухсат, мумкин	<i>I may go</i>	<i>I might go</i>	-
be allowed to рухсат берилмақ	<i>I am allowed to go</i>	<i>I was allowed to go</i>	<i>I shall be allowed to go</i>

1) **be able to**

● **be able to** (бошқа шакли **be capable to**) *can, could* ўрнига ва келаси замон учун ҳам қўлланилади:

I am able to do it. – Мен буни қила оламан (қўлимдан келади).

She was able to do it. – У буни қила олди (қўлидан келди).

They will be able to do it. – Улар буни қила оладилар (қўлларидан келади).

2) **have to (have got to)**

● **have to (have got to)** маълум вазият сабаб иш-ҳаракат ноиложликдан бажарилиши кераклигини ифодалаш учун қўлланилади:

I have (have got) to go home now. – Мен уйга ҳозир кетишга мажбурман (кетмасам бўлмайди).

3) **be to**

● **be to** олдиндан тузилган келишув ёки режага асосан иш-ҳаракат бажарилиши зарурлигини ифодалаш учун қўлланилади:

They are to meet at 7. – Улар 7 да учрашишлари керак.

be to модал феълнинг ҳозирги замон шакли иш-ҳаракат келаси замонга тегишлилигини ифодалайди.

He is to make a report tomorrow. – У эртага маъруза қилиши керак.

4) **should**

- **should** гап бурч ёки маслаҳат ҳақида борганда қўлланилади:

You should help your friends. – Сиз дўстларингизга ёрдам беришингиз керак.

5) **ought to**

- **ought to** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) иш-ҳаракат бажарилиши тўғрилигини ифодалаш учун:

Perhaps she oughtn't to ... – Балки ... шарт (керак) эмас.

б) иш-ҳаракат бажарилиши зарурлигини:

You ought to visit your sick friend. – Касал дўстингизни кўриб келишингиз лозим (бу бурчингиз).

в) 2- ва 3-шахс шакллари орқали маслаҳат, мулоим буйруқни:

You ought to consult a doctor. – Сиз врач билан маслаҳатлашингиз лозим.

- 6) **Must** модал феъли мажбуриятни ифодалаганда **to be obliged to** феъли билан алмаштирилиши мумкин:

I am obliged to do it. – Мен буни қилишга мажбурман.

7) **be allowed to**

- **May** модал феъли руҳсат маъносини ифодалаганда **be allowed to** феъли уни муқобил сифатида алмаштириши мумкин:

He was allowed to come here. – Унга бу ерга келишга руҳсат беришди (у кела олди).

He will be allowed to come here (у кела олади). – Унга бу ерга келишга руҳсат беришади.

- Шу маънода **be allowed to** ўрнига **be permitted to** ҳам қўлланилиши мумкин.

- Модал феълларнинг *Perfect* феъл шакллари билан бирикуви

а) ўздан кейин *Perfect* феъл шакли келса, **must** феъли бирор иш-ҳаракатнинг бажарилгани ҳақидаги фараз ёки ишончни ифодалайди:

He must have pocketed it by mistake. – У уни адашиб чўнтагига солиб қўйган бўлса керак.

б) ўздан кейин *Perfect* феъл шакли келса, **may** бирор иш-ҳаракат бажарилгани ҳақидаги тахминни ифодалайди:

I may have put it there. – Мен уни у ерга қўйган бўлсам керак.

- **May** феълнинг ўрнига **might** шакли қўлланилиб, кетидан *Simple* шаклидаги феъл келса, гапдаги иш-ҳаракат бажарилишининг эҳтимоли камлигини таъкидлаймиз.

- Сўроқ ва инкор гапларда **may** ёки **might** ўрнига **can** ёки **could** қўлланилиши мумкин.

- Юз бериши мумкин, аммо юз бермаган иш-ҳаракатни ифодалаш учун **could**, **might**, **ought to**, **should** феълларининг перфект феъл шакли билан бирикуви қўлланилади:

They ought to have given the necessary explanation. – Улар керакли тушунтиришларни беришлари лозим эди.

You could have told them about it. – Сиз уларга бу ҳақида айтсангиз бўларди.

You might have brought us mutton instead of beef. – Бизга мол гўштининг ўрнига қўй гўшти олиб келишинг мумкин эди.

3. Модал феъллар сифатида ишлатилиши мумкин сўзлар

1) **need**

● Модал феъл сифатида **need** ҳозирги замонда иш-ҳаракат бажарилишининг зарур ёки зарурмаслигини ифодалайди. Одатда, сўроқ ва инкор гапларда қўлланилади.

Модал феъли маъносида **need** барча шахслар учун бир шаклга эга. Ундан кейин келувчи феъл-инфинитивнинг **to** кўрсаткичи тушириб қолдирилади. Сўроқ гапларда эгадан олдин қўйилади. **Need not** бўлишсиз шаклга эга.

Need he go there at once? (Керакми?) – No, he needn't. (Керакмас.)

2) **dare**

● Модал феъл сифатида **dare** феъли *журъат этмоқ* маъносида қўлланилади ва модал феъл талабларига жавоб беради (қаранг: **need** банди):

I dare say. – Мен айтишга журъат этаман.

3) **will** (ўтган замонда **would**):

● Модал феъл сифатида қўлланилиб, иш-ҳаракатни бажаришга *истак, розилик, тай-ёрлик, қатъият*ни ифодалайди.

I will do it. – Мен бунни қилмоқчиман.

If you will take my advice I shall be very glad. – Маслаҳатимга кирсангиз, жуда хурсанд бўламан.

● Инкор гапларда **will (would)** иш-ҳаракатни бажариш исталмаётгани, ундан бош тортишни билдиради:

He wouldn't obey me. – У (барибир) менга қулоқ солмасди.

● Сўроқ гапларда **will (would)** *илтимос ёки мулойим таклиф*ни ифодалайди.

Will you sit down? – Марҳамат, ўтиринг. (Ўтирасизми?)

● **Would** шакли сўзловчининг илтимоси бажарилишига ишончи камлигини ифодалайди.

4) **shall**

● 2- ва 3- шахс бирлик ва кўпликда иш-ҳаракатнинг бажарилиши зарурлигига ишончни ифодалайди: *керак, албатта* деб таржима қилинади:

He shall go with us – У биз билан бориши керак.

● **Shall** феъли бирлик ва кўпликда 1-, 3-шахс билан сўроқ гапта қўлланилади. Бу ҳолда сўзловчини суҳбатдошининг иш-ҳаракат бажарилиши зарурлиги ҳақидаги фикри қизиқтиради:

Shall I read it further? – Қолганини ўқийми?

1.4.9. **to do, to be, to have** ва **shall, will** феълларининг қўлланилиши

● **to do, to be, to have** феълларининг қўлланилиши

1. **to be**

● **to be** қуйидагича қўлланилади:

1) етакчи феъл сифатида:

He is at home. – У уйда.

2) боғловчи феъл сифатида:

*I **am** a student.* – Мен талабаман.

3) ёрдамчи феъл сифатида:

а) *Continuous* гуруҳининг ясалишида.

*I **am** reading now.* – Мен ҳозир ўқияпман.

б) *Perfect Continuous* гуруҳининг ясалишида.

*I **have been writing** since five o'clock.* – Мен соат бешдан бери ёзаяпман.

в) мажхул нисбат шаклининг ясалишида.

*The house **is** built.* – Уй қурилади (умуман).

4) модал феълларнинг эквивалентлари ясалишида.

*can – **be able to***

*may – **be allowed to***

*must – **be to***

5) сўз ясалишида.

а) **to be** + сифат + феъл

*I **am** ill.* – Мен касалман.

б) **to be** + предлог + феъл

***be away** – (жойга нисбатан) йўқ бўлмоқ*

***be off** – кетмоқ*

***be up** – тугамоқ*

6) феълнинг ўриндоши сифатида

Умумий саволнинг қисқа жавобларидаги феъл ўриндоши.

*Are you a student? Yes, I **am** (No, I **am** not).* – Сен талабамисан? Ҳа (Йўқ).

7) феълнинг махсус ибораларида қатнашади:

а) *to be going to – -моқчи*

б) *to be used to – одатланган*

*I **am going to study** English.* – Мен инглиз тилини ўрганмоқчиман.

*I **am used to speaking** English.* – Мен инглиз тилида гапиришга одатландим.

2. to have

● **to have** куйидагича қўлланилади:

1) етакчи феъл сифатида:

а) **have** – эга бўлмоқ

*I **have** a book.* – Менинг китобим бор / Менда китоб бор.

● Эга бўлмоқ маъносида **have** билан бир қаторда **have got** ҳам қўлланилади. Лекин **have got** одатий ва такрорланувчи иш-ҳаракат ифодаланганда қўлланилмайди.

б) **have** – мажбур қилмоқ

*Life **has us** work much.* – Ҳаёт бизни кўп ишлашга мажбур этади.

2) ёрдамчи феъл

а) *Perfect* гуруҳи ясалишида:*I **have written**.* – Мен ёзиб бўлдим.б) *Perfect Continuous* гуруҳи ясалишида:*I **have been reading** for two hours.* – Мен икки соатдан бери ўқияпман.

3) модал феълли муқобили ясалишида:

must – have to

*I **have to go to school**.* – Мен мактабга боришим керак (бормасликнинг иложи йўқ).

4) сўз ясалишида:

to have + от = феъл***Have dinner*** – Тушлик қилмоқ5) «**had better**» ибораси – яхши бўларди*I **had better do this work**.* – Бу ишни қилганим яхши бўларди.

6) феълнинг ўриндоши сифатида

Умумий саволнинг қисқа жавобларидаги феъл ўриндоши.

Have they tickets to dinner? Yes, they have (No, they haven't). – Тушлик қилишга уларнинг чипталари борми? Ҳа (Йўқ).

7) схема сифатида:

to have + от ёки олмош + инфинитив схемаси иш-ҳаракат бажариш *истаги*, *нияти*-ни ифодалаш учун қўлланилади:*He **has something to show us**.* – Унинг бизга кўрсатмоқчи бўлган (кўрсатадиган) нарсаси бор.

8) схема сифатида:

to have + от ёки олмош + сифатдош II

Бу схема иш-ҳаракат эга томонидан эмас, балки бошқа биров томонидан бажарилишини ифодалайди:

*I **had my computer repaired two days ago**.* – Мен компьютеримни икки кун олдин тузаттирдим.Бу схема сўроқ ва инкор гапларда қўлланилганда **to do** ёрдамчи феълли орқали бажарилади:*Did you **have your computer repaired**?* – Компьютерингизни тузаттирдингизми?3. **to do**● **to do** қуйидагича қўлланади:1) етакчи феъл сифатида: **do** – қилмоқ*I **do this work**.* – Мен бу ишни қиламан.● **Do** феълли, одатда, иш-ҳаракатни, **make** эса ниманидир ишлаб чиқариш (бунёд қилиш)ни ифодалаш учун ишлатилишини ёдда тутмоқ зарур.

2) ёрдамчи феъл сифатида:

Simple шаклининг ясалиши (сўроқ, инкор гаплар).

Do you speak English? – Сен инглизча гапирасанми?

I don't speak English. – Мен инглизча гапирмайман.

3) маънони кучайтирувчи сифатида:

I do love you. – Мен (ахир, чиндан) сени севаман.

4) феълнинг ўриндоши сифатида:

а) феълларнинг универсал ўриндоши сифатида:

He learns English. So do I. – У инглиз тилини ўрганади. Мен ҳам.

б) умумий саволнинг қисқа жавобида феъл ўриндоши сифатида:

Do you want to eat? Yes, I do (No, I don't). – Овқатланишни хоҳлайсанми? Ҳа (Йўқ).

5) сўз ясалишида:

а) **to do** + сифат = феъл.

Do well – Совайиб кет

б) **to do** + предлог = феъл

to do up – тузатмоқ, таъмирламоқ

to do away – қисқартирмоқ, (-ни тузатмоқ)

to do in – (кимнидир) ўлдирмоқ

to do over – узатмоқ

to do without – (бирон нарчасиз) четлаб ўтмоқ

в) **well done** – баракалла, офарин

◆ **Shall (should), will (would) феъллари**

1. Shall

● **Shall** қуйидагича қўлланилади:

1) *Future* шаклининг биринчи шахсини ҳосил қилувчи ёрдамчи феъл сифатида:

I shall go to school. – Мен мактабга бораман.

2) келаси замон иш-ҳаракатини (қатъиятни, буйруқни, ваъдани, хафвни) ифодалаш учун 2- ва 3- шахс шаклидаги модал феъл сифатида:

He shall come here. – У албатта бу ерга келади.

3) кўрсатма олиш мақсадида сўроқ гапларда (1- ва 2- шахсларда):

Shall I close the window? – Деразани ёпайми?

● Замонавий инглиз тилида **will** шакли **shall** ўрнига ҳам ишлатилади.

2. Should

● **Should** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) *Future in the Past* нинг биринчи шахсини ҳосил қилиш учун:

A year ago he said that we should buy a new house. – У бир йил олдин уй сотиб олишимизни айтганди.

2) иккинчи ва учинчи турдаги шарт гапларнинг бош гап қисмида 1-шахс шаклида:
*I **should** be glad to play if wanted.* – Хоҳлаганимда, чалиб берардим.

3) иккинчи ва учинчи турдаги шарт гапларнинг эргаш гап қисмида барча шахсларда:
*If you **should** come I shall speak to you.* – Келсанг, мен сен билан гаплашаман.

4) шарт майлини ҳосил қилиш учун:
*It is necessary that he **should** go home at once.* – У ҳозироқ уйга бориши керак.

5) мажбурият, тўғри танлов, тахминни ифодалашда **must** модал феълнинг муқобилини ҳосил қилиш учун:

*You **should** not do that.* – Буни қилмаслигинг керак.

6) (ҳамма шахсларда) кучли ҳайратни ифодалаш учун, **why** билан бошланувчи саволларда:

*Why **should** you come here?* – Бу ерга нимага келдинг?

7) бош гапнинг кесими ҳайрат, ачиниш ва б. ифодалашда, тўлдирувчи эргаш гапларда:

*I am glad that she **should have done** it.* – Мен унинг буни қилиб бўлганидан хурсандман.

3. Will

● **Will** қуйидагича ифодаланади:

1) от сифатида *истак, ирода, ҳайрат, васият* маъносида:

*the **will** to live* – яшаш учун ирода (истак)

*to work with a **will*** – фидойилик билан ишламоқ

*to make one's the last **will*** – васият тузмоқ (ёзмоқ)

2) етакчи феъл сифатида (ўтган замонда **willed**) – хоҳламоқ, *истамоқ, иродали бўлмоқ, мажбур қилмоқ, буюрмоқ:*

*Let him do what he **will**.* – (Келинг) хоҳлаганини қилсин.

*Who **will** success in half way to it.* – Муваффақиятга интилиш мақсаднинг ярмига эришишдир.

3) ёрдамчи феъл сифатида қуйидагиларни ҳосил қилишда:

а) 2- ва 3-шахслар келаси замонини:

*He **will** come at 2 o'clock.* – У соат 2 да келади.

б) (бошқа феъллар билан бирикувда) одатий иш-ҳаракатни:

*Accidents **will** happen.* – Бахтсиз ҳодисалар бўлиб туради.

4) Модал феъл (айниқса 1-шахсда) сифатида ният, қатъият, ваъда, тахмин, эҳтимолни ифодалайди:

*I **will** let you know.* – Мен сизга албатта хабар бераман.

*You **will** be Mr. Brown?* – Сиз жаноб Браун бўлсангиз керак-а?

5) илтимосни ифодалаш учун:

***Will** you pass the book?* – Илтимос, китобни узатиб юборинг / Китобни узатиб юборасизми?

Буйруқ гапнинг охирига қўйиладиган **will you** жумласи илтимос ёки буйруққа мулоқимлик тусини беради:

Pass me the time – table over there, will you? – Илтимос, менга анави (дарс) жадвални узатиб юбор.

6) сўз ясалишида:

will power – куч, қудрат

willingly – бажонидил

willingness – тайёрлик

willing – тиришқоқ

willy-nilly – хоҳласанг-хоҳламасанг

would be – сохта, даъво билан

4. Would

● **Would** қуйидагича қўлланилади:

1) 2-, 3-шахсларда *Future in the Past* ни ҳосил қилиш учун:

He told us he would come at two o'clock. – У бизга соат иккида келишини айтди.

2) иккинчи, учинчи турдаги шартли гапларнинг бош гап қисмида 2-, 3-шахсларда:

It would be better if he had time. – Унинг вақти бўлганда яхши бўларди.

3) ўтган замонга тегишли (ҳамма шахслар учун) одатий иш-ҳаракатни ифодаловчи сифатида:

He would stand for hours watching the machine work. – У машина ишини соатлаб кузатиб турарди.

4) тиришқоқлик, қатъиятлик, истак, эҳтимоллик, мулойим илтимосни ифодаловчи модал феъл сифатида:

I warned you, but you would do it. – Мен сизни огоҳлантирган эдим, лекин сиз шундай қилишни хоҳлагандингиз.

Would I were a child. – Ёш бола бўлганимда эди.

That would be his home. – Анави унинг уйи бўлса керак.

Would you help me, please? – Менга ёрдам беролмайсизми?

● Юқорида келтирилган феъл шакллари назарга олган ҳолда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин:


Инглиз тилининг батафсил кўринишида бир феълнинг мазмун жиҳатдан тахминан 166 та шакли мавжуд:

120 та (ижро майли) + 5 та (буйруқ-истак майли) + 4 та (шарт майли) + 18 та (модал феъллар ва уларнинг эквивалентлари) + 11 та (шахссиз феъл) + 8 та (феълнинг махсус иборалари).

Феъл шаклларининг аниқ сонини фақат берилган конкрет феълга нисбатан ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Бунинг исботи ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола.

1.5. Равиш (The Adverb)

 Равиш иш-ҳаракатнинг белгисини ёки иш-ҳаракат муҳитини, яъни турли ҳолатларни билдиради. Равиш феъл, сифат ёки бошқа равишга тегишли, иш-ҳаракатнинг қандай қилиб, қаерда, қачон (ва ҳ.к.) бажарилаётганини ифодалайди.

● Гапда равиш, одатда, феълга тегишли бўлиб, ўрин, йўналиш, пайт ва ҳаракатнинг усулини ифодалайди:

*He lives **near**.* – У яқинда туради.

*Now I know **how** you do it.* – Энди мен буну қандай (қанақа) қилишингизни биламан.

● **Be, get, become, smell, taste, sound, seem, look** феълларидан кейин сифат қўлланадиган мумкинлигини таъкидлаш лозим. Бошқа феъллардан кейин равиш қўйилиши керак:

*Be **careful**.* – Эҳтиёт бўл.

*The soup **tastes** so good.* – Шўрва шундай мазали (бўлибди).

● Равиш белгиларга ишора қилиб, сифат ёки бошқа равишга тегишли бўлиши ҳам мумкин:

*She is a **very good** schoolgirl.* – У жуда яхши ўқувчи қиз.

*He speaks English **quite well**.* – У инглиз тилида жуда яхши гапирди.

● Маъно жиҳатидан равишлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ўрин равиши, пайт равиши, ҳолат равиши, миқдор-даража равиши (қаранг: 118 – 120-б.)

◆ Равишнинг қўлланилиши

● Одатда, равишлар гапда ҳол вазифасини бажаради, лекин баъзан аниқловчи бўлиб ҳам келади:

*Come **here** (ҳол)! – Бу ерга кел!*

*The **then** (аниқловчи) president – Ўша пайтдаги президент*

● Равиш қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) сўроқ гапларда сўроқ сўз бўлиб (қаранг: 177- бет):

***How** do you think? – Нима деб ўйлайсан?*

б) қўшма гапларда боғловчи бўлиб:

*It was raining, **so** he took umbrella.* – Ёмаири ёғаётган эди, шунинг учун у соябон олди.

*I don't know **why** he did it.* – Мен у буну нима учун қилганини билмайман.

● Баъзи равишларнинг қўлланилиш хусусиятлари:

1) баъзи равишлар **before, after, since** шакл жиҳатдан предлог ва боғловчилар билан бир хил, гапдаги вазифаси ва жойлашиш ўрни билан фарқ қилади.

*I came here **before** (равиш).* – Мен **олдин** бу ерда бўлганман.

*I will be at home **before** (предлог) 7 o'clock.* – Мен бу уйда 7 дан **олдин** бўламан.

*Now I work at the University **before** (боғловчи) I studied at college.* – Ҳозир мен университетда ишлайман, **олдин** коллежда ўқиганман.

2) қуйидагиларни фарқлаш лозим:

а) **hard** (астойдил, қатъий) ва **hardly** (доярли) равишлари. **Hard** равиши доим феълдан кейин, **hardly** эса феълдан олдин туради:

*He worked **hard**.* – У астойдил ишлади.

*He **hardly** worked.* – У қарийб ишламади.

б) **well** (яхши) равиши ва фақат **to be, to feel** боғловчи феъллардан кейин қўлланиладиган **well** (яхши) сифати:

*He works **well**.* – У яхши ишлайди.

*He is **well**.* – У (ўзини ҳис қилиши) яхши.

● **Well** ва **good** сифатлари боғловчи феълдан кейин қўлланилиши мумкин:

*He is **well**.* – У ўзини яхши ҳис қиляпти.

*He is **good**.* – У яхши (одам сифатида).

3) **just** равиши икки хил маънода қўлланилади:

а) шунчаки, умуман, дангалига

*It is **just** clear.*

б) аниқ, худди, айнан

*I **just** want to say it.*

4) «олмош» равишлари деб ном олган равишларнинг (**here, there, now, then, thus**) қиёсий даражаси мавжуд эмас.

5) **already, usually, ever, never, often, seldom, always** равишлари етакчи феълдан олдин, ёрдамчи, модал феъллар ва **to be** феълнинг тусланган шаклидан кейин қўйилади.

*He **often** goes to the cinema.* – У кинога тез-тез бориб туради.

*He is **always** busy.* – У доим банд.

*I have **already** written letter.* – Мен хатни аллақачон ёзиб бўлдим.

*He could **never** do it.* – У буни ҳеч қачон қилолмасди.

◆ Равиш ясалиш усуллари

● Равишлар қуйидагича ҳосил қилинади:

1) оддий равиш

often – тез-тез; **never** – ҳеч қачон

2) Суффикс ёрдамида формула бўйича:

Равиш = сифат + **(-ly)**

warm – *warmly*

илиқ (қандай?) – *илиқ (қанақа?)*

а) агар сифат **-y** га тугаса, **у** ҳарфи **-i** га айланади, яъни

happy – *happily*

бахтли – *бахтли*

б) агар **-e** га тугаса, бу ҳарф тушириб қолдирилади:

true – *truly*

тўғри – *тўғри*

- * Агар сифат **чс** суффикс билан тугаса, Чу дан олдин **-al** суффикси қўшилади, яъни

acrobatic - acrobatically

акробатча - акробатчасига

- 3) қўшма равишлар:

sometimes - баъзан

at last - ахийри, ниҳоят

from time to time - вақти-вақти билан, дам-бадам

- Равиш ва сифат шакли бир хил сўзлар

hard	<i>огир / огир, астойдил</i>	near	<i>яқин/яқин</i>
high	<i>баланд / баланд</i>	late	<i>кечки / кеч</i>
low	<i>паст / паст</i>	deep	<i>чуқур/чуқур</i>
alike	<i>ўхшаш / ўхшаш, худди</i>	enough	<i>етарли /етарли</i>
Fast	<i>тез /тез</i>		

- **Highly** (жуда), **lowly** (камтарона), **lately** (яқинда), **nearly** (деярли), **hardly** (қарийб, зўрға) равишлари **ly** суффиксиз шакллари билан фарқли равишда бошқа маънода қўлланилишини ёдда тутмоқ зарур.

- **Warmly, hotly, coldly, coolly, presently, shortly, barely** равишлари ҳам сифат шакллари билан фарқли равишда бошқа маънога эга эканини ёдда тутмоқ зарур.

- **Равиш даражалари**

- Кўпгина равишлар (асосан ҳолат равишлари) сифат каби даражаланиш хусусиятига эга:

Бир бўғинли равишларнинг қиёсий даражаси оддий даражадаги шаклга **er** ва орттирма даражадаги шаклга **-est** қўшимчалари қўшилиши билан ҳосил қилинади:

soon - тез

sooner - тезроқ

(the) soonest - энг тез

- Икки бўғинли **early** равиши ҳам шу тартибда даражаланади:

early - эрта

earlier - эртароқ

(the) earliest - жуда эрта

- Чу қўшимчаси ёрдамида сифатдан ясалган равишлар барча кўп бўғинли равишлар каби қиёсий даражасини **more**, орттирма даражасини **most** ёрдамида ҳосил қилади:

correctly - тўғри

more correctly - тўғрироқ

the most correctly - энг тўғри

- **Often** (тез-тез), **quickly** (тез, чаққон), **slowly** (секин) равишларининг даражаларини иккала усулда ҳам ҳосил қилса бўлади:

<i>often</i>	<i>oftener</i> <i>more often</i>	<i>the oftenest</i> <i>the most often</i>
<i>quickly</i>	<i>quicker</i> <i>more quickly</i>	<i>the quickest</i> <i>the most quickly</i>
<i>slowly</i>	<i>slower</i> <i>more slowly</i>	<i>the slowest</i> <i>the most slowly</i>

- Қуйидаги равишлар мувофиқ сифатлар каби қоидадан истисно тариқасида даражаланади:

<i>well</i>	<i>яхши</i>	<i>better</i>	<i>яхшироқ</i>	<i>the best</i>	<i>энг яхши</i>
<i>badly</i>	<i>ёмон</i>	<i>worse</i>	<i>ёмонроқ</i>	<i>the worst</i>	<i>энг ёмон</i>
<i>much</i>	<i>кўп</i>	<i>more</i>	<i>кўпроқ</i>	<i>the most</i>	<i>энг кўп</i>
<i>little</i>	<i>кам</i>	<i>less</i>	<i>камроқ</i>	<i>the least</i>	<i>энг кам</i>
<i>far</i>	<i>узоқ</i>	<i>farther</i> <i>further</i>	<i>узоқроқ,</i> <i>кейинроқ</i>	<i>the farthest</i> <i>the furthest</i>	<i>энг узоқ,</i> <i>энг кейинги</i>

- **Равишнинг гапдаги ўрни**

- Кўпгина равишлар гапда аниқ ўринга эга эмас, турлича жойлашишлари мумкин:

Frequently we do for a walk.

We ***frequently*** go for a walk.

● Иш-ҳаракат **used** ва инфинитив бирикуви орқали ифодаланган бўлса, ноаниқ замон равиши **used** олдин қўйилади:

He usually used to agree with me. – У, одатда, менинг гапимга кўнардди.

● (Дарак гапларда) **already**, (сўроқ ва инкор гапларда) **yet** равишлари кўпроқ *Present Perfect* шаклидаги феъллар билан қўлланилади.

● **Already** равиши худди **still** (ҳали ҳам) каби ёрдамчи ва етакчи феъллар орасига қўйилади:

I have already written my letter. – Мен аллақачон хатимни ёзиб бўлдим.

● **Yet** равиши инкор ҳали ҳам маъносида, **not** инкор кўрсаткичидан кейин ёки феълдан кейин, агар гапда тўлдирувчи бўлса, ундан кейин қўйилади:

We have not yet written the article. – Биз ҳали (ҳам) мақолани ёзиб бўлмадик.

We have not written the article yet. – Биз ҳали (ҳам) мақолани ёзиб бўлмадик.

We have not written yet. – Биз ҳали (ҳам) ёзиб бўлмадик.

● Қуйидаги конструкция ҳам тўғри ҳисобланади:

We have yet to write the article. – Биз ҳали мақола ёзишимиз керак.

● **Yet** равиши аллақачон маъносида гапнинг охирида туради, ўзбек тилига, одатда, таржима қилинмайди:

Have you read the book yet? – Китобни ўқиб бўлдингизми?

● **Sometimes** равиши ҳам феълдан олдин, ҳам гапнинг бошида ёки охирида келиши мумкин:

He sometimes comes here, ↴

Sometimes he comes here. ➤ У баъзан бу ерга келади.

He comes here sometimes. ↵

● **Tomorrow, today, yesterday** пайт ва **here, there** ва бошқалар, ўрин равишлари ё гапнинг бошида, ёки охирида туриши мумкин:

Tomorrow I shall go there. – Эртага мен у ерга бораман.

I shall go there tomorrow. – Мен у ерга эртага бораман.

● Агар ўрин ва пайт равишлари гапнинг охирида келса, ўрин равиши, пайт равишидан олдин қўйилади:

He will come here tomorrow. – У бу ерга эртага келади.

● **Before** – олдин, **lately** – яқинда, **охирги пайтда** ва **recently** – яқинда, шу кунларда; гапнинг охирига қўйилади:

I haven't seen this film before. – Мен бу фильмни олдин кўрмаганман.

● Сифат ёки бошқа равишларни аниқлаб келувчи равишлар улардан олдин қўйилади:

Kate speaks French quite well. – Катя французчада жуда яхши гапирди.

● **Enough** – етарли(ча), етарли даражада, анчайин, анчагина равиши истисно ҳисобланиб, сифат, бошқа равиш ёки феълдан кейин қўйилиши мумкин:

My book is interesting enough. – Менинг китобим анчайин қизиқ.

He knows Spanish well enough. – У испанчани етарли даражада билади.

She doesn't read enough. – У етарли ўқимайди.

- Лекин **enough** отдан олдин қўйилади:
Do you have enough money? – Етарлича пулингиз борми?
- **Too, either** равишлари ҳам гапнинг охирига қўйилади:
I am playing football too. – Мен ҳам футбол ўйнаяпман.
He has not gone there either. – У ҳам у ерга бормади.
- Иш-ҳаракатни такрорловчи **too, either** ва **so** нинг қўшма гапларда қўлланилишига эътибор беринг:
I am happy and he is too.
I am happy and either is he.
I am happy and so is he.
I didn't see her and John didn't either.
I didn't see her and neither did John.
- **too** – жуда ҳам маъносида келганда ўзи аниқлаётган сўздан олдин қўйилади:
There are too many flowers in the garden. – Боғда гуллар жуда ҳам кўп.
- Равишларнинг гапдаги кетма-кетлиги қуйидагича: ҳолат, ўрин, пайт.
It rained hard in London yesterday. – Кеча Лондонда қаттиқ ёмғир ёвди.
- Расмий инглиз тилида бир хил маънодаги икки сўз (хусусан, равишлар) бирга қўлланилмаганини ёдда тутмоқ зарур.
Бундай ёзиш мумкин эмас:
very extremely; only unique; same identical

◆ Пайт равишлари рўйхати

usually	одатда	seldom	камдан-кам
always	ҳар доим	once	бир марта (пайт)
sometimes	баъзан	at once	ўша/(шу) заҳоти
often	тез-тез	immediately	ўша заҳоти
at last	ахийри, ниҳоят	generally	умуман, одатда
at all	умуман	yet	ҳали (ҳам), аллақачон (сўроқ ва инкор гапда)
already	аллақачон	at least	ҳеч бўлмаганда
lately	яқинда	soon	яқинда, тез орада
ago	олдин	next	кейинги, келаси
ever	қачондир	never	ҳеч қачон
every	ҳар (бир)	almost	салкам, деярли
in time	ўз вақтида	on time	ўз вақтида
at times	вақти-вақти билан	at first	биринчидан, аввало
meantime/ mean-while	бу пайтда (орада)	almost all	деярли ҳамма (ҳар доим)
from time to time	вақти-вақти билан, дамодам	whereat	бундан кейин
whereas	ҳеч нарсага қарамасдан	wherein	-ган жой
until	-гача	till	-гача
formely	илгари	tonight	бу оқшом
today	бугун	yesterday	кеча

tomorrow	эртага	after	кейин, сўнг
before	олдин	afterwards	оқибатида
just	ҳозиргина	still	ҳали ҳам
sooner or later	эртами-кечми	every day	ҳар куни
someday	бир куни	sometime	бир пайт, қачондир
by now	шу пайтгача, ҳозирга қадар	suddenly	тўсатдан, бирданига
shortly	яқин орада	early	эрта
rarely	камдан-кам	daily	ҳар куни, кундалик
occasionally	баъзан, вақти-вақти билан	frequently	тез-тез
twice	икки марта	beforehand	олдиндан
then	кейин, сўнг	since	-дан бери
presently	тез орада, айни пайтда		

◆ Ўрин ҳоллари рўйхати

here	бу ерда (-га)	inside	ичи, ичида
there	у ерда (-га)	outside	ташқари, ташқарида
where	қаерда, қаерга	above	(-дан) тепада
below	пастда, -дан паст	somewhere (anywhere)	қаердадир, қаергадир
nowhere	ҳеч қаерда, ҳеч қаерга	everywhere	ҳамма ерда / ерга
elsewhere	яна у-бу ерда	near	яқин, енида
behind	орқасида	within	доирасида, ички тараф
upstairs	юқори (қават)да	ashore	қирғоққа
downstairs	паст (-ки қават)да	around	атрофида
past	ўтган	southward	жанубга
along	бўйлаб	homeward	уйга
under	тагида	thence	бу ердан, у ердан, у пайтдан
hence	бу пайтдан бошлаб	whence	қаердан
thither	у ерга, у томонга	hither	бу ерга
whither	қаерга	back	орқага
out	ичидан	in	ичида, -дан кейин
backward	орқага, тескари		

◆ Ҳолат равишлари рўйхати

well	яхши	slowly	секин
fast, quickly	тез	quietly	тинч, хотиржам
easily	осон	inertly	бўшашиб,
thus	шундай қилиб	fluently	силлиқ, бийрон
together	бирга	hard	астойдил
willingly	бажонидил	so-so	шунчаки, ўртача
by heart	ёддан	by chance	тасодифан

Қуйидаги равишларнинг кўпчилиги сифат ва инглиз тилида равишнинг расмий белгиси бўлган **-ly** қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинади.

◆ **Миқдор-даража равишлари рўйхати**

much	кўп	hardly	зўрға
little	кам	scarcely	сал-пал, эндигина
very	жуда	quite	жуда
nearly	деярли	rather	анча, анчагина
too	жуда ҳам, ўта	almost	деярли, салкам
somewhat	қандайдир қисм	enough	етарли (даражада)
half	яримта, иккига, қисман	exactly	аниқ
partly	қисман	wholly	бутунлай, бутунлигича
firstly	биринчидан	exceedingly	жуда ҳам
secondly	иккинчидан	thidly	учинчидан
utterly	бутунлай, бениҳоя, жуда ҳам	pretty	анчагина
so	шундай		

1.6. Олмош (The Pronoun)

👉 Олмош – гада от, сифат ёки равишнинг ўрнига қўлланиладиган сўз туркуми.

◆ **Кишилик олмошлари ва уларнинг ҳосилалари**

<i>Бош келишикдаги кишилик олмошлари</i>							
ким?	I	You	He	She	It	We	They
	мен	сен/сиз	у	у	у жонсиз предм. учун	биз	улар
<i>Умумий келишикдаги кишилик олмошлари</i>							
кимни? кимга?	me	you	him	her	it	us	them
	мени, менга	сени, сенга/ сизни, сизга	уни, унга	уни, унга	уни, унга/ буни, бунга	бизни, бизга	уларни, уларга
<i>Қаратқич сифат-олмошлар</i>							
кимнинг?	my	your	his	her	its	our	their
	менинг, ўзимнинг	сенинг ўзингинг/ сизнинг, ўзингизнинг	унинг ўзининг	унинг, ўзининг	унинг, ўзининг	бизнинг, ўзимизнинг	уларнинг ўзларининг
<i>Қаратқич от-олмошлар</i>							
кимники?	mine	yours	his	hers	its	ours	theirs
	меники	сеники/ сизники	уники	уники	уники	бизники	уларники
<i>Узлик олмошлари</i>							
	myself	yourself, yourselves	himself	herself	itself	ourselves	themselves
	ўзим	ўзинг, ўзингиз	ўзи	ўзи	ўзи	ўзимиз	ўзлари

● Кишилик олмошларининг иккита келишиги бор. Бош келишикдаги кишилик олмошлари эга ва мураккаб кесимнинг от қисми сифатида қўлланилади:

He (эга) is sleeping now. – У ҳозир ухляяпти.

It is I. (кесим. от қисми) = It is me. – Бу мен(ман).

● Умумий келишикдаги кишилик олмошлари воситасиз, воситали (предлогсиз), предлоги тўлдирувчи ва (предлоги) ҳол вазифасида келиши мумкин:

Meet me (воситасиз тўлдирувчи). – Мени кутиб олинг.

Tell me (воситали тўлдирувчи). – Менга айтиб беринг.

He showed the picture to us (предлоги тўлдирувчи). – У расмни бизга кўрсатди.

As I know they went home after me (ҳол). – Билишимча, улар уйга мендан кейин кетишди.

● Қаратқич сифат-олмош отнинг аниқловчиси ҳисобланади. Бу олмош қўлланганда отдан олдин артикль қўйилмайди:

I know his address. – Мен унинг манзилни биламан.

● Қаратқич от-олмош гапда эга, тўлдирувчи ёки кесимнинг от қисми вазифасини бажаради:

His car is blue. Mine (эга) is red. – Унинг машинаси кўк. Меники қизил.

I have lost my pen. Please give me yours (тўлдирувчи). – Мен ручкамни йўқотиб қўйдим. Илтимос, менга ўзингникини бер.

This house is ours (кесим. от қисми). – Бу уй бизники.

● Ўзлик олмоши тўлдирувчи вазифасида қўлланилади.

I hurt myself. – Мен (ўзим) урилиб кетдим.

Mother bought herself a new watch. – Ойим ўзларига янги соат сотиб олдилар.

● **To dress, to wash, to bathe, to shave, to hide** феълларидан кейин, одатда, ўзлик олмошлари қўлланилмайди.

● **My, your, his, her, our, their** олмошларидан кейин доим от келади.

● **Mine, yours, his, hers, ours, theirs** олмошларидан кейин от қўлланилмайди, чунки бу олмошлар от ўрнига ишлатилади.

This is my book. – Бу менинг китобим.

This book is mine. – Бу китоб меники.

◆ **Кўрсаткич олмошлар**

this – бу; that – у, анави;

these – булар; those – у(лар), анави(лар).

This pen is mine. – Бу ручка меники.

That house is hers. – Анави уй уники.

I like these flowers. – Мен бу гулларни ёқтираман.

I don't like those pictures. – Менга анави суратлар ёқмайди.

● Кўрсаткич олмош маъносида **it** (бу) ҳам қўлланилади.

It is a computer. – Бу компьютер.

◆ Ноаниқ олмошлар

● **Some, any, no** (ва уларнинг ҳосилалари), **none, much, many, little, few, all, both, either, neither, each, every** (ва уларнинг ҳосилалари), **other, one** ноаниқ олмошлар гуруҳига киради.

1. **Some, any, no** олмошлари ва уларнинг ҳосилалари.

● **Some** (ва уларнинг ҳосилалари – **someone, somebody, something, somewhere**) дарак гапларда, **any** (ва унинг ҳосилалари – **anyone, anybody, anything, anywhere**) инкор, умумий сўроқ ва шарт гапларда қўлланилади.

● **Some** махсус сўроқ гапларда, қолаверса, бирон нарсанинг таклифи ёки қандайдир илтимос ифодаланган умумий сўроқ гапларда қўлланилади:

*Who can buy **some** milk to me? – Ким мен учун сут сотиб олади?*

*Can I have **some** tea? – Чой олсам бўладими?*

● **Any** дарак, буйруқ ва сўроқ гапларда саналмайдиган ва бирликдаги саналадиган отлардан олдин *хоҳлаган, устаган, ҳар қандай* маъноларида қўлланилади:

*He may come in **any** time. – У устаган пайтида келиши мумкин.*

● **Some** ва **any** – бир нечта, қандайдир маъноларида қўлланилади:

а) **some (any)** + кўпликдаги доналаб саналадиган от – бир нечта, баъзи деб таржима қилинади.

б) **some (any)** + бирликдаги саналадиган от – қандайдир деб таржима қилинади.

в) **some (any)** + саналмайдиган от – қанчадир, озгина, бир оз деб таржима қилинади.

г) **some of** – дан баъзилар деб таржима қилинади.

● **Some, any, no** олмошлари ҳосилалари

something – нимадир, у-бу нарса

somebody – кимдир

someone – кимдир

somewhere – қаердадир, қаергадир

anything – нимадир, хоҳлаган (устаган) нарса, хоҳлаган (устаган) жойга

anybody – кимдир, хоҳлаган (устаган) одам

anyone – кимдир, хоҳлаган (устаган) одам

anywhere – қаердадир, қаергадир, хоҳлаган жойда, устаган жойга

nothing – ҳеч нарса

nobody – ҳеч ким, ҳеч бир (одам)

no one – ҳеч ким, ҳеч бир (одам)

nowhere – ҳеч қаерда, ҳеч қаерга

everything – ҳамма нарса

everybody – ҳамма, барча

everyone – ҳамма, барча

everywhere – ҳамма ерда, ҳамма ерга

- **Some** ва **any** ҳам сифат-олмош, ҳам от-олмош тарзида қўлланилади:
*I want **some** (сифат – олмош) pepper.* – Мен озгина гаримдори хоҳлайман.
*Give me **some** (от – олмош) pepper, please.* – Менга озгина гармдори беринг.
- **Some** сўроқ гапларда қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:
 - а) агар биз тасдиқ жавоби берилишига ишонсак ёки тасдиқ жавобини олишни истасак:
*Can you get me **some** more pills?* – Yes, I can (тасдиқ жавоб).
*Have you brought me **any** lemons?* – No, I couldn't get **any** (инкор жавоб).
 - б) агар эга ёки унинг аниқловчисига тегишли бўлса:
*Who wants **some** milk?* – Ким сут хоҳлайди (ичади)?
*Whose child took **some** of these toys?* – Кимнинг боласи бу ўйинчоқлардан (баъзиларини) олди.
- **Some** саналмайдиган отлардан олдин қисм маъносида қўлланилиши мумкин:
***Some** of the sugar was packed in bags.* – Шакарнинг бир қисми қопларга жойланган эди.
- **Some** сон билан келганда, тахминан, -ча, атрофида маъноларида қўлланилади:
*They waited for you **some** fifteen minutes.* – Улар сизни тахминан ўн беш минут (15 минутча) кутишди.
- **No** олмоши қуйидагича қўлланилиши мумкин:
 - а) сифат-олмош:
*I have not a book = I have **no** book*
 (бирликдаги саналадиган отдан олдин)
*I didn't see any pencils in my bag = I saw **no** pencils in my bag.*
 (кўпликдаги саналадиган отдан олдин)
*He has not any time = He has **no** time*
 (саналмайдиган отдан олдин)
 - б) от билан ифодаланган эганинг аниқловчиси – ҳеч қандай, битта ҳам маъноларида:
***No** information has been received from him.* – Ундан ҳеч қандай хабар олинмади.
- От-олмош, **no** нинг ўрнига **none** қўлланилади:
*Is there a table in your flat? No, there is **none**.* – Квартирангизда стол борми? (Битта ҳам) йўқ.
- **Some, any, no** олмошлари ҳосилалари эга вазифасида келганда феълнинг бирлик шакли олинади:
***Nobody** is coming here.* – Бу ерга ҳеч ким келаётгани йўқ.
- **Any** отнинг ўриндоши бўлиши мумкин:
I need a match. – Менга гузурт керак. *Have you **any** (book)?* – Сенда (китоб) борми?
- **not any = no.**
- **No + От** – битта ҳам, ҳеч қандай, ҳе^Ўч бир, ҳеч қайси деб таржима қилинади:

No student used the textbook during the test. – Ҳеч бир талаба тест пайтида дарсликдан фойдаланмади.

● **None** нутқ жараёнида қатнашган отнинг ўрнига тўла инкорни ифодалаш учун қўлланилади:

Have you got any pens? – (Қандайдир) Ручканг борми?

No, I have none. – Битта ҳам (умуман) йўқ.

● **None** олмошидан кейин феъл-кесим ҳам бирликда, ҳам кўпликда қўлланилиши мумкин:

None of them is the person we want. – Уларнинг ҳеч бири бизга керакли одам эмас.

None of them are at the lecture. – Маърузада уларнинг биттаси ҳам йўқ.

● **Any better** ибораси сўроқ гапларда бир оз яхши, яхшироқ, инкор гапларда ҳеч ҳам, яхши маъноларида қўлланилади:

How are you feeling, Jim? Any better? – Ўзингни қайдай ҳис қилиясан, Жим? Яхшироқми?

I am not feeling any better. – Ўзимни ҳеч ҳам яхши ҳис қилмаяпман.

2. **Many, much** (кўп) олмошлари.

● **Many** кўпликдаги саналадиган отлардан олдин, **much** эса саналмайдиган отлардан олдин қўлланилади:

Have you many English books? – Инглизча китобларинг кўпми?

Much of the work has been done. – Ишнинг кўп қисми қилинган.

● **Many** ва **much** сўроқ ҳамда инкор гапларда қўлланилади. Дарак гапларда **many** ва **much** фақат қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

а) **very, too, how, so, as, rather** сўзлари билан:

There are very many books in our library. – Бизнинг кутубхонамизда **жуда кўп** китоб бор.

б) улар эганинг аниқловчиси бўлиб келганда:

Many people study foreign languages. – **Кўп(гина) одамлар хорижий тилларни ўрганишади.**

● Бошқа дарак гапларда:

а) **many** ўрнига **a lot, a lot of, lots, lots of, plenty, plenty of, a great many, a good many** қўлланилади.

б) **much** ўрнига **a lot, a lot of, lots, lots of, plenty, plenty of, a good(great) deal, a good(great) deal of** қўлланилади.

● Саналадиган отлар билан **кўп, бир нечта** маъноларида **a number of**, (саналмайдиган отлар билан **a great (large) amount**) қўлланилади:

A number of tourists get lost. – Бир нечта сайёҳ йўқолиб қолди.

They produce a great amount of milk. – Улар кўп сүт ишлаб чиқаришади.

● Лекин **the number of** ибораси гуруҳни англатади ва бирликдаги феъл билан қўлланилади:

The number of tourists has increased. – Сайёҳларнинг сони кўпайди.

- **Much** равиш вазифасида ҳам қўлланилади.

*He works **much**.* – У кўп ишлайди.

3. **Few** ва **little** олмошлари

- **Little** ва **few** олмошлари қуйидагича қўлланилади:

1) сифат-олмош;

2) от-олмош.

1) Сифат-олмош сифатида **little** ва **few** кам, озгина, бир нечта маъносида қўлланилади:

few саналадиган отлардан олдин, **little** саналмайдиган отлардан олдин қўлланилади.

few ва **little** асосан сўроқ ва инкор гапларда қўлланилади:

*Have you **little** time?* – (Сенда кам вақтми?) Вақтинг камми?

*I have not even **little** time.* – Менинг умуман (озгина бўлса ҳам) вақтим йўқ.

*Have you **few** books?* – (Сенда кам китобларми?) Сенда китоблар камми?

*I have not even **few** books.* – Менинг (бир нечта) китобим ҳам йўқ.

● Дарак гапларда **few**, **little** кўпинча **not many**, **not much** билан ўрин алмаштирилади ёки **very**, **too**, **how**, **so**, **as**, **rather** сўзларидан бири уларни аниқлаб келади:

*I have **not much** time (: I have **little** time).*

*I have **very little** time.*

2) От-олмош сифатида **few** камчилик, кам нарса, бир нечта нарса (одам) маъносида, **little** эса кам (оз) нарса, озгина маъноларида қўлланилади:

***Little** has been said about it.* – Бу ҳақида кам нарса айтилган.

● **Little** кичкина, камта эмас маъноларида сифат ва кам маъносида равиш тарзида ҳам қўлланилади:

*The **little** boy is in the room.* – Кичкина бола хонада.

*You sleep **too little**.* – Сиз жуда кам ухлайсиз.

● Инглиз тилида **a few** – кам, оз(гина), бир нечта ва **a little** – кам, оз(гина) сўзлари мавжудлигини ёдда тутмоқ зарур:

a few фақат кўпликдаги саналадиган отлар билан қўлланилади.

a little фақат саналмайдиган отлар билан қўлланилади.

*I have **few** friends.* – Менинг дўстларим кам.

*I have **a few** friends.* – Менинг бир нечта дўстим бор.

4. **All** олмоши

- **All** олмоши ҳам сифат-олмош, ҳам от-олмош сифатида қўлланилади.

1) сифат-олмош тарзида **all** кўпликдаги саналадиган отлар билан ҳамма, барча, саналмайдиган отлар билан *-нинг ҳаммаси*, *бутун* маъноларида қўлланилади. **The** артикли, қаратқич ва кўрсатқич олмошлар **all** дан кейин қўйилади:

***All** the students passed the examination.* – Барча талабалар имтиҳондан ўтдилар.

- Бирликдаги саналадиган отлар билан **all** нинг ўрнига **the whole** қўлланилади:
The whole house was destroyed by fire. – Бутун уй ёнаундан вайрон бўлган эди.
- **Morning, day, night** ва пайтни кўрсатувчи бошқа сўзлар билан ҳам **all**, ҳам **the whole** қўлланилади:
All (the) morning, the whole morning;
all (the) day, the whole day ва ҳоказо.
All plants require water. – Ҳамма ўсимликлар сувни талаб қилади. Ҳамма ўсимликларга сув керак.
- 2) от-олмош сифатида **all** ҳамма нарса (одам) маъноларида қўлланилади:
*All said the same thing. – Ҳамма бир хил (битта) нарсани гапирди (айтди).
I know all. – Мен ҳамма нарсани биламан.*
- **All** (ҳамма) кўпинча **we, you, they** олмошлари билан бирга келади: **we all** – биз ҳаммамиз, **you all** – сиз ҳаммангиз, **they all** – улар ҳаммалари:
We all know it. – Биз ҳаммамиз буни биламиз.
- Кесим мураккаб феъл шаклида ёки инфинитивли модал феъл бирикмаси орқали ифодаланганда **all** биринчи ёрдамчи ёки модал феълдан кейин қўйилади:
*They have all done this work. – Уларнинг ҳаммалари бу ишни қилиб бўлишди.
You can all have a rest. – Сиз ҳаммангиз дам олишингиз мумкин.
They have all been told about it. – Уларнинг ҳаммаларига бу ҳақида айтилган.*
- **To be** феъли содда шаклда келганда **all** ундан кейин қўйилади:
They are all glad to meet you here. – Уларнинг ҳаммалари сизни бу ерда кўрганларидан хурсанд.
- Кўпинча **all** ҳамма маъносида келганда, ўрнига **everybody** ёки **everyone**, ҳамма нарса маъносидаги **all** нинг ўрнига **everything** қўлланилади:
- **All** ҳамма маъносида эга вазифасида келганда феъл кўпликда, лекин **everybody** (ҳамма)дан кейин феъл бирликда қўлланилади:
*All have already been here. – Ҳамма аллақачон шу ерда эди.
Everybody has already been here. – Ҳамма аллақачон шу ерда эди.*
- Ҳамма нарса, ҳаммаси маъноларидаги **all** ва **everything** дан кейин феъл бирликда қўлланилади:
*All is well. – Ҳаммаси яхши.
Everything is well. – Ҳамма нарса яхши.*
- 5. **Both** олмоши
- **Both** кўпликдаги саналадиган отлар билан қўлланилади.
- **Both** олмоши қуйидагича қўлланилади:
 - 1) сифат-олмош
 - 2) от-олмош
- 1) Артикль, қаратқич ёки кўрсатқич олмошлари **both** дан кейин қўйилади:
Both the boys study at the University. – Иккала бола (ҳам) университетда ўқийди.

Both his friends are students. – Унинг иккала ўртоғи (ҳам) талаба.

Both those houses were built recently. – Анави иккала уй (ҳам) яқинда қурилган.

2) Кесим мураккаб феъл шаклида ифодаланганда **both** биринчи ёрдамчи ёки модал феълдан кейин қўйилади:

*We have **both** entered the University.* – Биз иккаламиз (ҳам) университетга кирдик.

*You may **both** come in.* – Иккалангиз (ҳам) киришингиз мумкин.

● **To be** феъли гапда етакчи феъл бўлиб келганда **both** ундан кейин қўлланилади:

*You are **both** well.* – Иккалангиз (ҳам) яхшисиз.

*They are **both** students.* – Уларнинг иккаласи (ҳам) талаба.

● **Both** гапда эга бўлиб келганда феъл кўпликда қўлланилади:

***Both** are mistaken.* – Иккаласи (ҳам) хато қилди.

● Инкор гапларда **both** нинг ўрнига **neither** қўлланилади:

***Neither** of us knew English.* – Биз иккаламиз (ҳам) инглизчани билмасдик.

● **Both** қуйидаги бирикмаларда қўлланилади:

we both, you both, they both, both of us, both of you, both of them.

6. Either олмоши

● **Either** олмоши икки киши ёки предметга тааллуқлидир. У у ёки бу, иккисидан бири (*бирмаси*) маъноларида қўлланилади. **Either** ҳам сифат-олмош, ҳам от-олмош сифатида қўлланилади.

1) Сифат-олмош сифатида **either** бирликдаги саналадиган отлардан олдин қўлланилади. У отнинг аниқловчиси вазифасида келади, бу ҳолда отдан олдин артикль қўйилмайди.

*He can do **either** work.* – У у ёки бу ишни қилиши мумкин.

2) **either** от-олмош бўлиб келганда ундан кейин кўпинча **of** предлоги қўйилади:

*Here are two books. Take **either** (of them).* – Мана иккита китоб. (Улардан) бирини олинг.

3) **either** иккала маъносида ҳам қўлланилади:

*There were pictures on **either** side of the wall.* – Деворнинг иккала томонида (ҳам) расм бор эди.

4) **either** гап эгасининг бир қисми бўлиб келганда феъл бирликда қўлланилади:

***Either** of books is interesting.* – У китоб ҳам, бу китоб ҳам қизиқарли (Иккала китоб ҳам қизиқарли).

5) **either** сўзларни такрорламаслик учун ҳам қўлланилади:

*He is a doctor. **Either** am I.* – У врач. Мен ҳам.

7. Neither олмоши

● **Neither** (на униси, на буниси / униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас) олмоши **either** олмошининг бўлишсиз шаклидир:

Neither of my brothers is at home. – Акаларимнинг униси ҳам, буниси ҳам уйда йўқ. Акаларимнинг на униси, на буниси уйда. Иккала акам ҳам уйда йўқ.

● **Neither** ҳам сўз такрорланмаслиги учун қўлланилади:

He is not a doctor. Neither am I. – У врач эмас. Мен ҳам.

● **Either** инкор гапларда равиш сифатида ҳам, шунингдек маъноларида қўлланилади:

I haven't seen her either. – Мен ҳам уни кўрмадим.

● **Either ... or** (ё..., ё / ёки..., ёки) ва **neither ... nor** (на..., на / ҳам..., ҳам (-)ма(-) боғловчи ҳисобланади.

I want to eat either meat or potatoes. – Мен ё гўшт, ё картошкани ейишни хоҳлайман.

Neither my sister nor I like this town. – Сизгилмга ҳам, менга ҳам бу шаҳар ёқмади.

8. Each олмоши

● **Each** – ҳар бир олмоши сони чегараланган шахс ёки предметларга нисбатан қўлланилади. **Each** ҳам сифат-олмош, ҳам от-олмош сифатида қўлланилади.

1) **each** бирликдаги саналадиган отлардан олдин сифат-олмош тарзида қўлланилади. У отнинг аниқловчиси вазифасида келади, отдан олдин артикль қўйилмайди.

Each pupil in our school has a book. – Мактабимиздаги ҳар бир ўқувчининг китоби бор.

2) **each** от-олмош сифатида қўлланилганда кўпинча ундан кейин **of** предлоғи қўйилади:

Each of us read this book – Ҳар биримиз бу китобни ўқиганмиз.

● **Each** олмоши other билан бирикканда **each other** – бир-бир(лар)и олмошини ҳосил қилади:

They love each other. – Улар бир-бирларини севишади.

9. Every олмоши

● **Every** – ҳар бир, ҳар қандай олмоши **each** дан фарқли равишда шахс ва предметларнинг чегараланмаган сони назарда тутилганда қўлланади. **Every** фақат бирликдаги саналадиган отлардан олдин қўлланилади. У отнинг аниқловчиси вазифасида келади, бу ҳолда отдан олдин артикль қўйилмайди.

I see you every day. – Мен сени ҳар кун кўраман.

● Ўзбек тилидаги ҳар биримиз (-ингиз, -лари) ибораси **every** олмоши эмас, **each** ёки **everyone** орқали таржима қилинади: **each of us (you, them), everyone of us (you, them).**

● **Everybody, everyone** ва **everything** гапта эга вазифасида келганда феъл бирликда қўлланилади:

Everything is ready. – Ҳаммаси тайёр.

● **Every** олмоши **where** билан бирикканда **everywhere** – ҳаммаерда равишини ҳосил қилади.

You can go everywhere. – Сиз ҳаммаерга боришингиз мумкин.

10. **Other, another, others** олмошлари

- **Other** – бошқа, бошқалар олмоши сифат-олмош ва от-олмош тарзида қўлланилади.

1) Сифат-олмош тарзида **other** отлардан олдин ҳам birlikда, ҳам кўпликда қўлланилади. **Other** отни аниқлаб келади. Одатда, сифатдан олдин қўйиладиган аниқ ёки ноаниқ артикл **other** дан олдин ҳам қўлланилади ёки артикль қўлланилиш қондасига мувофиқ тушириб қолдирилади. **An** ноаниқ артикли **other** билан қўшиб ёзилган ҳолда **another** олмошини ҳосил қилади: **an + other = another**.

- **Another** саналадиган отлар билан birlikда қўлланилади:

*Give me **another** example.* – Менга бошқа мисол беринг.

*Where are the **other** books, that I gave you?* – Мен сенга берган бошқа (бошқа) китоблар қани?

*She has **other** intentions.* – Унинг бошқа ниятлари бор.

2) **another, the other others** (кўпликда) от-сифат тарзида қўлланилади.

*I have asked you a question; now I shall ask you **another**.* – Мен сизга битта савол бердим, энди бошқасини берман.

*There is only one vase on the table. Where is the **other**?* – Столда фақат бир донна ваза бор. **Бошқаси** қани?

*I took this book because there were no **others**.* – **Бошқаси** бўлмагани учун мен бу китобни олдим.

11. **One** олмоши

- **One** олмоши от-олмош сифатида қўлланилади.

- **One** шахссиз гапларда эга вазифасини бажаради:

One can solve this problem. – Бу муаммони ҳал қилиш мумкин.

- **One** кимнинг? сўроғига жавоб бериб, қаратқич келишигида қўлланилиши мумкин:

*To prick up **one's** ears* – Қулоқни динг қилмоқ.

- **One** (кўпликда – **ones**) аввал қўлланилган саналадиган отнинг ўриндоши бўлиб келади.

*Give me your book. I have not **one*** – Менга китобингни бер. Ўзимники йўқ.

- **One** шунингдек шахссиз гапларда қўлланилиши мумкин:

***One** say...* – Айтишларича, ...

***One** says...* – Кимдир айтишича...

Бу ерда **one** кимдир маъносини англатади.

- Юқоридаги гапда **one** орқали одамлар, хусусан, сўзловчи ҳам назарда тугилади. **They say...** гапида **they** олмоши *атрофдаги одамлар, ҳукумат* маъноларини англатади.

- **One** олмоши **this, that, another, other, which** лардан кейин қўлланилиши мумкин, лекин **these** ва **those** дан кейин **ones** қўлланмайди.

- **Other** дан кейин келадиган кўпликдаги отни алмаштириш учун (**ones** эмас) **others** ишлатилади:

*He wants this pencil, but he doesn't want the **others**.* – У бу қаламни хоҳлаяпти, лекин бошқаларини хоҳламаяпти.

● **My, your,...** қаратқич олмошларидан кейин отни алмаштириш учун **one** олмоши қўлланилмайди, олмош ва от бирикмаси ўрнига **mine, yours,...** от-олмошлари ишлатилади.

● **One** олмоши **another** билан бирикканда **one another** – бир-бири ўзаро олмошини ҳосил қилади:

We often see one another. – Биз бир-биримиз билан тез-тез кўришиб турамыз.

◆ Олмошларнинг қўлланилиши

1. Инглиз тилида кишилик олмошлари ва уларнинг келишик шакллари (юқорида айтилганидек) қуйидагича қўлланилиши мумкин:

а) эга:

I see my friend. – Мен дўстимни кўриб тураман.

б) аниқловчи:

Give me my pencil. – Менга менинг китобимни беринг.

в) тўлдирувчи:

He sees me. – У мени кўриб туради.

г) предикатив (таркибли кесимнинг от қисми) :

It is I (me). – Бу менман.

2. **It** олмошининг қўлланилиши

● Инглиз тилида **it** у, бу маъноларини ифодалаб, тўрт вазифани бажаради:

а) кишилик олмоши сифатида (эга ёки тўлдирувчи вазифасини):

Where is your pen? – Ручканг қаерда?

It (эга) is in the bag. – У портфелда.

Your translation is good. – Таржиманг яхши.

I like it (тўлдирувчи). – У менга маъқул.

б) кўрсатқич олмош сифатида (эга вазифасини):

What is it? – Бу нима?

It (эга) is a computer. – Бу компьютер.

в) шахссиз олмош сифатида (эга вазифасини):

It is 7 o'clock. – Соат 7.

It is known that he is a scholar. – Маълумки, у олим.

г) кучайтирувчи олмош сифатида (гапнинг бирор бўлагини ажратиш учун хизмат қилади):

It was I who studied English at the University. – Университетда инглиз тилини ўқиган мен эдим.

It was English that I study at the University. – Университетда ўқиган фаним инглиз тили эди.

3. **All** олмошининг қўлланилиши

● **All** – ҳамма(*си*), барча(*си*), ҳамма нарса (одам) олмоши гапда эга, кесимнинг бир қисми, тўлдирувчи ва аниқловчи вазифаларида қўлланилади:

All is said. – Ҳаммаси айтилган.

He forgot all about it. – У бу ҳақидаги ҳамма нарсани унутди.

That is all that I know. – Мен билганим шунинг ҳаммаси.

All the students have passed their exams. – Барча талабалар имтиҳонларини топшириб бўлишди.

● **All** олмоши бирликдаги саналадиган отлар билан қўлланилмайди. Бундай ҳолларда **the whole, the whole of** сўз бирикмалари ишлатилади.

The whole country – Бутун мамлакат

The whole of England – Бутун Англия

1.7. Универсал сўз ўриндошлар: one (кўпликда – ones), do, so

● **One** отнинг ўриндоши сифатида қўлланилади:

I have not got a textbook. – Менинг дарслигим йўқ.

I must buy one (яъни: *I must buy a textbook*). – Мен (китоб) сотиб олишим керак.

● Танлаш имконияти бор вазиятда **one (ones)** кўрсаткич олмошдан кейин қўлланилиши ёки тушириб қолдирилиши мумкин:

I shall get this (one). – Мен бунисини оламан.

● Агар сифат бўлса, **one (ones)** олмошини тушириш иложсиз:

I shall get this big one. – Мен мана бу каттасини оламан.

● **Do** феълнинг ўриндоши бўлиб хизмат қилади:

He translates better than I do. – (He translates better than I translate).

● **So** гапнинг ўриндоши сифатида хизмат қилади:


Did Paul leave Washington? I think so. – (яъни: *I think he left Washington*).

● Маълум сўзлар ўриндош сўзлар каби вазифани контекст доирасида бажаради:

You look tired. I am a little (I am a little tired).

1.8. Артикль (the Article)

◆ Умумий маълумотлар

 Артиклар кўмакчи сўзлардир, улар мустақил маънога эмас, отнинг махсус аниқловчиси ҳисобланишади.

● Инглиз тилида иккита артикль мавжуд: ноаниқ – **a (an)** ва аниқ – **the**.

a pen – (ноаниқ) ручка

the pen – (аниқ) ручка

● Артикль аҳамияти ва унинг тилдаги ўрни инглиз грамматикасининг энг муаммоли масалаларидан.

● Артикль олмош билан алмаштирилиши мумкин: аниқ артикль **this, that** кўрсаткич олмошлари билан, ноаниқ артикль **some** олмоши билан.

● Артиклинг маълум вазиятларда қўлланилиши маъқуллиги билан боғлиқ қатор қоидалар мавжуд:

а) ноаниқ артикль қандайдир янги бир нарса ҳақида гап бораётганини билдиради:

*He is **an** engineer. – У муҳандис.*

б) аниқ артикль эса маълум предмет ҳақида гап кетаётганини билдиради:

*I bought **a** pen. I like **the** pen. – Мен ручка сотиб олдим. (ўша) Менга ручка маъқул.*

● Аниқ артикль ўз турида ёки берилган вазиятда бир нусхадаги, маълум предметни билдирувчи отдан олдин қўлланилади.

● Ноаниқ артикль предметнинг қандайдир предметлар гуруҳига хос эканини билдириш учун ишлатилади. **A (an)** артикли фақат бирликда саналадиган отлар билан қўлланилади.

● Бунда **a** ундош товуш билан бошланадиган сўзлардан олдин, **an** унли товушдан олдин қўйилади:

*a book, a desk, a pen, a university, a house,
an egg, an hour, an apple, an old man.*

◆ Артикларнинг гапда қўлланилиш ўрни

● Артикль ҳам бошқа аниқловчилар сингари отдан олдин қўйилади. Отдан олдин бошқа аниқловчилар бўлса, артикль улардан олдин қўйилади:

*I am reading **an** interesting book. – Мен жуда қизиқарли китоб ўқияпман.*

● Артиклар қўлланишининг қуйидаги хусусиятларини ёдда тутмоқ зарур:

1) **the** артикли **all** ва **both** олмошларидан кейин қўйилади:

***All the boys** like football. – Ҳамма ўғил болалар футболни яхши кўришади.*

2) **a (an)** артикли қуйидагилардан кейин қўйилади:

а) **such, quite, rather** лардан кейин:

*It was **such an** interesting performance. – Бу шунақанги қизиқарли спектакль эдики.*

A артикли **rather** дан олдин қўлланиши мумкин:

*It is **a** rather complicated task. – Бу анча мураккаб вазифа.*

б) ўзидан олдин **so** ёки **too** келган сифатлардан кейин:

*It is **so** simple **a** problem. – Бу шунақанги оддий муаммоки.*

*It is **too** urgent **a** matter. – Бу жуда ҳам зарур иш.*

◆ Артиклинг қўлланиши

● 1. **The** қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1) **one of, some of, many of, each of, most of** сўзларидан ва **all, both** сўзларидан кейин:

*Show me **one of the** pens. – Менга ручкалардан бирини кўрсатинг.*

***Many of the** girls received tickets. – Қизларнинг кўпи чипта олишди.*

2) кишиларнинг ижтимоий табақасини билдирувчи отлардан олдин:

the workers – ишчилар

the rich – бойлар

3) бутун оилани билдирувчи атоқли отдан олдин:

The Browns returned from London. – Браунлар Лондондан қайтишди.

4) баъзи географик номлар, яъни каналлар, дарёлар, денгизлар, океанлар, ороллар, тоғлар, таркибли мамлакат, вилоятлар билан:

The United States – АҚШ

The Black Sea – Қора денгиз

The Atlantic Ocean – Атлантика океани

The Urals – Урал

The Titanic – Титаник

5) дунёнинг тўрт томони, қурраи замин, ой, қуёш, осмон номларидан олдин:

The South – жануб

The earth – ер

The sky – осмон

6) тартиб сонларидан олдин:

the first world war – биринчи жаҳон уруши

the fifth book – бешинчи китоб

7) маълум миқдордаги, аниқ жойдаги нарсани билдирувчи отлардан олдин:

Will you pass me the salt, please. – Тузни узатиб юборасизми, илтимос.

The milk is hot. – Сут иссиқ экан (аниқ, маълум миқдордаги сут).

8) -лардан бири маъносини ифодаламаганда ҳол вазифасида келган отдан олдин:

There are seven chairs in the room. – Хонада етти та стул бор.

9) шахснинг таниқли эканини таъкидлаш учун:

She was the Mother Thereza! – У (ахир) Тереза Она эди.

10) сифат-аниқловчиси орттирма даражада ифодаланган сифат-от сўз бирикмасидан олдин; **same, following** ва тартиб сонлардан, тартиб бўйича навбатдагиси маъносида келган **next** ва охириги маъносидаги **last** сўзларидан олдин:

John is the tallest boy in the family. – Жон оилада энг баланд бола.

Read the following grammar rules. – Қуйидаги грамматикага оид қоидаларни ўқи.

You said the same thing twice. – Сен бир нарсани икки марта айтдинг.

July is the 7th month of the year. – Июль йилнинг еттинчи оyi.

The following is noteworthy. – Қуйидаги эътиборга лойиқдир (Қуйидагига эътибор қилса арзийди).

I want to see the last of it. – Мен бунинг охирини кўрмоқчиман.

You are the next man. – Сиз навбатдагисиз.

11) сифатдан ясалган отлардан олдин ва халқ маъносидаги **people** сўзидан олдин:

the blind – кўрлар

the Russians – руслар

the people of China – Хитой халқи

12) предметнинг бир бутун турини англатган бирликдаги отлардан олдин:

The dog is a friend of man. – Кучук – одамнинг дўсти.

13) аниқловчиси чегарали атоқли отлардан олдин:

She was again the Mary I used to meet years ago. – Мен бир неча йил аввал учратганим яна ўша Мэри эди.

● 2. **A (an)** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) бир маъносида пайтни англатувчи саналадиган отлардан олдин:

A year ago I was in America. – Бир йил бурун мен Америкада бўлган эдим.

2) ундов гапларда **what** дан кейин бирликдаги саналадиган отдан олдин:

What a lovely surprise! – Мунча яхши соваа (бўлмаса)!

3) **such, quite, most, rather** (жуда маъносида) сўзлари аниқловчи бўлганда бирликдаги саналадиган отлардан олдин:

such a difficult word – шунақанги қийин сўз

quite an old man – анча кекса одам

a most interesting book – жуда қизиқарли китоб

4) **a little** ва **a few** бирикмаларида:

If I had had a little time yesterday, I would have gone to see you. – Кеча агар озгина вақтим бўлганда эди, мен сени кўргани борардим.

5) аниқловчиси бошқа, яна битта маъноли тартиб сон бўлган отдан олдин:

He ate an egg, then a second, then a third. – У битта тухумни еди, кейин иккинчисини, кейин учинчисини.

6) тасвирий аниқловчиси бор мавҳум отдан олдин:

It is an interesting idea. – Бу – қизиқ фикр.

7) гапда шахсинг таниқлилигига урғу берилмаса, уни шарҳловчи отдан олдин:

Mr. Brown, a teacher of our school, went to the cinema yesterday. – Жаноб Браун, мактабимизнинг ўқитувчиси, кеча кинога борди.

8) тезликни, такрорланишни ва нархни англатувчи ибораларда:

50 km an hour – соатига 50 км

3 times a day – кунига уч маҳал (марта)

2 dollars a piece – донаси икки доллар

9) **there is** оборотидан кейин саналадиган отлардан олдин:

There is a book on the table. – Столда китоб бор.

● 3. Қуйидаги ҳолларда артикль қўлланилмайди:

1) умумий маънода келган саналмайдиган отлардан олдин:

People all over the world want peace. – Бутун дунё бўйлаб одамлар тинчлик исташади.

2) одамларнинг исми, жонивор, шаҳар, кўча, майдон, вокзал, кўл, алоҳида орол ва тоғ, қуруқлик, сайёра, мамлакат, штат номларидан олдин:

Washington, Lake Erie, Mars, France, Germany, California.

3) илм ва ўқув фанлари, мавҳум отлар, спорт турлари ва байрам номларидан олдин:

Mathematics, Literature, basketball, Christmas.

4) чегараловчи аниқловчи бўлмаганда *advice, information, money, hair, fruit* каби отлардан олдин:

This is important information. – Бу муҳим хабар.

5) **kind, type, sort, style** сўзларидан кейин келган отлардан олдин:

What kind of tea would you like? – Чойнинг қайси навини хоҳлардингиз?

6) аниқ миқдори кўрсатилмаганда, моддаларнинг номи ва мавҳум отлардан олдин:

Milk is white. – Сут оқ бўлади (модда сифатида сут шундай рангга эга).

7) аниқловчиси келаси маъносидаги **next** ва (агар от пайтни билдирса) ўтган маъносидаги **last** бўлган отдан олдин:

I am going to America next year. – Мен келаси йили Америкага кетяпман.

8) санок сонлардан олдин:

World war I. – Биринчи жаҳон уруши.

9) фақат бир шахсга тегишли лавозимни билдирувчи предикативдан олдин, **to be** ва бир неча бошқа феъллардан кейин:

Who is manager of the office? – Муассаса бошқарувчиси ким?

10) ундалма отдан олдин:

What are you doing here young man? – Бу ерда нима қиляпсиз, йигитча?

11) сарлавҳа, эълон ва телеграммадаги отлардан олдин:

Polish Delegation Arrives in Moscow. – Польша делегацияси Москвага келяпти.

12) **Mother, Father, Uncle, Aunt** ва бир оиланинг бошқа аъзоларини назарда тутган отлардан олдин:

Mother is going to speak to you. – Ойим сен билан гаплашмоқчилар.

Uncle has already come. – Амаким келиб бўлдилар.

13) атоқли отлардан аввал келиб, (илмий, ҳарбий) даража, унвонни англатувчи ёки мурожаатни ифодаловчи отлардан олдин:

Mrs. Smith wants to speak to Captain Brown. – Смит хоним капитан Браун билан гаплашмоқчилар.

14) кўрсатиш ёки кишилик олмоши бўлган отлардан олдин:

Where is my coat? – Менинг пальтом қани?

I have read this book. – Мен бу китобни ўқиб чиқдим.

15) қатор сўз бирикмалари ва ибораларда:

at / before / after breakfast, dinner,...

before / after / classes, work

according to plan / schedule

behind / ahead of plan / schedule

by train / bus / plane...

(буроқ: *by the 1.15 bus*)

to travel first / tourist class

to be in (out of) order

to be in (out of) fashion, to come into fashion

to be on holiday/leave, to return from holiday/to leave to go to

◆ **Артикли ва артиклиз иборалар рўйхати**

Баъзи муқим ибораларда артиклинг ўрни

● **Ноаниқ артикль қатор сўз бирикмалари ва ибораларда қўлланилади:**

a lot, a great deal of, a good deal of, a great number of, a good many	кўп
a few	бир нечта, бир қанча
it is a pity	афсус
as a result of	-нинг натижасида
at a time when	ўша пайтда (қачонки)
at a time	бир вақтда
to have a good time	вақтни яхши ўтказмоқ
for a short (long) time	қисқа (узоқ) вақт ичида, қисқа (узоқ) вақтга
to go for a walk	сайрга чиқмоқ
in a loud (low) voice	баланд (паст) овозда
to be in a position	ҳолатда бўлмоқ
to have a headache	бош оғриқ
to be at a loss	қийин аҳволга тушмоқ
all of a sudden	тўсатдан
a little	озгина, кам
at a speed of	тезликда
as a matter of fact	гап шундаки, аслида
to be in a hurry	шошилмоқ
to take a seat	ўтирмоқ, ўринга эга бўлмоқ
to have a mind	ният қилмоқ, режа қилмоқ
to have a cold	шамолламоқ
to have a look	бир қараб қўймоқ, назар ташламоқ
on a large (small) scale	катта (кичик) масштабда
for a long period (time)	узоқ вақт

● **Аниқ артикль қатор сўз бирикмалари ва ибораларда қўлланилади:**

in the morning	эрталаб
in the evening	кечкурун
in the afternoon	кундузи, пешиндан кейин
to run the risk	таваккал қилмоқ
to play the piano, the violin	пианино, скрипка чалмоқ
to tell the time	вақт нечалигини айтмоқ
to tell the truth	ростини айтмоқ
in the country	шаҳардан ташқарида, қишлоқда
on the whole	умуман
the other day	бошқа кун
to go to the theatre (the cinema, the pictures)	театр (кино, расм кўргазмаси)га бормоқ
on the right (left)	ўнгда (чапда)
on the one (other) hand	бир (иккинчи) томондан, бошқа томондан
the day after tomorrow	индинга
what is the time?	соат неча бўлди?
to pass the time	вақтни ўтказмоқ

● Қатор сўз бирикмалари ва ибораларда артикль қўлланилмайди:

at night	тунда
by day	кундузи, кун давомида
to be in town	шаҳарда бўлмоқ (у ер, бу ерга кетмаган маъносида)
to go to town	шаҳарга бормоқ (яъни яқин атрофдаги шаҳарга бормоқ)
to go to bed	ухлашга ётмоқ
in time	вақтида
in debt	қарздор
in demand	талабда бўлмоқ
on demand	талабга кўра
in sight	кўз олдида
in fact	ҳақиқатан
in conclusion	хулосада
on board ship	кеманинг бортида
at dinner (breakfast, supper)	тушликда (нонуштада, кечки овқатда)
on credit	кредитга
on sale	сотувда
day after day	кунма-кун, кундан-кун
day and night	туну кун
on deck	палубада
by means of	орқали
at school	мактабда
to go to school	мактабга бормоқ
by tram (train, boat, bus)	трамвайда (поезд, қайиқ, автобусда)
at work	ишда
at sunset	намозшомда
at first sight	биринчи кўришда
at peace	тинчликда
at war	уруш ҳолатида
at home	уйда
by air	ҳаво орқали, самолётда
by sea	денгизда, денгиз орқали
by land	қуруқлик орқали
by post (airmail)	почта (ҳаво почтаси) орқали
by heart	ёддан
by chance	тасодифан
by mistake	адашиб, хато қилиб
by name	исми билан
by order of	-нинг буйруғига биноан
at table	стол атрофида (яъни тушлик, нонушта қилаётганда)

◆ from ... to предлогли ибораларда:

from morning to (till) night	эрталабдан-кечгача
from day to day	кундан-кунга
from shop to shop	дўконма-дўкон
from time to time	вақти-вақти билан, бир-бир
from head to foot	бошдан-оёқ

1.9. Предлог (the Preposition)

◆ Умумий маълумотлар

☞ **Предлог** отнинг гапдаги бошқа сўзларга нисбатан (ўрин, пайт, сабаб) муносабатини ифодаловчи ёрдамчи сўздир.

● Предлоглар инглиз тилида ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки у отнинг (ёки олмошнинг) гапнинг бошқа бўлакларига нисбатан муносабатини ифодаловчи воситадир.

● **Of, to, by, with** предлоглари ўзбек тилида келишик қўшимчалари ва боғловчилар воситасида ифодаланадиган грамматик вазифаларни ҳам бажаради.

1) **of** предлогининг от (ёки олмош) билан бирикуви ўзбек тилидаги *қаратқич келишигига* мос келади:

*The garden **of** the house is large. – Уйнинг боғи катта.*

2) **to** предлогининг от (ёки олмош) билан бирикуви ўзбек тилидаги *жўналиш келишигига* мос келади:

*I gave the book **to** my friend. – Мен китобни ўртоғимга бердим.*

3) **by** предлогининг от (ёки олмош) билан бирикуви ўзбек тилига *томонидан, орқали* тарзида таржима қилинади ва қисман чиқиш келишигига мос келади:

*This book is written **by** Tolstoi. – Бу китоб Толстой **томонидан** ёзилган.*

4) **with** предлогининг от (ёки олмош) билан бирикуви ўзбек тилига *билан* боғловчиси каби таржима қилинади:

*He cut the paper **with** a knife. – У қогозни пичоқ **билан** кесди.*

5) **from** предлогининг от ёки олмош билан бирикуви ўзбек тилидаги чиқиш келишигига тўғри келади.

*I took the book **from** my friend. – Мен китобни дўстимдан олдим.*

6) **in, at, on** предлогларининг от ёки олмош билан бирикуви ўзбек тилидаги *ўрин-пайт* келишигига мос келади.

*The book is **on** the table. – Китоб столнинг устида.*

*I will come **at** 7 o'clock. – Мен соат еттида келаман.*

*The pen is **in** my pocket. – Ручка менинг чўнтагимда.*

7) **about** предлогининг от ёки олмош билан бирикуви рус тилидаги «предложный» падежга мос келади.

*I like to read books **about** history. – Мен тарих ҳақидаги китобларни ўқишни ёқтираман.*

● Предлог, одатда, ўзи бевосита тегишли бўлган сўздан олдин туради:

*She is going **to** school. – У мактабга кетяпти.*

● Предлог сўздан аниқловчи билан ажратилиши мумкин, яъни отнинг олдида аниқловчиси бўлса, предлог аниқловчининг олдида ўтади:

*The pen is **on the black** table. – Ручка қора столда.*

● Предлог сўздан алоҳида, гапнинг охирида (феълдан кейин, агар тўлдирувчи бўлса, ундан кейин) туриши мумкин:

*Where are you **from**? – Сиз қаердансиз? (Қаерликсиз?)*

Do you know where he got this book from? – У бу китобни қаердан олганини биласизми?
The house which he lives in is not big. – У яшаётган уй катта эмас.

● Лексик маъносига кўра предлоглар 4 та асосий гуруҳга бўлинади, улар пайт, ўрин, ҳаракат йўналиши ва тегишлиликни англатади.

◆ Пайт предлоглари

in	in the morning (afternoon, evening)	эрталаб (кундузи/ пешиндан кейин, кечқурун)
	in the past/future	ўтмишда/келажақда
	in the beginning / end	бошида / ва ниҳоят
	in January	январда
	in 1997	1997 йилда
	in summer	ёзда
at	at nine o'clock	соат 9 да
	at night	тунда
	at present/the moment	ҳозир / айна пайтда
	at the end	охирида
on	on Sunday	якшанбада
	on January 28	28 январда
by	by 5 o'clock	соат 5 га
during	during the game	ўйин пайтида
for	for three days	уч кунда давомида
from ... till (until)...	from 5 till 7	соат 5 дан 7 гача
from... to...	from 5 to 7	соат 5 дан 7 гача
after	after school	мактабдан кейин
before	before school	мактабдан олдин, мактабгача
in	in a day	бир кундан кейин
since	since yesterday	кечадан бери
about	about ten o'clock	соат 10 ларда, соат 10 атрофида
through	through the night	туни билан
throughout	throughout the century	аср давомида

◆ Ўрин предлоглари

at	(стол) атрофида, ёнида
outside	ташқарида
among	орасида
behind	орқасида
near	ёнида, яқинида
from...to...	(Атланта)дан (Нью-Йорк)гача
above	тепасида, тепасидан
around	атрофида, ён-берида
in the middle of	нинг ўртасида
in	(стол) ичида
between	иккитанинг, кўпчилиكنинг ўртасида

in front of	нинг олдида
under	тагида
on (upon)	(стол) устида
inside	ичида
beside	ёнида, ёнма-ён, олдида
over	устидан
within	-нинг доирасида, ички томонида
by	(стол) atroфида, ёнида, яқинида
below	пастида
beneath	пастида, тагида
without	ташқарида, ташқари томон
beyond	ортида, (дарё)нинг у томонида
about	atroфида, яқин ўртада
in the corner	бурчакда

◆ **Ҳаракат йўналиши предлоглари**

up	тепага, юқорига	across	кесиб (ўтиш)
along	бўйлаб (юриш)	to	-га, (мактаб)га
from	-дан	away from	-дан нарида/га
into	ичига	out of	ташқарига, ичидан
off	-(стол)дан	by	ёнгинадан (ўтиш)
down	пастга	onto	ташқарига
through	-(кўча)дан, орқали	past	ёнгинадан (ўтиш)
towards	томонга	back	орқага
about	тесқари йўналишда		

◆ **Тегишлилик предлоги of**

● **of** қуйидагиларни ифодалаш учун қўлланилади:

1) тегишлиликни:

the wall of the garden – боғнинг девори

2) бутуннинг қисмини:

two pieces of chalk – бўрнинг икки бўлаги / икки бўлак бўр

to the south of Italy – Италиянинг жанубига

3) сабабни:

to be glad of something – нимадандир хурсанд бўлмоқ

4) предмет нимадан қилинганини:

made of cotton – пахтадан қилинган

a house of stone – тош уй (тошдан қурилган уй)

◆ **Предлог қатнашган ибора ва қўшма сўзлар**

● **About**

about face	бурилиш, айланиш
about to	(ҳаракатга) тайёрлик
about turn	қайрилмоқ, айланмоқ (180 градусга)
come about	юз бермоқ
up and about	соғаймоқ
about board	очиқчасига
to be about (кетидан инфинитив келади)	-га чоғланмоқ
to bring about	рўёбга чиқармоқ
about right	зўр

● Above

above all	даставвал
the above	юқорида қайд қилинган
it's above me	мен буни тушунишга ожизман
above measure	меъёрдан ортиқча
above ground	ер устки, тириклар сафида

● After

after care	(беъмор) парвариши
after effect	оқибат
after event	воқеа ўтгандан кейинги (хулоса)
afterimage	қолдиқ таассурот
afternoon	пешиндан кейин
afterthought	кечиккан фикр
afterwards	кейин, сўнг
day after day (week after week ва ҳ.оқ.)	кундан-кунга (ҳафтадан-ҳафтага ва ҳ.к.)
the day after tomorrow	индинга
long after	узоқ вақтдан кейин
not long after	бир оздан сўнг
to name after somebody	кимнингдир шарафига номламоқ
after all	хуллас, натижада, охири
Who is he after?	Унга ким керак?
What is he after?	Унга нима керак?

● Against

against documents	ҳужжатларга (асосида) қарши
lean against the wall	деворга суянмоқ
knock against a stone	тошга қоқилмоқ
against a rainy day	ёмон (қора) кунга
Who is against?	Ким қарши?

● Along

Come along!	Кетдик (бирга)!
Along with	бирга
all along	ҳамма вақт
right along	доимо
(all) along of	(сени) деб

● At

at home/school/work	уйда / мактабда / ишда
at least	ақалли, ҳеч бўлмаганда, камида
at once	ўша заҳоти
at times	вақти-вақти билан
at first	бошида, бошланишида
at a depth	чуқурликда
at hand	қўл остида
at the age of	(фалон) ёшда
at breakfast	нонуштада
at war (peace)	уруш пайтида (тинчлик пайтида)
at that	шу билан бирга
at high speed	катта тезликда
at all	умуман
at any rate	ҳар қандай ҳолда
at best	энг яхши ҳолда, кўпи билан
at ease	эркин (ҳолат)
at last	ҳартугул, ниҳоят
at rest	ҳаракатсиз, ором
at worst	энг ёмон ҳолда
at the beginning	бошида, бошланишида
at all costs	ҳар қанақасига, ҳар қандай йўл билан
at somebody's disposal	кимнингдир тасарруфида
at the end	охирда
at the expense (of)	-нингдир ҳисобига
at the head (of)	-нинг бошида (тепасида)
at (the) latest	энг кечи (билан)
at a low (high) price	паст (баланд) нархда
at (the) most	кўпи билан
at one's option	кимнингдир фикри (хоҳиши)га қараб
at the rate (of)	ўлчовда
at the request (of)	илтимосга кўра
at a salary (of)	ойликка, ойлик билан
at somebody's service	кимнингдир хизматида
at first sight	биринчи кўришда
at a speed (of)	тезлик билан
at a time	бир вақтда, бир мартада
at this (that, the same) time	бу (у, худди ўша) пайтда
at the top of one's voice	овози борича
at dawn	тонгда
at a loss	қийин аҳволда
at sea	денгизда
at the top	чўққисида
at the bottom	тубида
at will	хоҳишга қараб
arrive at the (airport)	(кичик жойга, масалан: аэропорт) га келмоқ

● Away

away	йўғида
do away	билан тугатмоқ
right away	ўша заҳоти
Away with you!	Йўқол!
Away with it!	Буни йўқотинг!
far and away	қиёси йўқ даражада, шубҳасиз
out and away	қиёси йўқ, ўта (кўп)

● Back

back and forth	у ерга, бу ерга
back bite	туҳмат
back biter	ғийбатчи
back away	чекинмоқ
back down	чекинмоқ
back out of	бош тортмоқ ёки чекинмоқ
back up	қувватламоқ, орқага юрмоқ
background	фон, орқанда (нима бор)
pay back	қайтариб тўламоқ
love back	(ҳаракатига) яраша жавоб бермоқ
backing	қўллаш, қувватлаш

● Before

the day before yesterday	ўтган куни
the day before	арафасида (-дан олдинги кун)
before long	яқин орада
long before	бундан анча олдин (илгари)
before now	шу пайтгача
beforehand	олдиндан

● Behind

to be behind time	кечга қолмоқ
to be behind times	ҳаётдан орқада қолмоқ
behind one's back	кимнингдир орқасида (бекитиқча)
to be behind somebody	кимдандир орқада қолмоқ
to fall behind	орқада қолмоқ
to leave something behind	орқада ниманидир қолдирмоқ
behind the times	эскирган

● By

by	томонидан (мажхул нисбатли гапларда)
by bus / train / plane / ship / car / bike	автобусда / поездда / самолётда / кемада / машинада / велосипедда
by then	бунгача

by way of (London)	(Лондон) орқали
by the way	айтганча (айтгандай), шулар билан бирга, йўл-йўлакай,
by far	анча
by accident/mistake	тасодифан / адашиб
by chance	тасодифан
by degrees	аста-секин, қадамма-қадам
by the law	қонунга биноан
by agreement	келишувга (битимга) асосан
by and large	умуман, бутунлай
by and by	яқин орада, тезда
by line	имзо, муаллиф исми
by means of	орқали (ёрдамида)
by election	қўшимча сайлов
by – product	қўшимча маҳсулот
by – road	айланма йўл
bystander	гувоҳ, томошабин
byword	хикматли сўз, матал
by day (night)	кундузи, кечаси
by the day (the week)	кунбай (ҳафтабай)
by heart	ёддан
by (electric) light	(электр) чироқ (ёқиб), ёруғида
by all means	нима бўлганда ҳам
by no means	зинҳор
6 metres by 8 metres	6 м га 8 м
by retail (wholesale)	доналаб (кўтарасига)
step by step	қадамма-қадам
by the weight (the litre, the kilogram)	оғирлигига қараб (оғирлиги бўйича) (литр, кг ўлчовларида)
by air (land, sea, water)	ҳаво (қуруқлик, денгиз, сув) орқали
day by day	кундан-кунга
by name	исми (оти) билан, исмли
by profession	касби бўйича
by surprise	кутилмаганда, қўққисдан, ғафлатда
one by one	биттама-битта, бирма-бирма, битталаб

● Beyond

beyond belief	ақл бовар қилмайдиган
beyond doubt	шубҳасиз
beyond hope	чорасиз, (умидга ўрин йўқ)
beyond one's expectations	кимнингдир кутганидан зиёда
beyond one's strength (power)	кимнингдир имкониятидан ташқарида
beyond one's understanding	кимнингдир тушуниш доирасидан юқорида
it is beyond me	мен буни тушунишга ожизман
beyond one's power	кимнингдир кучи, имконияти етмаслиги

● Down

down	пасайиш, омадсизлик; пастга, шашти паст
down and out	хонавайрон бўлиш
down in the mouth	сугга тушгандай
to be down on	ғамгин, тушкин бўлмоқ
downfall	сел, қор ёғиши, қулаш
downhearted	кўнгли чўккан
downstairs	пастга (зина бўйлаб)
up and down	юқорига, пастга
down to	-гача
upside down	астар пахтаси
to be down	пасаймоқ, кучсизланмоқ
to bring down the price	нархини туширмоқ
down with!	йўқолсин! (даф бўлсин!)

● For

for ever, for good	ҳамиша (ҳар доим)
for the time being	айни пайтда
for years	йиллар давомида
for a time	маълум вақт мобайнида, маълум вақтга
for the first (last) time	биринчи (охирги) марта (сафар)
wait for	-ни кутмоқ
oh, for ...!	вой, агарда ...ганда эди!
as for me	менга қолса
for all that	бунга қарамасдан
for all...	-ча(масалан: билишимча)
for joy	хурсадчиликдан, қувончдан

● From

from (the) beginning to (the) end	бошидан-охир
from day to day	кундан-кунга
from bad to worse	ёмондан ёмонроққа
from side to side	у томондан бу томонга
from his (my) point of view	унинг (менинг) нуқтаи назари(м)да
from cold	совуқдан
from memory	хотирадан, хотира бўйича
from morning till night	эрталабдан кечгача
from time to time	вақти-вақти билан
from under	тагидан
from away	узоқдан
from over	деб
from a child	болалиқдан

● In

in the army / air force/navy	армияда / ҳаво кучларида / ҳарбий денгиз флотида
in the (15th) row	(15-) қаторда
in the meantime	шу билан бирга
in the way	йўлда
in time	кеч эмас, анча вақтли, вақтида
in no time at all	жуда қисқа вақтга
(get) in touch/contact with	билан боғланмоқ
in the middle	ўртасида
believe in	-га ишонмоқ
lecture in anatol...	анатомия бўйича маъруза
in on something	бирор нарсада иштирок этмоқ
in for something	қатнашишга розилик бермоқ
ins and outs	кириш-чиқишлар
in any case	нима бўлганда ҳам
in absentia	йўқлигида, сиртдан
in addition	-га қўшимча
In camera	ёпиқ эшикларда
in case	агар ...са
in detail	батафсил, икир-чикиригача
in existence	мавжуд бўлган
in extremes	жуда бўлмаганда, энг ёмон ҳолда
in him	унда
in law	эр ёки хотин томонидан қариндош
in light	ёруғда
in need	муҳтож
in one word	бир сўз билан айтганда
be in doubt	иккиланмоқ (ишонмаслик маъносида)
be in love (with)	севиб қолган
in short	қисқасини айтганда
in vain	бекорга
inthemorning / afternoon / evening	эрталаб / кундузи / кечкурун

Лекин

On a fine morning	ажойиб тонгда
On the morning of the 1st of January	биринчи январь тонгида

in the affirmative (the negative)	дарақда (инкорда)
in bulk	улгуржи, катта миқдорда, кўтарасига
in the circumstances	бу вазиятда, бу ҳолатда
in order (disorder)	тартибда (бетартиб)
in part	қисман
in conclusion	хулосада
in the country	шаҳардан ташқарида, қишлоқда
in the direction (of)	йўналишда
in demand	талабда бўлиш

in due course	ўз вақтида
in the east (west, south, north)	шарқда (ғарбда, жанубда, шимолда)
in full	тўлалигича, бутунлигича
in full swing	авжида
in general	умуман олганда
in somebody's interest(s)	кимнингдир манфаатини кўзлаб
in somebody's place	кимнингдир ўрнига
in the long run	хуллас, охир-оқибатда
in a loud (calm, low) voice	баланд (хотиржам, паст) овозда
in the market	бозорда
in the open air	очиқ ҳавода
in the rain	ёмғирда
in one's opinion	кимнингдир фикрича
in (at) one's option	кимнингдир фикри (хоҳиши)га қараб
in pencil (ink)	қаламда (сиёҳда)
in question	шубҳа уйғотадиган, охиригача тушунарсиз, чала
in return	ўрнига
in sight	кўз ўнгида
in so far as	...ган ...учун
in stock	омборда
in store	захирада
in the street	кўчада
in the sun	қуёшда
in the bed	(ухлайдиган) ўринда
in Russian (English, French) The letter was written in English.	русча(да), инглизча(да), французча(да) хат инглизча (инглиз тилида) ёзилган эди.

Лекин

He speaks English.	У инглизча (инглиз тилида) гапирди.
--------------------	-------------------------------------

in the cold	совуқда
in cold blood	совуққонлик билан
in fact	аслида
in red (blue, white)	қизилда (хаво рангда, оқда)
in secret	бекитиқча, яширинча
in a way	маълум маънода
in this way	шундай қилиб
in reply (answer) to	-га жавобан
arrive in (Moscow)	(катта ҳудудга, масалан, Москвага) келмоқ
blind in	кўр (нимагадир)
in length	узунлигига
in the sky	осмонда

● Of

plenty of, a great (good) deal of, a lot of	кўп
a number of	қатор (бир нечта)
unheard of	қулоқ эшитмаган
the south (north, east, west) of	-нинг жануби (шимоли, шарқи, ғарби)
of course	албатта
because of	-ни деб (бир нарса, бир кимса) деб
of late	охирги пайтда
it is nice of you	жуда яхши қилибсиз, илтифотингиз учун ташаккур
it is clever (kind, stupid) of him	у ақлли (яхши, аҳмоқона) иш қилибди
the newspaper (letter) of the first of May	биринчи май(нинг) газетаси (хат)
the man of his word	гапида турадиган одам
the town of Khiva	Хива шаҳри

● Off

off and on	вақти-вақти билан
off chance	арзимас имконият
off day	омадсиз кун
off hour(s)	(дарсдан, ишдан ташқари) вақт
an off day (day off)	дам олиш куни
off the record	эълон учун эмас
off with you	йўқол (ўзинг билан даф бўл)
a bit off	озгина камчилиги бор
right off	ҳозироқ
the off season	ўлик мавсум (иш тўла тўхтаган давр)
offal	қолдиқ, чиқинди
off form	формада эмас
be off (get off)	йўқол
off the point	ишга алоқаси йўқ
to pay off	(ҳаммасини) тўламоқ
to drink off	(ҳаммасини) ичмоқ

● On

on the (a) bus/plane/train/ship/bike	автобусда / самолётда / поездда / кемада / велосипедда
on the (fifth) floor	(бешинчи) қаватда
on the north (south...)	шимолда (жанубда...)
on time	вақтида
on the sidewalk	йўлкада
on the way	йўл- йўлакай
on the right/left	ўнгда / чапда
on television/(the) radio	телевизор(да) орқали/радио(да) орқали
on the telephone	телефонда
on the whole	умуман олганда, бутунлигича

on the other hand	бошқа тарафдан
on sale	сотувда
on foot	яёв
on the commission	комиссия таркибида
on account	ҳисобда
on probation	шартли равишда
on target	мерган
a book on mathematics...	математика китоби
on and on	тўхтовсиз
to work on something	ниманингдир устида ишламоқ
on and off	вақти-вақти билан
and so on	ва ҳоказо
to be on to somebody	ким биландир боғланмоқ, тирноқ тагидан кир қидирмоқ

Феъл + **on** ҳаракатни давом эттириш мумкинлигини кўрсатади

to walk on	юравер
------------	--------

on end	кетма-кет, тўхтовсиз
on the advice (suggestion) of	-нингдир маслаҳати (таклифи) билан
on an (the) average	ўрта ҳисобда
on behalf of	кимнингдир номидан
on business	иш бўйича
on board a (the) ship	кема бортида
on condition that	шарт билан
on the contrary	тескариси, акси
on credit	кредитга
on demand	талабга кўра
turn on	(техникани) ёқмоқ, қўймоқ
on the initiative of	-нинг ташаббусига кўра
on land	қуруқликда
on the part of	-нинг томонидан
on purpose	атайин
on the right (left) hand (side)	ўнг (қўл) қўлда (томонда)
on a large scale	катта масштабда
on sea	денгизда
on the ground that	-нинг асосида, -га асосланиб
later on	кейинроқ
on (from) all sides	ҳар томондан
to be on fire	эҳтиросда бўлмоқ

● Out

out and out	кескин, буткул, тўла
out of	ичидан, ташқарига
out of doors	ташқи, эшик орти
out of the way	ғайриоддий, бошқача
all out	бор кучи билан
down and out	бор будидан ажралган, инқирозга учраган
outbuilding	қўшимча бино

outclass	устун бўлмоқ
outcome	натиха, оқибат, чиқиш
outcry	қаршилиқ, қичқириқ
outdo	ошиб кетмоқ
outer	ташқи
out of danger	хавфсиз
out of necessity	заруриятдан
out of pity (envy)	шафқат қилиб (хасад билан)
out of order	бетартиб
out of use	қўлланилмайдиган
out of work	ишсиз
out of doors	кўчада, ташқарида
out of fashion	модадан қолган
out of place	жойида эмас
out of the question	шубҳасиз
out of date	эски, қари
out with	гапириб қўймоқ

● Over

all over the world (country, town)	бутун дунё (мамлакат, шаҳар) бўйлаб
over and over (again)	кўп марта
to be over	тугаган, тугамоқ
the meeting (concert, lesson) is over	мажлис (концерт, дарс) тугади
over and over again	яна ва яна
over there	анави ерда
over and above	шу билан бирга

● Round (around)

round the corner	бурчақдан кейин (орқасида)
all the year round	йил бўйи
all around	ҳаммаерда, ҳар ерда
to travel around the country	мамлакат бўйлаб сайёҳат қилмоқ

● Since

since when	қачондан бери
since then	ўшандан бери

● Through

through and through	охиригача, буткул
to be through (with)	(билан) тугатмоқ, -ни йиғиштирмоқ
to go through	ишни охиригача бажармоқ
throughout	ҳар томонлама, мутлақо
to look through	кўриб чиқмоқ
to carry through	охиригача олиб бормоқ
through service	жонли хабар (тўғридан-тўғри)

● To

to the amount (of)	маълум миқдорда
to the end	охиригача
to his (my) disappointment (sorrow, joy)	унинг, (менинг), кўнгли(м)ни, ғамимни, кувончимни, қолдирмаслигига қарамасдан
to the north, south, west, east (of)	(-дан) шимолга, жанубга, ғарбга, шарққа
to the right (left)	ўнга (чапга)

● Under

underage	балоғат ёшига етмаган
underclothes	ички кийим
underwear	ички кийим
under cover	махфий
undergraduate	талаба (1-, 2-курс)
to be under consideration	кўриб чиқилмоқ
to be under construction	қурилмоқда, қурилишда
to be under discussion	муҳокамада
to be under repair	тузатилмоқ, таъмирланмоқ
under the circumstances	бу вазиятда
under the contract (agreement)	контрактга (битимга) кўра, контракт (битим) бўйича

● Up

upend	ағдармоқ, тўнтармоқ
uphold	(фикрни) қўллаб-қувватламоқ
upkeep	ремонт, фаолиятни таъминлаш қиймати
uplift	кўтарилиш
upon	устида
upper	юқори(ги)
upstairs	(зина бўйлаб) тепага, юқorigа
ups and downs	кўтарилиш ва тушиш, паст-баланд
up and coming	ғайратли, имконияти катта
up to date	замонавий, нозик
up with	яшасин...
up to the hilt	бутунлай, охиригача
time is up	вақт кетяпти
upbraid	икир-чикирига эътибор бермоқ
upbringing	тарбия
update	замонавийлаштирмоқ
up to	-гача (охиригача ...ни ҳам)
up and down	тепага-пастга, олдинга-орқага
up to here	шу ергача
up to now	шу пайтгача
up to the present time	шу пайтгача
set up	ўрнатмоқ, асос солмоқ

to come up to one's expectations	кимнингдир кутганини (умидини) оқламоқ
to make up one's mind to do something	бирор нарса қилишга қарор бермоқ
I was up at six o'clock.	Мен соат олтида турдим.
It is up to him (you) to decide.	У (сиз) ҳал қилиши(нгиз)га тўғри келяпти.
the time is up	вақт тугади
what's up ?	нима бўлди?
hurry up	шошил

● With

withdraw	чақирмоқ, чиқармоқ
withhold	тийилмоқ
within	-нинг доирасида
without	ташқарида, теварак-атрофи
withstand	қарши турмоқ
with child	ҳомиладор
with it	замонавий, модани қойиллатган

● Without

with out doubt	шубҳасиз
with out fail	албатта
with out notice	(расмий) огоҳлантirmасдан
with out knowledge (of)	(кимнингдир) рухсатсиз
it goes with out saying	ўз-ўзидан маълум, сўзсиз тушунарли,
to do with out somebody, something	кимдир, нимадирсиз иш битирмоқ

1.10. Боғловчи (the Conjunction) ва боғловчи сўзлар

 Боғловчи гап бўлаклари ёки гапларни бириктириш учун қўлланиладиган ёрдамчи сўздир.

● Гап бўлаклари ва гапларни бириктирувчи боғловчилар икки хил – тенг ва эргаштирувчи боғловчилар бўлади.

◆ Тенг боғловчилар

● Тенг боғловчилар содда гаптаги уюшиқ бўлақларни ҳамда қўшма гапнинг бирига боғлиқ бўлмаган қисмларини бириктиради:

and	ва, ҳамда, билан	I bought fruits and vegetables. The rain stopped and the sun came out.
not only ... but also	фақатгина ... эмас, балки ... ҳам, нафақат... балки ... ҳам	He is not only talented but also handsome.
but	аммо, лекин, бироқ	He opened the door but there was nobody at home.
both ... and ...	иккаласини ... ва ..., ҳам ... ҳам	Both boys and girls were reading.
for	чунки	You must open the window for it is hot in the room.

or	ёки	Do you like ice-cream or chocolate? He will go to America or to England.
as well as	ва шунингдек, ва ...ҳам	I sent her a letter as well as a telegram.
in addition to	-га қўшимча қилиб	I sent her a letter in addition to a telegram.
either ... or	ё ...ё, ёки ... ёки	Either you or your friend must come to the meeting.
neither ... nor	на ...на; ҳам, ...ҳам (инкор)	I have neither brother nor sister.

◆ Эргаштирувчи боғловчилар

● Эргаштирувчи боғловчилар эргаш гапни бош гапга бириктириш учун хизмат қилади:

that	шундаки, -ки (феълга уланади)	The difficulty is that I don't understand it.
if (whether)	-ми	Whether the paper will be ready is not certain.
for	-ни учун, чунки	He did not go to school for he was ill.
as	ган...да	As I was going home I bought milk. I do it as you told me.
while	-ган пайтда, - гунча	While you were reading newspaper, I was writing report.
till, until	-гунча, -магунча	Children will play football till (until) mother has finished her work.
after	-дан кейин	After he had breakfast he went to school.
before	-дан олдин	He must do it before we come home.
as soon as	-ши... билан, -ган заҳоти...	You will see mother as soon as we come home.
because	чунки	I learn Mathematics because I like it.
because of	-ни деб, туфайли	Timur was worried because of the rain. Because of rain we could not go fishing.
so that, in order that	-иш учун, -ишга	I came here so that (in order that) I want to help you.
so that	шу боис / сабабли, шунинг учун	I am too busy so that we must not wait for me.
so ...that	шунчалик / шундай ... -ки...	He knows English so well that he passed exam ...
such ...that	шунчалик / шунақанги-ки	She was such a girl that all like her.
supposing (that)	дейлик...	Supposing (that) he doesn't phone, what shall we do?
on contidition (that)	шу шартдаки, агар	You will go to Zoo on condition (that) you do your homework.
seeing (that)	-ни учун, била туриб, -ни туфайли	Seeing (that) he is ill he will not go to school.
if	агар	I shall help you if you want it.
as if	худди	You read this text as if (as though) you did not see it before.
unless	агарма...	You will phone me unless I cannot do it.
though, although	-са ҳам	He will come to party though (although) , he doesn't want.
in spite of, despite	-га қарамасдан	He goes to school in spite of the fact that he is ill.

even	хатто	I don't say it even I don't think about it.
even if, even though	хатто (агар) ... ҳам	You must come to our party even if I don't invite you.
than	-дан кўра	I returned home sooner than I had thought.
as ... as	қандай... шундай..., -дек	He is as old as he looks. I shall do my homework as long as you watch TV.
(not) so ... as	-дек ... эмас	She is not so old as she looks.
therefore	шу боис / сабабли, шунинг учун	I am busy therefore I cannot play with you.
hence	демак	Seven is not divided by two hence it is even number.
since	-дан бери	I haven't seen you since last Monday.

◆ **Боғловчи сўзлар**

● Боғловчи сўзлар эргаш гапни бош гапга бириктиради, эргаш гап таркибига гап бўлаги сифатида кириши ҳам мумкин.

who	...-ган, кимки, қайсики	I met the man who wrote this book.
whose	...-ини ...ган, кимнинг	My friend, whose book you saw yesterday, wants to meet you.
what	нима	Say me what he is doing.
whom	...-ган, қайсиники	Woman, whom you met three days ago, is my mother.
which, that	... -ган, қайсики	A letter that (which) was written in pencil is difficult to read.
when	қачон	I don't know when he will come.
where	... -ган ...да, қаердаки	I like to spend my holiday where I lived in childhood.
how	қандайлиги, қанақалиги...	I must know how you are.
why	нима учун/сабабдан	Nobody can understand why you do it.

◆ «**so ...that**», «**such ... that**» боғловчилари ва **that, what, who, which, whom, whose** боғловчи сўзлари хусусиятлари

1. «**so ...that**», «**such ... that**» боғловчилари қўлланилишининг асосий қолиплари:

1)

эга	феъл	so	сифат ёки равиш	that	эга	феъл
-----	------	-----------	-----------------	-------------	-----	------

so дан кейин от қўлланилмаслигини ёдда тутмоқ зарур.

*Farhod ran **so fast that** he broke the previous speed record. – Фарҳод шунақанги тез югурдики, у янги рекорд ўрнатди.*

2) а)

эга	феъл	so	many few	кўпликдаги саналадиган от	that	эга	феъл
-----	------	-----------	-----------------	---------------------------	-------------	-----	------

*The Smiths had **so many children that** they formed their own team. – Смитларнинг болалари шунчалик кўп эдики, улар ўз командаларини тузишди.*

б)

эга	феъл	so	much little	саналмайдиган от	that	эга	феъл
-----	------	-----------	------------------------------	------------------	-------------	-----	------

He has got **so much** money **that** he can help his parents. – Унинг пули шунчалик кўпки, у (бемалол) ота-онасига ёрдам бера олади.

3) а)

эга	феъл	such	a	сифат	бирликдаги саналадиган от	that...
-----	------	-------------	----------	-------	---------------------------	----------------

It was **such a** hot day **that** we decided to stay indoors. – Шунчалик иссиқ кун эдики, биз уйда қолишга қарор қилдик.

б)

эга	феъл	so	сифат	a	бирликдаги саналадиган от	that...
-----	------	-----------	-------	----------	---------------------------	----------------

It was **so hot a** day **that...** – Шунақанги иссиқ кун эдики...

в)

эга	феъл	such	сифат	кўпликдаги саналадиган от ёки саналмайдиган от	that	эга	феъл
-----	------	-------------	-------	---	-------------	-----	------

They are **such** beautiful pictures **that** everybody will want one. – Улар шунчалик чиройли расмларки, ҳамма уларга эгаллик қилишни хоҳлайди.

This is **such** difficult homework **that** I will never finish it. – Бу шунчалик қийин уй вазифасики, мен уни ҳеч қачон тугатмайман.

2. **that, what, who, which, whom, whose** сўзларининг қўлланилиш хусусиятлари.

● Қуйидаги боғловчи сўзлар

that, what – нима

who – ким

whose – кимнинг

which, that – қайси

whom – кимга

эргашган қўшма гапларда бош гапни эргаш гап билан бириктириш учун ишлатилади:

1) **what** ва **that** тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапларда қўлланилади. **what** айнан нима(ни) маъносида, **that** эса қолган ҳолларда. Бунда **that** кўпинча тушириб қолдирилади:

He doesn't know **what** I am going to buy. – Нима(ни) сотиб олмоқчилигимни у билмайди.

I know (**that**) you bought a new car. – Янги машина сотиб олганингни мен биламан.

2) **who, whose, which, that** аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда қўлланилади. Расмий инглиз тилида улар қуйидагиларни англатган ҳолда келади:

that – нарсаларни

which – нарса ва жонли мавжудотларни

who – одамларни

whom – одамларни

whose – одамларни (одамда)

- Оғзаки нуқтада **that** одамларни ва жонли мавжудотларни англатиши мумкин.
- Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош гаптаги отни изоҳлаб келганда **whom** ва **which** ўрнига **that** қўлланилади:

A rubai that (which) was written by Omar Hayam is perfect. – Умар Хайём ёзган рубоийлар гўзалдир.

He was the singer that (whom) we saw on TV yesterday. – Бу биз кеча телевизорда кўрган қўшиқчи эди.
- **All, everything, nothing, the only** дан кейин **that** қўлланилади:

The only problem, that... – Ягона муаммо шундаки...
- Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош гаптаги отни изоҳлаб келганда **who, whom, which** сўзлари **that** билан алмаштирилмайди.
- Эргаш гапларда **who, whom** сўзларининг қўлланилиш фарқини ёдда тутмоқ зарур: **who** + феъл, **whom** + от ёки сифат.

The man who is in this room is angry. – Бу хонадаги кишининг жаҳли чиқяпти.

The man whom I sold house is my neighbour. – Мен уйни сотган одам қўшним бўлади.
- **That, who, whom, which** сўзлари тўлдирувчи ўрнида келганда тушириб қолдирилиши мумкин:

He noticed (that) the window was broken. – У дараза ойнаси синганини сездди.
- **That, who, whom, which** сўзлари эга ўрнида келганда тушириб қолдирилмайди.

That she knows it is a secret. – У бунди билиши сир.

The boy who is coming here is my son. – Бу ерга келаётган бола – менинг ўғлим.
- Боғловчи сўздан олдин предлог турса, боғловчи сўз тушириб қолдирилганда у феълдан кейин, тўлдирувчи бор ҳолда ундан кейин қўйилади.

Children remember the house in which they used to live. Children remember the house they used to live in. – Болалар ўзлари яшаган уйлари эслашади.

This is the table on which I left my dictionary. This is the table I left my dictionary on. – Мана мен устида лугатимни қолдирган стол.
- Камдан-кам ҳолда **who** сўзи **that** билан алмаштирилади.
- **Whose** сўзини **that** билан алмаштириб бўлмайди.
- Эргаш гапли қўшма гапларда **when** боғловчи сўзи тушириб қолдирилиши мумкин, **where** эса йўқ.

1.11. Тиниш белгилари

- Қуйидагилар тиниш белгилари ҳисобланади: нуқта, вергул, нуқтали вергул, икки нуқта, сўроқ белгиси, ундов белгиси, қўштирноқ, тутуқ белгиси, тире, дефис.

◆ Нуқта

● Нуқта қуйидаги ҳолларда қўйилади:

1) дарак, инкор ва буйруқ гаплар охирида:

At last his servant entered the room. – Хайрият, унинг хизматкори хонага кирди.

2) сўзларни қисқартиришда:

*Mr. – Mister Mrs. – Misters**Co. – Company Ltd. – Limited*

◆ Вергул

1. Вергул ва содда гап

● Содда гапда вергул қуйидаги ҳолларда қўйилади:

1) содда гапнинг уюшиқ бўлақларини ажратиш учун. Уч ёки ундан ортиқ уюшиқ бўлақларнинг охиргисидан олдин *and* боғловчиси турган бўлса ҳам боғловчили бўлақ вергул билан ажратилади:*There are a lot of books, pens, and pencils on the table. – Столда анчагина китоб, ручка ва қаламлар бор.*

2) гапда отдан кейин уни аниқлаб келаётган изоҳли қисмни ажратиш учун:

That man, standing near the window, is my father. – Дераза олдида турган киши менинг отам бўлади.

3) мустақил сифатдошли оборотни ажратиш учун:

The pupils being absent, the lesson was postponed. – Ўқувчилар бўлмагани учун дарс қолдирилди.

4) кириш сўз, бирикма ва кириш гапларни ажратиш учун:

*Honestly speaking, I don't want to go there. – Ростини айтсам, у ерга боргим келмаяпти.**Her sister, we saw yesterday, is a teacher. – Унинг биз кеча кўрган опаси ўқитувчи.*

5) ундалмани ажратиш учун:

Pip, where is my tie? – Пип, галстугим қани?

6) хат бошида мурожаатдан кейин (ўзбек тилида бу ҳолда ундов белгиси қўйилади):

Dear Mother, I have just received your letter... – Ҳурматли (азиз) ойижон! Мен ҳозиргина хатингизни олдим.

● АҚШда расмий хатларда мурожаатдан сўнг, одатда, икки нуқта қўйилади:

Dear sirs: In answer to your letter... – Ҳурматли жаноблар! Сизнинг хатингизга жавобан...

7) хат охирида якунловчи сўзлардан кейин, имзодан олдин:

Yours faithfully, Mary Brown – Эҳтиром билан Мэри Браун

8) манзилгоҳ қисмларини ажратиш учун (манзил эгаси исми ёки номини, қўча, шаҳар, почта, район ва мамлакат номини):

*Messrs, Brown and Co.,**15 High Street,**London, E. C.,**England*

9) сана кўрсатилганда кунини йилидан ажратиш учун:

John was born on the 16th February, 1982. – Жон 1982 йил 16 февралда тузилган.

2. Вергул ва қўшма гап

● 1) боғланган қўшма гапларда вергул, одатда, қўшма гап таркибига кирувчи гапларнинг орасига тенг боғловчидан олдин қўйилади:

I went to school, and my sister stayed at home. – Мен мактабга кетдим, синглим эса уйда қолди.

● 2) кўп ҳолларда эргаш гапли қўшма гаплар эргаш гап вергул билан ажратилмайди:

а) эга, кесим ва тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар вергул билан ажратилмайди:

How this happened is not clear to anyone. – Бу қандай юз бергани ҳеч кимга тушунарли эмас.

б) шарҳловчи вазифасида келганда аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар вергул билан ажратилади. Изоҳловчи аниқловчи гаплар вергул билан ажратилмайди:

I saw picture, which was very interesting. – Мен жуда қизиқарли бўлган фильмни кўрдим.

The text (which is) written by you is difficult to read. – Сиз томонингиздан ёзилган матнни ўқиш қийин.

в) агар ҳол эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гапи бош гапдан олдин турса, вергул билан ажратилади:

If I see you, I shall ask you about it. – Агар мен сени кўрсам, сендан бу ҳақида сўрайман.

● Ҳол эргаш гап бош гапдан кейин турса, вергул билан ажратилмайди:

I shall ask you about it if I see you. – Мен сендан бу ҳақида сўрайман, агар сени кўриб қолсам.

◆ Нуқтали вергул

● Нуқтали вергул тенг боғловчисиз боғланган қўшма гапнинг таркибига кирувчи гаплар орасига қўйилади:

The signal was given; the train moved from the station. – Сигнал берилди; поезд станциядан жилди.

◆ Икки нуқта

● Икки нуқта қуйидаги ҳолларда қўйилади:

1) цитатадан олдин:

The Parliament declared: «Uzbekistan is independent republic». – Парламент эълон қилди: «Ўзбекистон – мустақил республика».

2) узун матнли кўчирма гапдан олдин:

She said: «There will be a good wheat crop in the Ukraine this year». – У деду: «Бу йил Украинада бугдой мўл ҳосил беради».

- Қисқа матнли кўчирма гапда, одатда, муаллиф гапи вергул билан ажратилади:

They said, «Wait for us». – Улар дедилар: «Бизни кутинг».

3) Санаш маъносида берилган уюшиқ бўлақлардан олдин; бу ҳолда уларни бирор-бир умумлаштирувчи сўз бирлаштиради (*as follows, the following, namely, for example, such as* ва б.):

We must buy the following goods: pens, pencils, and books. – Биз қуйидаги нарсаларни сотиб олишимиз керак: ручка, қалам ва китоблар.

◆ Сўроқ белгиси

- Сўроқ белгиси мазкур ҳолларда қўлланилади:

1) саволни ифодаловчи гаплар охирида:

What are you thinking of? – Сиз нима ҳақида ўйлаяпсиз?

- Ўзлаштира гапнинг тўлдирувчи эргаш гап ҳисобланиб, савол қисми бўлган гап охирига ўзбек тилидагидек сўроқ белгиси эмас, нуқта қўйилади:

They asked me how old I was. – Улар мендан неча ёшдалигимни сўрашди.

2) агар ўзлаштира гапнинг бош гап қисми савол бўлса, гапнинг охирига сўроқ белгиси қўйилади:

Do you know when the train comes? – Поезд қачон келишини биласизми?

◆ Ундов белгиси

- Ундов белгиси ҳис-туйғу билан айтилган гаплар охирига қўйилади:

What a beautiful city! – Қандай гўзал шаҳар!

How glad I am to have it! – Менда бунинг борлигидан қанчалик хурсандман!

◆ Қўштирноқ

- Қўштирноқ қуйидаги ҳолларда қўйилади:

1) кўчирма гап ва цитатанинг боши ҳамда охирини кўрсатиш учун:

I asked: «Will she come in the evening?» – Мен сўрадим: «У кечқурун келадими?»

2) кўчма ёки мазах маъносида ишлатилган сўзларни ажратиш учун:

Certainly, you are «clever» boy. – Албатта, сен «ақлли» боласан.

◆ Тутуқ белгиси

- 1) «'» тутуқ белгиси ҳарф тушириб қолдирилганини кўрсатади:

it's = it is, don't = do not, haven't = have not.

2) тутуқ белгиси отнинг қаратқич келишигини ҳосил қилиш учун ҳам қўлланилади:

My sister's flat – Опамнинг квартираси

My sisters' flats – Опаларимнинг квартиралари

◆ Тире ёки дефис

- Тире ёки дефис қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) таркибли сўзнинг қисмларини бириктириш учун:

reading-room – қироатхона

light-green – оч яшил

2) киритма ибораларни ажратиш учун:

John – my best friend – didn't come to school today. – Жон, менинг энг яхши дўстим, бугун мактабга келмади.

3) фикр тугалланмаганини кўрсатиш учун:

At the same time, I would like... – Шу пайтнинг ўзида / шу билан бирга), мен хоҳлардимки...

2. ГАП БЎЛАКЛАРИ (PARTS OF SENTENCE) (СИНТАКСИС)

2.1. Гапнинг бош бўлаклари

◆ Эга (The subject)

👉 Эга гапнинг бош бўлагидир, у гапда тасвирланаётган иш-ҳаракатни амалга оширувчи ёки иш ва ҳаракат томонидан амалга оширилувчи предмет ёки шахс ҳисобланади. Эга *ким? нима? кимлар? нималар?* сўроғига жавоб беради.

The sky is blue. – Осмон ҳаво ранг.

I study mathematics. – Мен математикани ўрганаман.

● Эга фақат бир сўздан эмас, синтактик йиғинди (қаранг: 193-бет) бўлган иборадан ёки бутун бошли эргаш гапдан (қаранг: 183-бет) ҳам ташкил топиши мумкин:

Birds and bats fly. – Қушлар ва кўршапалаклар учадилар (учишади).

My appearance here was unexpected. – Менинг бу ерда пайдо бўлишим кутилмаган иш бўлди.

That he knows English well is pleasant news to me. – Унинг инглиз тилини билиши мен учун яхши янгилик.

● Эга қуйидагилар билан ифодаланади:

1) от орқали:

The letter was sent. – Хат юборилган.

2) от маъносида келган сўз ёки сўз бирикмаси орқали:

«Yes» is the unique answer in this case. – «Ҳа» бу ҳолда ягона жавобдир.

Where you go depends on the financial opportunities. – Қаерга боришинг молиявий имкониятга боғлиқ.

3) олмош орқали:

I work at the University. – Мен университетда ишлайман.

● Агар иш-ҳаракатни бажарувчи ноаниқ ёки умумлаштирилган бўлса, **one** (ҳар/ бир/ ким/нима) ёки **they** (одамлар) олмошлари эга вазифасида қўлланилади:

One must know it. – Ҳар бир одам бунни билиши керак.

They say the weather will be changed soon. – Яқин орада ҳаво ўзгаради дейишяпти.

4) сон орқали:

Seven is a prime number. – Етти туб сон.


5) инфинитив орқали:

To lie is bad. – Ёлгон гапириш ёмон.


6) герунд орқали:

Smoking is harmful. – Чекиш – зарарли.

◆ Кесим (The Predicate)

 **Кесим** грамматик жиҳатдан эгага тобе бўлиб, эга орқали ифодаланган предметнинг иш-ҳаракатини ёки ҳолатини тасвирловчи гапнинг бош бўлагидир. Иш-ҳаракатни билдирувчи кесимга замони ва нисбатини назарда тутиб савол берилади. Масалан, ҳозирги замонда *нима қиляпти? нима қилиняпти?*, ҳолатни билдирувчи кесимга *ким? нима? қандай? нечанчи?* саволлари берилади.

● Инглиз тилида кесимнинг шакл жиҳатдан икки тури мавжуд: содда ва таркибли кесим. Таркибли кесимлар яна икки гуруҳга бўлинади: таркибли от-кесим ва таркибли феъл-кесим. Таркибли феъл-кесимнинг ўзи ҳам икки хил бўлиши мумкин: таркибли аспект феъл-кесими ва таркибли модал феъл-кесими.



1. Содда (феъл-)кесим шахсли шаклдаги тўлиқ маъноли феълдан иборат (қаранг: 1.4.3, 1.4.4-бандлар). Яъни содда кесим ўзидан олдин бир ёки бир нечта ёрдамчи феълга эга бўлган етакчи феълдир:

*He **speaks** English well.* – У инглизчада яхши гапиради.

*He **has invited** me to his birthday party.* – У мени ўзининг тугилган кунига таклиф этди.

*They **will return** tomorrow.* – Улар эртага қайтишади.

*The article **will have been written** by seven o'clock.* – Мақола соат еттига ёзиб бўлинади.

● Уюшиқ кесимлар ҳам содда кесим саналади:

*He **comes and brings** me books.* – У менга китоблар олиб келиб туради.

*I **was surprised and delighted**.* – Мен ҳайратландим ва мамнун бўлдим.

2. Таркибли от-кесим боғловчи феъл ва от қисм ҳисобланган предикативдан ташкил топади. Предикатив от, олмош, сифат, равиш, сифатдош, инфинитив, герунд ва предлогли ибора бўлиши мумкин:

*She looks **an adult** (от). – У (ёшига қараганда) катта кўринади.*

*Who are **you** (олмош)? – Сен кимсан?*

*He is **happy** (сифат). – У бахтли.*

*He was **here** (равиш). – У шу ерда эди.*

*He was **sixteen** (сон). – У ўн олти ёшда эди.*

*The best idea is **to go** (инфинитив) *home*. – Энг яхши фикр – бу уйга бориш.*

*I am **surprised** (сифатдош). – Мен ҳайронман.*

*He was **looking** (герунд) *well*. – Унинг кўриниши яхши эди.*

*It was **out of place** (иборали предлог). – Бунинг мавриди эмас эди.*

*He was **against it** (предлогли ибора). – У бунга қарши эди.*

Боғловчи феъллар ҳақида 1.4.2-бандда батафсил маълумот берилганди (65-бет).
Қуйидагилар инглиз тилида асосий боғловчи феъллар эканини эслатиб ўтамиз:

to be – бўлмоқ

to become – бўлиб қолмоқ

to feel – ҳис қилмоқ

to get – бўлиб қолмоқ

to grow – бўлиб қолмоқ

to look – кўринмоқ

to remain – қолмоқ

to seem – туюлмоқ

Таркибли от-кесимнинг от қисми бутун, яъни эргаш гапдан ташкил топиши мумкин (қаранг: 184-бет).

3. Таркибли аспект феъл-кесим аспект феъли ва (сифатдош ёки герунд шаклидаги) тўлиқ маънога эга феълдан таркиб топади.

*It **continued snowing**. – Қор ёғишда давом этди.*

*He **began to read**. – У ўқишни бошлади.*

Қуйидагилар инглиз тилидаги асосий аспект феъллари ҳисобланади.

to begin – бошламоқ

to start – бошламоқ

to go on – давом этмоқ

to continue – давом этмоқ

to finish – тугатмоқ

to stop – тўхта(т)моқ

4. Таркибли модал феъл-кесим модал феъли ва (инфинитив шаклидаги) тўлиқ маънога эга феълдан таркиб топади. Модал феъл инфинитив орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиш эҳтимоли, имконияти, истаги ёки заруриятини тасвирлайди.

*I **must return home**. – Мен уйга қайтишим керак.*

*You **should be more attentive**. – Сен эътиборлироқ бўлишинг керак.*

Эга-кесим мослашуви

● Кесим эга билан шахс-сонда мослашади. Эга-кесим мослашувига оид кўпгина қоидалар қуйидаги мавзулар баёнида бериб ўтилган:

- 1) ёрдамчи феъллар ва уларнинг шахс-сонда тусланиши (қаранг: 64-бет);
- 2) *Present Simple* шаклининг ясалиши (қаранг: 68-бет);
- 3) **there is** обороти (қаранг: 181-бет);
- 4) жамловчи отлар (қаранг: 49-бет);
- 5) олмошлар (қаранг: 122-бет);
- 6) от кўплигининг ясалиши (қаранг: 49-бет).

● Қуйида мослашувга оид бошқа баъзи қоидалар келтирилган:

7) агар гапнинг **and** боғловчиси билан бириккан иккита эгаси бўлса, кесим кўпликда бўлади:

Murod and Dilshod were there. – Мурод ва Дилшод у ерда эдилар.

8) иккита эга **with** – билан, **as well as** – шунингдек сўзлари ёрдамида бириккан бўлса, кесим биринчи эга билан мослашади:

Behzod with his friends goes to the football club every day. – Беҳзод ҳар куни дўстлари билан футбол клубига боради.

9) агар эга **who?**, **which?** сўроқ олмошлари билан ифодаланган бўлса, феъл бирликда қўйилади:

Who is in the room? – Ким хонада?

10) агар эга **who**, **which**, **that** нисбий олмошлари билан ифодаланган бўлса, феъл шу олмош тегишли от ёки олмош билан мослашади:

The magazine that is on the table is yours. – Столдаги журнал сеники.

The magazines that are on the table are yours. – Столдаги журналлар сеники.

11) қуйидаги иборали гапларда феъл ўзига яқин турган от билан мослашади:

-either ... or.

-neither ... nor.

-not only ... but also.

Neither my father nor my brothers want to work in this office. Neither my brothers nor my father wants to work in this office. – На дадам, на акаларим бу офисда ишлашни хошлашади.

12) предлогли иборанинг феълга таъсири йўқ:

The things on that table are for sale. – Анали столдаги нарсалар – сотиладиган/сотишга.

The car with broken roof is for sale. – Томи синган машина – сотиладиган.

2.2. Иккинчи даражали бўлақлар

● Инглиз тилидаги иккинчи даражали бўлақлар (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) эга каби турли сўз туркумлари ва таркибида феълнинг тусланмаган шакли бўлган синтактик йиғиндилар орқали ифодаланиши мумкин.

◆ Аниқловчи (The Attribute)

☞ **Аниқловчи** деб отни аниқлаб, шарҳлаб, тасвирлаб келувчи гап бўлагига айтилади. Аниқловчи предметнинг белгисини билдиради ва қандай? қанақа? кимнинг? ниманинг? қайси? нечта? каби саволларга жавоб беради.

● Аниқловчи бир сўздан, синтактик йиғинди (қаранг: 193-бет) бўлган иборадан ёки эргаш гапдан (қаранг: 185-бет) ташкил топиши мумкин.

● 1. Инглиз тилида аниқловчи қуйидагилар орқали ифодаланади:

1) умумий ёки қаратқич келишигидаги от орқали:

The garden wall was very high (The wall of the garden was very high). – Боғнинг девори жуда баланд эди.

The boy's temperature was very high. – Боланинг ҳарорати жуда баланд эди.

2) сифат орқали:

She is a nice young woman. – У ёқимтой ёш аёл эди.

3) олмош орқали:

Give me this photo, please. – Илтимос, менга бу суратни бering.

4) сон орқали:

The first lesson is mathematics today. – Бугун биринчи дарс – математика.

5) инфинитив орқали:

These are books to read in summer. – Мана булар ёзда ўқиладиган китоблар.

6) герунд орқали:

He had a talent for expressing himself on paper. – Унинг ўз фикрларини оз-оздан ифодалаш қобилияти бор эди.

7) сифатдош орқали:

I saw film about enchanted castles. – Мен сەҳрланган қасрлар ҳақидаги фильмни кўрдим.

● 2. Аниқловчи синтактик йиғинди орқали ҳам ифодаланади:

1) инфинитивли синтактик йиғинди орқали:

These are books for you to read in summer. – Мана булар сен ёзда ўқишингга мўлжалланган китоблар.

2) герундли синтактик йиғинди орқали:

I don't like the idea of your going there alone. – Менга у ерга бир ўзингиз боришингиз ҳақидаги фикрингиз ёқмаяпти.

● Аниқловчининг от билан ифодаланиб, аниқланмишга бошқа ном берувчи алоҳида тури мавжуд.

Ulugbek, the famous Uzbek astronomer, lived and worked in the XV th century. – Улуғбек, машҳур ўзбек астрономи, XV асрда яшаб ижод этган.

● Аниқловчининг гапда муқим ўрни йўқ:

1) аниқловчи қуйидагилар орқали ифодаланганда аниқланмишдан олдин қўйилади:

а) сифат орқали:

I have seen a new film. – Мен янги фильмни кўрдим.

б) сон орқали:

I have already written the first part of my book. – Мен аллақачон китобимнинг биринчи қисмини ёзиб бўлдим.

в) олмош орқали:

That book is very interesting. – Аनावи китоб жуда қизиқарли.

г) умумий келишиқдаги предлогсиз от орқали:

We are in the University library. – Биз университет кутубхонасидамиз.

д) қаратқич келишиқдаги от орқали:

I am proud of the father's profession. – Мен отамнинг касби билан фахрланаман.

● Агар от бир нечта сифат билан аниқланиб келса, отга маъно жиҳатдан бевосита боғлиқ бўлгани унга яқинроқ қўйилади:

I like white cotton dresses. – Мен оқ пахта кўйлақларни яхши кўраман.

2) Аниқловчи қуйидагилар билан ифодаланганда аниқланмишдан кейин қўйилади:

а) предлогли от орқали:

The manager of our office is a young woman. – Муассасамизнинг бошлиғи (бир) ёш аёл.

б) инфинитив орқали:

They expressed a desire to help you. – Улар сизга ёрдам бериш истагини билдиришди.

в) предлогли герунд орқали:

I had no idea of doing it. – Буни қилиш менинг хаёлимда йўқ эди.

г) сифатдош обороти орқали:

Goods made for the sale aren't ready yet. – Сомув учун ишлаб чиқарилган товарлар ҳали тайёр эмас.

● Агар сифат **some, any, no, every** олмошлари ҳосиласига тегишли бўлса, ундан кейин қўйилади:

I heard something interesting for you. – Сиз учун қизиқарли баъзи бир нарсаларни эшитдим.

● Агар сифатдош белгини билдирмай, фақат феъл маъносида келса, аниқланмиш сўздан кейин қўйилади:

The postman gave me the letters brought. – Почтачи менга келтирилган хатларни берди.

◆ Тўлдирувчи (The Object)

👉 Тўлдирувчи деб предметни англатиб, кесимни мазмунан тўлдирадиган гап бўлагига айтилади. Тўлдирувчи *кимни? нимани?* (воситасиз тўлдирувчи) *кимга? нимага? ким / нима ҳақида?* ва б. (воситали тўлдирувчи) саволларига жавоб беради.

● Воситали тўлдирувчи предлогли ва предлогсиз бўлиши мумкин:

He has bought a coat (воситасиз тўлдирувчи). – У пальто сотиб олди.

The teacher gave the pupil (предлогсиз воситали тўлдирувчи) ***a book.*** – Ўқитувчи ўқувчиларга китоб берди.

I lived with my parents (предлогли воситали тўлдирувчи). – Мен ота-онам билан яшардим.

● Предлогсиз воситали тұлдирувчи умумий келишиқдаги от ёки объект келишигидаги олмош билан ифодаланади. У тұлдирувчи феъл ва воситасиз тұлдирувчи орасига кўйилади.

He showed us (предлогсиз в-ли тўлд.) *the letter* (в-сиз тўлд.). – У бизга хатни кўрсатди.

● Гапда воситасиз тұлдирувчи бўлганда предлогли воситали тұлдирувчи ундан кейин кўйилади.

He showed the letter (в-сиз тўлд.) *to us* (предлогли в-ли тўлд.). – У хатни бизга кўрсатди.

● Қуйидаги феъллардан кейин бир вақтнинг ўзида ҳам воситали, ҳам воситасиз тұлдирувчи қўлланилиши мумкин:

to bring	олиб келмоқ	to offer	таклиф этмоқ
to build	қурмоқ	to print	босмоқ (нашр)
to buy	сотиб олмоқ	to pass	узатмоқ
to get	олмоқ	to pay	тўламоқ
to grow	ўсмоқ	to promise	ваъда бермоқ
to feed	боқмоқ	to read	ўқимоқ
to find	топмоқ	to write	ёзмоқ
to give	бермоқ	to show	кўрсатмоқ
to leave	кетмоқ	to teach	ўқитмоқ
to lend	қарзга бермоқ	to tell	гапирмоқ
to make	қилмоқ, ясамоқ	to sell	сотмоқ
to send	юбормоқ		

● **Say, suggest, describe, explain** феълларидан кейин фақат воситасиз тұлдирувчи қўлланилади:

Describe your friend to him (*describe him your friend эмас*). – Унга дўстингизни тасвирлаб беринг.

● Тўлдирувчи бир сўздан, иборадан ёки тўлиқ гапдан таркиб топиши мумкин:
Ali wants Eldor to help him. – Али Элдор унга ёрдам беришини истади.

● Баъзи ўтимли феъллардан кейин (**to find** – топмоқ, **to think** – ўйламоқ, **to consider** – кўриб чиқмоқ) бошқа тўлдирувчидан олдин келган **it** формал тўлдирувчиси қўлланилади.

He thinks it is important to begin the work at once. – У ишни ҳозироқ бошлаш зарур деб ҳисоблайди.

● Тўлдирувчи сўз туркумлари, синтактик йиғинди бўлган (қаранг: 193-бет) ибора ёки тўлиқ гап (қаранг: 184-бет) орқали ифодаланиши мумкин.

1. Тўлдирувчи қуйидаги сўз туркумлари ёрдамида ифодаланиши мумкин:

1) от орқали:

I saw a film yesterday. – Мен кеча фильм кўрдим.

2) олмош орқали:

He knows them. – У уларни билади.

3) сон орқали:

I had seen four of Shakespeare's plays. – Мән Шекспир пьесаларидан тўрттасини кўрганман.

4) инфинитив орқали:

We plan to go to the cinema. – Биз кинога боришни режалаштиряпмиз.

5) герунд орқали:

I like dancing. – Мән рақсга тушишни яхши кўраман.

● Қуйидаги феъллардан кейин тўлдирувчи инфинитив, герунд ёки иккаласи шаклида қўлланиши мумкин.

а) мазкур феъллардан кейин фақат инфинитив ишлатилади:

to agree	рози бўлмоқ	to arrange	ташкил қилмоқ
to ask	сўрамоқ	to choose	танламоқ
to decide	қарор қилмоқ	to demand	талаб этмоқ
to expect	кутмоқ	to hesitate	иккиланмоқ
to hope	умид қилмоқ	to want	хоҳламоқ
to wish	истамоқ, тиламоқ	to learn	ўрганмоқ
to mean	назарда тутмоқ	to need	зор бўлмоқ
to offer	таклиф этмоқ	to plan	режалаштирмоқ
to pretend	муғомбирлик қилмоқ	to promise	ваъда қилмоқ
to refuse	рад этмоқ	to threaten	пўписа қилмоқ
to try	ҳаракат қилмоқ	to forget	унутмоқ
to claim	талаб этмоқ	to attempt	уринмоқ

б) ушбу феъллардан кейин фақат герунд қўлланилади:

to avoid	нари юрмоқ	to delay	қолдирмоқ
to deny	инкор этмоқ	to dislike	ёмон кўрмоқ
to enjoy	ҳузур қилмоқ	to imagine	тасаввур этмоқ
to mind	қарши бўлмоқ	to miss	қолдирмоқ
to postpone	қолдирмоқ	to recommend	тавсия этмоқ
to suggest	таклиф қилмоқ	to admit	қабул қилмоқ
to regret	афсусланмоқ	to risk	таваккал қилмоқ
to report	ҳисобот бермоқ	to resent	азабланмоқ
to recall	чақириб олмоқ	to consider	кўриб чиқмоқ
to resume	хулоса қилмоқ		

в) қуйидаги феъллардан кейин ҳам инфинитив, ҳам герунд келади:

to begin	бошламоқ	to continue	давом этмоқ
to like	ёқтирмоқ	to prefer	маъқул кўрмоқ
can't stand	қила олмаслик	to dread	қўрқмоқ
to love	севмоқ	to start	бошламоқ
to hate	нафратланмоқ		

2. Тўлдирувчи синтактик комплекс бўлган мураккаб тўлдирувчи орқали ифодаланиши мумкин:

1) инфинитивли синтактик комплекс орқали:

Don't let him cross the street at the red light. – Унга йўлдан қизил чироққа ўтишига рухсат берманг.

2) герундли синтактик комплекс орқали:

I rely on your fulfilling your duty. – Мен бурчингизни адо этишингизга умид қиламан.

3) равишдошли синтактик комплекс орқали:

I saw her reading at the open window. – Мен унинг очиқ дераза олдида ўқиётганини кўрдим.

◆ Ҳол (The Adverbial modifier)

☞ Ҳол гапда кесим ифодаляйдиган иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақти, ўрни, мақсади, сабаби ва шартини кўрсатувчи гап бўлагидир. Ҳол қандай қилиб? қаерда? қаерга? қачон? нима учун? нимага? саволларига жавоб беради.

● Ҳол, одатда, феълга қарашли бўлиб, ўринни, пайтни, тарзни, сабабни, миқдор-даражани, мақсадни, ҳолатни билдиради. Миқдор-даражани англатувчи ҳол сифат ва равиш ҳисобланиши ҳам мумкин.

● Ҳол бир сўздан, синтактик йиғинди (қаранг:193-бет) бўлган иборадан ёки эргаш гапдан (қаранг: 185-бет) ташкил топади:

The book was not interesting for the children to read. – Китоб болалар ўқишлари учун қизиқ эмасди.

1. Ҳол қуйидагилар билан ифодаланиши мумкин:

1) (одатда, предлогли) от ёки аниқловчили от бирикма билан:

In summer I stayed at my Grandmother's. – Ёзда мен бувимникида турдим.

They moved to a new house. – Улар янги уйга кўчишди.

My father has just gone out of his study. – Дадам ҳозиргина (ўз) кабинетидан чиқди.

2) сон билан:

He was born in 1991. – У 1991 йил(да) тувилган.

3) равиш билан:

He works terribly hard. – У жуда қаттиқ ишлайди.

4) инфинитив билан:

She will go back to live in her own country. – У ўз мамлакатада яшаш учун қайтади.

5) предлогли герунд билан:

I opened the window before leaving the classroom. – Синфдан кетиш олдидан мөн ойнани очиб қўйдим.

6) равишдош билан:

He lay still pretending to be asleep. – У ўзини ухлаётганга солиб жим ётди.

7) инфинитивли синтактик комплекс билан (қаранг: 193-бет):

He opened the door for her to enter. – У эшикни у кириши учун очди.

8) герундли синтактик комплекс билан (қаранг: 194-бет):

He can not solve this task before my explaining him all the details. – Мен унга барча жиҳатларни тушунтириб бермагунимча у масалани ечолмайди.

9) равишдошли синтактик комплекс билан (қаранг: 195-бет):

The bicycle being repaired, I went riding. – Велосипед тузатилгач, мен учгани кетдим.

10) предлогли олмош билан:

He is sitting next to me. – У менинг ёнимда ўтирибди.

● Ҳол, одатда, тўлдирувчидан кейин қўйилади. Гапда ҳоллар қуйидаги кетма-кетликда қўлланилади: 1-тарз ҳоли, 2-ўрин ҳоли, 3-пайт ҳоли.

● **to say, to tell, to speak, to talk** феълларининг қўлланилиши

● **to say** (айтмоқ, демоқ), **to tell** (айтмоқ, гапирмоқ), **to speak** (гапирмоқ, сўзламоқ), **to talk** (гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ) феълларининг асосий қолиплари:

● **to say**

1. Эга + **say** + something:

He said news. – У янгиликни айтди.

2. Эга + **say** + something to somebody:

He said news to us. – У бизга янгиликни айтди.

3. Эга + **say that** ... :

He says that he is busy today. – У бугун бандлигини айтаяпти.

4. Эга + **say**, + «кўчирма гап»:

Sister said, «I shall not go to cinema». – Опа деду: «Мен кинога бормаيمان».

● **to tell**

1. Эга + **tell** + somebody + something:

John told them an interesting story yesterday. – Жон кеча уларга қизиқ ҳикоя сўзлаб берди.

2. + **tell** + somebody + something (about something):

Did she tell you to translate this article? – У сенга бу мақолани таржима қилишни айтдими?

3. Эга + **tell** + something (худди шундай қолипда мазкур отлар ҳам қўлланилади: **a story, a secret, a joke, a lie, the truth, the time**):

John told a story about a fisherman yesterday. – Жон кеча балиқчи ҳақидаги ҳикояни гапириб берди.

4. Эга + **tell** + somebody **that** ... :

The teacher tells the pupils that they must work much on math. – Ўқитувчи болаларга улар математика устида кўп ишлашлари кераклигини айтди.

● **to speak**

1. Эга + **speak** (English):

Do you speak English? – Сен инглизча гапирасанми?

2. Эга + **speak** + to somebody about something:

*Did you **speak** to her about me? – Унга мен ҳақимда гапирдингми?*

3. Эга + **speak** at a (meeting):

*He **spoke** at a seminar. – У семинарда гапирди.*

● **to talk**

1. Эга + **talk** to somebody (about something):

*They **talked** about the film for three hours. – Улар фильм ҳақида уч соат гаплашишди.*

2.3. Киритма сўз, ибора ва гаплар

● Гапда гап бўлаги бўлмаган сўзлар учраши мумкин. Бу киритма сўзлар, ундалма, ундов ва кириш сўзларидир:

1) ундалма мурожаат қилинаётган шахсни англатади:

*How are you, **Ozod**? – Қалайсан, Озод?*

2) ундов:

***Well!** What is your name? – Хўш! Отинг нима?*

*I, **alas**, have no time. – Афсус, менинг вақтим йўқ.*

3) кириш сўзлари (баъзан ибора ёки тўлиқ гаплар) сўзловчининг нутқида турли маъно беради:

***Frankly speaking**, I don't believe you – Очигини айтганда, мен сенга ишонмайман.*

***Maybe**, she does not want it – Балки у бунни хоҳламамас.*

*He, **you are to know about it**, is my best friend – У, сен бунни билишинг керак, менинг энг яхши дўстим.*

3. Инглиз тилида содда гап (The Sentence)

● Гапнинг қуйидаги турлари мавжуд:

дарак гап;

сўроқ гап;

инкор гап;

инкор-сўроқ гап;

эмоционал гап;

буйруқ гап.

3.1. Дарак гап. Сўз тартиби

1. Инглиз тилида дарак гапни куришда сўз тартибига – гап бўлақларининг бир-бирига нисбатан кетма-кетлиги қондасига риоя қилиш зарур.

● Дарак гапнинг асосий қолипи

1	2a	3	2b	4	5a'	5	5a''	1
ҳол	предлогсиз аниқловчи	эга	предлогли аниқловчи	кесим	предлогсиз воситали тўлдирувчи	воситасиз тўлдирувчи	предлогли воситали тўлдирувчи	ҳол

Айтиш керакки, гапда иштирок этувчи исталган отнинг аниқловчиси бўлиши мумкин.

Next year a friend of mine is going to work hard on his education. – Кейинги йил менинг дўстим ўз ўқиши устида астойдил ишламоқчи.

● Гапда гап бўлаклари ва уларнинг турли кўринишларининг барчаси албатта қатнашиши шарт эмас. Бу ерда нафақат гапнинг эгаси, балки қатнашаётган ихтиёрий отнинг аниқловчиси бўлиши мумкин.

● Қуйидаги қоидаларни ёдда тутмоқ зарур:

- 1) эга доим кесимдан олдин туради;
- 2) тўлдирувчи кесимдан кейин келади.

Агар гапда ҳам воситасиз, ҳам воситали тўлдирувчи қатнашса, предлогсиз воситали тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчидан олдин, предлогли воситали тўлдирувчи эсундан кейин келади.

Бунда **to explain** (тушунтирмоқ), **to announce** (эълон қилмоқ), **to repeat** (такрорламоқ), **to dictate** (диктант қилмоқ, буюрмоқ), **to introduce** (таништирмоқ), **to suggest** (таклиф қилмоқ) ва бошқа бир неча феъллардан кейин воситали тўлдирувчи доим **to** предлоги билан, гапдаги ўрнидан қатъи назар, қўлланилади.

3) предлогсиз аниқловчи доим аниқланмишдан олдин, предлогли аниқловчи эсундан кейин қўйилади.

4) ҳол, одатда, гапнинг боши ёки охирида туради:

I wrote him a letter yesterday. – Мен унга кеча хат ёздим.

Yesterday I wrote a letter to him. – Кеча мен хатни унга ёздим.

Гап бўлақларининг ўрни ҳақида 2.1, 2.2-бандларда ҳам айтилганди (қаранг: 160 – 169-бетлар).

● Қуйидаги гаплар мазмунан бир хил, лекин гап бўлаклари ўрни грамматик алмаштирилиши ҳисобига ҳар сафар эътибор гапнинг бошқа-бошқа қатнашчисига тушаяпти.

John gave a book to Mary. – Жон китобни Мэрига берди.

Mary was given a book by John. – Мэрига китоб Жон томонидан берилди (Мэрига китобни Жон берди).

A book was given to Mary by John. – Китоб Мэрига Жон томонидан берилди (Китобни Мэрига Жон берди).

◆ Эмоционал гапда сўз тартиби

● Эмоционал гап (дарак, сўроқ, буйруқ шаклида бўлиши мумкин) ҳиссиёти кучли фикрни ифодалайди:

At last you are here! – Хайрият, шу ердасиз!

Come here! – Бу ёққа кел!

What is it! – Бу нимаси!

● Эмоционал гапларнинг **what** (қандай), **how** (қандай қилиб, қанақа) олмошлари билан бошланадиган алоҳида турлари мавжуд. Бунда **how** дан кейин ё сифат, ё равиш туради. **What** бирликдаги доналаб саналадиган отни аниқлаб келганда от ноаниқ артикль билан қўлланилади.

What a nice girl I see! – Қандай ёқимтой қизни кўряпман!

How clever you are! – Қанақа ақллисан-а!

- Эмоционал гапда эга ва кесим тушириб қолдирилиши мумкин:

What a nice girl! – Қандай ёқимтой қиз!

How clever! – Доно фикр!

3. Буйруқ гаплар (буйруқлар, илтимослар)

- Буйруқ гапда феъл буйруқ-истак майли шаклида қўлланилади (қаранг: 101-бет).

- Буйруқ гап кесимдан бошланади, **you** – эга эса фақат назарда тутилади.

- Илтимос буйруқдан мазкур жиҳатлари билан фарқ қилади:

а) гапнинг охирида **please, will you? won't you?** қўйилади:

Go away, will you? – Кетинг, илтимос.

Come here, please. – Илтимос, бу ёққа кел.

б) **will, would** кўмакчи феъллари иштирокида гап умумий савол шаклини олади:

Will you give me a match, please? – Менга гугурт беринг, илтимос.

- Буйруқ гапларда **always** ва **never** феълдан олдин қўйилади:

Never say that again. – Ҳеч қачон бунни бошқа гапирма (Бу иккинчи оғзингдан чиқмасин).

- Биринчи ва учинчи шахсларга қаратилган иш-ҳаракатга ундашни ифодалаш учун **let** феъли қўлланилади.

Let us go home. – Кетдик уйга.

Let Umida do it. – Бунни Умида қилсин.

Do not let them come here. – Улар бу ерга келишмасин.

3.2. Сўроқ гаплар

- Инглиз тилида қуйидаги сўроқ гап турлари мавжуд:

◆ Умумий сўроқ гап

- Берилган саволга «ҳа» ёки «йўқ» жавоблари кутилса, умумий савол қўлланилади. Умумий саволнинг жавоби тўлиқ бўлиши шарт эмас.

- Умумий сўроқ гапнинг асосий қолиплари:

Ёрдамчи феъл ёки модал феъл	Эга	Бошқа ёрдамчи феъллар	Етакчи феъл	Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари
-----------------------------------	-----	--------------------------	----------------	--

Агар дарак гапнинг ёрдамчи феъли бўлмаса, **do, does, did** (*Simple*) олдинга чиқади.

Боғловчи феъл	Эга	Кесимнинг отлашган қисми	Гапнинг бошқа бўлаклари
---------------	-----	--------------------------	-------------------------

Агар гапнинг кесими етакчи феъл сифатида қатнашаётган **to be** (бўлмоқ) ёки **to have** (эга бўлмоқ) феъллари билан ифодаланса, сўроқ гап мазкур қолип асосида тузилади:

To be ёки to have нинг тусланган шакли	Эга	Гапнинг бошқа бўлаклари
---	-----	----------------------------

To have етакчи феъл бўлиб келганда ушбу қолип ҳам қўлланилади:

To do	Эга	to have	Гапнинг бошқа бўлаклари
--------------	-----	----------------	-------------------------

● Модал феъллар муқобиллари иштирокида умумий сўроқ гап тузиш мисолларда кўрсатилган.

● Умумий сўроқ гапга берилган қисқа жавоб **Yes** (ҳа) ёки **No** (йўқ) сўзлари билан бошланади, кейин эганинг ўриндоши сифатида олмош ва сўроқ гапнинг биринчи ёрдамчи (модал) феъли қўйилади. Инкор жавобда **not** кўрсаткичи биринчи ёрдамчи, модал ёки боғловчи феълидан кейин қўйилади.

● Агар сўроқ гапнинг кесими **to be** ёки **to have** етакчи феъллари билан ифодаланса, жавобда шу феъллар такрорланади.

● Умумий сўроқ гапнинг жавоби сифатида бошқа сўз ва иборалар ҳам қўлланилиши мумкин: **certainly, rightly, so, perhaps, never** ва ҳ.к.

● Сўзлашув тилида умумий сўроқ гапга **Yes (Yea, Yeah ...)** ёки **No** сўзлари билангина жавоб бериш мумкин.

Is his brother reading a book in the library now? Yes, he is. – Унинг акаси ҳозир кутубхонада китоб ўқияптими? Ҳа, қияпти.

Do you speak English? No, I don't. – Сиз инглизча гапирасизми? Йўқ, гапирмайман.

Did you have dinner? Yes, I did (бу ерда have dinner бирикмаси етакчи феълдир). – Тушлик қилдингизми? Ҳа, қилдим.

Do you have much time? No, I don't (бу ерда have етакчи феълдир). – Вақтингиз кўпми? Йўқ, кўп эмас.

● Қуйидаги вариант ҳам тўғри саналади:

Have you much time? No, I haven't (бу ерда have ет. ф.). – Вақтингиз кўпми? Йўқ, кўп эмас.

Have you got a flat? Yes, I have. – Квартирангиз борми? Ҳа, бор.

Do you have to write? No, I don't (бу ерда have to must модал феълнинг муқобилидир). – Сиз ёзишга мажбурмисиз? Йўқ, мажбур эмасман.

Ought you to go home? Yes, I ought (бу ерда ought to must модал феълнинг муқобилидир). – Сиз уйга боришингиз керакми? Ҳа, керак.

Am I to do it? Yes, you are (бу ерда am to must модал феълнинг муқобилидир). – Мен бунни қилишим керакми? Ҳа, керак.

Are you able to translate this article? No, I am not. – Сиз бу мақолани таржима қила оласизми? Йўқ, қилолмайман.

Is she allowed to drive a car? Yes, she is. – Унга машина ҳайдашга рухсат беришадими? Ҳа, беришади.

Need he sell his car? No, he needn't. – У машинасини сотиши шартми? Йўқ, шарт эмас.

Are you a student? Yes, I am. – Сиз талабамисиз? Ҳа, талабаман.

Is there any book on the table? Yes, there is. – Столда китоб борми? Ҳа, бор.

● Умумий сўроқ гапнинг қисқа жавобларида равиш қатнашиши мумкин. У ёрдамчи ёки модал феълдан олдин қўйилади.

Do you have breakfast at home? Yes, I always do. – Сиз нонуштани уйда қиласизми? Ҳа, доим уйда қиламан.

- Умумий сўроқ гапга тўлиқ жавоб ҳам берилади:

Do you love me? Yes, I love you. – Мени яхши кўрасанми? Ҳа, мен сизни яхши кураман.

- Умумий сўроқ гапнинг бошқа дарак ёки сўроқ гап (кўчирма сўроқ гап, қаранг: 183-бет) таркибида келганда тузилишига эътибор беринг.

I don't know if she has translated the article. – У мақолани таржима қилдим, йўқми билмайман.

You know where the meeting will take place? – Сиз биласизми учрашув қаерда бўлишини?

Could you tell me wheather they will come? – Улар келишадими, йўқми, айтолмай-сизми?

◆ Махсус сўроқ гап

- Махсус сўроқ гап иш-ҳаракат қачон, ким томонидан, қаерда, қандай қилиб, нима учун бажарилётганини билиш учун берилади.

- Махсус сўроқ гапнинг қолипи:

1) савол эга ёки унинг аниқловчисига тегишли бўлмаганда:

а)

сўроқ сўз	ёрдамчи ёки модал феъл	эга	бошқа ёрдамчи феъллар	етакчи феъл	гапнинг бошқа бўлаклари
-----------	------------------------	-----	-----------------------	-------------	-------------------------

What is his brother doing in the library now? – Унинг акаси кутубхонада ҳозир нима қиляпти?

Whom are you waiting for? – Кимни кутяпсан?

Агар дарак гапнинг ёрдамчи феъли бўлмаса, **do, does, did (Simple)** олдинга чиқади.

Where do you live? – Қаерда яшайсан?

б)

сўроқ сўз	to be ёки to have	эга	гапнинг бошқа бўлаклари
-----------	--------------------------	-----	-------------------------

When have you lessons? – Дарсларинг қачон?

Where were you? – Қаерда эдингиз?

2) а) савол эгага тегишли бўлганда:

сўроқ сўз (who, what)	кесим	гапнинг бошқа бўлаклари
--------------------------------	-------	-------------------------

Who, what сўроқ сўзларидан кейин феъл учинчи шахс шаклида қўлланилади:

Who reads this book? – Бу китобни ким ўқийди?

Who worked here? – Бу ерда ким ишлади?

Who is coming? – Ким келяпти?

сўроқ сўз	боғловчи феъл	эга	кесимнинг отлашган қисми	гапнинг бошқа бўлаклари
-----------	---------------	-----	--------------------------	-------------------------

Who is a student? – Ким талаба?

б)

сўроқ сўз (what, which, how much, how many)	эга	кесим	гапнинг бошқа бўлаклари
--	-----	-------	-------------------------

How many pupils are in this class? – Бу синфда нечта ўқувчи бор?

Whose baby is crying? – Кимнинг боласи йиғлаяпти?

● Махсус саволга, одатда, ёйиқ гап шаклида ёки сўроқ сўзга мос қисқа жавоб берилади:

*I am going to the University. **Where** are you going? ёки To the University.*

● Махсус сўроқ гап бошқача кўринишда ҳам бўлиши мумкин:

*You saw him. **When?** – Сен уни кўрдинг. Қаерда?*

You have done it. For what? – Сен буни қилиб бўлдинг. Нимага?

● **Which, what** сўроқ сўзлари қўлланилишига эътибор беринг:

а) **which** чегарали танлов вазиятида:

***Which** one do you want? – Қайси бирини хоҳлайсиз?*

б) **what** кенг танлов вазиятида:

***What** is his size? – Унинг ўлчами қандай (неча)?*

● **Which, who** сўроқ сўзлари қўлланилишига эътибор беринг:

а) **which** + от + феъл:

***Which** athlete won? – Қайси атлет галаба қозонди?*

б) **who** + феъл:

***Who** comes? – Ким келади?*

• Комбинацияли (ҳам инкор, ҳам сўроқ) гаплар:

*Can you not help me? }
Can't you help me? } Менга ёрдам беролмайсизми?*

• Алтернатив сўроқ гаплар

● Алтернатив сўроқ гаплар жавоб берувчи жавобнинг иккисидан бирини танлаши талаб қилинганда берилади.

1-умумий савол	боғловчи (or)	2-умумий савол
----------------	---------------	----------------

Is this a pen or is this a pencil? – Бу ручками ёки бу қаламми?

Кўпинча алтернатив сўроқ гапларнинг соддалаштирилган варианты қўлланилади:

Is this a pen or a pencil? – Бу ручками ёки бу қаламми?

Махсус сўроқ гап ҳам алтернатив кўринишда бўлиши мумкин:

Who do you like best – John or Peter? – Кимни кўпроқ яхши кўрасан, Жонними ёки Петрними?

◆ **Ажратилган сўроқ гап**

● Ажратилган сўроқ гап билдирилган фикрга тасдиқловчи жавоб олиш ниятида берилади.

Ажратилган сўроқ гап қолипи:

дарак ёки инкор гап	вергул	қисқа умумий инкор сўроқ гап
---------------------	--------	------------------------------

He is speaking English, isn't he? – У англизча гапиряпти, шундай эмасми?

She can't play chess, can she? – У шахмат ўйнолмайди, шундай эмасми?

You are a schoolboy, are not you? – Сен мактаб ўқувчисисан, шундай эмасми?

There is a book on the table, is not there? – Столда китоб бор, шундай эмасми?

Brown is a professor, isn't he? – Браун профессор, шундай эмасми?

I have to go to school today, don't I? – Мен бугун мактабга боришим керак, шундай эмасми?

You work at a plant, don't you? – Сен завода ишлайсан, шундай эмасми?

It is 7 o'clock, is not it? – Соам 7, шундай эмасми?

You have three children, haven't you? (Англияда) – Сенинг учта боланг бор, шундай эмасми?

You have three children, don't you? (АҚШда) – Сенинг учта боланг бор, шундай эмасми?

Nobody came, did they? – Ҳеч ким келмади, шундайми?

Nothing must happen, must it? – Ҳеч нарса юз бермаслиги керак, шундайми?

● Ажратилган сўроқ гапга, одатда, умумий сўроқ каби қисқа жавоб қайтарилади: **Yes** ёки **No**, кейин мос кишилик олмоши, ёрдамчи ёки модал феъл келади. Шунингдек, кескин бўлмаган, журъатсиз розилик ёки норозиликни ифодаловчи воситалар мавжуд:

I suppose it is ёки I suppose so. – Назаримда, шундай.

It won't rain, will it? саволига тўғри жавоб қуйидагича:

I don't think it will (I think it won't – эмас).

◆ **«Сен (сиз)-чи?» сўроғи**

I am going to the cinema, and you? – Мен кинога бормоқчиман, сен-чи?

I study at the University, what about you? – Мен университетда ўқийман, сен-чи?

◆ **Кўчирма сўроқ**

● Бу ҳолда сўроқ бошқа шахс номидан берилади. Кўчирма саволлар икки хил:

а) сўроқ эргаш гап бўлган кўчирма гап орқали (қаранг: 190-бет):

The teacher asked me how old you were. – Ўқитувчи мендан ёшинг нечадалигини сўради.

б) сўроқ эргашган кўшма гапнинг бош гапи орқали (қаранг: 183-бет):

Do you know how old I am? – Сиз менинг ёшим нечадалигини биласизми?

◆ Оҳанг асосидаги сўроқ:

- *You'll go with us. Agreed?*
- *Сен биз билан борасан. Келишдикми?*
- *Agreed.*
- *Келишдик (Бўпти).*

● Шундай сўроқлар ҳам борки, шаклан сўроқ гап каби тузилса-да, жавоб талаб қилмайди. Улар **риторик сўроқ гап** деб аталади. Риторик сўроқ гаплар асосан бадий адабиётда ҳамда оғзаки нутқда фикр ифодасини кучайтириш учун қўлланилади:

Can I forget your rash action? = I cannot forget your rash action.

Мен сенинг ўйламай қилган ишингни унутолармиканман? = Сенинг ўйламай қилган ишингни унутолмайман.

Don't I forgive you? = I forgive you.

Мен сени кечирмайманми? = Мен сени кечираман.

● 3.3. Сўроқ сўзлар рўйхати

who	ким
whom	кимни, кимга
whom ... to	кимга
whom ... by (with)	ким орқали
whom ... from	кимдан
whom ... for	ким учун
whose	кимнинг
what	нима, қандай
what ... about	нима ҳақида
what ... with	нима билан
what ... from	нимадан
what ... for	нимага
why	нима учун
when	қачон
where	қаерга, қаерда
where ... from	қаердан
how	қанақа, қандай қилиб
how many	нечта, қанча (саналадиган)
how much	қанча (саналмайдиган)
how long	қандай узунликда
how old	неча ёш
which	қайси, қайси бири (жонивор ва жонсиз предметларга оид)
which of	-дан қайси бири
wherewith	нима билан, нима ёрдамида
whence	қаердан, қандай қилиб
wherefore	нима сабабдан
whereby	нима орқали
whereof	нимадан, ким/нима ҳақида
whereupon	нимада, қаерда, нима оқибатида

3.4. Инверсия – англиз тилида сўз тартибининг ўзгариши

● Юқорида айтилганидек, дарак гапда кесим эгадан кейин келади. Дарак гапда кесим ёки унинг қисми баъзан эгадан олдин туриши мумкин. Бундай қурилиш сўроқ гапга хос бўлиб, дарак гапда уни ифодалироқ, ҳиссиётлироқ қилиш учун қўлланилади.

● Гапда сўз тартибининг ўзгариш ҳоллари:

1) сўроқ гапнинг қурилиши:

I am a student. – Мэн талабаман.

Are you a student? – Сен талабамисан?

2) тақрорлашни истисно қилиш учун:

Nick works at a plant, and Peter works at a plant.

Nick works at a plant and so does Peter.

Jane is not working on Saturday, and Bill is not working on Saturday.

Jane is not working on Saturday and neither is Bill.

3) дарак гап ўрин ҳоли билан бошланади:

Texas lies at the edge of the Hill Country.

At the edge of the Hill Country lies Texas.

4) шарт боғловчи – «If» тушириб қолдирилади:

If I had gone to the post office, I would have bought stamps.

Had I gone to the post office, I would have bought stamps.

5) қуйидаги сўз ва иборлардан сўнг (агар содда гап ёки қўшма гапнинг бош гапи улар билан бошланса):

hardly ever	зўрға, деярли ҳеч қачон
neither	ҳам (эмас)
never	ҳеч қачон
no sooner ... than	-га ҳам улгурмасдан
nor	ҳам эмас
not often	камдан-ам
not once	бир марта эмас
not only ... as well	фақат ... эмас
not only ... but also	фақат ... эмас, балки ... ҳам
not until	-гача эмас
here	бу ерда
there	у ерда
nowhere	ҳеч қаерда
on no account	ҳеч ҳам, нима бўлганда ҳам
only	сал бўлмаса
only in this way	фақат бу йўл билан
only then	-дан ташқари
rarely	камдан-кам
scarcely	зўрға
scarcely ... when	ган... да зўрға
seldom	камдан-кам
so	ҳам
now	энди
little	кам
under no circumstances	ҳеч қандай вазиятда/шароитда

Max never bought another motorcycle. – Макс ҳеч қачон бошқа мотоцикл сотиб олмаган.

Never again did Max buy another motorcycle. – Ҳеч қачон яна бошқа мотоцикл олмаган Макс.

Here comes my friend. – Мана, дўстим келяпти.

● **Here, there** билан бошландиган гапларда эга кишилиқ олмоши билан ифодаланган бўлса, одатий тартиб сақланади:

There he is! – Мана у!

3.5. Инкор гаплар

1. Кесим инкорни ифодалаган гаплар инкор гаплар дейилади.

● Кесимнинг инкор шакли модал, боғловчи ёки биринчи ёрдамчи феълдан кейин қўйиладиган **not** кўрсаткичи ёрдамида ҳосил қилинади. Кесим таркибида модал, боғловчи ҳам ёрдамчи феъллар ҳам бўлмаганда (кесим **Simple** даги феъл билан ифодаланганда) **not** инкор кўрсаткичидан олдин **to do (do, does, did)** ёрдамчи феъли қўйилади:

His brother is not reading a book in the library now. – Унинг акаси ҳозир кутубхонада китоб ўқимаяпти.

I will not work at a factory. – Мен фабрикада ишламайман.

We don't speak Russian. – Биз русча гаплашмаймиз.

We shall not have finished our work by seven o'clock. – Биз ишимизни соат еттига тугатолмаймиз.

I can not go to school today. – Мен бугун мактабга боролмайман.

● Кесим **to be, to have** феъллари билан ифодаланганда **not** кўрсаткичи улардан кейин қўйилади:

He is not here now. – У ҳозир бу ерда эмас.

I have not a dictionary. – Менинг луғатим йўқ.

I have not got a flat. – Менинг квартирам йўқ.

● **To be** феъли боғловчи феъл сифатида қўллалганда ҳам **not** кўрсаткичи ундан кейин қўйилади:

She is not a teacher. – У ўқитувчи эмас.

● **To have** боғловчи феъл сифатида қўлланганда **not** кўрсаткичи **to do** феълдан кейин қўйилади.

They did not have talks last week. – Улар ўтган ҳафта музокаралар олиб боришмади.

I do not have breakfast at home. – Мен уйда нонушта қилмайман.

● Қуйида модал феълнинг муқобиллари иштирок этган инкор гапларга мисоллар келтирилган:

You don't have to do it. – Сиз буни қилишга мажбур эмассиз.

You ought not to go home. – Сиз уйга бормаслигингиз керак.

I am not to do it. – Мен буни қилишим шарт эмас.

You are not able to translate this article. – Сиз бу мақолани таржима қилолмайсиз.

She is not allowed to drive a car. – Унга машина ҳайдашга руҳсат йўқ.

He need not come here. – Унинг бу ерга келиши шарт эмас.

● Инглиз тилида инкор нафақат **not** кўрсаткичининг кесим таркибида қўлланилиши орқали, балки **no, nobody, no one, nothing** инкор олмошлари, **never, nowhere** инкор равишлари ёки **neither ... nor** инкор боғловчиларидан бири орқали ифодаланади.

*I have **no** time today. – Менинг бугун вақтим йўқ.*

Not инкор кўрсаткичига қараганда **no** инкорни кучайтириб беради:

***Nobody** came here. – Бу ерга ҳеч ким келмади.*

*You have **never** seen me before. – Сиз мени олдин кўрмагансиз.*

***Neither Davron nor Jahon** knew about it. – На Даврон, на Жаҳон бу ҳақида билишарди. Даврон ҳам, Жаҳон ҳам бу ҳақида билишмасди.*

● Қуйидаги сўзлар ҳам инкорни ифодалаши мумкин:

wish	афсус	hardly	деярли ҳеч нарса
unfortunately	афсуски	seldom	деярли ... эмас
scarcely	сал бўлмаса	rarely	деярли ҳеч қачон
barely	зўрға	hardly ever	деярли ҳеч қачон
nearly	деярли		

*I **wish** you came yesterday. – Афсус, кеча келмадинг.*

● **Wish** феъли билан **was** нинг ўрнига **were** қўлланилади:

*We **wish** today **were** sunny. – Афсус, бугун қуёш чарақламапти.*

*He **nearly** comes to office on time. – У даярли ҳеч қачон офисга вақтида келмайди.*

*I **hardly** studied yesterday. – Мен кеча даярли ҳеч нарса ўқимадим.*

● 2. Қисман инкор кесимдан бошқа гап бўлақларига тегишли бўлиши ҳам мумкин:

***Not** a person could be seen around. – Атрофда ҳеч бир кимсани кўриб бўлмасди.*

*I could rely on **no** one in this matter. – Мен бу масалада ҳеч кимга суяна олмайман.*

● Баъзан бир гап доирасида («инглиз тилида битта инкор мавжуд» қондасига зид равишда) ҳам умумий, ҳам қисман инкор бир гапда қўлланилиши мумкин:

*Kate is **not** a girl without **no** interests. – Катя қизиқишлари йўқ қиз эмас.*

Ўзбек тилидаги эгасиз гапларнинг инглиз тилида берилиши

● Инглиз тилидаги гапларда албатта эга ва кесим қатнашиши шарт. Буйруқ гапларда эга ишлатилмаса-да, "**you**" эгаси бор деб назарда тутилади (Sit down = You sit down).

● Ўзбек тилидаги "Қиш" ёки "Столда китоб бор" гапларида эга қатнашмайди.

Бундай ҳолларда инглиз тилида формал (ёлғондакам) эга ишлатилади. Акс ҳолда, инглиз тилининг грамматикаси доирасида сўроқ ва инкор гаплар тузиб бўлмайди. Чунки мазкур тилда сўроқ гап тузиш учун грамматик (ёрдамчи, модал ёки боғловчи) феъл эганинг олдига ўтиши керак.

3.6. Формал эгали гаплар

◆ **It** эгали гаплар

● 1. Ўзбек тилидаги атов гап инглиз тилидаги **it** шахссиз олмоши билан бошланган эгасиз гапларга тўғри келади. Бунда **it** эга вазифасини бажаради ва ҳолатни тасвирлашда қўлланилади:

It is cold. – Совуқ. *Is it cold?* – Совуқму? *It is not cold.* – Совуқмас.
It is dark. – Қоронғи. *Is it dark?* – Қоронғиму? *It is not dark.* – Қоронғимас.
It is spring. – Баҳор. *Is it spring?* – Баҳорму? *It is not spring.* – Баҳормас.

Ўзбек тилида ... қийин, ... мумкин эмас, ... иложи йўқ, ... муҳим ва ҳоказо сўзлар билан тугайдиган гаплар инглиз тилида шу аснода қурилади:

It is difficult to understand what to do. – Нима қилиш кераклигини тушуниш қийин (бўляпти).

It is impossible to help him. – Унга ёрдам беришнинг иложи йўқ.

It is important to be present at every lesson. – Ҳар бир дарсда қатнашиш муҳим.

Ўзбек тилидаги *Ёмғир ёғяпти*, *Қор ёғди* ва б. гапларга инглиз тилидаги **it** билан бошланадиган шахсиз гаплар мос келади:

It rains in autumn. – Кузда ёмғир ёғади.

It is snowing now. – Ҳозир қор ёғяпти.

Кўп ҳолларда гапнинг эгаси мавжуд шахс (шахслар гуруҳи) ёки предмет (предметлар гуруҳи)ни ифодалайди. Улар шахсли гаплар деб аталади:

She is a children's doctor. – У – болалар врачси.

Can Firdavs speak English? – Фирдавс инглизча гапира оладими?

● 2. Агар гапнинг эгаси иш-ҳаракатни бажарувчи аниқ шахсни ифодаламаса, бундай гап шахсиз деб аталади. Уларнинг эгаси сифатида **they**, **one** ёки **it** қўлланилади:

They say it is good film. – Айтишларича, бу яхши фильм.

One can do this work. – Ҳар ким бу ишни қила олади.

Гап табиат ходисалари ҳолати, вақт ёки масофани ифодалаганда ҳам **it** олмоши таржима қилинмайди.

It was cold. – Совуқ эди.

It will be very late. – Жуда кеч бўлади.

It is important that... – ... лиги муҳим.

◆ **There** эгали гаплар

● **There is**, **There are** оборотли гаплар аниқ бир жойда шахс ёки предметнинг борлиги ёки йўқлигини кўрсатиш учун ишлатилади.

● **There is** оборотили гап қуйидагича тузилади:

There is (there are)	тўлдирувчи	ўрин ҳоли
-----------------------------	------------	-----------

● **There is** дан кейин саналадиган от ноаниқ артикль билан қўлланилади. Қуйидаги гапларнинг фарқига эътибор беринг:

There is a newspaper on the table. – Столда газета бор.

The newspaper is on the table. – Газета столда.

There was a building in this place many years ago. – Анча йил олдин бу жойда бино бор эди.

Are there many rooms in this flat? – Бу квартирада хоналар кўпми?

How much money was there in your bag? – Сумкангизда неча пул бор эди?

There had been some books in this shelf. – Бу шкафда бир нечта китоб бор эди.

There is a book and three pens on the table. – Столда (бумта) китоб ва учта ручка бор.

There is not a book on the table. – Столда китоб йўқ.

There is no milk in the glass. – Стаканда сут йўқ.

● **No** иштирокидаги инкор кўпинча саналмайдиган мавҳум ва моддий отлар билан келади. **No** абсолют инкорни ифодалайди ва артикль қўлланилишини истисно этади.

● Қуйидагиларни ёдда тутмоқ зарур:

а) гапнинг эгаси бирликдаги (кўпликдаги) от бўлса, **to be** феъли ҳам бирликда (кўпликда) бўлади:

There is a book on the table. – Столда китоб бор.

There were pupils in the classroom. – Синфда ўқувчилар бор эди.

б) эга бир нечта отлар бирикмаси орқали ифодаланиб, уларнинг биринчиси бирликда бўлса, **to be** ҳам бирликда келади:

There is a table and five chairs in the room.

ёки

There are five chairs and a table in the room.

● Сўроқ гапда **to be** феъли **there** сўзидан олдин, инкор гапда **no** ёки **not** инкор кўрсаткичи феълдан кейин қўйилади:

Is there a pen on the table? – Столда ручка борми?

There is no pen on the table. – Столда ручка йўқ.

● Агар эътибор предметнинг қаердалиги, қандайлигига эмас, балки ўзига қаратилса, **there is, there are** обороти қўлланилмайди.

● **There** дан кейин нафақат **to be** феъли шакллари, балки таркибида **be** бўлган иборалар ҳам қўлланилиши мумкин: **there must be, there can't be, there should be.**

There should be another book in my bag. – Сумкамда яна бошқа китоб бўлиши керак.

● **There** дан кейин **to exist** (мавжуд бўлмоқ), **to live** (яшамоқ), **to lie** (ётмоқ), **to stand** (турмоқ) феъллари ҳам ишлатилиши мумкин:

There exist different ways of solving this problem. – Бу муаммони ҳал қилишнинг турли йўллари мавжуд.

● **There is, there are** оборотининг қуйидаги қолиплари ҳам бор:

а) **there may (can, must) be...**

... бўлиш (керак) мумкин.

б) **there is certain (sure) to be ...**

... аниқ (албатта) бор.

в) **there seems (appears) to be ...**

... (назаримда) бўлса керак.

4. Қўшма гап (The composite sentence)

● Қўшма гап икки ёки ундан ортиқ содда гапдан таркиб топади. Қўшма гаплар икки хил бўлади:

- 1) боғланган қўшма гап;
- 2) эргашган қўшма гап.

4.1. Боғланган қўшма гап

● Инглиз тилида боғланган қўшма гап қисмлари ё тенг боғловчилар (тенг боғловчилар рўйхати 1.10-бандда келтирилган) ёрдамида бирикади, ёки бир-биридан вергул билан ажратилади.

Farzona went to school and her brother stayed at home. – Фарзона мактабга кетди, унинг укаси эса уйда қолди.

4.2. Эргаш гапли қўшма гап

● Эргаш гапли қўшма гап бош ва эргаш гапдан таркиб топади. Агар бош гап эргаш гапдан олдин келса, улар вергул билан ажратилмайди; агар эргаш гап бош гапдан олдин келса, ундан кейин вергул қўйилади.

● Эргашган қўшма гап қисмлари, одатда, эргаштирувчи боғловчи ёки боғловчи сўзлар (рўйхатлари 153-, 154-бетларда келтирилган) ёрдамида бирикади. Эргашган қўшма гап доим бош ва бир ёки бир нечта эргаш гапдан ташкил топади.

I don't know what you are doing (Мен сен нима қилётганингни билмайман).
эга / боғловчи / эргаш гап

● Қуйидагилар эргашган қўшма гапнинг асосий турларидир:

- 1) эга эргаш гапли қўшма гап;
- 2) кесим эргаш гапли қўшма гап;
- 3) тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап;
- 4) аниқловчи эргаш гапли қўшма гап;
- 5) (ўрин, шарт ва ҳ.к.) ҳол эргаш гапли қўшма гап.

◆ Эга эргаш гап

● Эга эргаш гапли қўшма гап гапнинг эгаси шаклан (алоҳида сўзга эмас) гапга тенг бўлганда қўлланилади. Эга эргаш гап бош гап билан **that, whether, if, who, whom, whose, which, what, when, where, how, why** боғловчи ва боғловчи сўзлари ёрдамида бирикади.

● Эга эргаш гапли қўшма гапнинг асосий қолипи:

боғловчи	(бош гап эгаси вазифасидаги) эргаш гап	эгаси йўқ бош гап
----------	---	-------------------

When we shall be at home is unknown. – Қачон уйда бўлишимиз номаълум.
Боғловчи эга эргаш гап бош гап

● Эга эргаш гап кўпинча кесимдан кейин келади. Бу ҳолда қўшма гап қуйидаги қолипга эга бўлади:

эгаси формал it бўлган бош гап	that боғловчиси	эргаш гап
--	---------------------------	-----------

It is said that she is ill. – Айтишларича, у касал экан.
бош гап **боғловчи** **эргаш гап**

● Бош гапнинг кесими заруриятни, истакни ва ҳ.к. ифодаласа, эргаш гап буйруқ-истак майлида қўлланилади (қаранг: 101-бет).

It is necessary that he should go there. – Унинг у ерга бориши зарур.

◆ Кесим эргаш гап

● Кесим эргаш гапли қўшма гап бош гап таркибли кесимнинг от қисми шаклан (алоҳида сўзга эмас) гапга тенг бўлганда қўлланилади. Кесим эргаш гап бош гап билан **that, whether, if, who, whom, whose, which, what, when, where, how, why** боғловчи ва боғловчи сўзлар ёрдамида бирикади.

● Кесим эргаш гапли қўшма гап қолипи:

кесимнинг от қисми бўлмаган бош гап	боғловчи	(кесимнинг отлашган қисми вазифасидаги) эргаш гап
---	----------	---

The trouble is that I have lost my key.
бош гап **боғловчи** **эргаш гап**

Фалокат мен калитни йўқотганимда / Фалокат шундаки, мен калитни йўқотиб қўйдим.

◆ Тўлдирувчи эргаш гап

● Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап бош гап кесими тўлдирувчиси шаклан (алоҳида сўзга эмас) гапга тенг бўлганда қўлланилади.

● Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап қолипи:

бош гап	боғловчи	эргаш гап
---------	----------	-----------

● Тўлдирувчи эргаш гап, одатда, **that, whether, if, who, whom, whose, which, what, when, where, how, why** боғловчи ва боғловчи сўзлари орқали бирикади.

She does not know when I shall leave. – У мен қачон кетишимни билмайди.
бош гап **боғловчи** **эргаш гап**

● Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапда **that** тушириб қолдирилиши мумкин: **say, tell, think, believe** феълларидан кейин **that**, одатда, тушириб қолдирилади, **to mention, to declare, to report, to state** феълларидан кейин **that** боғловчиси тушириб қолдирилмайди.

● Баъзи гаплар **that** боғловчисининг ўзи билан бошланиши мумкин:

That he could do such a thing surprised me. – У бундай қилиши мумкинлиги мени ҳайрон қолдирди.

● Агар бош гапнинг феъли инкор шаклида ёки тўлдирувчи эргаш гап таркибида кўчир-ма сўроқ гап бўлса, **if** боғловчиси қўлланилади:

*I asked him **if** he would come.* – Мен ундан келадими, йўқми сўрадим.

● Қуйидаги гапларга эътибор бериш лозим:

It is necessary (important, recommended, ...) that she find the key. – У калитни топши зарур (муҳим, тавсия қилинган).

The doctor suggested (insisted, advised, commanded, asked, demanded, ...) that his patient stop smoking. – Врач ўз беморига чекишни тўхтатишни таклиф қилган (талаб қилган, маслаҳат берган, сўраган).

Бундай гапларда эргаш гапдаги феъл **-s** кўшимчасисиз келади.

● Аниқловчи эргаш гап

● Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап бош гап эгасининг ёки шу гапдаги бошқа отга тегишли аниқловчиси шаклан (алоҳида сўзга эмас) гапга тенг бўлганда қўлланилади. Аниқловчи эргаш гап бевосита ана шу отдан кейин туради.

● Аниқловчи эргаш гап **that, who, whom, whose, which, when, where** боғловчи ва боғловчи сўзлари ёрдамида бирикади.

● Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап қолипи:

а)

бош гап эгаси	боғловчи сўз	аниқловчи эргаш гап	бош гап кесими	бош гапнинг бошқа бўлаклари
------------------	-----------------	------------------------	-------------------	--------------------------------

This man who is champion of Uzbekistan is my friend.

Ўзбекистон чемпиони бўлган бу одам – менинг дўстим.

Мазкур гап қуйидаги кўринишни олиши ҳам мумкин:

This man, champion of Uzbekistan, is my friend.

б)

охири от билан тугалланадиган бош гап	боғловчи сўз	аниқловчи эргаш гап
---------------------------------------	-----------------	------------------------

I am looking for the book that I lost yesterday.

Мен кеча йўқотган китобимни қидиряпман.

● Ҳол эргаш гап

● Ҳол эргаш гапли қўшма гап бош гапнинг ҳоли шаклан (алоҳида сўзга эмас) гапга тенг бўлганда қўлланилади. Ҳол эргаш гапли қўшма гапнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) ўрин эргаш гапли қўшма гап;
- 2) пайт эргаш гапли қўшма гап;
- 3) шарт эргаш гапли қўшма гап;
- 4) равиш эргаш гапли қўшма гап;
- 5) қиёс эргаш гапли қўшма гап;
- 6) натижа эргаш гапли қўшма гап;

- 7) мақсад эргаш гапли қўшма гап;
 8) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап;
 9) сабаб эргаш гапли қўшма гап.

● Бундай гапларнинг қолиплари:

а)

боғловчи	ўрин ёки пайт эргаш гап	бош гап
----------	-------------------------	---------

ёки

бош гап	боғловчи	ўрин ёки пайт эргаш гап
---------	----------	-------------------------

● Ўрин ёки пайт эргаш гап, одатда, **when, where, after, till (until), before, as soon as** боғловчилари ёрдамида бирикади:

When I entered the room I saw Kate there. – Мен хонага кирганимда Катяни кўрдим.

I shall be there where you saw me yesterday. –

Мен сен мени кеча кўрган жойингда бўламан/Сен мени кеча қаерда кўрган бўлсанг, ўша ерда бўламан.

б)

боғловчи	шарт эргаш гап	бош гап
----------	----------------	---------

ёки

бош гап	боғловчи	шарт эргаш гап
---------	----------	----------------

● Шарт эргаш гап, одатда, **if, in case, unless** ва б. боғловчилар ёрдамида бирикади:

If you need me I shall be at home. – Агар мен сенга керак бўлиб қолсам, уйда бўламан.

I shall help you if you need me. – Сенга керак бўлиб қолсам, мен сенга ёрдам бераман.

● Таъкидлаш жоизки, шарт эргаш гапда худди пайт ёки ўрин эргаш гапдаги каби феъл-кесим ҳеч қачон келаси замон шаклини олмайди (қаранг: 188-бет).

● Қуйидаги қолиплар бўйича қолган ҳол эргаш гаплар бош гапга бирикади:

бош гап	боғловчи	ҳол эргаш гап
---------	----------	---------------

ёки

ҳол эргаш гап	боғловчи	бош гап
---------------	----------	---------

Яъни:

1) равиш эргаш гап (**as, as if, as though, that** боғловчилари ёрдамида бирикади):

He answers as if he didn't study this subject. – У бу фанни ўқимагандек жавоб беради.

2) қиёс эргаш гап (**than, as ... as, so ... as, the ... the** боғловчилари ёрдамида бирикади):

The picture is not so interesting as I thought. – Расм мен ўйлаганчалик қизиқарли эмас.

The more time you have, the better you will do that. – Вақтингиз қанча кўп бўлса, буни шунча яхшироқ бажарасиз.

3) натижа эргаш гап (**so that** ёки оғзаки нутқда **so** боғловчилари ёрдамида бирикади):

I was late to the lesson so that I didn't go to school. – Мен дарсга кеч қолдим, шунинг учун мактабга бормадим.

4) мақсад эргаш гап (**so that, so, in order that** боғловчилари ёрдамида бирикади):

Father gave me money so that I might buy this calculator. – Дадам менга калькулятор сотиб ола олишим учун пул бердилар.

5) тўсиқсиз эргаш гап (**though, although, in spite of** боғловчилари ёрдамида бирикади):

In spite of being busy I shall help you. – Бандлигимга қарамай, мен сенга ёрдам бераман.

6) сабаб эргаш гап (**as, because, since, for fear (that),** расмий услубда **on the ground that, for the reason that** боғловчилари ёрдамида бирикади):

Since she knew English well, they asked her to translate the letter. – У инглизчани яхши билгани учун улар ундан хатни таржима қилишни сўрашди.

4.3. Қўшма гапларда замонлар мослашуви

● Инглиз тилида эргаш гаптаги (асосан тўлдирувчи эргаш гаптаги) феъл замони бош гап феъл замонига боғлиқдир.

● Қўшма гапларда замонлар мослашуви қоидалари:

1) агар бош гапнинг феъл-кесими ҳозирги ёки келаси замонда бўлса, тўлдирувчи эргаш гап феъли мазмунан талаб этилган замонда қўлланилади:

Do you know { *where she lives now?*
where she lived before?
where she will live in New York next summer?

У ҳозир қаерда яшашини/У олдин қаерда яшаганини/У кейинги ёз Нью-Йоркнинг қаерида яшашини биласанми?

2) агар бош гапнинг феъл-кесими ўтган замонда бўлса, эргаш гапнинг феъли замонлар мослашуви қоидаларига бўйсунди:

а) демак, бош гап феъли *Simple* шаклидаги ўтган замонда, эргаш гап феъли мазмунан шу шаклдаги ҳозирги замонни ифодаласа, у шаклан *Simple* нинг ўтган замонида берилади:

We didn't know you lived here. – Биз сени бу ерда яшашингни билмас эдик.

● **Must** модал феъли буйруқ, мажбурият маъноларида келганда ўзгаришсиз, ноилложлик, зарурият маъноларини билдирганда ўрнига **had to** қўлланилади. **Can** модал феъли эса замонлар мослашуви қоидаларига бўйсунди.

He said we must stay in. – У биз қолишимиз кераклигини айтди.

I knew he had to ring me up. – У менга қўнаироқ қилиши зарурлигини билардим.

I didn't know you could get books for me. – Сен менга китоб олиб бера олишингни билмасдим.

б) эргаш гап феъли бош гап феъли ифодалаган иш-ҳаракатдан олдин юз берган бўлса, *Perfect* гуруҳининг ўтган замон шакли ишлатилади:

I heard that Mr. Brown had left USA. – Мен жаноб Браун АҚШдан кетиб бўлганини эшитдим.

в) бош гапда айтилган ўтган замондаги иш-ҳаракатдан кейин юз берадиган иш-ҳаракат ўтган замондаги келаси замон орқали (*the Future in the Past*) **should, would** воситасида ифодаланади:

They wanted to know what time I would come home. – Улар мен қай вақтда уйга қайтишимни билишни хоҳлашди.

г) агар кўчирма, яъни тўлдирувчи эргаш гапда кетма-кет бажариладиган иш-ҳаракатлар ифодаланса, биринчи феъл *Perfect* нинг ўтган замонида, қолганлари эса *Simple* нинг ўтган замонида берилади:

Peter told me that he had been to the theatre, where he met an old friend and talked to him. – Петр менга театрда бўлгани, у ерда эски дўстини учратгани ва у билан суҳбатлашганини айтди.

● Замонлар мослашуви қодаларига бўйсунмаган истисно ҳоллар:

1. Тўлдирувчи эргаш гапнинг феъли ҳаммага маълум ҳодиса, фактни ифодалаганда бош гапнинг феъли ўтган замонда бўла туриб, эргаш гапнинг феъли *Present Simple* да қўлланиши мумкин:

The teacher told us that water boils at 100 degrees. – Ўқитувчи бизга сув 100 даражада қайнашини айтди.

2. Аниқловчи, сабаб ва қиёс эргаш гаплар феъли бош гапнинг феъли, ўтган замонда бўлса ҳам, *Present* ва *Future* замонларида келиши мумкин:

I told my sister about the book which I am writing (аниқловчи э.г.). – Мен синглимга ёзаётган китобим ҳақида гапириб бердим.

It was so hot yesterday as it is today (қиёс э.г.) – Кеча бугунгидек иссиқ эди.

3. **Should, ought** феъллари, эргаш гапларда бош гап феъли қайси замонда турганидан қатъи назар, қўлланилади:

Mother said (says) that I ought to visit my grandmother. – Ойимлар бувимни кўриб келишим лозимлигини айтдилар (айтадилар).

4.4. Шарт гаплар

● Инглиз тилида шарт гапларнинг уч тури мавжуд.

◆ **Шарт гапларнинг биринчи тури**

● Шарт гапларнинг биринчи тури реал, бажариш имкони бор тахминларни ифодалайди. Келаси замонга тегишли бундай гапларда шарт (эргаш) гап феъли *Present Simple*да, бош гап феъли эса *Future Simple*да берилади:

If my wife comes in time, we shall go to the market. – Рафиқам вақтида келса, биз бозорга борамиз.

● Эргаш гапда *илтимосни* ифодалаш учун **will** феълини қўллаш мумкин. Бу ҳолда **will** ёрдамчи феъл вазифасини бажармайди:

I shall be glad if you will invite me. – Мени таклиф қилсангиз, хурсанд бўламан.

● Эргаш гап иш-ҳаракатининг *амалга ошиш эҳтимоли* камлигини ифодалаш учун, унинг кесими шарт майли I шаклида қўлланилиши мумкин:

If you should come in time, we shall go to the cinema together. – Агар сен вақтида келсанг, кинога бирга борамиз.

● Биринчи турдаги шарт гапларда бош гап буйруқ майлида бўлиши мумкин:

If you hear me, say to me your home address. – Мени эшитаётган бўлсанг, уй адресингни менга айт.

● Инглиз тилида (камдан-кам) ҳозирги ёки ўтган замонга тегишли шарт гаплар учрайди. Бундай гапларда ижро майлининг мазмунан талаб қилинган замони қўлланилади:

If she is in the office, she is probably writing report. – Агар у офисда бўлса, у маъруза ёзаётган бўлса керак.

If he came to school yesterday, he knew the homework. – Агар у кеча мактабга келган бўлса, у уй вазифасини билади.

● Шарт гапларнинг иккинчи тури

● Иккинчи турдаги шарт гаплар ҳозирги ёки келаси замонга тегишли *норвал* ёки *бажарилиш эҳтимоли* кам иш-ҳаракатларни ифодалайди. Иккинчи турдаги шарт гапларда эргаш гапнинг феъли шарт майли II ва бош гап феъли шарт майли I шаклларида қўлланилади:

If he entered the University next year he would learn English. – Агар у университетга келаси йил курса эди, у инглиз тилини ўрганарди.

● Эргаш гапдаги келаси замонга тегишли тахминнинг эҳтимоли камлигини бўрттириш учун шарт майли II билан бир қаторда шарт майли I ҳам қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда **should** ҳамма шахсларда берилади:

If I should see you tomorrow I should say to you about my decision. – Агар мен сени эртага кўрганымда эди, сенга ўз қарорим ҳақида айтардим.

● Эргаш гапда *илтимосни* ифодалаш учун шарт майли I ва ҳамма шахсларда **would** қўлланилиши мумкин:

We should be glad if you would explain us this problem. – Агар сиз бизга бу масалани тушунтириб берсангиз, биз хурсанд бўлардик.

● Шарт гапларнинг учинчи тури

● Шарт гапларнинг учинчи тури ўтган замонга тегишли, шу сабабли бажарилиш имкони йўқ тахминларни ифодалайди.

● Шарт гапларнинг учинчи тури эргаш гапларида шарт майли II перфект шаклида, бош гапида эса перфект шаклидаги етакчи феъл шарт майли I да ишлатилади:

If I had seen him before he would have told you about it. – Мен уни олдин кўрганымда эди, у сенга бу ҳақида айтарди.

● Шарт гаплар қўлланилишининг баъзи бир хусусиятлари

1. Шарт гапнинг бирор қисми қўлланилмаса-да, назарда тутилади:

If I had known about it a week ago! – Агар мэн бу ҳақида бир ҳафта олдин билганимда эди!

I wish, I saw you before. I should ask you about it. – Афсус, мэн сени олдин кўрмадим. Мен сендан бу ҳақида сўрардим.

2. Шарт гапларда баъзан **if** боғловчиси тушириб қолдирилиши мумкин:

1) агар биринчи турдаги шарт гапнинг эргаш гап қисмида кесим **should** феъли билан бошланса, **should** эгадан олдин қўйилади:

Should I want, I shall go to club. – Хоҳлаганимдагина клубга бораман.

2) иккинчи турдаги шарт гапнинг эргаш гап қисмида **were, had, could, should** феъллари бўлса ҳам, бу феъллар эгадан олдин қўйилади:

Could he help me today, I should be very glad. – У бугун менга ёрдам берадиганда эди, мэн жуда хурсанд бўлардим.

3) учинчи турдаги шарт гапларда ҳам **if** тушириб қолдирилади. Бунда **had** ҳам эгадан олдин қўйилади:

Had I known it, I should not have gone there. – Агар мэн бу ҳақида билганимда эди, у ерга бормасдим.

4) *If I were you I would go to study to the USA. – Агар мэн сенинг ўрниңда бўлганимда эди, Америкага ўқишга кетардим.*

Этибор беринг! Нореал шарт гапларда эргаш гапдаги **to be** феъли доим **were** бўлиб келади.

4.5. Кўчирма ва ўзлаштира гап

● Кўчирма гапда муаллифнинг гапи сўзма-сўз келтирилади. Ўзлаштира гап кўчирма гапнинг мазмунини сақлаган ҳолда бошқа шаклда ифодалайди. Кўчирма гап асосан кимнингдир сўзи айнан келтирилганда қўлланади (цитаталар, ҳикматли сўзлар).

● Ўзлаштира гап шаклан тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапга мос келади.

● Кўчирма гапни ўзлаштира гапга ўтказишда қуйидаги ўзгартиришлар амалга оширилади:

1. Агар кўчирма гап дарак гап бўлса:

а) кишилик ва қаратқич олмошлари мос равишда ўзгаради. Бу ўзгариш эргаш гап феъл-кесимининг ҳам шаклини ўзгартиришни тақозо этиши мумкин:

Кўчирма гап	Ўзлаштира гап
Ann says: "I shall give you my book".	Ann says that she will give me her book.
Анна айтади: «Мэн сизга китобимни бераман».	Анна менга китобини беришини айтди.
Jaclyn will say: "I want to invite you to my birthday".	Jaclyn will say that she wants to invite me to her birthday.
Жаклин айтади: «Мэн сени туғилган кунимга таклиф қилмоқчиман».	Жаклин мени туғилган кунига таклиф қилмоқчилигини айтади.

б) бош гапнинг феъл-кесими ўтган замонда бўлса, замонлар мослашуви қондаси қўлланилади ва мос равишда кўрсатқич олмошлари, равишлар ўзгаради:

this	бу →	that	у, анави
these	булар →	those	анавилар
now	ҳозир →	then	унда, ўшанда
today	бугун →	that day	ўша куни

tomorrow	эртага →	the next day	кейинги кун эртаси (куни)
yesterday	кеча →	the day before	бир кун олдин
ago	олдин, илгари →	before	олдин, аввал
here	бу ерда (-га) →	there	у ерда/(-га)

Кўчирма гап	Ўзлаштира гап
The girl said: "I go to bed at 10 o'clock".	The girl said (that) she went to bed at 10 o'clock.
Қиз деди: «Мен соат 10 да ётиб ухлайман».	Қиз соат 10 да ётиб ухлашини айтди.
He said: "I shall meet her at the station tomorrow".	He said that he would meet her at the station the next day.
У деди: «Мен уни эртага вокзалда кутиб оламан».	У уни эртаси куни вокзалда кутиб олишини айтди.
She said: "I saw him here yesterday".	She said that she had seen him there the day before.
У деди: «Мен уни кеча бу ерда кўрдим».	У уни бир кун олдин у ерда кўрганини айтди.

● Шундай қилиб, замонлар мослашуви қондасига биноан бош гапнинг феъли ўтган замонда бўлса, кўчирма гапнинг феъли ҳам у ўзлаштира гапга ўтганда ўтган замонда туриши керак.

● Кўчирма гапда айтилган иш-ҳаракат ёки ҳолат ҳали ҳам мавжуд бўлса, феъл ўтган замонга ўтмайди:

She said: "I am ill". She said she is ill. – У деди: «Мен касалман». У касаллигини айтди.

● Агар ўзлаштира гап ифодалаётган вазият талаб этмаса (яъни кўчирма гапдаги иш-ҳаракатнинг ўрни ва пайти ўзгармаса), кўрсаткич олмошлари ва равишлар ўзгармаслиги мумкин.

2. Кўчирма гап сўроқ гап бўлса, қуйидаги ўзгаришлар юз беради:

● Умумий сўроқ шаклидаги кўчирма гап ўзлаштира гапга ўтказилса, у If ёки **whether** боғловчилари; махсус сўроқ шаклида бўлса, **who, which, whose, when, why, how many** сўроқ сўзлари иштирокида бирикувчи тўлдирувчи эргаш гапга мос келади:

Кўчирма гап	Ўзлаштира гап
She asked me: "Do you know the way to the stadium?"	She asked me if (whether) I knew the way to the stadium.
У мендан сўради: «Сен стадионга борадиган йўлни биласанми?»	У мендан стадионга олиб борадиган йўлни билиш билмаслигимни сўради.
He asked us: "Where will you go in the evening?"	He asked us where we would go in the evening.
У биздан сўради: «Кечкурун қаерга борасизлар?»	У биздан кечкурун қаерга боришимизни сўради.

● Сўроқ гап ўзлаштира гапга ўтказилганда сўз тартиби худди дарак гап шаклида тузилади, яъни феъл-кесим эгадан кейин қўйилади.

Кўчирма гап	Ўзлаштирама гап
My mother asked me: «Will you have dinner at home?»	My mother asked me whether I should have dinner at home.
Ойим мендан сўрадилар: «Тушликни уйда қиласанми?»	Ойим мендан тушликни уйда қилиш-қилмаслигимни сўрадилар.
He asked them: «Where did you come from?»	He asked them where they had come from.
У улардан сўради: «Сизлар қаердан келгансиз?»	У улардан қаердан келганларини сўради.

3. Кўчирма гап буйруқ гап шаклида бўлганда:

● Ўзлаштирама гапда буйруқ-истак майли инфинитив орқали берилади. Агар кўчирма гап буйруқни ифодаласа, муаллиф гапидаги **to say** феъли **to tell** (*айтмоқ, буюрмоқ*) ёки **to order** (*буюрмоқ*) феълига алмаштирилади.

● Муаллиф гапидаги **to say** феълидан кейин тўлдирувчи келса, у **to tell** феълига ўзгартирилади. **To say** феълидан кейин тўлдирувчи **to** предлоги қўйилса, **to tell** феълидан кейин предлог қўлланилмаслигига эътибор бермоқ зарур:

He said to me: 'I'm busy now'. – У менга деди: «Мен ҳозир бандман».

He told me that he was busy then. – У менга ўшанда бандлигини айтди.

● Агар кўчирма гап илтимосни ифодаласа, **to say** феъли ўрнига **to ask** (*сўрамоқ*) ишлатилади:

Кўчирма гап	Ўзлаштирама гап
He said: "Tell me please, what time is it now?"	He asked me to tell him what time it was then.
У деди: «Илтимос, менга ҳозир соат нечалигини айтинг».	У мендан соат неча бўлганини сўради.
"Don't be late for the lecture" she said.	She told us not to be late for the lecture.
«Маърузага кеч қолманг», – деди у.	У бизга маърузага кеч қолмаслигимизни айтди.

● Инглизча ўзлаштирама гапда **to ask** – *сўрамоқ*, **to tell** – *айтмоқ*, **to order** – *буюрмоқ* феълларидан кейин доим илтимос ёки буйруқ кимга қаратилганини кўрсатувчи воситали тўлдирувчи келади:

Кўчирма гап	Ўзлаштирама гап
My friend said: "Help me with English grammar please".	My friend asked me to help him with English grammar.
Дўстим менга деди: «Илтимос, менга инглиз тили грамматикаси бўйича ёрдам бер».	Дўстим мендан унга инглиз тили грамматикаси бўйича ёрдам беришимни сўради.
"Follow me", – said the officer.	The officer ordered to follow him.
«Кетимдан юринг», – деди офицер.	Офицер кетидан юришимни буюрди.

4.6. Таркибида феълнинг шахссиз шакллари бўлган синтактик комплекслар

● Инглиз тилида аҳамияти бўйича эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гап қисмига ўхшаш синтактик комплекс деб аталувчи махсус конструкциялар мавжуд.

● Синтактик комплекслар икки қисмдан иборат:

- 1) от ёки олмош билан ифодаланган от қисми;
- 2) инфинитив, герунд, равишдош билан ифодаланган феъл қисми.

● Инфинитивли комплекслар

● Инфинитивли комплекслар қуйидаги шаклларда қўлланилади:

1. Мураккаб тўлдирувчи (complex object);
2. Мураккаб эга (complex subject);
3. **For (for – to – infinitive construction)** предлоги билан киритиладиган конструкциялар.

● 1. Мураккаб тўлдирувчи умумий келишиқдаги от ёки объект келишигидаги олмош билан ифодаланган от қисм ҳамда инфинитив билан ифодаланган феъл қисмдан тузилади.

Мазкур конструкция тўлдирувчи вазифасини бажаради ва фақат баъзи феъллардан кейин қўлланилади:

1) **to want, to like, to dislike, to expect** феълларидан ва **should (would) like** иборасидан кейин тўлдирувчи қисм **to** кўрсаткичи бўлган феъл инфинитиви орқали ифодаланади:

*She wants **mother to help** her. – У ойиси унга ёрдам беришини хоҳлайди.*

*I expect **you to write** to me. – Менга хат ёзишингизни кутаман/Менга хат ёзишингизга умид қиламан.*

*I would like **you to read** this book. – Сиз бу китобни ўқиб чиқишингизни хоҳлардим.*

2) **to tell, to allow, to permit** ва б. *рухсат* ва илтимосни билдирувчи феъллардан кейин тўлдирувчи қисм **to** кўрсаткичли инфинитив орқали ифодаланади:

*Did you allow **them to look through** your dairy? – Сиз уларга кундалигингизни кўриб чиқишга рухсат бердингизми?*

3) **to find, to consider, to think, to know, to believe** ва б. *идрокни* билдирувчи феъллардан кейин тўлдирувчи қисм **to be** феълнинг **to** кўрсаткичи бўлган шакли орқали ифодаланади. Кўпинча бундай ҳолларда **to be** тушириб қолдирилади:

*Everybody considered **him (to be)** very clever. – Ҳамма уни ақлли деб ҳисобларди.*

*He found **the book difficult** for him. – У китобни ўзи учун қийин деб ҳисоблади.*

4) **to see, to watch, to notice, to hear, to feel** ва б. *жисмоний идрок* феълларидан кейин тўлдирувчи қисм **to** кўрсаткичи тушириб қолдирилган инфинитив ёки сифатдош **I** орқали ифодаланади:

*I have seen **them go** into the room. – Мен уларнинг хонага кирганларини кўрдим.*

*I saw **him writing**. – Мен унинг ёзаётганини кўрдим.*

*I felt **someone watching** me. – Кимдир мени кузатаётганини кўрдим.*

5) **to make, to let, to have** каби мажбур қилиш маъносидаги феъллардан кейин тўлдирувчи қисм **to** кўрсаткичи тушириб қолдирилган инфинитив орқали ифодаланади:

What makes you think so? – Сизни бундай ўйлашга нима мажбур қилади?

6) **to help** феълдан кейин тўлдирувчи қисм ҳам **to** кўрсаткичи бўлган, ҳам **to** кўрсаткичи тушириб қолдирилган инфинитив орқали ифодаланади:

He helped the old man (to) find a taxi. – У кекса кишига такси топишга ёрдам берди.

● 2. Мураккаб эга умумий келишиқдаги от ёки объект келишигидаги олмош билан ифодаланган от қисм ҳамда инфинитив билан ифодаланган феъл қисмдан тузилади. Мураккаб эга, кесими қуйидаги феъллар орқали ифодаланганда қўлланилади:

1) мажҳул нисбатдаги идрок феъли орқали:

He is known to be a good worker. – У яхши ишчи сифатида танилган/Маълумки, у яхши ишчи.

2) мажҳул нисбатдаги жисмоний идрок феъли орқали:

He was seen to cross the street. – У кўчани кесиб ўтаётгани кўринарди.

3) мажҳул нисбатдаги **to say, to report, to announce** феъллари орқали:

The train is reported to have arrived on time. – Поезд вақтида келганини хабар қилишяпти/Хабар қилишларича, поезд вақтида келди.

4) **to seem, to appear, to happen, to turn out** феъллари орқали:

Yesterday we happened to see Eldor. – Кеча биз Элдорни (масодифан) кўриб қолдик.

5) **to be likely** (балки, ўхшайди), **to be sure** (шубҳасиз, албатта), **to be certain** (албатта) бирикмалари орқали:

She is likely to go there. – У балки у ерга боради/У уерга борадиганга ўхшайди.

● 3. **For** предлоги билан киритиладиган конструкция қуйидаги қолипдан иборат:

for + от + инфинитив ёки олмош

● **For** предлоги билан киритиладиган конструкция гапда эга, кесимнинг бир қисми, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол сифатида қўлланилади:

He waited for me to sit down (тўлдирувчи). – У менинг ўтиришимни кутди.

It is easy for you to do (эга) that. – Сизга бунни бажариш осон.

This is for them to do (кесимнинг бир қисми). – Бу – улар бажариши учун/Буни улар қилишлари керак.

The first thing for you to do (аниқловчи) is to agree with us. – Сизнинг биринчи қиладиган ишингиз – биз билан келишиш.

The weather was too cold for me to bathe (мақсад ҳоли). – Чўмилишим учун ҳаво жуда совуқ эди.

● Таъкидлаш жоизки, мураккаб тўлдирувчили ва **for** билан киритиладиган конструкциялар асосан ёзма нутқ учун хосдир.

◆ Герундли комплекслар

● Герундли комплекслар қаратқич келишигидаги от ёки қаратқич келишигидаги олмош билан ифодаланган отлашган қисм ҳамда герунд билан ифодаланган феъл қисм-

дан тузилади. Герундли комплекслар герунд сингари гапда от, кесимнинг бир қисми, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол вазифаларида келиши мумкин:

His coming (эга) *was very pleasant.* – Унинг ташрифи жуда маъқул бўлди.

We did not know the reason of his coming (аниқловчи) *here.* – Биз унинг бу ерга келиши сабабини билмасдик.

On the teacher's appearing (пайт ҳоли) *in the classroom, was a silence.* – Ҳитувчи синфда пайдо бўлганда тинчлик ҳукм суради.

Don't you mind my being (тўлдирувчи) *frank?* – Очигини айтсам, қарши эмасмисиз?/Очигини айтишимга қарши эмасмисиз?

◆ Равишдошли комплекслар

● Инглиз тилида равишдошли комплексларнинг уч тури мавжуд:

1. Мураккаб тўлдирувчи;
2. Мураккаб эга;
3. Абсолют равишдош конструкция.

● 1. Равишдошли мураккаб тўлдирувчи инфинитивли мураккаб тўлдирувчига ўхшайди, фақат бу ерда феъл қисм сифатида инфинитив эмас, равишдош қўлланилади. Равишдошли мураккаб тўлдирувчи асосан жисмоний идрок феълларидан кейин қўлланилишини ёдда тутмоқ зарур:

He saw me doing homework. – У мен уй ишини қилаётганимни кўрди.

● 2. Равишдошли мураккаб эга инфинитивли мураккаб эгага ўхшайди, фақат бу ерда феъл қисм сифатида инфинитив эмас, равишдош келади.

The taxi could be seen waiting outside. – Такси ташқарида кутаётганини кўриш мумкин эди.

● 3. Абсолют равишдош конструкция, одатда, умумий келишиқдаги от (кўрсаткич олмош, бош келишиқдаги олмош) ва равишдошдан иборат бўлади. Гапда бундай конструкция ҳол сифатида, камдан-кам ва фақат ёзма нутқда қўлланилади:

This being done, they set with light hearts. – Бу бажарилгач, улар енгил тортиб йўлга тушдилар.

He coming very late, we had to stay at home. – У кеч келгани учун уйда қолишимизга тўғри келди.

This done we decided to have a rest. – Бу бажарилгач, биз дам олишга қарор қилдик.

III ҚИСМ

СЎЗ ЯСАЛИШИ

Ўз сўз бойлигини шакллантириш учун ўқувчи қуйида келтирилган сўзни эслаб қолиш «сирлари»га эътибор бериши керак:

- 1) сўзнинг морфологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- 2) сўз ясалиш усулини ҳисобга олиш;
- 3) сўзнинг (асосан аввалдан таниш бўлган лотинча ва юнонча сўзлар) келиб чиқишини ҳисобга олиш;
- 4) ўзбек, инглиз ва бошқа тилларда қўлланиладиган байналмилал сўзларни ишлатиш.

1) инглизча кўпгина сўзлар бир вақтнинг ўзида шакл ўзгартирмасдан ҳам от, ҳам феъл бўлиши мумкин:

smoke – тутун, чекмоқ
study – кабинет, ўқимоқ
book – китоб, (билетга) буюртма бермоқ ва ҳ.к.

2) сўз ясалишининг асосий формулалари қуйидагилар:

сўз = *сўз* + *сўз* *text-book* – дарслик
сўз = *сўз* + *предлог* *see off* – кузатмоқ кўймоқ
сўз = *префикс* + *сўз* *retell* – (қайта) гапириб бермоқ
сўз = *сўз* + *суффикс* *drinkable* – ичишли

3) фан, техника, тиббиёт, иқтисодиёт ва спортда фойдаланиладиган кўпгина сўзлар асли лотинча ва юнонча сўзлардир:

formula – формула
bacterium – бактерия
cactus – кактус
athlete – атлет
atom – атом
manometer – манометр ва ҳ.к.

4) (ўзбек ва рус тилига кирувчи) байналмилал сўзлар ҳам салмоқли рўйхатни ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги от сўз туркумидаги сўзлар ҳисобланади:

lead – йўл бошламоқ, олиб бормоқ
compute – ҳисобламоқ
organization – ташкилот
organize – ташкил қилмоқ
organ – аъзо

Инглизча суффикс ва префикс қўшимчаларини билиш сўз бойлигини кенгайтириш имконини беради:

leader – бошловчи, илғор
market – бозор

ring – ринг, ҳалқа, узук

computer – компьютер

record – рекорд

blockage – блокада

disorganization – бузғунчилик, издан чиқариш

Китобнинг мазкур қисмида сўзни эслаб қолишга доир аниқ маълумотларга эга бўласиз.

I. Формула асосида сўз ясалиши

◆ Сўз = сўз + сўз

loud-voiced	– баланд овозли, овози баланд
after-life	– нариги дунёдаги ҳаёт
backbone	– умуртқа (суяк)
backdoor	– орқа эшик, хилват йўл
backside	– орқа томон
blackboard	– синф доскаси
childlike	– болаларга хос
clockwise	– соат мири бўйича
decigram	– дециграмм
decimeter	– дециметр
good-looking	– кўркем, чиройли
heart attack	– юрак хуружи
macrograph	– макросурат
microclimate	– микроклим
mother-in-law	– қайнона
new-born	– янги туғилган
night-clothes	– тунги кийим
octagon	– саккиз бурчак
octahedral	– саккиз қиррали
old-age	– кекса, кексалик, қари, қарилик
old-fashioned	– эскича, моладан қолган
open-hearted	– оқкўнгил, самимий
otherwise	– бошқачасига, бошқа йўл билан
science fiction	– илмий фантастика
self-acting	– ўзи ишлайдиган
self-defence	– ўзини ҳимоя қилиш
somehow	– қандай қилиб бўлса ҳам
somewhat	– нимадир
somewise	– қандайдир йўл билан
son-in-law	– куёв
text-book	– дарслик
three-roomed	– уч хонали
well-known	– таниқли
well-educated	– ўқимишли
well-fed	– яхши боқилган
well-timed	– ўз вақтида бўлган
well-to-do	– ўзига тўқ
well-wisher	– бошқаларга яхшилик истовчи
woman like	– аёлларга хос латофатли, нозик

II. Одатда, предлог билан қўлланиладиган сўзлар рўйхати

♦ *от + предлог:*

difficulty in	– (-)нинг қийинчилиги, (-)да қийинчилик
equivalent of	– (-)нинг муқобили
example of	– (-)га мисол
exception to	– қаршилиқ
fear for	– (нима учундир) қўрқув
fear of	– (нимадандир) қўрқув
hatred for	– (нима учундир) нафрат
hatred of	– (-)нинг нафрати
means for	– учун усул
means of	– (-)нинг усули
method for	– учун услуб
method of	– (-)нинг услуби
need for	– (-)га зорлик, муҳтожлик, зарурият
need of	– (-)га зорлик, муҳтожлик, зарурият
number of	– (-)нинг сони
pair of	– (-)нинг жуфти, жуфт
possibility of	– (-)нинг имкони
quality of	– (-)нинг сифати
reason for	– (-)нинг сабаби
sample of	– (-)нинг намунаси

♦ *сифат + предлог:*

accustomed to	– (-)га ўрганган/одатланган
afraid of	– (-)дан қўрқувчи/чўчувчи
amenable to	– (-)нинг олдида масъулиятли
bored with	– (-)ни соғинган
busy with	– билан банд
confident of	– (муваффақият)га ишонган, (-)дан кўнгли тўқ
content with	– билан мамнун
crazy about	– (-)га қаттиқ берилган
different from	– (-)дан фақли
divorced from	– (-)дан ажраган (турмушда)
fond of	– (-)ни яхши/хуш кўрувчи/ёқтирувчи
frightened of	– (-)дан қўрқувчи/чўчувчи
guilty of	– (-)да айбдор
inferior to	– бўйича паст
interested in	– (-)га қизиққан
isolated from	– (-)дан ажратилган
satisfied with	– билан мамнун
similar to	– (-)га ўхшаш
tired of	– (-)дан чарчаган/тўйган

◆ фэъл + предлог:

belong to	– (-)га тегшли/қарашли
consist of	– (-)дан иборат
dwell on	– тарқалмоқ
insist on	– (-)да туриб олмоқ, (-)ни талаб қилмоқ
prevail up(on)	– (-)га ишонтирмоқ
decide on	– танламоқ
succeed in	– (-)да муваффақият қозонмоқ/илфорлаб кетмоқ
plan on	– (-)га режалаштирмоқ
participate in	– (-)да иштирок этмоқ
depend on	– (-)га боғлиқ/тобе/қарам бўлмоқ
escape from	– (-)дан қочмоқ
detract from	– (-)ни камайтирмоқ/қисқартирмоқ
mingle with (in)	– билан/ (-)да аралашмоқ
engage in	– (-)да иштирок этмоқ/банд бўлмоқ
confide in	– (-)га суянмоқ/ишонмоқ
approve of	– маъқулламоқ, тўғри деб топмоқ
remove from	– (-)дан сурилмоқ
deal with	– билан алоқада бўлмоқ
emerge from	– (-)дан чиқмоқ
rely on	– (-)га ишонмоқ/суянмоқ/орқа қилмоқ
pay off	– тўламоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ
pay for	– учун/(-)га тўламоқ
concentrate on	– (-)га бутун диққатни/эътиборни қаратмоқ
agree with	– (-)га қўшилмоқ/кўнмоқ
laugh at	– (-)дан кулмоқ
recover from	– (-)дан тузалмоқ
pray for	– (-)ни дуо қилмоқ
wait for	– (-)ни кутмоқ
enquire about	– (-)дан хабар топмоқ
complain about	– (-)дан шикоят қилмоқ, нолимоқ
keen on	– билан қизиқмоқ
worry about	– (-)дан хавотир олмоқ
believe in	– (-)га ишонмоқ
compare with	– билан солиштирмоқ/қиёсламоқ
proceed with	– (-)ни қайта амалга оширмоқ
sorry about	– учун кечирим/узр сўрамоқ
see to	– қараб турмоқ, ғамхўрлик қилмоқ
see in	– кутиб олмоқ
see off	– кузатиб қўймоқ
feed on	– билан боқмоқ
operate on	– (-)ни операция қилмоқ; (-)га таъсир ўтказмоқ
stand by	– (-)да бўлмоқ/қатнашмоқ
convince of	– (-)га ишонтирмоқ
pick up	– (ердан) олмоқ/кўтармоқ

III. Формула асосидаги феъллар рўйхати

◆ феъл = to be + сифат

to be (un)comfortable	– ўзини (но)қулай ҳис этмоқ
to be 5 minutes late	– 5 минутга кечикмоқ
to be absent	– йўқ бўлмоқ (қатнашмаслик)
to be accustomed to	– ўргамоқ, одат қилмоқ
to be afraid	– қўрқмоқ
to be allowed	– рухсат берилмоқ
to be angry with smb.	– (-)дан жаҳли чиқмоқ
to be ashamed	– уялмоқ
to be averse to	– қарши бўлмоқ
to be aware of	– билмоқ, воқиф бўлмоқ, англамоқ
to be blame	– айбдор бўлмоқ
to be busy with smth.	– билан банд бўлмоқ
to be calm	– хотиржам бўлмоқ
to be certain of smth.	– (-)да ишончи комил бўлмоқ
to be cross	– жаҳли чиқмоқ
to be fond of smb.	– (-)ни яхши/хуш кўрмоқ/ёқтирмоқ
to be for (against)	– тарафдор (қарши) бўлмоқ
to be happy (delighted)	– бахтли (хурсанд) бўлмоқ
to be hungry	– очикмоқ, овқат ейишни хоҳламоқ
to be ill (healthy)	– касал (соғ) бўлмоқ
to be late for smth.	– (-)га кечикмоқ
to be lazy	– дангасалик қилмоқ
to be lost	– адашиб қолмоқ
to be mistaken	– хато қилмоқ
to be nervous	– асабийлашмоқ
to be out of place	– (бирор жойда) ўзини ноқулай ҳис қилмоқ
to be over	– тугамоқ
to be present	– бўлмоқ, қатнашмоқ
to be proud of	– фахрланмоқ
to be ready for smth.	– (-)га тайёр бўлмоқ
to be responsible for	– (-)га масъулият олиб бормоқ
to be responsible to	– (-)нинг олдида масъулиятли бўлмоқ
to be sad	– ғамгин/хафа бўлмоқ
to be shy	– уялмоқ
to be sorry	– афсусланмоқ
to be sure of smth.	– (-)да ишончи комил бўлмоқ
to be surprised at smb.	– (-)дан ҳайратланмоқ, (-)га ҳайрон бўлмоқ
to be thirsty	– чанқамоқ
to be tired	– чарчамоқ
to be upset	– кўнгли бузилмоқ

smth. = something

smb. = somebody

IV. Формула асосидаги феъллар рўйхати

◆ Феъл = феъл + сифат

become weak	– кучсизланмоқ, кучи кетмоқ, бўшашмоқ
catch cold	– шамолламоқ
do smb. good	– (-)нинг кимгадир фойдаси тегмоқ

do well	– ўзини яхши томондан кўрсатмоқ
get cold	– совимоқ
get strong	– кучга/қувватга кирмоқ/тўлмоқ
go blind	– кўр бўлиб қолмоқ
grow dumb	– тилдан (соқов бўлиб) қолмоқ
have fun	– қувнамоқ
have pity	– раҳм қилмоқ/келмоқ
hear wrong	– нотўғри эшитмоқ
make merry	– хурсандчилик қилмоқ

V. Отдан феъл ясалиши

◆ феъл = феъл + от

book a ticket	– билетга буюртма бермоқ
give a cry	– бақриб юбормоқ
give a kiss	– ўпмоқ
have breakfast	– нонушта қилмоқ
have dinner	– тушлик қилмоқ
have lunch	– тушлик қилмоқ
have mercy	– раҳм қилмоқ
have supper	– кечки овқатни емоқ
have tea	– чой ичмоқ
lay the table	– дастурхон ёзмоқ
make a fire	– олов ёқмоқ
make a journey	– сайёҳат қилмоқ
make a pause	– тўхтамоқ, тин олмоқ
make bed	– ўрин солмоқ
make progress	– ривожланмоқ, тараққий этмоқ
make tea	– чой дамламоқ
send away	– юбормоқ
take a car–bus–tram	– машинага/автобусга/трамвайга ўтирмоқ
take a holiday	– дам олмоқ
take a shot	– ўқ узмоқ
take a tan	– қуёшда қораймоқ
take a taxi	– такси(га) олмоқ (ўтирмоқ)
take away	– олиб қўймоқ
take cold	– шамолламоқ
take effect	– кучга кирмоқ (бошланмоқ)
take part	– қатнашмоқ
take place	– юз бермоқ
take root	– илдиз отмоқ
take shelter	– панага ўтмоқ
take vote	– сайламоқ, овоз бермоқ

◆ феъл = отнинг шакли ўзгариши:

а) сўзнинг ўзгариши

advice	– маслаҳат
advise	– маслаҳат бермоқ

applaud	– қарсақ/чапак чалмоқ
applause	– қарсақ, чапак
assemble	– йиғилмоқ
assembly	– йиғин, йиғилиш
bath	– ванна
bathe	– ванна қабул қилмоқ, чұмилмоқ
belief	– ишонч, эътиқод
believe	– ишонмоқ, имон келтирмоқ
bleed	– қонамоқ
blood	– қон
breath	– нафас
breathe	– нафас олмоқ
choice	– танлов
choose	– танламоқ
clothe	– киймоқ
clothes	– кийим
death	– ўлим
defence (defense)	– ҳимоя, мудофаа
defend	– ҳимоя/мудофаа қилмоқ
die	– ўлмоқ, қазо қилмоқ
feed	– боқ(ил)моқ, овқатлан(тир)моқ
food	– овқат
grief	– қайғу
grieve	– қайғурмоқ
half	– ярим
halve	– иккига бұлмоқ
life	– ҳаёт
live	– яшамоқ
practice	– машқ, амалиёт
practice	– машқ қилмоқ, амалиёт ўтамоқ
proof	– исбот
prove	– исботламоқ
shoot	– ўқ узмоқ, отмоқ
shot	– ўқ узиш, отиш
sing	– кўшиқ айтмоқ
song	– кўшиқ, ашула, куйлаш

б) сўз урғусининг кўчиши:

'export	– экспорт
ex'port	– экспорт(га) қилмоқ (чиқармоқ)
'import	– импорт
im'port	– импорт қилмоқ
'increase	– ошиш, кўпайиш, ўсиш
in'crease	– ошмоқ, кўпаймоқ, ўсмоқ
'insult	– ҳақорат
in'sult	– ҳақорат қилмоқ
'object	– предмет, объект
ob'ject	– қарши бұлмоқ
'present	– совға, қатнашаётган
pre'sent	– совға қилмоқ, тақдим этмоқ

VI. Формула асосидаги феъллар рўйхати

♦ феъл = феъл + предлог

	be бўлмоқ	bring олиб келмоқ	blow эсмоқ	bear кўтариб юрмоқ
away	чекинмоқ	–	шамол олиб кетмоқ, -дан чиқармоқ	ютмоқ, ғолиб бўлмоқ
back	қайтмоқ	чақириб олмоқ	–	–
down	тушмоқ (нархни)	йиқитмоқ, уриб туширмоқ	йиқитмоқ (шамол ҳақида)	енгиб ўтмоқ
for	тарафдор бўлмоқ	–	–	–
in	(уйда, ичкарида) бўлмоқ	киритмоқ	эсиб синдирмоқ, (тўсатдан) пайдо бўлмоқ	тушунарли бўлмоқ
into	–	–	–	–
off	кетмоқ, йўқ бўлмоқ	кутқармоқ, яқунламоқ	учириб кетмоқ, шамол урмоқ	бош тортмоқ
on	келиб чиқмоқ, давом этмоқ	келтириб чиқармоқ, чақирмоқ	–	алоқаси/ тегишли бўлмоқ
out	(уйда) йўқ бўлмоқ	аниқламоқ, четга олмоқ, ечмоқ	эсиб ўчирмоқ	тасдиқламоқ
over	тугамоқ	узатмоқ, қолдирмоқ, отмоқ	тинмоқ, ўтиб кетмоқ	–
through	тугатмоқ	(–)дан олиб ўтмоқ	–	–
under	–	бўйсундирмоқ	–	–
up	тугатмоқ	тепага олиб чиқмоқ, суғуриб ташламоқ	алангалатмоқ, портлатмоқ	қўллаш, (чидамоқ)
with	–	–	–	кўникмоқ

	beat урмоқ	break синдирмоқ	call чақирмоқ	carry кўтариб юрмоқ
away	–	қочиб қутулмоқ, тугатмоқ/рад этмоқ	чақириб олмоқ	олиб кетмоқ, берилмоқ
back	уриб қайтармоқ, акслантирмоқ	–	жавоб бермоқ, қайта қўнғироқ қилмоқ	ёдга солмоқ

down	уриб кетмоқ	син(дир)моқ, қуламоқ	тергамоқ, лаънат ёғдирмоқ	сингдирмоқ (урф- одатларни)
for	—	—	талаб қилмоқ	—
in	босиб ўтмоқ, синдирмоқ	отилиб кирмоқ	орқага талаб қилмоқ, таклиф этмоқ	—
into	киритмоқ (уриб)	(дарсни) бўл- моқ,	амалга оширмоқ	—
off	ҳимояланмоқ, қайтариш	синдириб олмоқ, узиб олмоқ, (фотиҳани) бузмоқ	кейинга қолдирмоқ	олиб кетмоқ, ўғирламоқ, (вазиятдан) чиқмоқ
on	—	—	қўнғироқ қилмоқ, апелляцияга бермоқ	давом этмоқ, (ишни) олиб бормоқ
out	(оловни) ўчирмоқ, уриб туширмоқ, тушунтирмоқ	бошланмоқ, синдириб ташламоқ	(иш ташлашга, дуэлга) чақирмоқ, бақирмоқ	олиб чиқмоқ, бажармоқ (ишни охиригача)
over	—	—	йўқлама қилмоқ, (ёнига) чақирмоқ	олиб бориб қўймоқ
through	—	ёриб ўтмоқ	—	қўллаб- қувватламоқ, охиригача олиб бормоқ (ишни)
under	—	—	—	—
up	(тухумни) кўпиртирмоқ, урмоқ	(оилани) бузмоқ, бўлақларга бўлмоқ, тавсифламоқ	(армияга, тепага) чақирмоқ	қўрмоқ
with	—	—	—	—

	come келмоқ	сгу бақирмоқ, ундаш	cut кесмоқ	do қилмоқ, бажармоқ
away	кетмоқ, бўлиниб кетмоқ	ўкиниб ийғламоқ	кесиб олмоқ	тугатмоқ
back	қайтмоқ, ўзига келмоқ	—	қочмоқ	—
down	тушмоқ, тубанлашмоқ	танқид қилмоқ, қораламоқ	қисқартирмоқ, чопмоқ	алдаб кетмоқ

for	босқинчилик (хужум қилмоқ)	сўрамоқ, талаб этмоқ	–	ғамхўрлик қилмоқ, қараб турмоқ (ёш болага)
In	кирмоқ	–	аралашмоқ (бировнинг ишига)	ўлдирмоқ (кўчма маънода)
into	кирмоқ (лавозимга), қабул қилинмоқ	–	–	ўтказмоқ, мурожаат қилмоқ, эътиборини жалб қилмоқ
off	чиқмоқ, узоқлашмоқ	бош тортмоқ	кесиб ташламоқ, тўхтатмоқ (дарсни)	–
on	яқинлашмоқ, босиб олмоқ (оёқни)	–	–	–
out	чиқмоқ, (ўзини) кўрсатмоқ	(хамма эшитадиган даражада) эълон қилмоқ	кесиб олмоқ	олиб ташламоқ, тартибга солмоқ (уйни)
over	кўчиб ўтмоқ, эгалламоқ	–	сиқиб чиқармоқ	қайтадан қилмоқ, ёпмоқ
through	тушуниб етмоқ, тўғрилаб олмоқ (аралашиб кетган ишлардан чиқиб кетиш)	–	–	–
under	–	–	арзон сотмоқ	–
up	кўтарилмоқ	шон- шарафламоқ, кўкларга кўтармоқ	танқид қилмоқ	тартибга солмоқ, йиғиштирмоқ
with	–	–	–	чидамоқ, сабр қилмоқ

	braw тортмоқ, судрамоқ	drop кавламоқ, томчи оқмоқ, тушиб кетмоқ	fall тушмоқ, тўкилмоқ, пасаймоқ	get қўймоқ, қўлга киритмоқ
away	олиб кетмоқ, чалғитмоқ	бирин-кетин кетиш	тарк этмоқ, хиёнат қилмоқ	қутулиш (қийин аҳволдан)
back	–	тисланиш, қайтариш	тисланмоқ	қайтмоқ, ўрнига қўймоқ

down	туширмоқ, (ўзига иш) орттирмоқ	–	йиқилмоқ, мағлубиятга учрамоқ	тушмоқ, ечмоқ, олиб ташламоқ
for	–	–	–	(нимагадир) интилиш, (нимагадир) бориш
in	қисқартирмоқ, жалб этмоқ	кирмоқ	(имтиҳондан) йиқилмоқ, тушиб кетмоқ (ишларидан)	кириш
into	–	(ичкарига) назар ташламоқ	тарқалиб кетмоқ	кирмоқ, етиб келмоқ
off	чалғитмоқ, олиб ташламоқ	тарқалмоқ	кўчиб тушмоқ, кучсизланиш	тушиш, қочмоқ
on	тортмоқ	азобламоқ	хужум қилмоқ, ташланмоқ	улгурмоқ, эришмоқ,
out	чўзмоқ, узайтирмоқ	йўқолмоқ,	тўкилмоқ (сочи)	чиқиш, (ёмонлардан) нари юрмоқ
over	ўз томонига оғдирмоқ	–	қоқилиш, қизиқмоқ	енгиб ўтмоқ, ўтмоқ (нариги томонга)
through	–	йиқилиб тушмоқ	йиқилмоқ	уддаламоқ
under	–	–	дучор бўлмоқ	ўчирмоқ
up	тўхтамоқ, ўзини тўғриламоқ, тўпламоқ (армияни)	–	–	кўтарилмоқ
with	–	–	–	бирга бўлмоқ, хамроҳ бўлмоқ

	give бермоқ	go бормоқ	hold ушламоқ, эга бўлмоқ	keep ушламоқ, сақламоқ
away	совға бермоқ	кетмоқ	–	узоқда ушлаб туриш, сарфламоқ
back	қайтармоқ, тўламоқ	қайтиб келмоқ, тўламоқ (қайтармоқ)	тийиб турмоқ, ушлаб турмоқ	ушлаб турмоқ, бекитмоқ
down	–	тушмоқ, йўқотмоқ	ушлаб қолмоқ, тутиб қолмоқ	ушлаб турмоқ, босим ўтказмоқ
for	–	интилмоқ	–	–
in	ўрин бермоқ, рўйхатдан ўтказмоқ	кирмоқ, қатнашмоқ	тўхтатиб турмоқ	қўллаб- қувватламоқ, ушлаб турмоқ

into	–	–	–	–
off	ажратмоқ	қочмоқ, чиқмоқ	ушлаб турмоқ (маълум вақт)	яқинлаштирмаслик
on	–	давом этмоқ	ишни давом эттирмоқ, ушлаб турмоқ (чидамоқ)	давом этмоқ
out	тарқатмоқ, эълон қилмоқ	чиқмоқ, тугамоқ	Тортмоқ (ўзига)	ижозат этмаслик, эрк бермаслик
over	узатмоқ, отиб юбормоқ	ўтмоқ	қолдирмоқ (эртанги кунга)	–
through	–	–	–	–
under	ўзини тута олмаслик	чўкмоқ, ғарқ бўлмоқ, ўлмоқ	–	қаршилиқ кўрсатмоқ, тўсиқ қўймоқ
up	қолдирмоқ, рад қилмоқ	кўтарилмоқ, ўсмоқ (ишдан)	тўхтатмоқ, кўрсатмоқ	қўллаб- қувватламоқ,
with	–	–	кўнмоқ, келишмоқ	–

	knock тақиллатмоқ, урмоқ	lay қўймоқ, ётқизмоқ	let ижозат этмоқ, эрк бермоқ	look қарамоқ, боқмоқ
away	–	сақлаб қўймоқ	–	–
back	қимматга тушади	–	–	эсламоқ, хотирлаш
down	йиқитмоқ	ётқизмоқ	кўнгли қолмоқ, туширмоқ	тепадан қараш, гердаймоқ
for	–	тузмоқ, яратмоқ	–	қидирмоқ, умид қилмоқ
in	уриб киритмоқ (мих)	захирага қўймоқ	киритмоқ, чиқиб кетмоқ (вазиятдан), рухсат бермоқ, дучор бўлмоқ	қараш (ичига)
into	–	–	бағишламоқ, койимоқ	–
off	қоқмоқ (силкитмоқ)	ечмоқ, олмоқ, (кейинги) кунга қолдирмоқ	кечирмоқ, вазиятни юмшатмоқ	–
on	–	тўхтатмоқ	кўрсатиш (касал қилиб), чақиш (сирни айтиш)	кузатиш (бемор ахволини)
out	чиқариб ташламоқ	ўлдирмоқ, йиқитиш	чиқариш, оғзидан чиқариб юбориш, оқланиш	(ташқарига) қарамоқ, эҳтиёт бўл

over	эришмоқ (осонликча)	овозини кўтармоқ, ёпмоқ	–	(газетани) кўриб чиқмоқ, кечирмоқ
through	–	–	қабул қилмоқ	кўриб чиқмоқ (сотиб олинадиган нарсани)
under	таслим бўлмоқ	–	–	–
up	кўтармоқ, кўтариб ташламоқ	кейинги (кунга) қолдирмоқ	кучсизланиш, тўхтамоқ	тепага қараш
with	–	–	–	кўз ташламоқ, қараб қўймоқ

	make қилмоқ, амалга оширмоқ	pass ўтмоқ, ўтказмоқ, чидамоқ	pay тўламоқ, мукофотламоқ	put қўймоқ, ётқизмоқ
away	қутулмоқ, ажралмоқ	йўқолмоқ, ўлмоқ	қайтармоқ	бекитмоқ, бекитиб қўймоқ
back	қайтмоқ	–	қайтармоқ	ўрнига қўймоқ, эътибор бермаслик, назарга илмаслик
down	–	қолдирмоқ (мерос)	тўламоқ (қисман)	туширмоқ, ёзиб олмоқ
for	ёрдам бермоқ, ҳисса қўшмоқ	ҳисоблашмоқ	(харажатни) қопламоқ	–
in	–	ўлмоқ	–	киритмоқ
into	–	айланмоқ (бирон нарсга)	–	–
off	қочмоқ, қочиб кетмоқ	ўтиб кетмоқ	тўламоқ, ҳисоб- китоб қилмоқ	(кейинга) қолдириш
on	–	ўтмоқ	–	киймоқ, ошириб юбормоқ
out	тушунмоқ, эпламоқ	ўтиб олмоқ	тўлаб бўлмоқ	ҳайдаб юбормоқ, кетқизмоқ
over	бериб юбормоқ, қурбонлик қилмоқ	кўриб чиқмоқ	–	қайта тўғриланмоқ, натижага эришиш
through	–	кесиб ўтмоқ	–	бажармоқ, тугатмоқ
under	–	–	–	–
up	тўлатмоқ, товон ундириш, (зарарини) қопламоқ	рад қилмоқ	ўз вақтида тўлаб бўлмоқ	кўтармоқ, осиб қўймоқ
with	–	–	–	–

	run югурмоқ, ҳаракатланмоқ	set қўймоқ, жойлаштирмоқ	sit ўтирмоқ, ўтқазмоқ	stand турмоқ
away	қочмоқ, олиб кетмоқ	–	–	–
back	изидан юриш, кузатиб туриш	ушлаб турмоқ, тўсиқ бўлмоқ	олдинга сурмоқ, улоқтирмоқ, олиб ташламоқ	чекинмоқ
down	қочиб кетмоқ	ташламоқ, қолдирмоқ (маълум муддатга)	ўтирмоқ	чекинмоқ
for	номзодини қўймоқ	–	–	қўллаб-қувватламоқ
in	ташриф буюрмоқ	бошланмоқ, (кириб) келмоқ	қараб турмоқ, кузатиб турмоқ	–
into	тушмоқ (ичига)	–	–	–
off	қочмоқ	қарши қўймоқ (бирон нарсага), белгиламоқ	–	(маълум) масофада турмоқ, четда турмоқ
on	тортмоқ	заҳарламоқ, қарши қўймоқ	комиссия аъзоси бўлиш, муҳокама қилмоқ	-га боғлиқ
out	чарчаш, кучдан қолмоқ, ҳолдан тоймоқ	кўргазмага қўймоқ, намойиш қилиш	охиригача ўтирмоқ	аралмоқ
over	ошиб кетмоқ (чегарадан)	бошига қўйиш	–	қолдирилмоқ
through	йўл очмоқ, ўтқазмоқ	–	бардош бермоқ, чидамоқ	–
under	–	–	–	–
up	кўпайтирмоқ, катталашмоқ	асосламоқ, (бино) қурмоқ	кўтарилмоқ (бир оз)	турмоқ (ўрнидан)
with	–	–	–	–

	take олмоқ, эга бўлмоқ	turn бураш, айлантирмоқ	walk кетмоқ, бормоқ, юрмоқ	work ишламоқ, шуғулланмоқ
away	олиб ташламоқ, олиб кетмоқ	юз ўгирмоқ	кетмоқ	ишни давом эттирмоқ
back	қайтармоқ	қайтмоқ, қувмоқ, ҳайдаб юбормоқ	-ни рад қилмоқ	–
down	ечмоқ, бузмоқ	рад этиш	–	–

for	қабул қилмоқ (кимдир деб)	–	–	-ға интилмоқ
in	меҳмон кутиб олмоқ, -дир бўлмоқ	бериш, топширмоқ (имтиҳон)	кирмоқ	англаб етиш, мағзини чақиш
into	–	айлантирмоқ	–	–
off	олиб ташламоқ, ечмоқ, барбод қилмоқ	ўчирмоқ	кетмоқ, олиб кетмоқ	қайта қилиш, узоқлашмоқ, ажралмоқ
on	кўл уриш, муваффақиятга зришиш	очмоқ	давом эттирмоқ	оғдирмоқ
out	чиқармоқ	кувмоқ, қувиб юбормоқ, бўшатмоқ (қамоқдан)	чиқмоқ	ечиш, ишлаб чиқиш
over	-ға қабул қилиниш, аъзо бўлиш	туртиб юбормоқ	сакраб ўтмоқ (хатлаб ўтмоқ)	(нормадан кўп) ишлаш
through	амалга оширмоқ	–	–	масалани ечиш
under	–	–	–	–
up	муҳокама қилиш, шуғулланмоқ	кўтармоқ	(яқин) келмоқ	ишлаб чиқиш
with	–	–	–	–

◆ феъл = феъл + ибора

be in bed	ухлаб ётган бўлмоқ
be in trouble	қийинчиликка дуч келмоқ
be on the phone	телефонда гаплашмоқ
call on smb.	кимникигадир ташриф буюрмоқ
do one's hair	сочни турмакламоқ
do smb. credit	кимнингдир обрўсини оширмоқ
drop smoking	чекишни ташламоқ
fall in love	севиб қолмоқ
go for a ride	(автомобилда) айланиб келмоқ
go for a walk	сайрга чиқмоқ
in years	қаримоқ

VII. Сифатдан от ясалиши

abstract	мавҳумлик, мавҳум
constant	доимий (катталиқ), доимий
food	озик-овқат, озиқ-овқатга оид

forest	ўрмон, ўрмонга оид
goods	буюм, товар; буюм/товарга оид
hand	қўл, қўлда қилинган
head	бош, бошга киядиган
mass	омма, оммавий
moral	одоб, ахлоқ; одоб/ахлоққа оид, ахлоқли, хушахлоқ
secret	сир, сирли
sore	яра, касалманд
still	тинчлик, тинч
straw	сомон, сомондан қилинган
top	чўққи, юқори
welcome	саломлашиш, исталган

VIII. Сўз ясовчи суффикслар

◆ Суффикслар жадвали

Қўшимча турлари	Суффикслар	Мисоллар	
I. От суффикслари, улар қуйидагиларни ифодалайди: <i>1. Мавҳум тушунчаларни, иш-ҳаракат жараёни ёки натижасини</i>	1) ion, tion, sion	construction	– қурилма
	2) ance, ence	distance	– масофа
	3) ure	culture	– маданият
	4) ship	relationship	– муносабат
	5) dom	freedom	– озодлик
	6) ty, ity	safety	– хавфсизлик
	7) ment	measurement	– ўлчов
	8) ness	usefulness	– фойдалилик
	9) th	length	– узунлик
	10) ism	automatism	– автоматизм
	11) ocracy	democracy	– демократия
	12) age	sausage	– колбаса, қази
	13) hood	childhood	– болалик
	14) ery, ary (шунингдек, сифат суффикслар ҳамдир)	secretary (амер)	– идора
	15) ing	meeting	– мажлис, йиғин
2. Иш-ҳаракат бажарувчини	1) er, or	lecturer	– маърузачи
	2) ant, ent	assistant	– ёрдамчи
	3) ist	physicist	– физик
	4) ian	mathematician	– математик
3. Кичрайтиришни, эркалашни	1) y	daddy	– дадажон
	2) ie	auntie	– хола/аммажон
	3) ock	hillock	– кичкина тепалик
	4) el	cockerel	– хўрозча
	5) let	ringlet	– узукча
	6) ling	duckling	– ўрдакча
	7) ette	pianette	– кичкина пианино

II. Сифат суффикслари, улар қуйидагиларни ифодалайди: 1. Белги ёки сифатнинг мавжудлигини	1) able, ible	variable	– ўзгарувчан
	2) al	mathematical	– математик
	3) ic	harmonic	– уйғун
	4) ful	helpful	– фойдали
	5) ous	previous	– олдинги
	6) ive	active	– фаол
	7) ite	favourite	– севимли
	8) y	sunny	– кўшли
	9) ly	friendly	– дўстона
	10) ing	pleasing	– ёқимли
	11) ish	foolish	– аҳмоқона
	12) ant,ent	apparent	– равшан
	13) ory	advisory	– маслаҳатгўй
	14) some	handsome	– кўркем
2. Сифатнинг йўқлигини	less	shapeless	– шаклсиз
III. Феъл суффикслари	1) ate	illustrate	– тасвирламоқ
	2) ize (ise)	generalize	– умумлаштирмоқ
	3) en	shorten	– қисқар(тир)моқ
	4) ify	simplify	– содалаштирмоқ
	5) er	wander	– кезмоқ, тентирамоқ
IV. Феъл ва от суффикслари	dle (tle)	handle	– тутмоқ, даста
V. Равиш суффикслари	1) ly	easily	– осон
	2) ward(s)	forward(s)	– олдинга
	3) wise	clockwise	– соат миля бўйича
	4) long	headlong	– бош билан олдинга

◆ Сўз суффикслари иштирокидаги сўзлар рўйхати

A. От суффикслари

1. Мавҳум тушунчалар, иш-ҳаракат жараёни ёки натижаси:

1) -lon, -tion, -sion

addition	– қўшиш
admission	– рухсат
collaboration	– ҳамкорлик
combination	– комбинация
composition	– композиция
conception	– концепция, нуқтаи назар, тушунча
condition	– шароит
congratulation	– табрик
decision	– қарор
declaration	– декларация, эълон
definition	– таъриф, тавсиф

dictation	– диктант
direction	– йўналиш
division	– айириш
examination	– имтиҳон
explanation	– тушунтириш
expression	– ифода
impression	– таассурот
infection	– инфекция
information	– ахборот
inspection	– текширув
invention	– кашфиёт
multiplication	– кўпайтириш
opinion	– фикр
opposition	– оппозиция, қарама-қаршилик
position	– ҳолат
revision	– ревизия, тафтиш
situation	– вазият
suggestion	– таклиф
vacation	– таътил

2) -ance, -ence

absence	– йўқ бўлиш, қатнашмаслик
assistance	– ёрдам, кўмак
attendance	– давомат
correspondence	– мувофиқлик
dependence	– тобелик, қарамлик
difference	– фарқ
evidence	– исбот
ignorance	– саводсизлик, менсимаслик
impatience	– сабрсизлик
importance	– зарурият, муҳимлик
influence	– таъсир
intelligence	– ақл, зиёлилик
interference	– аралашув
presence	– бор бўлиш, қатнашиш
substance	– моҳият

3) -ure

creature	– мавжудот
culture	– маданият
curvature	– эгрилик, қийшиқлик
furniture	– мебель
judicature	– суд тизими тузилиши
literature	– адабиёт
measure	– ўлчов, ҳажм
pleasure	– лаззат

pressure	– босим
sculpture	– җайкал
structure	– қурилма, таркиб
temperature	– җарорат

4) -ship

apprenticeship	– шогирдлик
authorship	– муаллифлик
chairmanship	– раис вазифалари
craftsmanship	– җунармандчилик
dictatorship	– диктатура
directorship	– директорлик, рахбарлик
friendship	– дўстлик
hardship	– мухтожлик, қийинчилик
justiceship	– җакам мансаби, даражаси
mastership	– усталик, маҳорат
membership	– аъзолик
neighbourship	– қўшничилик, маҳалла
ownership	– эгалик, мулк
scholarship	– ақл-заковат, стипендия

5) -dom

anglo-saxondom	– англо-сакслар
devildom	– шайтонлик, шайтон кучи
dukedom	– герцоглик
freedom	– озодлик
heirdom	– ворислик, меросхўрлик
kingdom	– қироллик
officialdom	– амалдорлар, расмиятчилик
wisdom	– донолик

6) -ty, (-ity), -y

ability	– қобилият
acidity	– кислота миқдори
activity	– фаолият
certainty	– ишонч
difficulty	– қийинчилик
majority	– кўпчилик
necessity	– зарурият, кераклик
safety	– хавфсизлик
unity	– бирлик, бирдамлик
variety	– турли-туманлик

7) -ment

advertisement	– реклама, эълон
amusement	– эрмак, овунчоқ
announcement	– эълон

appointment	– иш бўйича учрашув
argument	– даъво, баҳс
arrangement	– келишув
astonishment	– ҳайрат
encouragement	– далда бериш, руҳни кўтариш
entertainment	– қабул маросими, кўнгил очиш
equipment	– асбоб-ускуна, жиҳоз
improvement	– яхшиланиш
measurement	– ўлчов
punishment	– жазо
settlement	– тўғрилаш, ҳал қилиш

8) -ness

blackness	– қоралик
business	– иш
cleanness	– тозаллик
darkness	– қоронғи
greatness	– улуғлик
greediness	– хасислик
happiness	– бахт
hardness	– қаттиқлик
harshness	– қўполлик
hopefulness	– умидлилиқ
illness	– касаллик
laziness	– дангасалиқ
likeness	– ўхшашлик
quickness	– тезлик, чаққонлик
redness	– қизиллик

9) -th

dearth	– етишмовчилик
depth	– чуқурлик
length	– узунлик
spilth	– тўкилган нарса
strength	– куч
warmth	– илиқлик
width	– кенглик

10) -ism

automatism	– автоматизм
capitalism	– капитализм
criticism	– танқид
defeatism	– мағлубият
departmentalism	– бюрократизм, қоғозбозлик
despotism	– деспотизм, истибдод
determinism	– детерминизм

diabolism	– шайтонга сиғиниш
didacticism	– дидактизм, насиҳатгўйлик
fascism	– фашизм
materialism	– материализм
organism	– организм, вужуд
socialism	– социализм

11) -ocracy

aristocracy	– оқсуяқлар
autocracy	– яккаҳоқимлик
democracy	– демократия
technocracy	– технократия, техника устунлиги

12) -age

baggage	– багаж, юк
luggage	– юк
marriage	– никоҳ, уйланиш
massage	– уқалаш, массаж
message	– хабар
passage	– ўтиш
postage	– почта харажатлари
sausage	– сосиска
sewerage	– канализация
shortage	– етишмовчилик, камчилик
village	– қишлоқ

13) -hood

boyhood	– ўспиринлик
childhood	– болалик
falsehood	– ёлғон, алдов
fatherhood	– оталик
hardihood	– шаддодлик, сурбетлик
likelihood	– эҳтимоллик
motherhood	– оналик
neighbourhood	– қўшничилик, маҳалла
priesthood	– руҳонийлар, диндорлар
queenhood	– қиролича мавқеи

14) -ery, -ary

bakery	– новвойхона
dictionary	– луғат
fishery	– балиқчилик
functionary	– мансабдор, расмий
scenery	– манзара, сценарий
secretary	– котиб
slavery	– қулчилик
stationary	– ўзгармас, доимий, мустаҳкамланган

15) -ing

building	– бино, қурилиш
dwelling	– тураржой, бошпана
living	– ҳаёт, ҳаёт тарзи
meeting	– митинг, йиғилиш, мажлис, учрашув
painting	– рассомчилик, сурат
patenting	– патентлаш
pricking	– қиздириш
printing	– босма маҳсулот
reading	– ўқиш
sitting	– мажлис, кенгаш
swimming	– сузиш
waiting	– кутиш
working	– ишлаш, амалиёт

2. Иш-ҳаракатни бажарувчи шахс, асбоб

1) -er, -or

actor	– актёр
adventurer	– саргузаштлар ишқибози
baker	– новвой
butcher	– қассоб, қотил
cleaner	– чангютгич
cooker	– ошпаз
cooler	– музлатгич
drawer	– яшиқ, тортма
driver	– ҳайдовчи
footballer	– футболчи
hammerer	– босқончи, темирчи
